

ЭШОНҚУЛОВ ҲУСНИДДИН ПРИМОВИЧ

**ТАСАВВУФ ВА БАДИИЙ ИЖОД ФАНИДАН МАЪРУЗА
МАТНЛАРИ**

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-Мавзу: Тасаввуф истилоҳи, моҳияти, вужудга келиш ўрни ва даври (маъруза-2 соат)

Режа:

1. “Тасаввуф” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари.
2. Тасаввуфга берилган таърифлар ва уларнинг ўзаро уйғун жиҳатлари.
3. Тасаввуфнинг вужудга келиши тарихи ва унинг “ватани” хусусидаги қарашлар

Адабиётлар:

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: «Истиқлол», 1999.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000

«Тасаввуф» сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари. Мумтоз адабий асарлар билан танишиш жараёнида шунга амин бўламизки, тасаввуф таълимоти мусулмон минтақа мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди ҳамда фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шунинг назарда тутиб, атоқли олим Е.Э.Бертельс ўтган асрнинг бошидаёқ қайд этган эди: *«Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас...бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин».* (Бертельс Е.Э. Суфийизм и суфийская литература. М., «Наука», 1965, 54-бет)

Ҳазрат Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийга бағишланган «Ҳамсатул-мутахаййирин», китобида эса суюкли дўсти ва меҳрибон устозининг фалсафий қарашларини кўрсатиб бундай деб ёзади: *«Яна бир тасаввуф масоили истилоҳотин андоқ такмил қилдиларким, ўтган машойих ва авдиёulloҳнинг расоил ва қутбидинким ғоятий ийҳомдин ул Шариф илмнинг идрокидин кўпроқ толиби номуродлар маҳрум, балки орий эрдилар -ул илмни ўз рисола ва китобларида ҳўброқ алфоз ва адо била ул навъ таснифлар қилдиларким, кўпроқ фақирлар анинг мутолаасидин ҳазз топиб баҳраманд бўлурлар».*

Ушбу иқтибоснинг ҳозирги ўзбек тилимизга тадбили:

«Тасаввуф масалалари, атамаларини шундай мукаммал қилдилар, ўтган шайхлар ва авлиёларнинг хатлари ва китобларини, уларнинг ғоят тушунилиши оғир экани туфайли кўп ўқувчилар ундан баҳрасиз қолар эдилар, бу илмни ўз рисола ва китобларида яхши сўзлар билан бирма - бир ажратиб бердилар, кўп бечоралар уни ўқиб, баҳра топдилар».

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу фикрлари ниҳоятда кенг маънога эга. Жумладан, у тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиё, Эрон замин, Ҳинд диёрларида кенг ёйилганлиги ва ижтимоий тафаккур тарихида бош ўрин тутганлигидан дарак беради.

Филологая фанлари доктори И. Ҳаққулов тасаввуфнинг кўп қиррали таълимот эканлиги хусусида фикр юрита туриб шундай ёзади: *«Рус олими И.М.Петрушевскийнинг қайд қилишича, инглиз шарқшунос Р.Николсон X асргача бўлган ёзма манбалардан тасаввуф, яъни сўфизм тушунчасининг 78 маънодаги талқинини аниқлаган экан».* Тасаввуф

сўзининг луғавий маъноси хусусида ҳам бир неча қарашлар мавжуд. Тадқиқотчилар уни қуйидагича шарҳлайдилар:

*Арабча **«суф»**дан келиб чиққан бўлиб, юнг (мато —хирқа деган маънони билдиради. Бу ҳақда «Ғиёсул луғот»да шундай ёзилган: «Сўфий-хирқапўшдир, зероки, юнг суф дейилади; фуқаронинг истилоҳида ўз дилига нигоҳ қаратган, хаёлини Ҳақдан бошқа барча нарсадан поклаган киши сўфий деб аталади».

*Юнон тилидаги **«сафос»**- донишманд сўзидан олинган.

*А.А.Кримский ёзади: *«Сўфий VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб тадбиқ этила бошлаган ва у асосан комил эътиқодли мусулмон дарвишларга нисбатан қўлланилган.*

*Сўфий сўзи этимологик моҳиятидан маҳрум, деб қаралади ва «суф»нинг ҳар бир ҳарфига қуйидагича изоҳ берилади: «С» - *садоқат, сиёнат, салоҳ - чақириқ, мурожаат; «В» - васл, ваяд, (шавқу завқ ҳолати; ҳаяжон), вафо: «ф»-фараҳ, фатаҳа, даража.*

*Абу Райҳон Беруний ёзади: *«Одамлар «сўфий» сўзида тортишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни «суф», яъни «жун» сўзидан олинган деб гумон қиладилар. Мен сўфий сўзини «софин», яъни соф, содда йигитдан бошқа нарса деб билмайман. Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб, «сўфий» лафзига айланиб кетган. Ниҳоят бу сўз бизга маълум сўфийларга лақаб бўлган. (Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. Тошкент, 1973, 41- 42-бетлар).*

*Тасаввуфдаги суҳравардия тариқатининг асосчиси Шаҳобиддин Абулҳафз Умар ибн Муҳаммад Суҳравардий (1114—1234) «Аворифул - маориф» номли асарида қайд этишича, «сўфий» — туркча сўз. Суҳравардий ёзади: *«...«сўфий» «Қуръон»да йўқ ва бу сўз туркийдир. Исломи мамлакатларининг иккала қисмида ҳам — Шарқдагидек Ғарбда ҳам бу сўздан беҳабар бўлишган». Суҳравардий «сўфий» маъносини шарҳламаган. Озар олими А.Қ.Алиев «Суҳравардия тариқати тўғрисида қайдлар» номли мақоласида шу муаммо ҳақида ёзади : «Суф» «сув» сўзидан яралган».*

*Алишер Навоийнинг замондоши, дўст ва мухлиси Ҳусайн воиз Кошифий «Футтувватномаи султоний» рисоласида «сўфий» «сўзининг ҳар бир ҳарфига қуйидагича изоҳ беради: «С - кўнғил хилватхонасини омон сақлаш, яъни кўнғил розидан фақат дўст (Аллоҳ) огоҳ бўлсин. Ў - сирнинг муҳофазаси, яъни ўз сирини шундай сақласинки, шайтоннинг зоратгар қўли унга етмасин. Бу мартабадан мақсад ихлосдир. Ф – файз олмоқ ва файз етказмоқ, яъни маърифатда ўзидан афзал кишилардан баҳра олмоқ ва ўзидан ноқис кишиларга бу маърифатни етказмоқ: улуглардан баҳрамандлик ва ноқисларга фойда етказиш...Ва, ниҳоят, Й - яқин, яъни шаксиз ишонч - эътиқодга эришиш» (20). «Ахлоқи Муҳсиния», «Анвори Суҳайлий», «Рисолан Ҳотамия», «Лавомеъ ул-қамар», «Лубби лубоби Маснавий», «Маҳбуб ул-зуҳал», «Бадоеъ ул-афкор фи-саноеъ ул-ашъор»,«Тафсири Ҳусайний», «Жавоҳирут —тафсир» каби нодир китоблар муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифий «тасаввуф» сўзининг исломдан олдинги замонда ҳам бўлганлиги хусусида хабар беради. «Унсул сўфия» китоби маълумотларига таянган олим *биринчи бўлиб «сўфий» деган номни олган инсон Одам ато фарзандларидан бири - Шис эди»,— дейди . Унинг кийимлари яшил суфдан бўлиб, Шисдан кейин яшил жун матодан кийим кийиб юрувчиларни «сўфий» деб атаганлар. Ўзини сўфийлар тоифасига мансуб деб билганлар тасаввуф аҳли дейилган.*

«Сўфий» сўзининг келиб чиқиши, луғавий маъноси ҳақида яна бошқа хил фикрлар ҳам бор. Кўпчилик олимларнинг хулосасига кўра, юқорида қайд қилинган биринчи ва охириги этимологик маъно ҳақиқатга яқиндир.

Тасаввуфга берилган таърифлар ва уларнинг уйғун жиҳатлари.Тарих саҳифаларини варақласак тасаввуф борасида кўплаб таърифлар айтилганига гувоҳ бўламиз. Бу таърифлардан умумий хулоса чиқариб олиш учун уларнинг энг муҳимларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маъруф Кархий (200х – 816м.йилда вафот этган): *«Тасаввуф ҳақиқатларни қабул этмоқ, инсонларнинг қўлларидаги нарсаларга кўнғил боғламасликдир».*

Сирри Сақотий (251х – 865м. йилда вафот этган): *«Тасаввуф уч маънони ўз ичига олган атамадир: а) маърифатнинг нури вараънинг нўрини сўндирмайди; б) ботин илмига*

оид бирор сўзни китоб ва суннатга қарши ишлатмайди; в) кароматларни, сирларни, Аллоҳ билан ўзининг орасидаги хос сирларни элга билдирмайди.

Жунайд Боғдодий (298х – 910м.йилда вафот этган): «Тасаввуф сендаги «сен»ни ўлдирishi ва сени Ўзининг наздида қайта тирилтиришидир».

Абу Амр Исмоил ибн Нужайд (366х – 976м.йилда вафот этган): «Тасаввуф амр ва наҳй устида сабр қилмоқдир».

Абул Ҳавс ал Ҳаддод (270х – 883м.йилда вафот этган): «Тасаввуф батамом одобдан иборатдир».

Абул Хусай Нурий (295х – 907м. йилда вафот этган): «Тасаввуф нафснинг барча истакларини ва завқларини тарк этмоқдир».

Имом Ғаззолий (505х – 1111м. йилда вафот этган): «Тасаввуф қалбни фақатгина Аллоҳга йўналтириб, мосиво – Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан буткул алоқани ўзишидир».

Ибн Ҳолдун (808х – 1405м.йилда вафот этган): «Тасаввуф ибодатда астойдил давом этмоқ, Аллоҳга йўналмоқ, дунёнинг безак ва ёлгончилигидан юз ўгирмоқ, кўпчилик эътибор берадиган завқ, мол-дунё ва шон-шўҳратдан ҳам юз ўгириши, ибодат учун халқдан айрилиб, хилватга киришидир».

Абдулбори Надвий: «Тасаввуф руҳни баданий фонийликлардан поклаб, беаши ва ботиний сифатларида Жаноби Пайгамбаримизга эргашишни ўргатувчи илмдир».

Абдулҳаким Арвосий: «Тасаввуф шариатнинг ботинидир».

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси улуғ мутасаввиф шоир Алишер Навоий ғазалларидан бирида тасаввуфни хилофу ихтилофи бўлмаган, риё ва манманлик даъвою таъмани инкор этадиган бир улуғ таълимот, у инсон зийнати, тийнати покловчи оби ҳаётдир, дея таърифлайди:

*Бировга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки, зотига мавжуд эмасдур тахаллуф.
Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.
Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат
Ки, анда риё йўл топур бетаваққуф.
Эрур маҳз тақвою, лекин риёсиз,
Убудияти сирфу айни талаттуф.
Не эл қавлу феълига андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйига андин тасарруф.
Ўзин ўйла беихтиёр айлабонким,
Не қолуб тараддуд анга, не таассуф.
Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, мун бил тариқи тасаввуф.*

Тахаллуф – хилофлик кўрсатиши, ихтилоф, номувофиқлик, тўғри келмаслик, истилоҳот – атамалар, терминлар; такаллуф – 1. Ўзини қулфатга солиш, ўзини қийнаш...2. ҳашамат, безак; бетаваққуф – тўхтамаслик; маҳз – холис, соф, нуқул; фақат, фақатгина ёлғиз, убудият – бандалик, қуллик, сирф – зулм, ҳақсизлик, жабр, жафо, сиқилиш; талаттуф – лутф ва юмшоқлик билан муомала қилиш, эркалаш; қавл - сўз, гап; таадди – зулм қилиш, тажовуз қилиш, ҳаддан ошиш; наҳйи - ман этиш, қайтариш, таъқиқлаш; тасарруф – ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш; тараддуд – бирор масалада бирор қарорга кела олмай туриш, иккиланиш; таассуф – ачиниш, афсусланиш, куйиниш.

Кўриниб турибдики, ҳар бир олим тасаввуфни ўз дунёқарашига мувофиқ тарзда таърифлаган. Бу табиий. Негаки, тасаввуф ҳар бир сўфийнинг ички оламидаги руҳий жараён бўлиб, ёлғиз яшаш тарзи ва ҳиссиётига тааллуқли фардий бир соҳадир. Шу боис ҳар бир сўфий ўзининг ҳол ва мақомига кўра тасаввуфнинг маълум жихатини баён этганки, бир сўфийнинг тасаввуф ҳақидаги таърифи бошқасиникидан фарқли бўлиши табиийдир.

Таърифларнинг фарқли бўлиши, сўфийларнинг маънавий мартабалари, табиати-машрабидаги фарқлар туфайли ҳам юзага келган. Сиртдан бир-биридан фарқли кўрилган бу

таърифлар диққат билан текширилса, ҳар бири тасаввуфни тўғри изоҳлаганлиги ва бу таърифларнинг муштараклиги равшан кўринади. Мазкур таърифлардаги умумий муштарак хусусиятлар қўйидагилардир:

- а) дунёдан юз ўгириб, қалбни Аллоҳга йўналтириш;
- б) куръон ва суннат кўрсатган йўлда астойдил ибодат қилиб, руҳиятни софлаш;
- в) ибодат, зикр, тафаккур, риёзат ва мужоҳада орқали нафснинг орзуларини назорат

остиға олиш;

- г) Ҳақиқат билимини қўлга киритиб, Аллоҳга етишмоқ учун ғайрат кўрсатиш.

Бир илм йўналиши сифатида умумий таърифлаганда: «Тасаввуф инсон қалбидаги ёмон сифатлардан халос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалбдаги эзгу сифатлар ва уларни қўлга киритиш йўллари кўрсатувчи, маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш комил инсон мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят, тавҳид сирларини баён этувчи бир илмдир», - дейишимиз мумкин.

Тасаввуфнинг вужудга келиши тарихи ва унинг «ватани» хусусидаги қарашлар.

Тасаввуфнинг вужудга келиш тарихи хусусида таниқли олим Н.Комиловнинг «Тасаввуф» (Тошкент: «Ёзувчи», 1996, 5-6-бетлар) кўйидаги маълумотлар келтирилади: «Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бўлган бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёзди. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон замонида бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тўхфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия халифалиги даврига келиб эса сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-қумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат йўлини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишини ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ кўрашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса қаноат ва зуҳдни («зуҳд» сўзидан «зоҳид» сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик гоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шугулланганлар.

Куфа, Богдад, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиши керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, каби йирик сўфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун бу зотларнинг номи шайхлар ва улуғ кишилар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни сўфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам».

Тасаввуф калимаси каби тасаввуф жараёнининг каердан пайдо бўлгани ҳақида ҳам турли фикрлар айтилган. Айниқса, шарқшунослар кўпинча “Тасаввуф Исломдан ташқаридаги таълимот” деган ғояни илгари сўрганлар. Шарқшуносларнинг бундай қарашлари бир неча нуктада кўзга ташланади:

а) Эрондан келиб чиққанлиги ҳақидаги даъво: араблар фалсафий тафаккур жихатидан қобилиятсиз, бетараф бўлсалар, эронликлар бу бобда қобилиятли бўлганликлари боис, нозик тафаккур тарзи билан тасаввуф арабларга Эрон таъсири орқали ўтган деган даъвони илк бор Комте де Гобинью “Эрон тарихи” номли асарида ўртага ташлаган. Кейинчалик бу фикр Броун томонидан маъқулланган, Олмонияда Хортан, Делитш, Франсияда Эдгард Блохет ва Э. Ренан каби шарқшунослар томонидан асло танқидга учрамаган ҳолда қўллаб-қувватланган. Ҳолбуки, аксинча, тасаввуф Эронга араб миллатига мансуб илк мутасаввуф ва суфийлар орқали кирган.¹

б) Ҳинддин келиб чиққанлиги ҳақидаги даъво: машҳур туркий олим Абу Райҳон Беруний (973-Ю51)нинг “Таҳқику ма лил ҳинд” асарида ҳинд фалсафасининг Исломга

таъсири ҳақида маълумот бор. Масалан, Пантанжали деган бутпарастлик фалсафасининг Ислом мутасаввифларидан Боязид Бастомий, Мансур Ҳаллож ва Маҳмуд Ша-бустарийга таъсир қилганлиги айtilган. Бироқ бу даъво, ўта шубҳалидир. Чунки Патанжали фалсафасининг бу зотлардан кейин юзага чиққанлиги тарихдан маълум. Қолаверса, бу фалсафа Исломга тамоман зид. Зеро, Ислом “борлик” (вужуд) фикрини қабул этиб, “йуқлик” фикрини рад этади. Исломда дунёга кўнгил қўймаслик мутлақ борлик бўлмиш Аллоҳга яқинлашмоқ учун қилинади. Айрича, Ислом Ҳиндистонга жангу жадал билан эмас, мутасаввифлар, кубравия, нақшбандия, шаттория, равшания ва нурбахшия тариқатлари воситасида кириб борган.² Никольсон, Блохет, Дози ва Ван Кремер каби шарқшунослар тасаввуфнинг келиб чиқишини ҳиндга боғлайдилар. Тасаввуфдаги “фано” билан бутпарастликдаги “нирвана” назариялари ва илк суфийлардан Иброҳим ибн Адҳам билан Будда ҳикоялари орасидаги ўхшашлик мазкур иддаоларнинг асосий далиллари дир. Л.Массигнон, Л.Гардет ва Анавати каби олимлар тасаввуфдаги зикр услублари ҳинд таъсирида юзага келган дейдилар.³

в) Янги Афлотунчиликдан келиб чиққанлиги ҳақидаги даъво: Янги афлотунчилик ҳинд мистиқизмидан ва Орфеос динидан таъсирланиб шаклланган. Орфеос дини эса шарқ динлари таъсирига учраган. Янги афлотунчилик асосчиси Плотинус, Афлотун фалсафаси билан шарқ фалсафасини бирлаштирган. Шу боис бу фалсафа ҳам ғарбликларнинг ҳамда шарқликларнинг эътиборини тортиб келган, Тасаввуфнинг илк даври бўлган зухд босқичида янги афлотунчилик таъсирини кўриш имконсиз. Чунки таржималар орқали юнон фалсафасининг мусулмонлар орасида ёйилиши бу даврдан кейин содир бўлган. Айрича, илк суфийлар ўз одатларига амал қилиб доим фалсафага қарши турдилар. Мазкур фалсафа тасаввуфга таъсир кўрсатди дегувчилар “вахдати вужуд” фалсафаси билан Ибн Арабийдаги таъсирни кўзда тутмоқдалар. Л.Массигнон шулар жумласидан. Олим Эрол Гунгўр “*Янги афлотунчилик таъсири тасаввуфнинг иккинчи даврида - тасаввуфий тафаккур бир тизимга кирган даврда таъсир кўрсатди*”, дейди. Шу билан бирга Э.Гунгўр, Ибн Арабий мазкур фалсафадан кўп таъсирланганлигини таъкидлайди.⁴ Аммо шуниси аён ҳақиқатки, Ибн Арабий ва ундан кейин чиққан мутасаввифларда янги афлотунчилик таъсири асло сезилмайди. Лекин бу мутасаввифлар ушбу фалсафадан фикр олган бўлсалар ҳам, исломий нуқтаи назар остида сингдириб, ўз фалсафаларини исломий пойдевор устига қурганлар.

г) Иброний-насронийликдан келиб чиққанлиги ҳақидаги даъво: Иброний-насроний унсурлардан арабчага ўтган ва мутасаввифлар томонидан қўлланилган “лохут”, “носут”, “жабарут”, “малакут” каби бир қанча истилоҳларга асосланган баъзи шарқшунослар Ислом дини ва тасаввуф иброний-насроний муҳитдан таъсирланган, келиб чиққан деган даъвони илгари сурадилар. Аммо бир-бирлари билан озми-кўпми ўзаро алоқаси бўлган, фарқли эътиқод ва анъаналар орасидаги табиий боғлиқликни истисно қилганда, Ислом ва тасаввуф на яҳудийликдан, на насронийликдан таъсирланиб, таъсис топган. Қолаверса, бу динлар эътиқодий жиҳатдан Исломга мувофиқ келмайдиган

² М. Из. у.а. 86-87-6; Ў.З. Улкан, у.а. 106-6,

³ Эрол Гунгур. Ислом тасаввуфининг масалалари, 49-50-6.

⁴ Янги афлотунчи фалсафанинг тасаввуфга қилган таъсири ҳақида қараңг: Э.Гунгур. у.а. 51-61-6; М.Из. у.а. 87-88-6; ?З. Улкан. у.а. 106-108-6.

тизимлардир.⁵ Тасаввуфдаги насронийлик таъсири ҳақида энг кўп А.Палакиос тўхталган. Юқорида айтиб ўтилган ташқи таъсирлар тўғрисида шундай фикр билдириш мумкин: Ислом тасаввуфи ташкил топар экан, ҳеч қандай ташқи таъсирга асосланмаган ҳолда бевосита исломий тамойиллар устига қурилган. Тўғри, тасаввуф фалсафий характерга эга бўлиб, “ваҳдати вужуд” назарияси кенг тарқалган даврда баъзи ташқи манбалар, тўғрироғи унсурлар тасаввуфга кирган бўлса-да, ўз моҳиятини йўқотиб, исломийлашган ва тасаввуф исломий хусусиятини тўла-тўқис сақлаб қолган. Шунини ҳам айтиш керакки, фарқли эътиқод ва анъаналар орасидаги ўхшашликлар асло бирининг бошқасидан таъсирланганини кўрсатмайди. Инсоний жамиятларда, турли давр ва турли жойларда бир-бирига ўхшаш анъанавий унсурларга дуч келиниши асосан инсонийлик зарурати туфайли юзага келади. Айрича, Исломиёт, ўз исломий тамал тамойилларига зид бўлмаган ҳолларда, ташқи анъана ва маданиятларга нисбатан ўта мусомаҳакор - келишувчан бир диндир. Чунинчи, Исломдан аввалги баъзи урф-одатларнинг давом этишига рухсат берган. Шу билан бирга, соғлом эътиқодий ва ижтимоий пойдевори соясида Ислом жамиятида бош кўтарган яккам-дуккам норозиликларни ҳам ўз вақтида бостирган ва шу тариқа ўз софлигини доимо муҳофаза қилиб келган. Тасаввуфий нуқтаи назар ҳам айнан шудир.⁶

Мавзумизнинг аввалида айтиб ўтганимиздек тасаввуф борасида Исломдан ташқаридан манба излаганлар ва оқибатда тасаввуфни Исломдан ташқаридаги бир таълимот дея хулосага келганлар фақатгина ғарб шарқшуносларидир. Аммо улар орасида тасаввуфнинг аслан Исломдан келиб чиққанлигини, ташқи таъсирлар фақатгина жузъий бўлиб, исломий руҳ ва одатларга зарар бермаслигини айтганлар ҳам бор. Бу тоифа олимларнинг бошида Луиз Массигнон туради. Бу ҳақда унинг ўзи бундай дейди: *“Ислом мавзусида тадқиқот олиб борувчилар “Тасаввуф Шом таркидунёчилиги ёки ҳиндуизмдан келиб чиққан” дейдилар. Никольсон эса буларга зид равишда бундай дейди: “Тасаввуф, Ислом Қуръон ва ҳадисга қаттиқ берилиб, кашф этган бир йўлдир.”*³ Шунини ҳам айтиш керакки, тасаввуфга муҳолиф бўлган мусулмон олимлар ўз фикрларини қувватлаш учун шарқшуносларнинг бу хусусидаги қарашларидан фойдаланганлар”.

2-Мавзу: Тасаввуфнинг исломий манбалари ва тараққиёт омиллари (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Қуръони карим тасаввуфнинг бош асоси ва манбаси сифатида.
2. Ҳадисларнинг тўпланиши. Буюк муҳаддислар (ал-Бухорий, Ибн Муслим, ат-Термизий в.б) фаолияти.
3. Ҳадисларда комил инсон ахлоқи билан боғлиқ масалалар.
4. Комил инсон шахси Муҳаммад пайғамбар тимсолида.

Адабиётлар:

⁵ Улкан Х., 3. у.а. 108-6; М.Из. у.а 88-89-6.

⁶ Гунгур Э. у.а. 62-63-6.

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.

2. Қуръони карим. Матн, таржима, шарҳ. – Т.: Ислом университети нашриёти, 2000.

3. Абу Абдуллоҳ Бухорий. Ал-жомийъ ус-саҳиҳ. 1-2 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2008.

4. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001

5. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

6. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.

7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: «Истиқлол», 1999.

Қуръони карим ва Ҳадиси шариф тасаввуфнинг бош асоси ва манбаси. Ислом дунёсида юзага келиб ривож топган тасаввуфнинг манбаи Ислом динидир, аммо тасаввуфнинг дунёга келишига таъсир кўрсатган исломий манбаларни ҳам бир неча моддага бўлиб ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди:

а) Оят ва ҳадислар: ҳар бир тафаккур ва маданият тизими тамалида дин ва бу диннинг муқаддас китоби ётади. Ғарб маданияти ва тафаккури тамалида насронийлик ва муқаддас китоб мавжуд бўлганидек Ислом маданияти ва маънавиятининг пойдевори ҳам Қуръони каримдир. Исломий маданият ва тафаккур тизимининг муҳим қисмини ташкил қилувчи тасаввуф таълимотининг тамал асослари ҳам Қуръони карим ва ҳадисларга асосланади. Тасаввуф маданиятини ташкил этувчи бош унсурларнинг деярли барчаси Қуръон ва ҳадислардан олинган. Айрича, бир мутасаввифнинг ҳаётига йўналиш берувчи ягона омил яна исломий ҳужжатлардир. Тасаввуф маданиятининг асосини ташкил қилувчи баъзи мавзулар асосланган оят ва ҳадисларга бир неча мисол келтирайлик:

1. **Ладун илми:** Мутасаввифлар *"Биз унга (Хизрга) илми ладун бердик"*. (Каҳф-18:65) оятига суяниб, зоҳирий илмдан ташқари яна ладун илми (ботиний илм) ҳам борлигини қабул қилганлар; сезги ва илҳомга таянадиган билим назария (қоида)ларини ушбу тамал асосига қўрганлар. Уларнинг фикрича. Мусо а.с. га фаришта орқали юборилган ёки халққа таблиғ этиш учун берилган диний билимлар зоҳирий илм ва шариат илми саналади. Хизр а.с. га бевосита ва махсус берилган диний билимлар эса ладун илми, ҳақиқат илми ёки ботин илми саналади. *"Аллоҳдан қўрқинг, Аллоҳ сизга ўргатади* (Бақара -2:282) оятида Аллоҳнинг амр ва тақикларига риоя қилиб, тақво узра ҳаракат қилганларга Аллоҳ бевосита илми ладуи эҳсон этажагига ишора бор. Бундай йўл орқали эгалланган билимга "маърифат" дейилади. Инсон қалбини ойдинлатувчи илҳом ва маърифатга қуйидаги оятлар далилдир: *"Биз учун мужоҳада этганларга, биз йўлимизни кўрсатамиз "*, *"Агар тақво узра бўлсангиз, Аллоҳ сизга бир фурқон (ва нур) беради"* (Анкабут-29:69, Анфол-8:29). Бу ва бунга ўхшаш оятлар кўрсатмоқдаки, банда риёзат ва мужоҳадлар билан Аллоҳга яқинлашиб. Унинг

розилигини топса, Аллоҳ ҳам унга "маърифат", яъни илоҳий даргоҳидан баъзи илоҳий билимлар эҳсон этиш билан жавоб беради, мукофотлайди. *"Аллоҳ бирор кишини ҳидоятга эриштирмоқни истаса, қалбини Ислом учун очиб қўяди"* (Анъом-6:125) ояти ҳам маърифат илмига эришиш банданинг касбига қараб эмас, балки Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига ва лутфу карамига боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

"Ахир Аллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас ўзи Парвардигори томонидан бир нур-ҳидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми?!)" (Зумар-39:22) ояти эса маърифат ва ладун илмига ноил бўлган кишининг ҳақ йўлни топган ва ҳидоятга эришишини баён этмоқда. Ушбу оятларнинг барчасида муштарак ифодаланганлигига кўра ладуний илмга эга бўлишнинг асосий шарти - Аллоҳ кўрсатган йўлдан юриб, таквода бўлмоқдир. Шу билан бирга бу илм банданинг касби билан эмас, Аллоҳнинг иноят қилиши натижасида қўлга киритилади. Расулulloҳнинг бир неча ҳадислари ҳам моҳиятан сўфийларнинг бу мавзудаги фикрларини қўллаб-қувватлайди: *"Бошқалар қайси йўлда фатво берса бераверсин, сен фатвони қалбингдан сўра, виждонингга қулоқ сол!"* *"Қалбингни шубҳага солган нарсадан воз кеч, шубҳасизга қара!"*. *"Туноҳ - қалбда доғ қолдириб, виждонни касал қиладиган иллатдир"*.¹ сингари ҳадиси шарифлар мусулмон кишини кўнглига қулоқ солишга, Аллоҳ қалбга илҳом қилган туйғуларга эътибор беришга ташвиқ этмоқдадир.

2. Зикр: Тасаввуфий ҳаёт тарзининг асосий унсурларидан бири бўлган зикр кўплаб ояту ҳадислар орқали мусулмонларга буюрилган ва тавсия қилинган. *"Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан бандалик қилинг!)"* (Муз-ҳаммил-73:8), *"Эй мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!"* (Аҳзоб-33:41), *"Бас, Мени эсласангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шуқр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!"* (Бақара-2:152), *"Улар кечадан озгина (фурсатгина) кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар (қилган саҳву хатолари учун) Парвардигордан мағфират сўрар эдилар "* (Ва-з-зориёт-51:17,18), *"Бас, диллари эслашдан қотиб қолган (яъни Аллоҳни эслашни тарк қилган) кимсаларга ҳалокат бўлгай!"* (Зумар-39:221) *"Улар тўрганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): "Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!"*(Оли Имрон-3:191) оятлари ва *"Парвардигорини зикр қилмаган тирик билан ўлик орасидадир"*² , *"Бир қавм ўтириб Аллоҳни зикр қилса уларни фаришталар ўраб олади, раҳмат қоплайди, улар узра ҳузур, файз инар ва Аллоҳ уларни ўз ҳузуридагилар ёнида зикр қилади"*³ , *"Жаннат боғлари қандай?"* дея сўрадилар, *"зикр мажлислари"* дея жавоб берилди.¹ *"Йўлларда кезиб, зикр аҳлини излаб юрувчи Аллоҳнинг фаришталари бор, улар зикруллоҳ билан банд бўлганларни кўрганларида бир-бирларига "Биз излаётганлар бу ерда экан!" дейдилар"*.² ҳадислари тасаввуф ва тариқатларнинг айрилмас қисми бўлган зикрнинг манбаини ташкил этади.

3.Валийлик: Тасаввуфий ҳаётда муҳим ўрин тутган "валийлик", тушунчаси ҳам Қуръон ва ҳадисга асосланган бўлиб, унинг сўзма-сўз таржимаси "дўст" маъносини билдиради.

а) *"Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир".* (Жосия - 45:19) *"Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг дўстларига бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар... Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам хушхабар бордин"*(Юнус-10:62,63,64), *"У ғайбни билгувчидир. У ўз ғайбини бирон кишига билдирмайди, фақат Ўзи рози бўлган элчиларгагина билдиради. Чунки У Ўзи рози бўлган кишиларнинг олдига, орқасига кузатувчи ва кўриқловчилар қўяди, уларни шайтонларнинг васвасасидан ёки билган-кўрган нарсаларида адаштирувчи нарсалар қориштиришларига тўсқин бўлади"* (Жин-72:26, 27) ва ҳоказо оятларда ифодаланганидек валий - "Аллоҳ доим кузатиб, назорат қилиб турадиган, ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайдиган ва бир он бўлса-да, ўз нафси билан танҳо ташлаб қўймайдиган киши"дир.

б) *"Тоат-ибодатлари натижасида Аллоҳнинг дўстига айланган киши"* каби маъноларда ишлатилади. Бир ҳадиси шарифда бундай дейилади: *"Аллоҳнинг бандалари орасида шундай кишилар борки, на пайғамбар, на шаҳид, аммо қиёмат кунини Аллоҳ наздида уларнинг мақому даражаларини кўрган пайғамбарлар ва шаҳидлар уларга ҳавас қиладилар."* Буларнинг кимлигини сўраган саҳобаларга пайғамбар алайҳиссалом бундай жавоб берганлар: *"Булар шундай кишиларки, ораларида қариндошлик алоқаси бўлмаса ҳам, бир-бирлари билан олди-бердилари бўлмаса ҳам бир-бирларини Аллоҳ учун яхши кўрадилар. Уларнинг юзлари нур ва улар нурли минбар узра ўтирадилар. Одамлар қўрқувга тушганларида улар қўрқмайдилар. одамлар хавотирланганларида улар хавотирланмайдилар".* Пайғамбар а.с. бу сўзларни айтгач, қуйидаги ояти каримани ўқиганликлари нақл этилади; *"Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг дўстларига бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар"* (Юнус-10:62)³. Бошқа бир ҳадисда бундай дейилади: *"Ҳақ таоло буюради: Бир валийга душманлик қилганга мен уруш эълан қиламан. Ҳеч бир банда ўзига Мен фарз қилган амалларни бажаришдан ҳам афзалроқ бир нарса билан Менга яқинлаша олмайди, Банда нафл ибодатлар билан Менга яқинлашаверади. Шу даражада яқинлашадики, хатто Мен уни севаман..."* Тасаввуфда муҳим аҳамият касб этган "валийлик" ва унга боғлиқ тушунча тарзлари ҳам мазкур ҳужжатлар сингари ояту ҳадисларга асосланган.

4.Оламнинг яратилиши: Тасаввуф фалсафасининг муҳим мавзуларидан бўлган "оламнинг яратилиши" ҳақидаги тушунча-қарашлари машҳур ҳадис китобларидан ўрин олмаган бўлса ҳам, тасаввуф арбоблари орасида ҳадиси қудсий дея қабул этилган қуйидаги машҳур ҳадисга асосланади: *"Мен яширин хазина эдим. Ўзимни танитмоқ учун махлуқотни яратдим"*. Бу ҳадисга асосланиб, борлиқ оламининг яратилишини "Аллоҳнинг бошқалар томонидан билиниши-танилишини ирода қилиши"нинг натижаси ўлароқ изоҳлаганлар. Мутасаввифларнинг мазкур ҳадисни қай тарзда англаганликларини изоҳлаш мақсадида Исмоил Ҳаққи Бурсавий "Канзи

махфий"

асарини

ёзган. "Вахдати вужуд" фалсафасида ҳам мазкур ҳадиснинг аҳамияти улуғ. Тасаввуф фалсафасига доир мазкур мухтасар маълумотлардан ташқари, тасаввуфнинг ахлоқий ва феълий мавзуларида ҳам Қуръон ва ҳадисга асосланган жиҳатлар қуйидагилардир.

5.Тавба: Тасаввуф йўлининг ибтидосини ташкил қилувчи тавба-гуноҳдан қайтиш, воз кечиш демакдир. Тавба – маънавий уйғониш, ўтмишдаги хато-камчиликларни тан олиб, улардан пушаймон бўлиш, қисқаси, руҳинкилобининг дастлабки ва энг муҳим саҳифаси. Шу сабабли муршид муридгар, аввало, тавба қилишни буюради. Зеро, кўпгина ояту ҳадислар билан аҳли мўъмин тавба қилишга буюрилган: *"Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўъминлар; шоядки (шунда) нажот топсангизлар"* (Нур-24:31), *"Бас, агар тавба қилсангизлар,бу ўзингиз учун яхшироқдир"* (Тавба-9:3). *"Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади"* (Бақара-2:222), *"Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай шериклардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир"* (Наср-110:3), *"Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнгра Унинг ўзига тавба қилинглар"* (Худ-П:3) оятлари, *"Гуноҳларига тавба қилган гуноҳсиз кабидир. Аллоҳ бир бандасини севдими гуноҳ унга зарар етказмайди.Чунки унга тавба қилишни ҳам насиб қилади"*², *"Аллоҳга қасамки, бир кунда етмишдан зиёд марта Аллоҳга тавба-истигфор қиламан"*, *"Банда тавба қилганида, Аллоҳ таоло шу даражада севинадики, худди сиздан бирингиз чўлда туясини йўқотиб қўйиб, яна топганидан ҳам кўпроқ"* ҳадислари шулар жумласидандир.

6. Зухд: Тасаввуфнинг илк даврларидаги асосий тамойилларидан саналган зухд (зоҳидлик) - "воз кечиш, назарга илмай тарк этиш, қизиқмаслик ва эътибор бермаслик" каби маъноларни билдиради. Тасаввуфда эса Аллоҳдан ташқаридаги бошқа ҳамма нарсалар, яъни мосивога кўнгил қўймаслик маъносини билдиради. Чунончи, дунёнинг ўткинчи, алдоқчи, охират ҳаётига қиёсан қадр-қимматсизлиги маълум ояту ҳадислар орқали билдирилган ва зухд ҳаёти тавсия этилган: *"Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё (ўзининг ўткинчи неъматлари билан) алдаб қўймасин"* (Луқмон-31:33), *"Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар, охират диёригина (мангу) ҳаёт (диёридир)"* (Анкабут-29:64), *"Мол-мулк бола-чақа, шу ҳаёти дунё зийнатидир"*. (Каҳф-18:46), *"Раббингизнинг номини доим зикр қилинг ва қалбингизни ҳамма нарсадан ҳоли қилиб, чин ихлос бирла унга йўналинг"* (Музҳаммил-73:8) *"Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин, кумуш, бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-текинлар каби истак-хоҳишларига кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой жаннат бордир"*. (Оли Имрон3:14) *"Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайгурмагайсизлар ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар"* (Ҳадид-57:23) ва ҳоказо ояти карималар дунёга ҳаддан зиёд берилмасликни, асл ғоя - охират ҳаётини қўлга киритиш

эканлигини эслатмоқда. Муҳаммад с.а.в. баъзи ҳадисларида зоҳидликни мактаганлар: *"Дунёда зоҳид бўлгинки, Аллоҳ сени севсин. Инсонларнинг қўлидаги нарсаларга ҳам зоҳидларча қарагинки, улар ҳам сени севсинлар"*², *"Аллоҳ наздида дунё пашиа қанотичалик қадрли бўлганида эди. Аллоҳ бирон кофирга бир ютум сув ҳам бермаган бўларди"*³, *"Охиратга қараганда дунёнинг қадрли бирингизнинг бармогини денгизга солиб қўйишга ўхшайди. Бармоғи билан денгиздан сув олиб, кўз ўнгига келтирсин"*⁴. *"Ҳар уммат учун бир фитна сабаби бор, умматининг фитнаси молу дунё севгисидир"* *"Дирҳам-пулга қул бўлганнинг бўрни ерга ишқалансин. Пулга қул бўлган лаънатга учрасин. Киссасига асир бўлган хору ҳақир бўлсин"*⁶. *"Дунёга нисбатан зоҳид бўлган ва зуҳд масаласида ўзига ваъз қилиш фазилати эҳсон бўлган бир кишини кўрдингизми? Унга яқинлашинг, чунки у ҳикматни талқин этади"*¹.

7. Таваккул: Тасаввуфда муҳим ўрин тутган таваккул боби, Аллоҳга ишониб, суяниш ва Ундан бошқасига эҳтиёжини айтмаслик маъноларини билдиради. Бошқа тасаввуфий мавзулар каби таваккул ҳам ояту ҳадисларга асосланган: *"Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур, Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга етарлидир"* (Талок-65:3), *"(Ёлғиз) Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг ўзи етарли вақил-сақлагувчидир"*(Ахзоб-33:3), *"Айтинг, бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсасига етур. У бизнинг Хожамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Аллоҳгагина суянсинлар"* (Тавба-9:51), *"Аллоҳ ўз бандасига (яъни Муҳаммад а.с.га, у кишини барча бало-қазодан асраш учун) етарли эмасми?!"* (Зумар-39:36). Муҳаммад а.с. бу ҳақда бундай дейдилар: *"Агар Аллоҳга ҳақиқатан (ҳақини бериб) таваккул қилсангиз эди. Аллоҳ қушларга ризқ бергани каби сизларни ризқлантирар эди. Қушлар оч қорин билан тонгда уяларидан чиқиб, окшом қорни тўқ ҳолда қайтадилар"*².

8. Риёзат-мужоҳада: Оз емоқ, оз ухламоқ ва оз гапирмоқ таълимотини берувчи ва нафсининг орзуларини тарк этиб, озайтириб, кўпроқ тоат-ибодат билан шуғулланмоқ маъноларини билдирувчи "риёзат" билан нафсу шайтоннинг орзуларига қарши курашиш маъносидаги «мужоҳада» тушунчаси ҳам тасаввуфда ояту ҳадисларга асослангандир: *"...Кечаси (бедор бўлиб, намозда) тўринг", "...Қуръонни тартиб билан (яъни дона-дона қилиб) тиловат қилиш"* (Музҳаммил-73:2-4), *"Яна кечанинг бир қисмида ҳам У зотга сажда қилиш ва тунда узоқ (бедор бўлиб) У зотга тасбеҳ айтиш"* (Инсон-76:26), *"Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган-кўрашган зотларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз"* (Анкабут-29:69), *"Кофир бўлган кимсалар эса (мана шу дунёнинг ўткинчи лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар ва дўзах уларнинг жойлари бўлур!"* (Муҳаммад - 47:12), *"(Эй Муҳаммад), уларни кўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинлар, орзу ҳавасларига машғул бўлаверсинлар. Бас, яқинда (бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар"* (Ҳижр-15:3). *"Олтинга, қумушга, матога, кийим-кечакка қул бўлганлар ҳалок бўлди. Уларга мол берилса мамнун, берилмаса ҳафадирлар"*³, *"Аллоҳга ва охират кунига ишонган ё эзгу бир сўз сўзласин ёхуд сукут сақласин"*⁴: *"Одам боласи қорнидан ҳам ёмонроқ бир халта-хуржун тўлдирмаган"*. *"Бир куни Муҳаммад а.с. асҳобига: "Аллоҳдан*

ҳақиқий маънода ҳаё қилинг, - деган эдилар. Асҳоби: "Алҳамдулиллаҳ, ҳаё қилиямиз" дея жавоб берди. Шунда ҳазрат Пайғамбар: "У ҳақиқий ҳаё эмас, ҳақиқий маънода Аллоҳдан ҳаё қилган киши боши ва боши ичидагиларни (бошидаги тўйғу аъзоларини) муҳофаза қилсин, қорни ва у ердаги емакларни назорат қилсин, ўлим ва мусибатни эсласин. Охиратни талаб қилган киши дунёвий зеб-зийнатни тарк этсин. Ана шундай қилганлар ҳақиқий маънода Аллоҳдан ҳаё қилган бўладилар".¹

Шундай оят ва ҳадисларга биноан, сўфийлар риёзату мужоҳадага катта аҳамият берганлар. Аллоҳ ҳузуридаги юксак мартабаларга эришмоқ учун нафсининг орзу ҳавасларига муҳолифат қилганлар. Мутасаввифлар аҳамият берган нарсалар фақатгина шулардан иборат эмас. Тасаввуф ахлоқи ва зухд ҳаётида ўрин олган хусусларда мутасаввифлар, авваламбор, оят ва ҳадисларга асосланганини кўрамиз.² Шундай экан, Ислом тасаввуфининг келиб чиқишини Исломдан ташқаридаги манбалардан қидириш - беҳуда ва ақлсиз иш бўлиб, ҳақиқатга зиддир. Ислом тасаввуфининг пайдо бўлиб, кенг ривож топишига нафақат Қуръон ва ҳадис, балки Муҳаммад а.с.нинг ва асҳобининг ҳаёт тарзлари ҳам тасаввуфий ҳаётнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Бошқача қилиб айтганда, Пайғамбар а.с.ни, саҳобаи киромни ва тобеинларни мутасаввифлар ўзларига ўрнак қилиб олганлар.

Ислом дини илк Ўрта асрда барча мусулмон мамлакатлари сингари Ўрта Осий халқлари маданияти, маънавиятининг энг асосий ва ниҳоятда муҳим бўлган қисмигагина эмас, хислатига ҳам айланганлигини юқорида қайд қилиб ўтдик.

Исломнинг асосий муқаддас манбаи – Қуръон оятлари ва сураларидир, уларда асосий диний қонун-қоидалар, ақидалар баён этилган. Ундан сўнг асосий манбаи Ҳадис – Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, унинг ҳаётий фаолияти, кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар тўпламидир. Бу икки асосий манба муқаддас ҳисобланиб калом ва шариат шулар асосида вужудга келган. Калом сўзи VIII асрларда шаклланган бўлиб, у исломнинг назарий-фалсафий таълимотидан иборатдир. Калом Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалди. Қуръондаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шаклланган шариатга ҳам асос бўлди. Шариатда улар ҳуқуқий тизим сифатида кучга кирди. Сўнгроқ эса шариат қонун-қоидаларини ишлаш, тартибга солиш, талқин бериш билан шуғулланувчи Ислом илоҳиётининг муҳим соҳаси – мусулмон ҳуқуқшунослиги – фикҳ вужудга келди ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Шу билан бирга ислом диншунослигининг муҳим тармоғи сифатида Қуръон, Ҳадис ва бошқа диний манбаларни талқин этиш – тафсир кенг авж олди. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Уларни шакллантириш ва ривожлантиришда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг диншунос олимлари, мутафаккирлари ҳам катта ҳисса қўшдилар, бу билан улар бутун мусулмон оламида ном тарқатдилар. Умман қадимги маданиятга эга бўлган Ўрта Осиёда ислом дини ва диншунослигига маънавий маданиятнинг ифодаси ахлоқшуносликнинг йўналиши сифатида муносабатда бўлинган.

Хусусан IX асрда мусулмон ўлкаларида ҳадисшунослик, ҳадис тўплаш, уни ўрганиб тартибга солиш диншуносликнинг энг муҳим соҳаларидан

ҳисобланган. Тўпланган ҳадисларнинг ҳажми, чинлиги, тартиби, аҳамияти билан мусулмон оламида олти муҳаддис (ҳадис тўпловчи) машҳур бўлди. Шулардан учтаси ўртаосиёликдир. Муҳаддислар ичида энг обрўлиси ва машҳури Имом Бухорийдир (809–870). У Бухорода туғилиб, шу ерда ўз даври илмларини, айниқса диний билимларни ҳар томонлама ўрганган. Сўнг ўз билимларини мукаммаллаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Ҳижоз, Куфа, Нишопур каби жуда кўп шаҳарларга борган. Бу шаҳарларда у кўп олимлар, диншунослар, муҳаддислар билан учрашган, сўнг ўз Ватанига қайтиб Самарқанд яқинида вафот этган.

Бухорийдан бизга жуда катта мерос қолган. Унинг ислом диншунослигига оид 20 га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзгани маълум. “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”, “Ат-тарих ал-Кабир”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ал-Адаб ал-муфрад” каби асарлар шулар жумласидандир. Бухорийни бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари тўрт жилдли “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) бўлиб, у “Саҳиҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам маълумдир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Бухорий ҳадисларни тўплаш ва баён этишда уларнинг ҳақиқийлигига катта эътибор берган. Унинг диққатм арказида диннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, тозалиги, донолиги, яхши ва ёмонни бир-биридан ажрата билиши туради. Диннинг, ҳадисларнинг асосий мақсади дўстлик, адолат, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, инсонни ёмонликдан сақлаш бўлган.

“Саҳиҳ” бутун мусулмон оламида кенг тарқалган, унга тақлидлар, шарҳлар, тадқиқотлар ёзилган.

Бухорийнинг яқин шогирдларидан бўлмиш машҳур муҳаддислардан бири Имом ат-Термизийдир (824–892). У Термизга яқин Буғ қишлоғида туғилиб, Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз даврининг диний илмларини эгаллаган ва ўз ватанида вафот этган. Ат-Термизий ўндан ортиқ диний асарлар муаллифидир. “Жоме ал-кабир” (“Жоме ат-Термизий”), “Аш-Шамоил ал-набавия”, “Ал-Илал фи-(фи-л)ҳадис”, “Рисала фил хилоф ва-л-ждадал”, “Ат-Тарих”, “Китоб аз-Зухд” каби асарлар шулар жумласидандир. Бу асарлар ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Термизийнинг мусулмон оламига машҳур қилган асари “Жоме ат-Термизий” ёки “Сунан ат-Термизий”дир.

Бу асар исломда ҳақиқий деб танилган машҳур 6 ҳадис тўпламларидан биридир. Бу ҳадисларда диний масалалар билан бирга ахлоқий масалалар, инсонпарварлик ғоялари ўзининг кенг ифодасини топган. Уларда ахлоқий фазилатлар улуғланиб, ўғрилиқ, зўравонлик, ёлғончилик, иккиюзламачилиқ, маманлик каби салбий хислатлар қораланади. Термизий мероси фақат диний аҳамиятга эга бўлиб қолмай, у ахлоқшунослик, дидактика тарихида ҳам муҳим ўрин тутди.

Исломда машҳур бўлган муҳаддислардан яна бир Абу Абдурахмон ан-Насоийдир (830–915). У Нисо (Туркменистон) шаҳрида туғилиб, Шарқнинг қатор илм марказларида ўз билимини оширган, узоқ вақт Мисрда яшаган ва ўз ватанидан узоқда – Паластиннинг Ромла шаҳарида вафот этган. У Мисрдалиқ чоғида ҳадислар тўплами “ат-Сунаи ал-Кубро”ни, сўнгроқ унинг асосида энг

ишонарли ҳадисларни ажратиб, “Ал-Мужтаба” номидаги иккинчи, қисқартирилган “ал-Сунан” китобини ёзиб қолдирган. Бу китоб ҳам ислом диншунослари орасида катта обрўга эгадир. 6 та машҳур ҳадисшуносларнинг қолган учтаси Эрон ва Араб мамлакатларидадир.

Ўртаосиёлик олимлар ҳадисшунослик билан бирга ислом ҳуқуқшунослиги – фикҳ ҳамда Қуръонга тафсир ёзиш соҳасида ҳам шуҳрат қозонганлар. Масалан, Ўрта Осиёдан чиққан машҳур ҳуқуқшунослардан Бурхониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандийларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Бурхониддин Марғиноний. Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ар-Риштоний (1197 йилда вафот этган) қатор асарлар муаллифи бўлиб, фикҳга оид энг машҳур китоби “Ҳидоя фи-л-фуруз” (“Шариат соҳалари бўйича қўлланма”)дир. “Ҳидоя” мусулмон ҳуқуқшунослиги соҳасидаги энг йирик ва кенг тарқалган асарлардан бири бўлиб, форс, инглиз ва рус тилларига ўгирилган ва ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда Абул-Ҳасан ал Хоразмий, Ан-Наҳавий ал-Адаб, Ёқуб Саккокий каби ислом қонуншунослиги, илоҳиёти билан чуқур шуғулланган таниқли олимлар ҳақида манбаларда қатор маълумотлар келтирилади.

Исломнинг асосий манбаи “Қуръон”га тафсир (шарҳ, изоҳ) ёзиш соҳасида ҳам бу даврдаги ўртаосиёлик олимлардан Хоразмда яшаб ижод этган Замахшарий, Фахриддин Розий кабилар ўз асарлари билан Ислом диншунослари орасида ном қозонганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бу даврда диншунослик, ислом илоҳиётини ўрганиш, калом, фикҳ, илм-фан, илмий маданиятнинг муҳим соҳаларидан ўрин эгаллаган. Шу сабабдан бўлса керак бу даврда қомусий олим-мутафаккирлар турли аниқ либимлар қаторида диний билимлар билан ҳам машғул бўлганлар. Диний билимларни Ўрта аср маънавияти, маданияти ўзининг узвий ва таркибий қисми сифатида талқин этган.

Илк ислом даврида яшаб ижод қилган ал-Ахтал эса турли қабилаларни санъаткорона сўзлар билан масҳара қилгани учун шуҳрат қозонган.⁷ Шоир ал-Ғиёс ибн Ғавс ал-Ахталнинг турли қабилалардан бирини мактаб, иккинчисини ҳақоратлаб, бир-бирига қайраб қўйиши кўп қонли қирғинларга сабаб бўлгани учун, яна Макка мушрикларининг етакчиларидан Абу Суфён ибн Ҳарбнинг хотини Ҳинд ўзини олий насабли ва шоира деб билиб, мусулмонларга қарши жанг олдидан қўшиқлар айтиб, кофирларни руҳлантиргани учун, яна Бани Исроил қавмидан бўлган мунофиқлар Муҳаммад расулуллоҳнинг пайғамбарлигини тан олмай, уни мажнун шоир деб масҳара қилганлари учун ислом динида шоирлар ва раққосаларга қарши нафрат кўзғолган бўлиши мумкин. Шу фикрнинг исботи яна шунда кўринадики, Макка фатҳ этилган куни жуда кўп айбдор мушриклар пайғамбар томонидан афв этилган ҳолда, Ибн Ахтал (Ал-Ахталнинг ўғли, у ҳам шоир) ва унинг қўшиқчи жорияси ўлимга ҳукм этилган.

Аммо, бундан ислом дини умуман шеърятга ва адабиёт ва санъатга қарши, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Юқорида айтганимиздек, араблар

⁷ Шу асар. С.159.

қадимдан шеърият ва қўшиқни яхши кўрганлар. Ҳижрат вақтида Қубо қишлоғи ва Мадинада минглаб йигит-қизлар, аёллар расулуллоҳнинг келишини чилдирма чалиб, гўзал қўшиқлар айтиб кутиб олганлар. Расулуллоҳ бундай кутиб олинишдан қувонган. Ҳазрат Абу Бакр, ҳазрат Билол ва ҳазрат Али кўп ҳолларда шеър билан мурожаат қилганлар. Айниқса, ҳазрат Алининг Қуръон ва ҳадисларни улуғловчи шеърий ўғитлари, ҳикматли сўзлари ислом оламида шуҳрат қозонган. Бу далиллардан кўринадик, жоҳилият даври ахлоқи ва маданияти асосан ахлоқсизлик ва маданиятсизликдан иборат эди. Фақат жоҳилият даврида ҳам хайр-саховат катта Хотам ибн Абдуллоҳ ибн Саъд бениҳоя хайр-саховати, эҳсонпарварлиги билан шуҳрат қозонган. Аммо, у қабиласининг шуҳрати ошсин деб, отасининг барча бойликларини, отлари, туяларини уйури, подаси билан талон-тарож қилиб, бошқаларга бериб юбораверган. Шу хислати учун отаси Абдуллоҳ ўғлидан воз кечган. Кўринадик, ота, она розилигини олиш – жоҳилият даврида қадрият ҳисобланмаган. Қуллар, чўрилар эса умуман одам қаторига қўшилмаган.

Исломий ахлоқ ва маданиятнинг энг катта ғалабаларидан бири – турли қабила ва уруғларга мансуб одамлараро уруш-қирғинларнинг қораланиши, одамларнинг бир-бирига меҳр-муруввати, мусулмонларнинг қулларни ҳам ўзларидек кўриши, ҳалоллик ва ростгўйлик, бировларга тил ва қўл билан зарар етказмаслик каби умуминсоний қадриятлар мусулмонларнинг асосий ахлоқий ва ижтимоий қадриятлари деб эълон қилинди.

Қуръони каримда яхши, эзгу амаллар Аллоҳнинг нури ва ҳидояти туфайли бўлиши, ёмонликлар (кофирларнинг қилган амаллари) “устма-уст тўлқин ва устини (қора) булут қоплаб олган денгизлаги зулматга” ўхшаши айтилади. Бошқа бир ўринда инсон учун фойдали билимлар зайтун мойи тўлдирилган шиша чироққа ўхшатилади.

Америка шарқшунос олими Франс Поузентал “Билим тантанаси” (Ўрта аср ислом маданиятида билим концепцияси) китобида Қуръони каримда ва жуда кўп уламоларнинг китобларида билим нури, гуноҳлар зулматида илм – чироғ эканлиги таъкидланишини айтади. “Азалда мавжуд Қалам ҳам нурдир, муқаддас китобдаги ёзувлар ҳам Оллоҳ нуридир.”⁸

Ислом дини илк Ўрта асрда барча мусулмон мамлакатлари сингари Ўрта Осий халқлари маданияти, маънавиятининг энг асосий ва ниҳоятда муҳим бўлган қисмигагина эмас, хислатига ҳам айланганлигини юқорида қайд қилиб ўтдик.

Исломнинг асосий муқаддас манбаи – Қуръон оятлари ва сураларидир, уларда асосий диний қонун-қоидалар, ақидалар баён этилган. Ундан сўнг асосий манбаи Ҳадис – Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, унинг ҳаётий фаолияти, кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар тўпламидир. Бу икки асосий манба муқаддас ҳисобланиб калом ва шариат шулар асосида вужудга келган. Калом сўзи VIII асрларда шаклланган бўлиб, у исломнинг назарий-фалсафий таълимотидан иборатдир. Калом Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалди. Қуръондаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шаклланган шариатга ҳам асос бўлди.

⁸ Роузентал Ф. Торжество знания. Изд. “Наука”, М. 1978, стр.159.

Шариатда улар ҳуқуқий тизим сифатида кучга кирди. Сўнграқ эса шариат қонун-қоидаларини ишлаш, тартибга солиш, талқин бериш билан шуғулланувчи Ислом илоҳиётининг муҳим соҳаси – мусулмон ҳуқуқшунослиги – фикҳ вужудга келди ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Шу билан бирга ислом диншунослигининг муҳим тармоғи сифатида Қуръон, Ҳадис ва бошқа диний манбаларни талқин этиш – тафсир кенг авж олди. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Уларни шакллантириш ва ривожлантиришда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг диншунос олимлари, мутафаккирлари ҳам катта ҳисса қўшдилар, бу билан улар бутун мусулмон оламида ном тарқатдилар. Умаман қадимги маданиятга эга бўлган Ўрта Осиёда ислом дини ва диншунослигига маънавий маданиятнинг ифодаси ахлоқшуносликнинг йўналиши сифатида муносабатда бўлинган.

3-мавзу: Ислом тасаввуфининг тараққиёти ва тасаввуф адабиётининг шаклланиши. Зухд даври (VII-IX асрлар) (маъруза - 2 соат)

Режа:

1. Тасаввуфнинг тарихий шаклланиш ва тараққиёт босқичлари.
2. Зухд даври. Ҳасан Басрийнинг зоҳидона қарашлари
3. Робиа ал-Адавия ва тасаввуф адабиётининг вужудга келиши.
4. Тасаввуфнинг илмий асосланиши: Боязид Бистомий, Жунайд Боғдодий, Мансур Ҳалложнинг тасаввуфий қарашлари.

Адабиётлар:

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.
2. Қуръони карим. Матн, таржима, шарҳ. – Т.: Ислом университети нашриёти, 2000.
3. Абу Абдуллоҳ Бухорий. Ал-жомийъ ус-саҳиҳ. 1-2 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2008.
4. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001
5. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
6. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: «Истиқлол», 1999.

1.Тасаввуфнинг тарихий шаклланиш ва тараққиёт босқичлари. Тасаввуф – Қуръон, суннат ва Муҳаммад а.с. билан саҳобаи киромнинг ўрнатган ҳаётларига асосланган экан. Ўша даврда илм ва фалсафа сифатида бир тизимга солинмаган бўлса ҳам, Саодат асрида (Пайғамбаримиз яшаган даврда) моҳиятан мавжуд эди. Аммо Қуръонда ҳам, ҳадисларда ҳам "тасаввуф" ва "сўфий" сўзлари ишлатилмаган. Зухду ибодатда илғор зотларга зоҳид, обид, фақир ва носик дейилар эди. Ҳижратнинг I ва II-асрлари тасаввуф тарихида "зуҳд" даври дейилади. Бу даврда зуҳд ҳаётининг маркази Басра шаҳри бўлиб, зоҳидларнинг энг машҳур сиймоси - Ҳасан Басрий (х. 110 йил. ваф. эт.) бўлган. Шунингдек зуҳд ҳаракати Куфа, Мадина ва ҳатто Хуросонда ҳам кенг тарқалган эди. "Сўфий" лақаби билан танилган илк зот куфалик Абу Ҳошим ас-Сўфий (767 й. в. э.) эди. Тасаввуф тарихида биринчи такя-хонақоҳ

эса бир насроний амир томонидан Рамла шаҳрида Абу Ҳошим учун қурилган эди.¹ Исломи тасаввуфи бошланишидан бугунга қадар кечган жараёнлар бир неча тарзда тасниф қилинган:

1. а) тариқатлардан аввалги давр (х.I - м.УП аср);
б) тариқатлар пайдо бўлгандан кейинги давр (х.III – м.VIII аср);
в) кейинги давлар тасаввуфи.
2. а) ташкил топиш даври (х I – м.VII аср);
б) шаклланиш даври (х.III-м.VIII аср);
в) тақлид даври (м.IX-XV аср).
3. а) Муҳаммад а.с. дан Жўнайд Бағдодийгача бўлган давр (х.I – III аср);
б) Жўнайд Бағдодийдан Ибн Арабийгача бўлган давр (х.IV-VII аср);
в) Ибн Арабийдан кейинги давр (х.VIII ва ундан кейинги асрлар).
- 4- а) зуҳд даври;
б) -тасаввуф даври; '
в) ваҳдати вужуд даври;
г) тариқатлар даври; , .
д) замонамиздаги тасаввуфий жараён.

Бундан ташқари, тасаввуф жараёни, эътиқод нуқтаи назаридан қуйидагича тасниф этилган:

а) сунний тасаввуф; б) салафий тасаввуф; в) шиа тасаввуфи.¹ Мазкур таснифлардан энг кўп фойдаланилгани 4-таснифдир. Биз қуйида мазкур таснифлардан ҳар бирини муфассал текширмасдан, тасаввуфнинг узоқ даври мобайнида қандай босқичлар босиб ўтганини қисқача кўриб чиқиш билан кифояланамиз.

2.Зуҳд даври. Ҳасан Басрийнинг зоҳидона қарашлари. Ҳижрий I ва II асрларда зоҳидларда намоён бўлган хусусият-қилган тоат-ибодатларида, дунёдан юз ўгиришларида ва ҳар қандай зоҳидона турмуш тарзларида Аллоҳнинг розилигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобидан қутулиш ғоясига эга бўлишларидир. Яъни уларнинг ҳаётларида ҳоким бўлган туйғу ва тушунча-жаҳаннам кўркуви ва жаннатда Аллоҳнинг жамолини кўриш умиди эди.² Бу даврдаги зоҳидларда аввал-"кўркув"га таянган зуҳд тушунчаси ҳукмрон эди. Бу тушунчанинг энг машҳур намоёндаси *Ҳасан Басрий эди. Ҳазрати Али (қв.)нинг талабаси бўлган*, шаръий илмларда ҳам чуқур билими билан танилган Ҳасан Басрийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни жуда муҳим. Кўплаб тариқатларда машойих силсиласи у орқали ҳазрати Алига бориб такалади. Тасаввуф тарихида Басра мактабининг намоёндаси саналган Ҳасан Басрийнинг амал тарзи-ўткинчи дунё ҳаётидан юз ўгириб, фақатгина ёлғиз Аллоҳга йўналиб, унга суяниш ва ҳар лаҳза ундан кўрқмоқ эди. Чунки пайғамбарлар ҳам айнан шундай ҳаракат қилганлар. Шу боис у ҳаёти давомида доимий кўркув ва изтироб гирдобига шўнғиган ва бу кўркувнинг солиҳ амаллар бажаришида катта аҳамияти борлигига ишонган.³ "Табақату сўфия" китобларида унинг зоҳидлик Аллоҳдан кўрқиш ва тафаккур ҳақида айтган ҳикматли сўзлари нақл этилган. Имом Шаъроний у ҳақда: *"Жаҳаннам оловидан шу қадар қўрқар эдики, гўё дўзах фақат унинг учун яратилган деб ўйлаган бўлардингиз"*-деган."Ҳол" тушунчаси борасида кўп маъруза қилган Ҳасан Басрийнинг нафси ҳисоб қилиш тўғрисидаги насихатлари *Ҳорис Муҳосибийга* кучли таъсир қилган. У тафаккурга ҳам кўп аҳамият берган. Унингча тафаккур - исонга яхши билан ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, инсонни доимо ёмонликдан сақлайди.

. Робиятул-Адавия ва тасаввуф адабиётининг вужудга келиши. Ҳижрий II асрнинг машҳур зоҳидларидан бири Робиятул Адавия (м.752 й. в. э.) бўлиб, у ҳам Басра тасаввуф мактабига мансубдир. Ҳасан Басрий билан мулоқотда бўлган Робиянинг туйғу ва тушунчалари Басрийдан ўзгача хусусиятга эга. Унинг ҳаракат нуқтаси дўзах кўркуви ва жаннат орзуси эмас, балки бевосита Аллоҳ ишқидир. У Аллоҳни фақатгина Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз мавжудиятини (борлигини) Аллоҳнинг борлигида фано қилиш ва шу орқали Аллоҳнинг жамолига эришиш ғояларини илгари суради. Гарчи у ҳам Ҳасан Басрий сингари доимо маҳзун ҳаёт кечириб, кеча-кундуз кўз ёши тўкса-да, унинг бу йиғиси жаҳаннам

азобидан кўрқиш туфайли эмас, балки Аллоҳга бўлган ишқ-муҳаббатидан эди. Робия бу ҳолати билан тасаввуф тарихига "илоҳий ишқ" тушунчасини биринчи бўлиб олиб кирган сўфий бўлди ва кейинги даврларда тасаввуфий тушунчада катта ўрин тутадиган бир чашма очиб берди. Унинг соясида тасаввуфий дунёқараш тарзи янгича шакл олди ва "илоҳий ишқ" қараши асрлар мобайнида тасаввуф адабиётининг бош мавзусини ташкил этибгина қолмай, тасаввуф фалсафасида ҳам муҳим ўрин тутди. Робиянинг Аллоҳ ишқи бобидаги ушбу сўзлари машҳурдир: *"Илоҳо! Сенга жаҳаннамдан кўрққанам учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзах оловида ёқ! Агар жаннатингни орзу қилиб ибодат қилаётган бўлсам, жаннатингни менга ҳаром қил! Агар ёлғиз сени севганим учун ибодат қилаётган бўлсам, мени азалий жамолингдан маҳрум қилма, ё Парвардигоро!"*. Робия ботинидаги изтиробнинг каердан келганини бундай ифодалайди: *"Аллоҳни севган киши севгилисига қовушмагунча фарёду фигони асло битмайди."*

Робиядаги илоҳий ишқ икки хил кўринишда намоён бўлади:

1. Аллоҳдан бошқа нарсалар билан машғул бўлишдан чалғитувчи севги.

2. Аллоҳни фақатгина зоти туфайли севиш, бу севгидан мақсад эса Аллоҳнинг жамолини мушоҳада этишдир. Мақбул бўлган севги ҳам шудир.³

Робия Аллоҳ ишқидан бошқа "тажалли" ва "тафдилул валий" тушунчаларига ҳам эътибор беради. Унингча, инсон ўз ботинига яшириниб, тафаккур орқали илоҳий сирга эриша олади. Ҳар қандай борлиқ Аллоҳда бирлашади. Зеро, фақат Аллоҳ бор, коинот унинг сифатларининг тажаллисидан иборат. Аллоҳга эришмоқнинг ягона йўли эса севгидир.

Робиянинг илоҳий ишқ ва бошқа хусуслардаги фикр-қарашлари, ундан кейинги даврларда чиққан сўфийларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Маъруф Карҳий, Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Сирри Сақотий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Хорис Мухосибий ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ҳижрий I ва II асрларда Увайс Қараний (657й. в. э.), Жаъфар Содик (765 й. в. э.), Абу Ҳошим ас Суфий (767 й. ваф. э.), Суфёни Саврий (777 й. в. э.), Абдуллоҳ ибн Муборак (797 й. в. э.), Фузайл ибн Аёз (802 й. в. э.) каби машҳур зоҳидлар яшаган. Бу зотларнинг ҳар бири тасаввуф ахлоқининг бош мавзуларидан бирига катта эътибор бериб, тасаввуф пойдеворларини курганлар. Аммо бу даврларда тасаввуф илми ҳали тўла-тўқис бир тизимга солинмаган эди. Ҳижрий III ва IV асрлардагина тасаввуф мустақил илм сифатда ташкил топиб, дарс сифатида ҳам таълим берила бошланди. Илк даврлардаги зоҳидларнинг йўлидан борганларга ҳижрий II асрнинг охиридан бошлаб "сўфий", улар юрган йўлга "тасаввуф" дейила бошланди. Тасаввуфнинг бир илм сифатида пайдо бўлиши ва таълимотга айланиши ҳақида Имом Раббоний куйидагича маълумот берган: *"Тақиййуддин Мақризий "ал Ҳўтат вал осор" номли тарихий асарида Имом Қушайрийдан нақл келтирадики, ҳазрати Муҳаммад а.с. давридаги мусулмонларга саҳоба, улардан кейинги асрга келиб, саҳобалар билан кўришганларга тобеин, улардан кейинги асрда яшаб, тобеин билан суҳбатлашганларга таъъати тобеин дейдилар. Ундан кейин бидъат аҳли пайдо бўлиб, ҳар бир синф ўзича зухд даъво қилдилар. Уларнинг ораларидаги аҳли суннат эса "мутасаввиф" номи билан танилиб, бошқалардан устун чиқиб ажралдилар. Ҳофиз Исфаҳоний "Шавоҳидут тасаввуф" номли китобида дейдики, "Тасаввуфнинг зоҳирий илмлар каби бир таълимот ҳолига келтирилишига ва ўқитилишига сабаб бўлган биринчи зот - Аҳмад ибн Ато бўлиб, у бу иш учун махсус дархона ҳам қурдирган. Ундан кейин Аҳмад ибн Ғассон ҳам махсус хонақоҳ вақф этган. Ундан кейин яшаган Ҳасан Масбуҳий ва Абу Ҳамзаларни эса Имом Аҳмад ибн Ҳанбал "сўфий" деб атаган. Ўшанда икки юздан ортиқ кишига "сўфий", уларнинг жамоатига эса "мутасаввиф" дея мурожаат эта бошладилар ва улар шу тариқа бошқалардан ажрала бошладилар".*

4. Тасаввуфнинг илмий асосланиши Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳалложнинг тасаввуфий қарашлари. Ҳижрий I ва II-асрларда жаҳаннамдан кўрқиш, жаннатга умидворлик ва Аллоҳнинг розилигига эришиш фикрига асосланган зухд ҳаёти, яъни зоҳирий ибодат, риёзат ва мужоҳадалар тарзидаги тасаввуфий ҳаёт, III ва IV

асрларда зоҳидона ҳаёт билан бир қаторда зоҳирдан ботинга интиқол этади: руҳий покланиш ва Аллоҳга эришмоқ фикри асос ғояга айланади. Шу тарзда тасаввуф руҳоний психологик аҳамият касб этади ва мутасаввифлар тасаввуфни инсон руҳиятининг турли кўринишларида тадқиқ этиб, руҳан камолотга эришув йўллариini излай бошлайдилар. Бу ҳақда Ҳорис Муҳосибий "Риоя ли ҳуқуқиллаҳ" ва "Китабул васоя" каби асарлари билан мутасаввифларга кучли таъсир кўрсатди. Масалан, Имом Қушайрий ва Имом Ғаззолий мазкур асарлардан унумли фойдаланганлар. III ва IV асрлар Ислом тасаввуфи илм сифатида шаклланиб, ўз тамойиллари барпо этилган, буюк мутасаввифлар етиша бошлаган ва мумтоз тасаввуфий асарлар ёзилган давр бўлди. Бу даврда тасаввуф илмининг бош мавзулари белгиланди. Сўфийлар жамият орасида мустақил бир табақа намоён эта бошладилар. Муайян жойларда тасаввуф мактаблари ташкил топди, ҳуллаш, тасаввуф Ислом жамиятида ўз ўрнини топиб, Ислом маданияти ва тафаккур тарихига ўз тамғасини босди. Бу даврда чиққан баъзи машҳур мутасаввифлар ва улар эътибор берган мавзулар ҳақида сўзлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Боязид Бистомий (х.261-м.874й. в. э.): Ислом тасаввуфининг энг муҳим сиймоларидан бири. Аввал фикҳ илмларини ўрганади, кейин тасаввуфга йўналади. Тасаввуфда "ишқ," ва "вахдат" ғояларини илгари сўрган. "Сакр"(сархушлик) тушунчасини тасаввуфга у олиб кирган. Унда "вахдати вужуд" фикрининг илк нишонлари кўринади. Боязид Бистомий тасаввуфда сакрон (беҳуд) ҳолатида айtilган ошиқча (мажозий) маънодаги сўзлар-шатаҳот (шатҳия)нинг намоёндаси бўлиб, фикрлари Мансур Халлож ва Ибн Арабий каби машҳур ваҳдати вужудчи мутасаввифларга кучли таъсир қилган.

Жўнайд Бағдодий (х.297-м.909 й. в. э.): Ниҳованд шаҳридан бўлиб, Бағдодда яшаган Жўнайд зоҳирий илмларда кучли эди. Тасаввуф илмини тоғаси Сирри Сақатий, устозлари Ҳорис Муҳосибий ва Муҳаммад Қассоб каби зотлардан ўрганди. Тасаввуф илми бўйича устозларидан ҳам ошиб ўтган ва Бағдодда даврининг энг буюк сўфийси даражасига етган. Бағдод тасаввуф мактабининг йирик намоёндаларидан саналади. Тасаввуф илмини тартибга солгани, кониқарли изоҳлар қилиб, тасаввуфнинг кенг тарқалишида бекиёс хизмат қилгани, зоҳирий (шариат) илмлари билан ботиний (тасаввуфий) илмларни бир-бирига боғлагани учун **"сайидут тоифа"** ва **"тожул орифин"** унвонларини қозонган. **Муҳаббат, унс, фано, тавҳид ва мийсоқ** тушунчаларига аҳамият бериб, сакр эмас саҳв, талвин эмас тамкин йўлини танлаган. Шатҳияларга бой тасаввуф тушунчасига майл этмаган, асрдоши бўлган Халложнинг жўшқин хатти-ҳаракатини маъқулламаган. Турли мавзулардаги фикр-қарашлари кўплаб сўфийларнинг таянч нуқтаси бўлган. Имом Қушайрий ва Имом Ғаззолий каби буюк шахсиятларнинг етишиб, камол топишида катта роль ўйнаган. Бугунгача етиб келган баъзи мактублари исломшунос олим Сулаймон Оташ томонидан таҳлил қилиниб, нашр этилган. ("Жўнайд Бағдодий: ҳаёти, асарлари ва мактублари", Истанбул, 1969)

Мансур Халлож (х.309-м.921й.в.э.): Эронлик бўлган Халлож тасаввуф тарихида кўп шов-шувларга сабаб бўлган шахсиятдир. Тасаввуф илмини Тустарий, Амр ибн Усмон ал Маккий, Жўнайд Бағдодий ва бошқа сўфийлардан ўрганган. Ироқ, Хуросон, Сижистон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонни кезиб, кўпчилик билан танишган. Бошқаларга нисбатан табиати жўшқинроқ бўлиб, ўз фикрларини ошкор айтаверарди. "Ҳақиқати Муҳаммадия"нинг азалий бўлиб, оламнинг яратилишига сабаб-восита бўлгани, илоҳий зотнинг башарий зотга, яъни Лохутнинг Носутга айланиши ва барча динларнинг ягона манбага таяниши ҳақидаги фикрларини олға суларди. Ўз қарашларини "Девон" ва "Китобут тавосин" асарларида баён қилган. Унинг фикрлари **"илоҳий ишқ"** ва **"вахдати вужуд"** назарияларининг шаклланишига анча таъсир кўрсатган. Ошкора айтаверадиган фикрлари туфайли зоҳирий уламанинггина кескин ҳужумларига учраб қолмай, баъзи тасаввуф аҳлининг ҳам танқидига сабаб бўлди. Шундай бўлса-да, сўфийларнинг аксарият қисми унга тарафдор бўлганлар. Уни танқид қилган сўфийлар, "илоҳий сирни фош этиш"да айблаганлар. Баъзи сўфийларнинг фикрича, тавҳид дарахтини Боязид Бистомий эккан бўлса, Халлож уни қони билан суғорган. Халложнинг **"Анал ҳақ"** сўзи фожеавий равишда қатл қилинишига сабаб бўлди. Франкиялик шарқшунос Луиз Массигнон, Халлож мавзусида кўп тадқиқотлар

олиб

бориб, бир қанча асарларини чоп эттирди. Бу хусусда **"Ахборал Ҳаллоҷ"** (Париж, 1936 й.) ва **"Ла Пассион дал Ҳаллаж"** (Париж, 1922 й.) номли асарлари машҳурдир.

Юқорида мухтасар ҳолда маълумот берганимиз машҳур сўфийлардан бошқа ҳижрий III ва IV асрларда яшаган яна кўплаб сўфийлар бор: Абу Сулаймон Дороний (х.227-м.841й.в.э.), Бишри Ҳофий (х.227-м.841й.в.э.), Сирри Сақатий (х.257-м.870й.в.э.), Амр ибн Усмон ал Маккий (х.291-м.903й.в.э.), Иброҳим Ҳаввос (х.291-м.903й.в.э.), Абу Саййид Ҳарроз (х.227-890й.в.э.), Ҳамдун Қассор (х.271-м.884й.в.э.) (Бу зот тасаввуф тарихида Хуросон ҳудудида юзага келиб, тарқалган маломатия мактабининг асосчиси ҳисобланади), Рувайм (х.330-м.941й.в.э.), Наҳражўрий (х.330-м.941й.в.э.), Абдул-лоҳибн Ҳафиф (х.328-м.939й.в.э.), Ибн Мунозил (х.330-м.941й.в.э.), Абу Али Сакофий (х.328 - м.939й.в.э.) (бу иккиси маломатий бўлиб, Ҳамдун Қассорнинг муридларидир), Абул Ҳасан Бўшанжий (х.348-м.955й.в.э.) шулар жумласидандир.

Басра, Куфа, Бағдод ва унинг атрофида кенг тарқалган тасаввуф ҳаракати ҳижрий III аср охиридан эътиборан Араб ярим оролининг ўзга ўлкалари, Миср, Хуросон, Нишопур ва Ислом оламининг бошқа диёрларида ҳам ёйилди. Шу тарзда Бағдод, Басра, Миср, Мадина ва Хуросонда тасаввуф мактаблари юзага келди ва бу мактабларда тасаввуф жараёни янада ривож топиб, Ислом тараққиёти тарихида муҳим ўрин тута бошлади. Бу ўринда бир масалага эътибор берсак фойдадан холи бўлмас: Ироқ ҳудудида Жўнайд Бағдодий ва бошқа машҳур сўфийларнинг фикрлари асосида шаклланган тасаввуф тушунчаси, Хуросон ва Нишопур ҳудудларида ботиний жиҳатдан янада камол топиб, нисбатан фарқли характер касб этган. Чунончи, Хуросонда яшаган аҳли тасаввуфнинг кўпчилиги Ироқда ҳоким бўлган тасаввуф қарашларини "шаклий" деб топиб, тасаввуфни зоҳирга ошкор этмай, унинг фақатгина қалбда яшамоғи лозимлигини ва инсоннинг асл вазифаси - нафсини ислоҳ этмоқ, риё амаллардан сақланмоқ, қалбини фақатгина Аллоҳга боғламоқ эканини таъкидлаганлар. Бу мутасаввифлар хонақоҳлар қурдириб, махсус киёфаларга кириб, ошкор зикр мажлислар уюштириб, жамиятдан ажралиб ўзларича бир гуруҳга айланишни риёкорлик деб билганлар. Ушбу фикр-қарашлар асосида Ҳамдун Қассор томонидан "маломатия" деб аталган янги тасаввуф мактаби пайдо бўлди. Шу сабабли, айниқса, Хуросонда пайдо бўлган тариқатларда "маломат" тушунчаси кенг тарқалган. Ҳижрий III ва IV асрлар тасаввуф тарихида асосий тариқатлар юзага келган давр ҳисобланади. Асосчиларига Мухосибий), қассория ва маломатия (Ҳамдун Қассор), тайфурия (Абу Язид-Боязид Тайфур Бастомий), жунайдия (Жўнайд Бағдодий), нурия (Абул Ҳусайн Нурий), ҳакимия (Ҳаким Термизий), харрозийя (Абу Саид Харроз), хафифия (Мухаммад ибн Хафиф Шерозий), сайёрийя (Абул Аббос Қосим ибн Махдий Сайёрий), хубайрия (Хубайра Басрий). Кейинчалик зухур этган тариқатлар ҳам шу тариқатлардан ва хусусан жўнайдиядан келиб чиққанлар. Нақшбандиянинг силсиласи эса тайфурийяга бориб тақалади. Бу давр зоҳирий илмлар уламози томонидан мутасаввифларга хужум қилина бошлаган давр бўлиб, хусусан, ханбалия. мазҳаби мансублари айрим сабабларни баҳона қилиб, аҳди тариқатни қоралар эдилар: Унга нисбат берилиб, номланган бу тариқатлар қуйидагилардир: мухосибия (Ҳорис Мухосибий), қассория ва маломатия (Ҳамдун Қассор), тайфурия (Абу Язид-Боязид Тайфур Бастомий), жунайдия (Жўнайд Бағдодий), нурия (Абул Ҳусайн Нурий), ҳакимия (Ҳаким Термизий), харрозийя (Абу Саид Харроз), хафифия (Мухаммад ибн Хафиф Шерозий), сайёрийя (Абул Аббос Қосим ибн Махдий Сайёрий), хубайрия (Хубайра Басрий). Кейинчалик зухур этган тариқатлар ҳам шу тариқатлардан ва хусусан жўнайдиядан келиб чиққанлар. Нақшбандиянинг силсиласи эса тайфурийяга бориб тақалади. Бу давр зоҳирий илмлар уламози томонидан мутасаввифларга хужум қилина бошлаган давр бўлиб, хусусан, ханбалия. мазҳаби мансублари айрим сабабларни баҳона қилиб, аҳди тариқатни талқин қилган.

4-мавзу: Тасаввуф тарихида ирфон босқичи (X-XIII асрларда тасаввуф адабиёти)

Режа:

1. Тасаввуф маърифий асосларининг шаклланиши. Ибн Сино ва ирфоний ишқ фалсафаси. Тасаввуфнинг руҳоний мақомлари ва ҳолатлари. Тасаввуфнинг ирфоний мақомлари. *Аҳадият ва воҳидият*.

2. Таълимий жиҳатдан Аллоҳни билиш босқичлари. Имом Ғаззолий таълимоти. “Ихйо улумуд-дин” асари ва унинг маданият тарихидаги ўрни. “Кимиёи саодат”да кўнгил фалсафаси.

3. Тасаввуф адабиётининг шаклланиши. Абу Саид ибн Абул Хайр мажлислари. Бобо Кўҳий Шерозий рубоийлари. Сўфий достончиликнинг вужудга келиши. Абдуллоҳ Ансорий асарлари. Ҳаким Санойи дастонлари. Фаридиддин Аттор ижоди. “Мазҳару-л-ажойиб” асарида Ҳазрат Али тимсоли. “Мантику-т-тайр”да Аттор фалсафаси “Илоҳийнома”да Рух ва ситтаи қувва талқини. *Тавҳид асрори («Жавҳару-з-зот»)*.

Адабиётлар:

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.

2. Қуръони карим. Матн, таржима, шарҳ. – Т.: Ислом университети нашриёти, 2000.

3. Абу Абдуллоҳ Бухорий. Ал-жомий ус-саҳиҳ. 1-2 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2008.

4. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001

5. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

6. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.

7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: «Истиқлол», 1999.

Тасаввуф давомли суратда ривожланиб борди ва тасаввуф тарихида Ирфон босқичи (X-XIII аср) мумтоз давр сифатида қабул қилинди. Ибн Сино (980-1037) ва ирфоний ишқ фалсафаси ҳақида тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг асарларида изчил илмий талқинлар мавжуд⁹. Абу Али ибн Сино буюк табобат олими, файласуф, тилшунос бўлиш билан бирга забардаст тасаввуф олими ҳам эди. “Ал-ишорот ва-т-танбиҳот” («Кўрсатма ва танбеҳлар») асарида суфийлик амалиётининг руҳоний асосларини очиқ берди¹⁰. «Тайр қиссаси», “Соломон ва Ибсол”, “Юсуф” каби насрий асарлари X–XII асрларда нафақат тасаввуфий адабиётнинг, балки бадиий насрнинг юксак намуналари сифатида тан олинади.

Мана шу даврдан тасаввуфнинг руҳий (руҳоний), илмий-таълимий ва амалий асослари шаклланган. Руҳоний назария бўйича *шариат*, *тариқат*, *маърифат* ва *ҳақиқат* босқичларига эришиш етти мақом: *тавба*, *вараъ*, *зуҳд*, *фақр*, *сабр*, *таваккул* ва *ризо* орқали юз беради. Суфий қилган гуноҳлари учун тавба қилгандан сўнг у вараъ, яъни ҳаром билан ҳалолни фарқлаши лозим. Кейин зуҳд ва фақр мақомига қадам қўяди. Сабр ва таваккулдан кейин ризо, яъни қалбнинг тозалангани ва у илоҳийлик касб этиши, Аллоҳга қўшилишга тайёрлиги айтилади. Тасаввуфда бу мақомлардан ташқари *ҳол* (*аҳвол*), яъни бир қанча ҳолатлар ҳам фарқланади: *қурб* (яқинлик), *маҳабба* (севги), *хавф* (хатар), *ражаъ* (умид), *шавқ* (эҳтирос), *унс* (дўстлик), *итмаъинна* (қалб осойишталиги), *мушоҳида* (идрок) ва *яқин* (ишонч)¹¹.

Таълимий жиҳатдан қараганда Аллоҳни билиш маърифати уч босқичда фарқланади: 1) илму-л-яқин; 2) айну-л-яқин; 3) ҳаққу-л-яқин. Илму-л-яқинда энг ишончли кишилар, яъни пир-муршид воситасида Аллоҳнинг биру борлиги эшитиб билинади. Солик муршид

⁹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т., 1999. – Б. 57.

¹⁰ Нарзикулова Ф. Психологическая концепция Ибн Сино и практика суфизма // Филология масалалари. – 2004. 1-сон. – Б.88-90.

¹¹ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965. - С.38.

рахнамолигида илоҳий моҳиятни ўрганиб унга ишонади. Илму-л-яқинга шариат талабларини бажариш орқали эришилади¹². Иккинчи босқичда у фикрлаш орқали Ҳақиқат нурининг мавжудлигини англаб етади, яъни маърифатга эришади. Ҳаққу-л-яқин сўнгги босқич бўлиб, унда эшитиб билиш, мулоҳаза орқали билишдан сўнг кўриб билиш даражасига етилади. Демак, инсоннинг илоҳий руҳга яқинлашув ҳолати содир бўлади. Мансур Халлож таълимоти ана шунинг учун ҳам “Анал ҳақ”, яъни инсон руҳининг илоҳиётга қовушиши тарзида кечади.

Аллоҳни билишда юқоридаги уч маърифий босқич Имом Ғаззолий (1059-1111)нинг «Мукошафату-л-қулуб» асарида фарқлаб кўрсатилган¹³ бўлса, «хужжату-л-ислом»нинг «Иҳйа ал-улум ад-дин» («Диний илмларни жонлантириш») асарида маданият тарихида илк бор ифода этилган.

Тарикатда мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутди. «Мақомот» — мақом (манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Абу Наср Саррож тарикатнинг қуйидаги мақомларини қайд этган:

1. Тавба.
2. Вараъ.
3. Зухд.
4. Фақр.
5. Сабр.
6. Хавф.
7. Ражо.
8. Таваккул.
9. Ризо

Тавба—қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани боб ул-абвоб — эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тарикатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солиқ Худога етишиш йўлида ғов бўладиган жамики

нарсалардан юз ўгиришга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжуҳини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба куфрдан қайтиш, шариат ман этган наҳй ва ёмон ишлардан қайтиш, замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа қайтиш, Ҳақнинг ғайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳияти ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг

ахволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам билдиради. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳга иқроп бўлиш — оддий одамларга хос. Сўфийлар тавбаси эса қалб истижоби, яъни истижобат — узилиш, ўзгариш тавбасидир.

Вараъ сўзининг маъноси парҳез, тақво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демақдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тил вараъи, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъи — шубҳали нарсалардан сақланиш, ғализ шаклларга боқмаслик; қалб вараъи, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва нохуш қилиқдарни қилмаслик. Кўнгил ман этган жамики нарсалардан парҳез қилиш, тамадан сақланиш, маҳрумликдан кўрқишдан ҳазар қилиш. Хуллас, тилга, кўзга, қулоққа ва оёққа банд солиш.

Зухд — вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парҳез, ҳазар қилиш демақдир. Аммо бунда таом ва ичимликдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳила аҳамият берилади. Зухд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан, деб интилмасликдир. (Ҳадис: Кимки дунёдан парҳез этса, унинг қалби тажаллиёт нури

¹² Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳлари луғати. – Т., 2000. - Б.32-33.

¹³ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафату-л-қулуб (Қалблар кашфиёти). – Т.: Адолат, 2002. - Б. 239-242.

кирадиган жойга айланади). Жунайд Бағдодий сўзи: «Зухд — кўлни мулкдан холи тутиш, дилни эса Ҳакдан ўзга ҳар нарсадан пок сақлаш демак». Ғаззолий дейди: «Зухд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмасликдир».

Фақр — маъноси қашшоқпик, бенаволик. Сўфиилар наъдида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилдан олий даражада бажо келтириш, банлаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонсиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам, деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам. Барча нарсалар, оламу олам Аллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир. Фақрни ана шундай мазмунда англаган одам тасаввуф моҳиятига ҳам етиб боради.

Сабр — тоқат, чидам. Сўфийлар тидида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан кўркмайдиган одамдир. «Сабр кушойиш учун интизорликлар» (Саҳл Тустарий), яъни руҳий-маънавий мушкулликлар юз берганда, сабр қилган солик кушойиш топади, янги манзилларни кашф этади. Сабр — имоннинг ярми дейдилар, чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади, тоатдан ҳаловат топиш ҳам сабр билан бўлади.

Хавф — қалбнинг ишончдан, имон аминидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вакгинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф-кўркув солади. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан кўрқади. Ваҳоланки, шайтон имони мустаҳкам одамдан кўркиши керак.

Ражо — умидворлик. Қалбнинг келажакда маҳбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, интиқпиклари ҳам шунга киради.

Танақкул — барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суяниш. Таваккул илоҳий файзга эътимодли кишининг имонидир. Бу маърифат камолидан келадиган олий мақомдаги имондир. Барча ҳолларда ва амалларда Аллоҳга суяниш, ўзини бир фаолият асбоби ҳисоблаш, барчани Худога топшириб, Худодан ўзга нарсалар ҳам Худодан эканига чуқур ишониш. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуғ Тангри кудрати туфайли, кудратининг намоён бўлиши эканини англаш шарт. Худонинг иродаси бизнинг иродамизга ҳоким. «Таваккул — имон ҳақиқатлир» (Кошоний)

Ризо — қалбдан қабоҳат — кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсунуш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амрига таслим бўлган қалбнинг сурури. Лоҳижий: Ризо — банданинг ўз ризосидан чиқиб, Маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга зарра эътироз қилмаслигидир. Соликда ушбу мақомда ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-кудурат ва хафаланиш бўлмайди...

Айрим тадқиқотчилар тилга олинган мақомлар ёнига яна *қаноат*, *сидқ*, *итминон* (тўла ишонч), *шукр*ни ҳам қўшганлар. Бироқ кўриб ўтганимиз тўққизта мақом қаноат, шукр ва итминонни ўз ичига олади. Дикқат билан фикр қилиб қарасак, мақомотнинг ушбу тартибида муайян мантиқий узвийлик борлиги маълум бўлади; аввал қатъий парҳез, кам ейиш, кам ухлаш, кам гапириш, барча номаъқул ва номақбул ишлардан сақпаниш, поктийнат, пок бадан ва пок аъмол учун курашиш. Сўнгра шу асосла руҳни чиниқгириш, маҳрумликларга кўниш ва кўникиш, чилла ўтиришлар, сурункали зикр орқали Аллоҳнинг муборак исмларини қалбга нақшлаш, хотира ва ҳофизани кучайтириш ва шу асосда имонни мустаҳкамлаш, жамики мавжудот ва ҳодисотда Аллоҳ кудратини кўриш, идрок этиш ва қалбан иқроқ бўлиш, таниш. Шу тариқа, маърифатга йўл очилади ва соликнинг аҳволи руҳияси ўзгариб боради. Илоҳий маърифатга эришиш йўли ана шундай оғир ва машаққатли бўлган.

Тарикатга талабгор одам дунё лаззатлари, хирсу ҳавасдан воз кечиб, жисму жонини руҳий қийноқдар гирдобига солиши, бутун иродаси, фикру зикрини Аллоҳ ёдига йўналтириши лозим эди. Соликнинг интилишлари пир томонидан назорат қилинар,

солиқнинг рухий ўзгаришларини англаган зукко пирлар уларни янги - янги поғоналарга руҳлантирардилар. Пир турли воситалар билан муридни тарбиялаб, унинг ички ботиний оламини бойитиш, ҳам зоҳирий ва ҳам сўфиёна илмларни ўргатиш баробарида, ҳис ва руҳини чархлаб, нозиклаштириб, қўл тегса, жаранглаб кетадиган чолғу асбобидай ҳолга келтирар эди. Бундай тўхтовсиз изланиш, рухий изтироблар замирила кучли муҳаббат, мақсадга етишиш йўлидаги бемисл инсоний сидқу вафо, фидойилик ётарли. Шундай пайтда истеъдодли солиқларнинг қалб кўзлари очилар, бешта

ташқи ва бешта ички (хотира, ҳофиза, ақл, тахайюл, тасаввур) ҳислардан бошқа, яна ҳайратга солувчи зеҳний ва ваздий (интуитив) қобилятлар пайдо бўларди.

Тасаввуфда банданинг Илоҳга муҳаббати билан бирга, Илоҳнинг Ўз бандаларига муҳаббати ҳам эътиборга олинади. Аслини олганда, олам, унинг ашъёлари, тирик мавжудотлар, инсон - ҳамма-ҳаммаси Мутлақ руҳнинг муҳаббати туфайли вужудга келган. Аҳли ирфон тасаввурига кўра, бошида Мутлақ руҳ жавҳаридан бошқа нарса йўқ эди. Мутлақ руҳ ўз ҳусну жамоли, қудратига маҳлиё бўлади, яъни Ўзи Узини севиб қолади ва жамолини намоиш этиш учун дунёни яратади. Демак, дунё Мутлақруҳнинг кўзгуси. Инсон Унинг муҳаббатининг меваси. Инсон ўз хилқати, тузилиши билан илоҳий хусусиятларни акс эттирган тимсолдир, унинг қалби бўлса нури Раҳмон маскани. Шунинг учун тасаввуфий муҳаббат икки ёқламадир, бир томондан, ўз Яратувчисига муҳаббати, иккинчи тарафдан, Тангрининг бандасига марҳамати, хайру эҳсони. «Ҳақнинг бандага муҳаббати, — деб ёзади Ҳужвирий, — хайр

иродасидир. Бу хайр раҳмати туфайли банда парвариш топади, гуноҳлардан қутулади, мақом ва кароматга эга бўлади*. Демак, Аллоҳнинг марҳамати Унинг чексиз карамининг севган бандаси устига ёғилиши, бандани яшнатиши ва сероб қилишидир. Бу илоҳий эҳсон Худога ошиқ мажзуб солиқлар қалбига юксак бир

даражада нузул этади, уларнинг ишқини алангалатади. Хулласи калом, илоҳий муҳаббат хос ҳислатларга молик алоҳида шахсларнинг рухий-психологик ҳолатини англайдиган фазилят, уларнинг шавқузавқи, мушоҳада-муқошифасини тезлаштирувчи куч.

Аммо ҳужжат ул-ислм имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрига кўра, Аллоҳни севиш фақат жунуни бор алоҳида шахслар - ошиқ солиқларнинг фазилати эмас. Аллоҳҳамма учун севимлидир, чунки Унда инсон тасаввуридаги барча эзгуликлар, инсонни ўзига тортувчи, муҳаббатига сабаб бўлгувчи жамики сифат ва ҳислатлар мавжуд. Олим буни қуйидаги омиллар орқали тушунтирган:

1) инсон ўзини, ўз камолоти ва ҳаётига асос бўладиган нарсаларни севади; 2) ўзига яхшилик қилган, ёрдам берганларни севади; 3) умуман ҳаммага яхшилик қиладиган саховатли одамларни севади, жумладан, адолатли шохлар ҳам севимли; 4) шунингдек, барча гўзал нарсалар, нафосат олами, хушбўй, хушсурат нарсалар ҳам севимли; 5) маслак ва мазҳаб юзасидан ҳам одамлар бир-бирларини яхши кўрадилар. Аммо бунда конкрет шахснинг жисми, вужудини эмас, балки мазҳаби, рухий-маънавий қариндошлиги муҳаббатга сабабдир. Шу каби сахийлар сиймосида саховатни, одиллар сиймосида адолатни, қаҳрамонлар сиймосида қрҳрамонликни севадиз. Бу сифатларнинг ҳар бири алоҳида олинганда муҳаббатга сабаб бўлади, аммо улар бир ерга йиғилса-чи? Унда муҳаббат ҳам йиғилиб, кучаяди ва у Худога бўлган қайноқ муҳаббат даражасига кўтарилади! Чунки фақат Аллоҳгина барча яхши, эзгу

сифатларни жамлаган Зотдир. Аллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий Адолат ва Ҳақиқатни севадиз. Инсон ана шу идеал етуклик ва камолни кўмсайди, ўзининг барча ниятлари, орзуларини шу билан боғлайди. Ғаззолийнинг уқтиришича, инсоннинг ўзини севиши ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббатдан нишона, негаки ўзини севиш ўз камолоти учун курашиш демак. Бизни яратган Парвардигор камолотимизга раҳнамо, ҳаётимизга посбон. Шу боис биз ўз камолотимиз ва ҳаётимизни севиш билан Парвардигорни севган

бўламиз. Бу фикрни олим «Ўзини таниган киши ўз Раббини танийди», деган ҳадис билан тушунтириб айтадики, ўзини севиш - ўзини таниш демак. Шунинг учун муҳаббат ва

маърифат ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, «маърифатсиз муҳаббат, муҳаббатсиз маърифат бўлмайди» (*Ғаззолий*. Ихёу улум ад-дин, русча нашри). Машхур сўфий Ҳасан Басрий айтган экан: «Ким ўз Раббини таниса, Уни севади, ким дунёни таниса, ундан воз кечади*». Яъни Аллоҳни танишимиз кучайган сари Унга нисбатан муҳаббатимиз ошаверади, лекин дунёнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борганимиз сари (унинг бебақолигини англаб) унга нафратимиз орта боради.

Кўриниб турибдики, Ғаззолий инсоннинг табиатидан келиб чиқиб, фикр юритган. Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг зарурий ва қонуний эканини илмий-мантиқий йўсинда исботламоқчи бўлган. Бироқ қизиғи шундаки, у ўзининг фикрларини тасаввуфий муҳаббатга олиб бориб боғлайди ва тасаввуфий муҳаббатнинг (илоҳий ишқнинг) ҳам табиий асослари борлиги, зарурий ҳодиса

эканини кўрсатиб беради. Шу заминда улуг олим инсоннинг инсонга муҳаббати, илоҳий муҳаббат билан заминий, ҳаётий муҳаббат орасидаги муносабат ҳамда орифлар, дарвешларнинг муҳаббати ҳақида муҳим фикрларни баён этади. Ғаззолий талқинига кўра, илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббат орасида зиддият йўқ. Аксинча, илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўриниши. Ҳамма гап қандай инсонларни севишда. Биз нима учун оқил, ориф ва заковатли одамларни севамиз? Ғаззолий бунга жавоб қайтариб дейдики, маънавий камолотга интилган, эзгу қалбли ҳар қандай одам сеvimлидир, чунки у Аллоҳни севади ва Аллоҳ ҳам уни севади. Пайғамбарлар, ориф дарвешлар, солих кишилар шунинг учун муҳаббатга са-

зовордирлар. “Пайғамбарни севиш таҳсинга лойиқ, - деб ёзади Ғаззолий, - чунки у Парвардигорнинг севган кишиси, Парвардигор ҳабиби! Яъни севганимизнинг севгани ҳам сеvimлидир.”

Шунга биноан, вали ва ориф дарвешларни эъозлаймиз, севамиз, уларни севиш орқали Парвардигорга бўлган муҳаббатимизни изҳор этамиз. Халифаи рошид Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу дарвешлар хусусида шундай деганлар: «Бу одамлар ишқ билан ҳаққул-яқин мартабасига эришган, ҳақиқат моҳиятини англаган эотлардирлар. Улар бу дунёда вужудлари билан борлар, аммо руҳлари баландларда учиб юради. Улар Аллоҳнинг ердаги халифалари ва Унинг динининг жарчиларидир». «Аллоҳнинг ердаги халифалари» бўлган илоҳсевар дарвешлар ўз пирлари ёки тасаввуфнинг бошқа бир намоянчасини ғойибона

хурмат қилганлар, кўпинча бу хурмат чинакам муҳаббатга айланган. Масалан, Шамс Табризий билан Жалолиддин Румий, Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил билан мажзуб Шох Қобулий орасидаги муносабатлар шундай пок, ғоят нозик ва ибратли эди. Жалолиддин Румий Шамс Табризийни учратгандан кейин, унга шунчалик маҳлиё бўлганки, уч ой давомида иккаласи

бир уйда хилватнишин бўлиб суҳбатлашганлар. Ривоят қиладиларки, Мавлоно Румийнинг муридлари бундан хафа бўлиб, рашклари келиб, ғавғо кўтардилар ва Шамсиддин қайтиб Табризга кетишга мажбур бўлади. «Аммо Мавлоно учун бу жудолик оғир бўлди, — деб ёзади Ҳожи Зайнобиддин Ширвоний «Шарҳи ҳоли Мавлоно» рисоласида, — Шамсиддиннинг ишқи олови унинг ичини ёндира бошлади ва Шамсиддин фироқида ўтли-аламли шеърлар айта бошлади». Румий илоҳий ишқни тараннум этган барча ғазалларини устозига бағишлаб, унинг номини таҳаллус сифатида қабул қилади. Лекин сўфий шоирнинг кўнгли бу билан ҳам таскин топмайди, у тоқати тоқ бўлиб, охири Табризга қараб отланади, кўп қийинчиликлардан сўнг Шамсиддинни топиб, Румга қайтариб

олиб келади. Улар узоқ муддатлар ағёрдан холи ҳолда суҳбатлар ўтказдилар, икки кўнгил бир-биридан баҳра олиб яйрайли. Муридлар ҳасали яна жўш уриб, Шамсиддинга таҳдид қиладилар. Натижада у яна Куняни тарк этади, икки йил Шомда қолиб кетади. Зайнобиддин Ширвоний ёзади: «Мавлоно бу муддат ичида Шамсиддин фироқида орому қарорини йўкотди, бутунлай девонага ўхшаб қолди». Оқибатда у ўғли Султон Валадга минг динор пул бериб, Шом сафарига жўнатади. Султон Валад Шамсиддинни топиб, олтинларни унинг оёқлари остига тўқади (Шамсиддин шу пайт бир фарангий муриди билан шохмот ўйнаб ўтирган бўлади) ва отаси тайинлаган қуйидаги байтларни ўқийди:

Биравед, эй ҳарифон, бикашед ёри моро,
Ба ман оваред холо санами гурезпоро.
Агар ў ба ваъда гўяд, ки дами дигар биёед,
Махўред макри ўро, бифиребад ў шуморо.

(Боринг, эй дўстлар, келтиринг ёримни мани, қочоқ санамимни олдимга келтиринг. Агар у бошқа пайт келинг, деб, ваъда берса, унинг макрига учманг - алдайди у сизни).

Султон Валад шу зайлда Шамсиддин Табризийни кўндириб, унинг оти жиловиди бир ой пиёда йўл босиб. Румга олиб келади. Аммо Жалолиддиннинг васлдан шодлиги узоққа чўзилмайди, рақиблар Шамсиддинни қатл этиб қутуладилар. Бу алам Жалолиддин Румий қалбидан ўла-ўлгунча кетмайди Шамсиддинга бўлган муҳаббат шарофати билан Румий жаҳоннинг буюк шоирларидан бирига айланади ва илоҳий маънолар тўла нодир асарлар яратади.

Жалолиддин Румий Шамсиддин руҳида маънавият етуклигини, камолотни кўрган эди Шамсиддин сўалари унинг илҳомига илҳом кўшар, кўнгил дардларига ҳамдардлик қилар, илоҳиёт сиру асрорини кашф этишга кўмаклашарди. Шамсиддинга муҳаббат Румий учун Илоҳга муҳаббатнинг инсон қиёфасидаги ифодаси эди. У Шамсиддин қалбиди илоҳий файз майининг лиммо-лим қадаҳини топиб, ундан тўйиб-тўйиб симирарди. Худди шундай ҳолатни Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий муносабатларида ҳам кўрамиз: агар биз ҳазрат Навоийнинг Абдурахмон Жомийга бағишланган «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарини мутолаа қилсак, улар бир-бирларининг суҳбатига ҳамиша интиқ бўлганлари, икки-уч кун кўришмасалар, соғиниб қолишлари, бир-бирларини нафақат фарзанду-ота муҳаббати, балки ихлосманд пир-мурид муҳаббати, ёру биродарлик муҳаббати билан йўқлаб, кўмсаб турганларини кўриш мумкин. Жомий “Юсуф ва Зулайхо” достонининг хотимасида Навоийни тенги топилмас садокатли дўст, ёри азиз деб таърифлайди. Уларнинг бир-бирларига юборган мактублари ҳам муҳаббат сўзлари билан тўлиқ. Бунла ҳам ўша ҳодиса, яъни маънавият камоли, орзудаги илоҳий сифатларни реал инсонда кўриб, уни севиш ҳодисаси мавжуд. Аммо Фарииддин Атторнинг Мансур Ҳалложга муҳаббати реал инсонга эмас, балки унинг руҳига, эътиқодига муҳаббатдир. Румийнинг айтиши бўйича, Мансур руҳи юз эллик йилдан кейин Атторга нузул қилган ва уни тарбиялаган. Аттор — Мансур ҳақиқатининг шайдоси. Унинг назарида Мансур Ҳаллож илоҳиётнинг инсон суратидаги тимсолидир. Шу сабаб Шайх Фарииддин Аттор достонларида куйлаган илоҳий ишқ қайноқ бир тарзда Мансурга бўлган муҳаббат билан кўшилиб намоён бўлади. Шоир гўё Мансурни таърифлаш билан Илоҳни, Илоҳни алқаш орқали эса Мансурни севиб тасвирлайверади.

5-мавзу: Ислом тасаввуфи тариқатлари - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва таснифлари
2. Хужвирийнинг “Кашфу-л-маҳжуб” ва Муҳаммад Шерозийнинг “Таройиқу-л-хақойиқ” асари асосида кўрсатилган тасаввуф силсилалари.
3. Ғарб олимлари талқинида тасаввуф тариқатларининг таснифи. Тариқат ва силсила муносабатлари.

Адабиётлар:

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: «Истиқлол», 1999.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000

1.Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва таснифи. IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбир-усуллари шаклланди, ТАРИҚАТ, МАЪРИФАТ, ҲАҚИҚАТ деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди - тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтларда тасаввуфни нуқул сиру асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар «иборага келмайдиган ишоратлар» деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди. Натижада тариқат ва шариат орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг олам ва одам моҳияти алоқа-муомаласи, тавҳид - ваҳдат масалалари мунозарага сабаб бўлди. Дин арбоблари билан сўфий шайхлари, айниқса, фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларгача бордилар. Тасаввуф бутун Ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда работлар, зовиялар қад кўтарди. Хонақоҳ ва работлар, азиз-авлиёларнинг мазоротида шайхлар маскан тутиб, кўплаб шогирдларни тарбияга олдилар.

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Зуннун Мисрий (796—861), Боязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Ҳаллож (858—922)ларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Абусаид Абулхайр (967—1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006—1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил), Яхёе Сухравардий (1155—1191), Ибнал Арабий (1165—1240), Нажмиддин Кубро (1145—1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) каби шайхул машойихлар тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаларини вужудга келтирдилар, Тасаввуф ҳақида бир қанча рисола ва китоблар ёзилди, тасаввуф ғояларини қизгин тарғиб этувчи улкан шеърят вужудга келди. Тасаввуфга оид назарий китоб ва қўлланмалардан Абунаср Саррож (вафоти 988 йил)нинг **«Китобал лумаъ»**, Ал Калабозий (вафоти 990 йил) нинг **«Китобат таъарруф»**, Абу Толиб Маккий (вафоти 998 йил)нинг **«Қўтал қулуб»**, Сулабий (вафоти 1021 йил)нинг **«Рисолатал маломатия»**, Қушайрий (вафоти 1072 йил)нинг **«Рисола фит тасаввуф»**, Ал Ҳужвири (вафоти 1076 йил)нинг **«Кашфал маҳжуб»**, Абдуллоҳ Ансорийнинг **«Манозил ас соврин»**, Фаридиддин Аттор (1119-1222 йил)нинг **«Тазкиратул авлиё»** комил асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, Румий, Ҳофиз Шерозий, Шабистарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам сўфиёна ишора ва тамсилларни англашда муҳим рол ўйнаган..

Тасаввуфга оид илмий китоблар ва дастурларда тариқат атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. **«Тариқат»** сўзининг маъноси йўл демак, Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг амалий қисми деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат ҳам шундай, чунки пир-муридлик қоидалари, одобига риоя этиш, солиқ (яъни тариқатта қадам қўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари шу тариқат ичига қиради. Тариқат ва унинг мақомотлари, маълумотларга қараганда, биринчи марта Зуннун Мисрий томонидан баён этилган экан. Абдуллоҳ Ансорий ёзадики, Зуннун Мисрийни фақат «каромат билан ситойиш» қилиш кифоя эмас, чунки унинг «илгида мақом ва ҳол суҳра эрди» (Навоийнинг **«Насойимул муҳаббат»** асаридан олинди). Яъни мақом ва ҳол илми Зуннун қўлида ўйинчоқдай гап эди, дейди Ансорий. Навоий ёзади: *«Ул кишиким ишоратки иборатқа келтурди ва бу тариқдин сўз айтди ул эрди»*.

Демак, Зуннун биринчилардан бўлиб, сўфиёна ҳолатлар, кароматларни сўз билан ифодалаган. Зуннуннинг ўзи ҳикоя қилиб дейдики, *уч сафар қилдим ва уч илм келтирдим: аввалги сафарда бир илм келтирдим, хос ҳам, авом ҳам қабул қилдилар, иккинчи сафарда яна бир илм келтирдим, хос қабул қилди, аммо авом қабул қилмади, учинчи сафарда яна бир илм ҳосил қилиб келтирдим, на хос қабул қилди ва на авом*. Тасаввуф аҳли хос деганда илми ҳолдан хабардор сўфийларни, авом деганда эса, тасаввуфга ошно бўлмаган кишиларни назарда тутганлар. Зуннун айтган биринчи илм шариат илмидир, чунки шариат

хосга ҳам авомга ҳам бирдай тегишлидир. Иккинчи илм-тариқат ёхуд муомалат ва муҳаббат илми, учинчиси эса — ҳақиқат, яъни Илоҳ ҳақидаги илмдир.

Агар Зуннун тасаввуфдан биринчи бўлиб «сўз айтган» бўлса, Жунайд Бағдодий «бу илмга тартиб бериб, баст қилиб (жамлаб), кутуб битиди» («Насойимул муҳаббат»). Сўнгра Жунайдининг кичик замондоши Шайх Абубакр Шиблий бу илмни минбар устига олиб чиқиб, элга ошкор қилди. Биринчи бўлиб муридларга раҳнамолик қилган ҳам юқорида номлари тилга олинган шайхлар бўлган.

Сўфийларга кўра, инсонни Аллоҳга элтувчи йўл маъносини билдирувчи тариқатлар, муайян саноклар билан чекланмайди. Чунончи, Нажмиддин Кубро **"Усули ашара"** рисоласини *"Аллоҳга элтувчи йўллар - яратилган жонзотларнинг нафаслари саноги қадар"* дея бошлайди. Илк сўфийлардан Абу Бакр Тамастоний (х.340-м.951й. в.э.) *"Аллоҳга боровчи йўллар - яратилмишларнинг адади қадар"* деса, Абул Ҳасан Музаййин (х.328-м.939й.в.э.) эса бу йўллар - *"Юлдузларнинг ҳисоби қадар"* дейди.² Бу йўлда асосий ғоя - таважжух, яъни ҳолис ниятла Ҳаққа йўналмоқдир. Йўл танлашдаги усул фарқи асосий ғояга тааллуқли эмас. Шу билан бирга тариқатларни турлича таснифлашган. Бу таснифларнинг кўплиги, уларнинг асосидаги ўлчовларнинг хилма-хиллигига бориб тақалади. Тариқатлар асосан қуйидагича тасниф этилган:

а) зикр кўринишларига кўра;

1. Қиёмий тариқатлар (туруки қиёмийя): кўпроқ тик ҳолда зикр қилувчи тариқатлар; масалан, қодирийя.

2. Қуудий тариқатлар (туруки қуудия): ўтириб зикр қиладиган тариқатлар; масалан, нақшбандия.

1. Хафий тариқатлар (туруки хафийя): овоз чиқармай яширин зикр қилувчи тариқатлар; масалан, нақшбандия.

2. Жаҳрий тариқатлар (туруки жаҳрия): овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар; масалан, хилватия, яссавия

б) қўллаган методига кўра:

1. Тариқи аҳёр (хайрлилар йўли): муомала арбобининг йўли бўлиб, *фарз ва суннатларни, нафл намозларни адо этиш, нафл рўзалар тутуш, Қуръон ўқиш ва ҳоказо ибодатлар* орқали Ҳаққа восил бўлишга асосланган. Бу йўл кўп вақтни тақозо қилади, бинобарин бу йўл орқали жуда оз киши мақсадига эришган. **"Тариқи зуҳд ва ибодат"** деб аталган бу йўл - зоҳидлар йўлидир.

2. Тариқи аброр (қалби софларнинг йўли): бу ҳам *риёзат ва мужоҳада* йўли бўлиб, шу орқали ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Риёзатдан мақсад-нафс истакларини қилмаслик мужоҳада эса нафс истакларига қарши курашиш бўлиб, шу тарзда қалб ёмон хулқлардан тозаланиб, эзгу ахлоқ билан безанади. Биринчи методга нисбатан, у қисқароқ ва бу йўл билан Ҳаққа восил бўлганлар кўпроқ. Сўфий тариқатларнинг асосий йўли шудир.

3. Тариқи шуттор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли): бу ишқ-муҳаббат, жазба йўли бўлиб, бу йўлда юрган солиқ бир ҳолдан иккинчи ҳолга: бир мақомдан иккинчи мақомга ўтиш орқали маънавий сайр қилади. Шу боис бу йўлни **"тариқи соирин"** ҳам дейдилар. Бу йўлнинг шarti - инсон ўлимни ўз иродаси билан қабул қилишидир. Солиқ гўё бир ўлик каби ҳамма нарсалардан воз кечиб, ҳатто ўз борлигини ҳам йўқ ҳисоблаши керак. Бу йўл "усули ашара" деган қуйидаги ўн асосга таянади: *тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, бутун борлиги билан Аллоҳга йўналмоқ, сабр, муҳофаза ва ризо*. Қийин бўлишига қарамай, мақсадга эришувда энг қисқа йўл бўлиб, маломатийлар шу йўлни асос қилиб олганлар.¹

Тариқат назарияси милодий XI асрдан бошлаб шаклланиш даврига кирган ва секин-аста тариқатланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Тасаввуф олимлари орасида нисбатан биринчи бўлиб тариқатланиш илми ва тамойилларига юзланган аллома Абул Ҳасан Хужвирий (ваф. 1074) бўлган. Унинг "Кашфу-л-махжуб" ("Покланиш йўлларининг

кашфиёти”) асари (1073)да *мухосибийлик, кассарийлик - маломатийлик, тайфурийлик, жунайдийлик, нурийлик, саҳлийлик, ҳакимийлик, харразийлик, хафифийлик, сайарийлик* сингари ўн тариқат зикр қилинган¹⁴. Мардуд (рад қилинган) тариқатлар сифатида *хулумийлик* ва *халложийлик* келтирилган. Ал-Воситийнинг “Тиряку-л-муҳибин” (“Муҳиблар тариқатлари”) асари (1320)да Хужвирийнинг таснифи, асосан, қабул қилиниши билан бирга қатор янги тариқатлар, яъни XI асрдан бошлаб шакллана бошлаган *билолийлик* ва *увайсийлик* ҳақида маълумотлар бор. Муҳаммад Шерозийнинг “Таройику-л-ҳақойиқ” асари асосида тариқатланиш жараёнини ўрганган олим М.Ҳазратқулов китобида қуйидаги тасаввуф силсилалари: *қодирийлик, мухосибийлик, маломатийлик, қаландарийлик, тайфурийлик, жунайдийлик, рафоийлик, саҳлийлик, суҳравардийлик, мавлавийлик, сафавийлик, нақшбандийлик, неъматуллоҳийлик, қубравийлик, шозилийлик, бектошйлик, нурийлик, исавийлик* ва б. кўрсатилган¹⁵.

Ғарб олимлари тасаввуф тариқатларига муносабатда ҳудудий, миллий ва мазҳабий таснифларни илгари сурганлар. Инглиз олими Жорж Тремингэм кўпроқ ҳудудий таснифнинг ҳимоячиси сифатида кўринади. Унингча, тасаввуф тариқатланишида Боғдод мактаби - Ироқ (Месопотамия)ни алоҳида кўрсатилади. Миср ва Мағриб (Андалусия) мактабларидан бири сифатида *шазалийлик* англатилади. Ундан кейин эса, Эрон ва Ҳинд ҳамда Туркистон мактаблари тавсифи берилиб, уларнинг энг машҳурлари *кубровийлик, яссавийлик, мавлавийлик, хожегон-нақшбандийлик, чиштийлик, Ҳиндистон суҳравардийлиги* деб талқин қилинади. Булардан ташқари олим «Исломдаги тасаввуф тариқатлари» китобида ҳосила тариқатлар сифатида *рўзбехонийлик, кизонийлик* ва бошқаларни тилга олади. Ж.Тримингэм талқинича, Месопотамиядаги тариқатлар орасида машҳурларидан бири *суҳравардийлик* бўлиб, Абу Нажиб Суҳравардий (1097-1168) номи билан боғланган, асосан, Кичик Осиё ва Хуросонда машҳур бўлган. Суҳравардийнинг “Адабу-л-муридин” номли асари хонақоҳ ва мадрасаларда ўқув қўлланмиси сифатида қўлланилган. *Қодирийлик* айрим манбаларда илк тасаввуф тариқати сифатида қабул қилинади. Бу тариқат машҳур шайх Абдулқодир Гилоний (1077-1134) номи билан боғлиқ. Хуросон, Турк ва Ҳинд ҳудудларида вужудга келган тариқатлар эса Абу Ҳасан Ҳарақоний, Абу Язид Бистомий ва Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ экани айтилади. Ж.Тримингэм талқинида тасаввуф тариқатларининг ҳудудлараро таснифи билан бирга тариқат ва силсила муносабатлари фарқли тушунчалар сифатида англатилади¹⁶.

Айрим ғарб мутахассислари тасаввуф тараққиётини *муътазила* таълимоти билан боғлашади. Муътазила (кегиш, узоклашиш) тарафдорлари (Восил ибн Аъта) жабарийликка муносабатда улардан ажралиб кетади ва шу воқеадан муътазилийлик зоҳир бўлади. Демак, Восил (700-749), унинг шогирди Амр ибн Убайд (ваф. 769) даврида бу қараш кучайган. Улар ҳокимиятдаги умавийлардан узоклашганлар ва зоҳидлик машғули билан машҳурдирлар. Муътазилийлик Восилнинг “Фи-т-тавҳид ва-л-адл” (“Аллоҳнинг бирлиги ва адолат”) китоби орқали ҳам тарқалган, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган. Бу қараш басралик Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саййар Низом (ваф. 845) томонидан давом эттирилган. Бишр ал-Муътамир (ваф. 840), Абу Худайл Аллаф (ваф. 849) ушбу таълимот билан чекланмай, уни кенгайтирганлар. Айниқса, халифа Маъмун томонидан (824) бу таълимотни давлат дини даражасида қабул қилиниши уни аббосийлар салтанатида кенг қўлланишига сабаб бўлган. Кейинроқ халифа Мутаваккил (847-861) бу қарашлардан воз кечган¹⁷. Муътазилийлик

¹⁴ Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-махджуб. – Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. – Т.: Фан, 1991. – С.27-47.

¹⁵ Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Маориф, 1988. – С.86-100.

¹⁶ Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в Исламе / Под ред., предисл. и примеч. О.Ф.Акимовской. – М.: Наука, 1989.

¹⁷ Eraydin Salcuk. Tasavvuf ve Tarikatlar. – Istanbul, 1981; Tarikatlar Ansiklopediyasi. – Istanbul, 1991.

даврида юнон манбаларига кўпроқ ўрин берилган, таржима адабиёти кучайган. Бу соҳада халифалик табиби Бихтйишу ва Хунайн оиласи кўп хизмат қилган. Бихтйишу аббосий халифалардан Мансур (754-755) даврида, Жиржис ибн Бихтйишу ва унинг ўғли Бихтйишу II ибн Жиржис Хорун ар-Рашид (786-809) даврида фаолият кўрсатган. Иккинчи оила бошлиғи Хунайн ибн Исҳоқ Ибоди (810 й. туғ.) халифа Маъмун томонидан бош мутаржим этиб тайинланган. X асрда Басрада беш олим фаолияти билан “Ихвану-с-сафа” (“Мусаффо биродарлар”) гуруҳи машҳур бўлган ва улар ҳам юнонлар йўлидан юрганлар¹⁸. Айни шу даврда Оврўпа олимлари талқинича, неоплотинизм кучайган. Плотин (204 й. туғ.) “Энеида” (“Тўққизликлар”) китобида дунёни беш боскич (асос)да тушунтиради: 1) бирлик; 2) рух; 3) қалб; 4) материя; 5) моддий дунё кўриниши. Инсоннинг мақсади руҳни жисмоний жасад (жон)дан озод қилиб, илоҳий ҳаётга йўллашдир. Суфийликни неоплотинизмдан озикланган деювчилар ҳар икки таълимот ўртасидаги мана шу яқинликни назарда тутадилар¹⁹.

Тасаввуф тарихида инсоннинг ўзи устидан назорати кучайди ва бу йўналишда Абу Абдуллоҳ Харис Мухосибий (ваф. 857)нинг “Ар-риёя ли ҳуқуқ Аллоҳ” (“Аллоҳнинг ҳуқуқларига амал қилиш”) китобида 61 боб орқали *мухосаба* (ўзини кузатиш) усуллари баён қилинган. Худди шу даврда мухосиблик таълимоти ёйганлардан бири Абул Фаил ибн Иброҳим Зуннун Мисрий (ваф. 860) бўлган. *Нийа* ва *рийа* (содиқлик ва мунофиқлик) ҳақида баҳс кучайган.

Тасаввуфнинг Хуросонда тарқалиши ва таълимот ҳолига келиши Иброҳим Адҳам (ваф. 776) номи билан боғлиқ. Унинг мажлислари самовий тус олган ва шогирди Шақиқ Балхий (ваф. 780) фаолиятида ҳам бу таълимот кенгайтирилган. IX асрга келиб Нишопурда маломатийлик ривожланган ва унинг Абу Хафс Умар Хаддод (ваф. 881), Абу Усмон Саъид Ҳирий (ваф. 910) каби вакиллари фаолиятда бўлганлар. Абул Қосим Жунайд Хаззоз (ваф. 911)нинг “Саййиду-т-тоифа” (“Тоифалар хўжаси”), “Товусу-л-фуқаро” (“Фуқаролар товуси”) китобларида тасаввуф мантиқан асосланган. Демак, тасаввуф исломнинг мантикий давомидир деб таълим беради Жунайд Бағдодий. Абу Язид (Боязид) Тайфур Бистомий (ваф. 875) тасаввуфни мантиқангина эмас, балки илмий (Қуръоний) асослашга интилган. Фано ва тариқат тушунчалари илк бор Қуръони карим асосида Боязид Бистомий томонидан унга нисбат берилган «Шатхийят» (луғавий маъноси «соҳилга чиқиш») китобида шарҳланган. Асарда жазба ҳолатидаги нидо, муножот ва мулоқотлар жамланган бўлиб, «Илоҳий мулоқот» номи билан машҳур асари ҳам «Шатхийят» таркибига кирган, самовий мажлисларда эҳтирос билан ўқилган. Боязид Бистомийнинг покланиш йўли (тариқи) барча суфийлар томонидан баравар маъқул деб қабул қилинмагани учун у Тавҳид, яъни ягоналикка даъво қилишликда айбланган ва ҳукмдорлар томонидан «кофир» деб эълон қилинган.

Фано ва тавҳидга муносабатда Мансур Халлож (858 й. туғ.) таълимоти эътиборли. Абу-л-Мугис ал-Хусайн ибн Мансур Халлож таълимотида *азал* ва *сурат* ҳақидаги таълимот, *тажалли* ривожланган. Чунки азал сурати моддий дунёда тажалли топади. *Хува-хува* (У удир), *ҳулул* (инсоннинг қисман илоҳийлик касб этиши), *валий* (яъни мукаддаслашуви), *лоҳут* (илоҳий инсон) ҳақидаги қарашлар унинг номи билан боғланади. Халлож ўлдирилган ва унинг китоблари йўқотилган бўлса ҳам бизгача “Китобу-т-тавосин” асари етиб келган бўлиб, китобда 27 ривоят ва 400 насрий парча (зимра)лар орқали фикр баён қилинган²⁰. Мансур Халложга нисбат берилган форсий шеърлар ҳам талайгина, улар асрлардан асрларга, оғиздан оғизга кўчиб юради.

6-мавзу: Марказий Осиёдаги яссавийлик ва кубровийлик тариқатлари- (маъруза-2 соат)

Режа:

¹⁸ *Косим Ғани*. Тарихи тасаввуф дар ислом. – Техрон, 1974.

¹⁹ *Mehmet Ali Ayni*. *Islam Tasavvufinin Tarihi*. – Istanbul: 1985. – S.41-45.

²⁰ *Али Мир Фитрус*. Халлож. – Техрон, 1966.

1. *Яссавийлик* (жаҳрийлик)нинг вужудга келиши ва хусусиятлари. “Факрнома”да яссавийликнинг назарий асослари.
2. Яссавийликда пир-мурид муносабати. Яссавийлик манбалари.
3. Яссавий шайхлари ва уларнинг издошлари.
4. *Кубровийлик*нинг вужудга келиши ва тараққиёти. Нажмиддин Кубро ва тариқат асослари.
5. Кубровий шайхлари. Олами кубро ва олами суғро нисбати.

Адабиётлар:

1. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1992.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
5. Ҳ. Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002.

1. Яссавия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (1166 йилда вафот этган) бўлиб, бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти, Сайрам қишлоғида дунёга келган. Гўдаклигида Яссига кўчишган. Бу ерда Арслонбоб исмли машхур шайхнинг хайр дуосига эришган. Дастлабки таҳсилдан кейин ўша даврнинг энг йирик илм маркази Бухорои шарифга бориб, машхур шайх Юсуф Ҳамадоний (1140 йилда вафот этган) этагини тутиб, унинг таълим-тарбияси билан вояга етади ва шайхнинг таважжухини қозониб, унинг учинчи халифаси бўлиш шарафига эришади. Шайхнинг вафотидан сўнг бир муддат унинг мақомида ўтиргач, шайхнинг маънавий буйруғига кўра муридларини ва мақомини Абдудҳолиқ Ғиждувонийга қолдириб, такрор Яссига қайтади ва иршод фаолиятини асосан у ерда олиб боради. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда сўфиёна ҳикматлари - шеърлари билан, атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чақиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади. Шеър-ҳикматлари- «**Девони ҳикмат**» номи остида китоб ҳолига келтирилган. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилади. Яссавий *риёзат, чилла, зикр ва муҷоҳадага* кучли аҳамият бериб, унинг асосчиси ўз ҳаётининг аксар қисмини чиллаҳонада ўтказди. Унинг ҳаётию қароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар яратилган ва улардан аксарияти сақланиб қолган.

Хожагон тариқати дея ном берилган яссавия тариқати, аввал Сайрам ва Тошкент худудида, кейинроқ Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбайжон ва ҳатто Онадўли диёрларида кенг тарқалди (манбаларда айтилишича, яссавийлик шимолда Қозонгача, Ғарбда Болқон ярим оролигача етиб борган.). Бу тариқат ўз мавжудиятини кейинчалик нақшбандия тариқати доирасида давом эттиради, Туркий қавмларда Ислом динининг ягона эътиқод мақомида мустаҳкамланишида яссавия тариқатиянинг буюк ҳиссаси бор. Яссавия тариқати ва унинг издошлари ҳақида бугунга қадар амалга оширилган энг жиддий тадқиқот Фуод Кўпрулининг «**Турк адабиётида илк мутасаввифлар**» асаридир. (1997 йил Туркиядаги нақшбандия тариқатининг маркази, Истанбул шаҳридаги Искандарпошшо даргоҳига қарашли Саҳо нашриётида «Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, асарлари, таъсирлари» номли илмий тўплам нашр этилади. Олимларнинг эътирофича, бу Кўпрулининг китобидан кейин яссавийшунослик учун энг муҳим манбадир.) Яссавия тариқатида жаҳрий зикр ижро этилади. *Зикр чоғида дарвшининг томоғидан арранинг саси каби овоз чиққани учун яссавия зикрига «зикри арра», «зикри миншорий» ҳам дейилади.* Бу зикр қуйидагича ижро этилади: дарвиш икки қўлини тиззаси устига қўйиб, нафасини қорнига чиқариб «ҳа» деб, яна қорни томон нафас олиб бош, бел, елка, қимирламаган ҳолда «ҳайй» дейди ва зикр шу тарзда давом этади. Яссавийликда хилватга ҳам катта аҳамият берилади.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар қуйидагилардан иборат: *маърифатуллоҳ, мутлақ жўмардлик ростгўйлик ҳаққал яқийн (фанофиллоҳ) да гойиб бўлиш, ҳақиқий таваккул ва теран тафаккурдир.*

Яссавия тариқати асосан сунний зътиқодига амал қилиш билан бирга Хуросон маломатийлигидан биров таъсирланганлиги сабабли терма бир маданият беағига эга. Бу хусусияти билан кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Ҳатто нақшбандияни яссавийликнинг бир шаҳобчаси деб билувчилар ҳам бор. Яссавийлик ўз иявбатида Онадўлида шаклланган ахийлик ҳаракатига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Ақмад Яссавийнинг энг машҳур халифаси Сулаймон Ҳаким Отадир.

2.Кубравия тариқати. Нажмиддин Кубро - тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири, кубравия тариқатининг асосчиси. Унинг ҳаёти, кароматлари, саховату қаҳрамонликлари ҳақида эл орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Халқимиз ўзининг бу азиз ва табаррук фарзандини эъзозлаб, асрлар давомида номини хотирасида сақлаб келмоқда. Тасаввуфга оид манбаларда ҳам Нажмиддин Кубронинг ишлари, мартаба ва мўъжизалари ҳақида сўз боради. Манъбаларнинг муаллифлари, одатдагидай, шайхнинг таржимаи ҳолини қисқача маълумотлар бериш билан қифояланган ҳолда, кўпроқ ул зотнинг кўрсатган кароматларини баён этиш, устозлари кимлигини айтиш ва тариқатдаги нисбат - силсиласини аниқлашга эътибор берганлар. Чунончи, *Дорошукўхнинг "Сафинат ул-авлиё", Ризоқулихон Ҳидоятнинг "Риёзул орифин", Мавлави Ғулом Сарвар Соҳиб Лоҳурийнинг "Ҳазинат ул-асфиё", Ҳожи Халифанинг "Тухфат ул-фуқаро", Абдурахмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг "Тарихи гўзида", Султон Ҳусайн бин Султон Мансур бин Бойқаронинг "Маҷолис ул-ушшоқ", Мавлоно Минҳожиддиннинг "Табақоти Носирӣ"* номли китобларида Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, сўфийлик тариқати ва фаолиятига оид маълумотлар келтирилган. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс хоразмлик улуғ шайхнинг таржимаи ҳолини ўрганиш сари биринчи қадамни қўйиб, манъбалардан Нажмиддин Кубро рубоийларини йиғиб эълон қилган ва шайх ҳақидаги бир қадимги ўзбекча қиссани мазмунан қисқача баён қилиб берган эди (Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. 1965, 324 — 334-бетлар).

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келади. Унинг асли исми Аҳмад бин Умар Муҳаммад ал-Хевакий ал-Хоразмий бўлиб, "Нажмиддин", "Кубро", "Абулжанноб", "Валийтарош" сўзлари бу зоти мукаррамнинг лақаб, унвон ва куниятидир. Қайд этиш жоизки, бизнинг ота-боболаримиз улуғ инсонларни мартаба ва даражасига муносиб равишда улуғ номлар билан шарафлаб тилга олишни одат қилган эдилар. Умарнинг ўз исмини қўйиб, лақаб ва унвонлар билан эл оғзида машҳур бўлишига сабаб шудир. Абдурахмон Жомийнинг **"Нафаҳот ул-унс"** асарида қайд этилиши-ча, Аҳмад ёшлигидан илм-донишга қизиққан қобилиятли киши бўлган экан. У Ислом асослари, шариат илмларини жуда тез ўзлаштириб олиб, Хоразмнинг манман деган уламоларидан ўзиб кетади ва илм балоси деган лақабни олади. Бунинг ёнига "Нажмиддин" — "диннинг юлдузи" деган мартаба-унвон қўшилиб, Аҳмад бин Умар шундан кейин Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлиб кетади. "Абулжанноб" сўзи эса Нажмиддин Кубронинг куниятидир, мазкур сўзнинг маъноси дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси демакдир, бошқача қилиб айтганда, шайхнинг тақво ва тавба посбони эканлигига ишорадир. Жомий ҳазратлари ёзадиларки, Нажмиддин Кубро Искандария шаҳрида муҳаддис уламоларидан ҳадис илмини ўрганиб қайтаётганида, йўлда бир кеча ҳазрати Пайғамбаримизни тушида кўради ва ул зотга мурожаат қилиб, "менга куният бағишланг" дейди. Ҳазрати Пайғамбар Нажмиддинга: "Сенинг куниятинг Абулжанноб - дунёдан ижтиноб, парҳез этувчи бўлади", деб марҳамат қиладилар. Айтишларича, Нажмиддин шу башоратдан кейин тасаввуфга юз ўгириб, ўзига муносиб пири муршид қидиришга киришади.

"Валийтарош" лақабига келсак, бу сўзнинг маъноси валиларни тарбияловчи демакдир. Зеро, Нажмиддин Кубронинг нафаслари, назарлари шунчалик зўр бўлганки, қалбларида илҳом-важд жўш ўрган пайтда кимга назарлари тушса, у валийлик мартабасини топар экан.

Нажмиддин Кубро тахминан ўн олти-ўн етти яшарлигида Ватани Хоразмни тарк этиб, тахсилни чуқурлаштириш мақсадида Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезади. Унинг илмга чанқоқ қалби ҳеч тинч қўймас, қаердаки бирор номдор олимнинг овозасини эшитса, дарҳол йўлга тушар, гоҳ пиёда, гоҳ от-улов ёки туяда ҳафталаб, баъзан ойлаб йўл босар, қидирган кишини топиб, ундан сидқидилдан сабоқ оларди. Ва агар кўнгли тўлмаса, ижозат олиб, яна йўлга тушарди. Шайхнинг шогирди Рукниддин Алоуддавланинг хотирлашича, Нажмиддин Кубро Ҳамадон шаҳрида катта бир аллома ҳузурида ҳадис илмини ўрганаётган чоғида Искандария шаҳрида "олий санадлар билан ҳадис биладиган" бошқа бир муҳаддис борлигини эшитиб, Ҳамадондаги устоздан рухсат олиб, зудлик билан Искандарияга қараб жўнайди ва бир ой у ерда илмини пухталаб, устоз алломадан "ижозат" хати олиб орқасига қайтади.

Шу тариқа Нажмиддин Кубро Бағдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул шаҳарларидаги атоқли олимлардан шариат илмлари, ҳадис ва тафсири чуқур ўзлаштириб, донишманд инсон бўлиб етишади. Лекин Нажмиддин эгаллаган илмлар бўлғуси улуғ шайхга ҳали етарли эмас эди. Нажмиддин Кубро қалбида руҳий-маънавий камолотга, ғайб асрори, каромат ва кашфу ҳол илми ҳисобланмиш тасаввуф таълимотига иштиёқ зўр эди. Шу боис у шариат илмларини ўрганиш баробарида тариқатдан ҳам хабардор бўлишга интилиб, қатор шайхлар, дарвешлар суҳбатида бўлади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Нажмиддин Кубро илк дафъа Мисрга бориб, Шайх Рўзбеҳон ал-Ваззон Мисрий(1189 йилда вафот этган)га мурид тушади. Бир неча йил Шайх Рўзбеҳон раҳбарлигида тариқат одобини ўрганади, шайхнинг кизига уйланади. Шайх Рўзбеҳон Нажмиддинни фарзандидай яхши куриб, ғамхўрлик қилган. Аммо бетоқат Нажмиддин яна сафарга чиқади ва Табризга қайтиб келиб, Абумансур Ҳафдах олдида "Шарҳ ас-сунна" китоби бўйича ҳадис ўрганишни давом эттиради. Нажмиддин Кубронинг ҳаётидаги бурилиш шу ерда бошланади. Чунки у Табризда Бобо Фараж исмли бир "мажзуб" ("девона") дарвеш билан учрашиб қолади. Бобо Фаражнинг кароматлари таъсирида уламолар билан суҳбатни бутунлай тарк этиб, астойдил сулукка берилади, ботиний оламни равшанлаштириш учун пири муршид қидиришга тушади. Аммо, Абдурахмон Жомийнинг махсус таъкидига биноан, Нажмиддин Кубро "донишманд киши бўлганлиги ва ҳеч кимга бўйин эгмаганлиги" сабабли муносиб пири муршид топишга қийналарди. Бовужуд у Ҳамадонда Шайх Аммор Ёсир(1187 йилда вафот этган) ҳузурига бориб, унинг хизматида бўлади. Аммор Ёсир уни Шайх Исмоил Қасрийга тавсия этади. Исмоил Қасрий(1183 йилда вафот этган) Нажмиддиндаги такаббурлик зоҳирий илмларга бино қўйиш майлини синдириб, маънавий-маърифий камолот босқичларига кўтарилишга ёрдам беради. Нажмиддинда ботиний ажойибот пайдо бўлиб, валийлик аломати кўрингач, Шайх Исмоил унга иродат хирқаси (ёки "хирқаи асл") кийдириб, Хоразмга қайтиб бориб, у ерда тариқатни жорий этишни тавсия қилади.

Нажмиддин Шайх Исмоил қўлидан "иродат хирқа-си"ни олгач, Мисрга боради. Шайх Рўзбеҳон уни яна бир марта имтиҳон қилиб, тасаввуф илми ва тариқат одобини нозик жиҳатларигача ўзлаштирганига қаноат ҳосил қилгач, энди юртингга бориб, бу таълимотни ёйишинг мумкин деб ёзма хужжут — "ижозат" хати(диплом) беради. Нажмиддин пирининг маслаҳатида кўниб, оиласини олиб Хоразмга келади. **"Нафаҳот ул-унс"** асарида эса, бу маълумотларнинг тартиби бир оз бошқача: Нажмиддин аввал Дизфулда Шайх Исмоил хизматида бўлади, шайх уни Аммор Ёсирга тавсия этади. Аммо Ёсир ҳам унинг тарбиясида мушкуллик кўриб, Шайх Рўзбеҳон олдига жўнатади ва Рўзбеҳон Нажмиддинни тарбиялаб, қайтариб Аммор Ёсир олдига юборади ("ҳар қанча мис юборсанг, олтин қилиб жўнатаман"). Аммор шундан кейин Нажмиддиннинг камолотида етуклик кўриб, Хоразмга йўлланма беради.

Ҳар ҳолда, аввал қайси шайхнинг тарбиясини олган, деган масала муҳим бўлмаса керак Муҳими шуки, Нажмиддиннинг буюк сўфий шайх бўлиб етишишида мазкур уч нажиб инсон - Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг хизмати сингган.

Нажмиддин Кубро Хоразмга 1185- йилда қайтиб келади. Демак, бу вақтда у қирқ яшар бўлиб, йигирма беш йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган эди. Етуклик

комиллик йўли мана шундай оғир ва машаққатлидир. У Хоразмга қайтгач, катта хонақоҳ курдириб, тариқатда янги бир мактаб — йўналиш ҳисобланмиш кубравия силсиласини асослади. Унинг қўли остида юзлаб одамлар тарбияланиб, ислом маърифатидан, илоҳий ирфондан баҳраманд бўлдилар. Нажмиддин кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди. *Муридлари орасидан Шайх Мажиддин Бағдодий, Шайх Сайфиддин Боҳарзий, Шайх Саъиддин Ҳамавий, Шайх Рукниддин Алоуддавла* сингари мусулмон оламига номи кетган валий инсонлар етишиб чиққанлар.

Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг буюк амалиётчиларидан биридир, унгача Хоразм халқи ушбу таълимотдан бебаҳра эди. Нажмиддин валийлик камолоти, тариқат риёзати ва ўзини ўзи поклаш, маънавий етукликка интилишни урфга - анъанага айлантирди.

Нажмиддин Кубро тасаввуф назариётчиси ҳамдир. Унинг назарий қарашлари, фикрлари, киритган янгиликлари ҳақида ҳали тўхталамиз. Бу ерда шуни қайд этмоқчимизки, улуғ шайх амалий фаолияти хулосаларини *"Фавойиҳул жамол ва фавотиҳул жалол" ("Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг каифи")*, *"Ал-усул ал-ашара" ("Ўнта усул")* номли китобларида жамлаб тасниф этган. Ҳожи Халифа Нажмиддин Кубронинг арабча асарлари сонини саккизта деб кўрсатади. Шайхнинг форс тилида ёзган *"Фи одобус соликин" ("Солиқлар одобиди")* номли рисоласи ҳам бор.

Нажмиддин Кубро 1221-йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлади. Душман Хоразмга яқинлашганда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қочиб кетган, лашкар пароканда эди. Шайх муридларини жамлаб, уларга қараб бундай дейди: *"Машириқдан келган бу бало Машириқу Мағрибни яксон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пайида бўлинг"*. Асҳоб шайхга илтимос қилиб дедилар: *"От-уловлар тайёр, агар шайх биз билан ҳамроҳ кетишни ихтиёр этсалар, яхши бўларди"*. Бунга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: *"Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ" ("Нафаҳот ул-унс", 405-бет)*.

Куффор, яъни мўғул аскарлари Гўрганжга кирганда, шайх қолган-қутган муридлари билан жангга шайланади. У хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдиради, қўлига найза олиб, душман қаршисига чиқади. Кофирларга қараб тош ота бошлайди, бир нечасини найза билан уриб йиқитади.

Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқади, ўнта талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб, маърифатга эришиш йўллари борлигини кўрсатади. **"Рисола-ат-турук"** ("Тариқатлар рисоласи" ва **"Ал-усул ал-ашара"** ("Ўнта усул") номли китобларида сўфийлар тарбиясида қуйидаги ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади: *Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжуж, Сабр, Мувоқабба, Ризо*.

ТАВБА — барча амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ Таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, хулқу ҳўйини, ахлоқини ўзгартира бошлайди, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

ЗУХД — тақво, парҳез демак. Зеро, тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиб, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

ТАВАККУЛ — ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш демак. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак. Чунки яхшилик ва ёмонлик тўқлик ва очлик бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳдандир. Аллоҳ бизни тоат-ибодатга чорлайди, инсонлигимизни эслатиб туради. Аммо инсон буюк зарурият ичрадир. Унинг фаолияти, ижоди ва қудрати шу Илоҳий заруриятдан ташқарига чиқиб кетолмайди. Инсон бунга англамоғи лозим. Чунки инсон барча мавжудот каби фонийдир, у абадий эмас. Абадий фақат Аллоҳнинг ўзи, агар инсон абадиятни хоҳласа, Аллоҳ сари интилсин, Поклик оламига қараб, камол касб этсин.

ҚАНОАТ - камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Модомики, инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлук экан, унда руҳ ва жисм кўраши муқаррар бўлиб,

камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан кўлга киради. Қаноат иисонни инсон қилади, маънавият беағи билан безатади.

УЗЛАТ - тасаввуф таълимотига кўра инсоннинг руҳи, агар у покланишига мойил бўлса, табиий равишда яққаланиш ва гўшанишин бўлишни талаб қилади. Инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлғизланиш) босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди. Узлат — сўфийларнинг чилла ўтиришлари, хилватлари билан амалга оширилган.

ТАВАЖЖУХ - кўраш, ўзи билан ўзининг кўраши. Солик ҳамма вақт Яратганга юзланиб, Ундан мадад сўраб, Унга сари қалбан интилоғи даркор.

САБР - соликнинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, Унинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Тариқат йўловчиси сабр манзилидан ўтса, ажиб бир руҳий довондан ўтган, янги куч-қудрат топган бўлади.

МУРОҚАБА - кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш демак. Тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан ўзининг маърифатини ошириб борган солик бора-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга ғарқ бўлади, оламларни руҳан сайр қилиб чиқади, кўз олдида Ҳақ таоло жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли кенгаяди, ғайб асрори эшиклари юзага очилади.

ЗИКР - сўфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги керак. Калималарни, дуоларни мунтазам такрорлаб туриши билан қалбга Аллоҳ Таоло сифатлари ва Зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди.

РИЗО - солик Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у ҳаққа яқинлашади.

Нажмиддин Кубронинг "**Ал-усул ал-ашара**" рисоласи теран фалсафий асар бўлиб, XIII аср фалсафий йўналишларига кучли таъсир этган, деган фикрлар бор. Умуман, XIII аср тасаввуфнинг фалсафийлашув давридир. Бир асрнинг ўзида бир нечта буюк файласуф шайхлар етишиб чиқиб, ажойиб асарлар ёздилар ва Шарқ тафаккурини бир поғона юқори кўтардилар. Нажмиддин Кубро, Ибн Арабий, Фарииддин Аттор, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий деярли ҳамондош мўтафаккирлар эдилар, уларнинг ҳар бири тасаввуф ва фалсафани қўшишда алоҳида хизмат кўрсатади ва Ҳаким ат-Термизий, Имом Ғаззолий бошлаган ишни ривожлантирди.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари — жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Аслида, бу иш ҳам илгари бўлган, чунончи Абусаид Абулхайр (XI аср) саховат ва мардликни сўфийнинг сифатларидан ҳисоблайди. Бироқ Нажмиддин бу қарашни сўфийлар ҳаётига яна ҳам изчилроқ сингдириб юборди. Натижада, мардлик ва поклик қаҳрамонлик ва фидойилик маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик ватанпарварлик ғоялари қўшилиб ифодаланди.

7-мавзу: Нақшбандийлик ва Қаландарийлик тариқати - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. *Хожагон тариқати* ва унинг яратилишида Абдуҳолик Ғиждувоний фаолияти. Саккиз рашҳа таълимоти.

2. Нақшбандийлик хожагон тариқатининг давоми сифатида. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти. "*Дил ба ёру даст ба қор*"нинг моҳияти.

3. Мақомотларда нақшбандийликнинг *сулук йўли, дарвишлик сифати, аҳвол ва ахлоқлари*.

4. *Қаландарийлик тариқати*. Маломатийликда қаландарийлик асослари. Яссавийлик ва қаландарийлик муносабатлари.

Адабиётлар:

1. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
- 4.. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
- 5.Ҳ.Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002

Нақшбандия тариқати. Осиё ва Онадўли заминида энг кенг тарқалган тариқатлардан бири нақшбандиядир. Асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) бўлиб, Бухоро яқинидаги Қасри орифон қишлорида дунёга келган, Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигида Хожাগон тариқати шайхларидан *Муҳаммад Бобо Самосий* маънавий фарзандликка қабул қилади. Бир муддат кейин Самосий унинг тарбиясини *Амир Кулол*га топширади. Шу билан бирга Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи — «увайсийлик» йўли орқали тарбиялаган Абдуҳолиқ Ғиждувоний (1220 вафоти) ҳисобланади. Бир муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг суҳбатлари ва таважжуҳларига мушарраф бўлади. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қусам шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби яссавий шайхларининг ҳузурида кўп йиллар қолиб, улардан илму фазл олишга муяссар бўлади. Икки маротаба хажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охириги йилларини Бухорода ўтказди. Ислом оламига жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти маноқибларга эга бўлиб, бугунгача унинг кўп қиррали фаолиятини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Мавлоно Али Сафийнинг «*Рашиҳот ул айнул-ҳаёт*» рисоласидир. Мазкур асарда нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот берилади. Нақшбандиянинг силсиласи икки бошқа-бошқа шаҳобчалар орқали ҳазрати Али ва Абу Бакрга бориб етади. Машойих силсиласига қараганда, бу тариқатнинг бошқа баъзи тариқатлар билан алгақадор эканлиги ва шунга кўра ўша даврда фарқли номлар билан аталгани маълум бўлади. Чунончи, ҳазрати Абу Бакрдан Боязид Бистомийга қадар *сиддиқия*, Бистомийдан Абдуҳолиқ Ғиждувонийга қадар *тайфурия*, Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар *хожагония*, Нақшбанддан Хожа Убайдуллоҳ Ахрорга қадар *нақшбандия*, Хожа Убайдуллоҳ Ахрордан Имом Раббонийга қадар *нақшбандия-ахрория*, Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар *нақшбандия-муҷаддидия*, Шамсиддин Мазҳардан мавлоно Холиди Бағдодийга қадар *нақшбандия-мазҳария*, Холиди Бағдодийдан кейин эса *нақшбандия-ҳолидия*, дея тилга олинган. Бу тариқатнинг силсиласидан бўлган Абдуҳолиқ Ғиждувоний билан Аҳмад Яссавийнинг шайхлари Юсуф Ҳамадонийдир .

Нақшбандийлик асосан Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан кейин Осиё заминида жуда тез ва кенг тарқалди. Ҳатто яссавия тариқатидан ҳам кучлироқ нуфузга эга бўла бошлади. Имом Раббоний даврида Ҳиндистон ва унинг атрофида кенг ёйилди. Фотиҳ Султон Муҳаммадхон даврида Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг халифаси Мулла Илоҳий воситасида Истамбулга ҳам етиб борди. XVIII асрда Мавлоно Ҳолид Бағдодийнинг ғайрати билан усмонли турк давлатида кенг тарқалиб, энг фаол эътиқодий ҳаракатга айланди. Ҳатто усмонли подшоҳларидан Султон Ваҳиддиннинг ҳам ҳолидия тариқатига мансуб бўлганлиги ривоят қилинади. Истамбулнинг ўзидаёқ олтмиш бешта нақшбандия даргоҳларининг мавжудлиги бу тариқатнинг Истамбул ва Онадўли заминида қай даражада кенг тарқалганини кўрсатмоқда. XIX асрда нақшбандиянинг Онадўлида яна ҳам кенг тарқалишига машҳур олим ва мутасаввиф Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий (1893 йил вафоти) улкан ҳисса қўшади.

Нақшбандия аҳли суннат эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, хуфий зикрига асосланган. Зоҳиран кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан йироқ, *суҳбат ва робитага* кучли эътибор берилади. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандия зикрига «Хатми хожагон» дейилади. Бу зикрга тариқатга кирмаганларнинг қатнашишлари таъқиқланади. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвеш ушбу шартларга амал қилиши шарт: *тавба қилиш*,

пайғамбаримиз суннатларига қатъий амал қилмоқ, шариатга зид бидъатлардан қочиш, диний масалаларда қулайликлардан воз кечиш, қийинга, яъни тақвони кучайтиришга амал қилиш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарзини тўлаш, розилик сўраш, қазо намозларини ўқиш, Аллоҳни ҳар лаҳза зикр қилиш.

Нақшбандия тариқати куйидаги тўрт тамал асос устига қурилган: 1. Шариат билан зоҳирни поклаш. 2. Тариқат билан ботинни поклаш. 3. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ. 4. Маърифат ила Аллоҳга эришмоқ..

Бундан ташқари яна ўн бир асос тамойил ҳам борки, нақшбандия тариқатига кирган ҳар бир дарвиш бу жиҳатларга риоя қилиши талаб қилинади. Абдулҳолик Ғиждувоний ишлаб чиққан дея ривоят қилинган бу асослар куйидагилардир:

1. *Ҳуш дар дам*: "ҳуш" - ақл, "дам" эса нафас дегани. Ҳуш дар дам - нафас олиб чиқаришда ҳушёр бўлиш, ғафлатга тушмаслик ҳар лаҳза Аллоҳни эслаш демакдир. Нафас олиб, чиқаришдаги "ҳэ" овози, "хувият" (моҳият, инсоннинг ўзлиги)нинг "ҳэ"сига далолат этишини доимо хотирда тутиш керак. Яъни ҳар нафас олиш-чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш, агар ғафлатга тушса, истиғфор айтиш демакдир.

2. *Назар бар қадам*: солиқ қаерда бўлишидан қатъий назар, юраётганида оёқ учига қараб юриши керак. Токи қалб кўзи ва назари бўлмағур манзараларга қарашдан халос бўлгай. Маънавий сафарда рўпара келадиган таҳликалар тезда ошиб ўтилади. Бу тамойил - камтар бўлиш ва ҳолига шукр қилишни ўзида мужассам этади.

3. *Сафар дар ватан*: солиқнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналиши демакдир. Дарвиш бир муршиди комил топгунга қадар баданан (жисмонан) саёҳат қилишини билдиради. Нақшбандийлар фикрича, сайру сулук чоғида солиқни умидсизликка тушириб, қийинчилик келтириб чиқаргани учун мурид муршиди комил топгач саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу тамойил сайру сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этади.

4. *Хилват дар анжуман*: зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш демакдир. Солиқ моддий борлиғи билан халққа аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурда эканини, Уни бир лаҳза бўлса-да, эсан чиқармаслигидир.

Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охири босқич-мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандиянинг тамалини "хилват дар анжуман" ташкил этишини таъкидлаган. "Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор" дея нақшбандияда хилватга кўп рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда суҳбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, Ҳақ розилиғи йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тўтади: **"...У зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас"** (Нур - 24:37) ояти ушбу ҳолга ишора қилмоқда.

5. *Ёд қард*: эслаш, зикр этиш, яъни Аллоҳни ёд этиб, мосиводан кўнглини узиш; нақшбандияда бу зикрнинг усули куйидагичадир: мурид ўзини ҳузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи-оғзини ёпади, тилини танглайга ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, нафас олмай, хоксорлик билан қалбан калимаи тавҳидни зикр қилади. Бир нафас олиб-чиқаришда уч дафъа зикр этишга ўринади. Бу зикрни нафъ ва исбот шуури билан қилиши керак

6. *Бозгаиш*: зикр қилиб бўлгач, "илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби" (Аллоҳим, мақсадим сенсан, талабим-истагим сенинг ризолигингдир) дейди маъносини ҳам ўйлайди. Шу зайлда нафъ ва исбот зикрининг маъноси ва файзи қалбга нақш этилиб, кўнгил мосиводан алоқасини узади.

7. *Нигоҳдошт*: қалбдаги фикр ва хотираларни муҳофаза қилиш демакдир. Нафй ва исбот зикрининг маъносини ўйлаб, кўнглига мосивони киритмасликка ҳаракат қилади. Шу ҳолни икки соат ёки ундан кўп сақлай олган кишининг қалбига бошқа хотиралар ортиқ кирмайдиган ҳолга келади.

8. *Ёддошт*: ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлиш демакдир. Нигоҳдоштининг бир поғона юқорисидир.

9. *Вуқуфи ҳамон*: солиқ ҳар лаҳза ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр, тавба-истигфор этиши, шунга кўра хатти-ҳаракат қилиши демакдир.

10. *Вуқуфи ададий*: мурид, шайх берган зикр вазифасининг саноғига риоя қилиши демакдир. Зикрдан назарда тутилган маъно ҳосил бўлгач, саноғи муҳим бўлмаса ҳам, фарз ибодатларида бўлганидек зикрда ҳам шахс ўзини муайян саноғ ва вақт билан қайд остига олиши, ҳаётининг тартиб-интизомли бўлишида муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

11. *Вуқуфи қалбий*: қалбнинг Ҳақдан хабардор бўлиши демакдир. Бу мартабада кўнгил Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайди. Шухуд ва вусул мартабасига эришганларнинг ҳоли шундай. Вуқуфи қалбий айна вақтда зикрнинг энг юқори поғонаси демакдир.

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шахобчалари: ахрория, мазҳария, мужаддия ва ҳолидия. Мужаддиянинг асосчиси Имом Раббоний, Ибн Арабийнинг "ваҳдати вужуд" фалсафасини танқид қилиб, "ваҳдати шухуд"ни ёқлаб чиққан. Сунний ақидага зид келмайдиган тасаввуфий тушунчага эга бўлган Имом Раббонийнинг энг машҳур асари "**Мактубот**" туркчага илк бор Мустақимзода Сулаймон Саъиддин томонидан ўгирилган ва Истанбулда нашр этилган. Бу асар бугун ҳам нақшбандия тариқати аҳли севиб ўқийдиган асарлардандир.

8-мавзу: Тасаввуф ва бадий ижод масалалари - (маъруза-2 соат)

Режа:

- 1.Тасаввуф тимсолларининг бадий ижодга кўчиши.
2. Қуръоний мавзулар, Ҳадисларнинг шеърий шарҳлари.
- 3.Яссавийлик ва ибодат адабиёти.
4. Пахлавон Маҳмуд рубоийларидава Оғаҳий лирикасида кубровийлик тариқати гоёларининг ифодаланиши

Адабиётлар:

- 1.Хожа Аҳмад Яссавий.Девони ҳикмат. Тошкент, 1992.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: "MOVAROUNNAHR" – "O'ZBEKISTON", 2009.
- 4.. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
- 5.Ҳ.Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: "Фан", 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: "Фан", 2002.

1.Тасаввуф тимсолларининг бадий адабиётга кўчиши. Тасаввуфнинг Шарқда кенг тарқалишига боис унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир шеъриятни вужудга келтирганидир. VIII-IX асрларда Робия Адвия, Мансур Ҳаллоҷ сингари улуғ сўфийлар ижоди билан бошланган сўфиёна ашъор X-XII асрларга келиб, улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланди. Олимлар тасаввуфнинг адабиёт билан яқинлашиш сабабларини кўпроқ сўфийларнинг рақсу

само мажлислари билан боғлайдилар. Бироқ, айтиш керакки, сабаб фақат шундан иборат эмас. Тўғри, тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубоий, ғазал каби кичик шеърый жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари сўфиёна ғояларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оғзаки ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларга янги маъно бериб, сўфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар. Бу – масаланинг бир томони, яъни тасаввуфнинг адабиётга интилиши. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гап шундаки, адабиёт ҳам тасаввуф томонга қараб интилган. Тасаввуф ғоялари кенг тарқалгандан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, Ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги ғоялари шеърят ғояларига айланди – шоирлар қизғин бир руҳ, кўнгил амри билан ирфоний ғояларни куйладилар, ҳисобсиз лири шеърлар, жаҳонга машҳур дostonлар, қиссалар яратилди. Тасаввуфнинг беҳудлик ва ишқ концепцияси, софлик, адолат ва ҳақиқат тимсоли Мутлақ илоҳга муҳаббат завқи ижод аҳлига қаттиқ таъсир этди, инсоният ғами билан қалби дардга тўлган исёнкор руҳдаги шоирларни бир оҳанрабодай ўзига тортиб, ўртанишли, ҳис-ҳаяжонга сероб ажойиб шеърятни вужудга келтирди. Бу шеърятнинг марказий қаҳрамони – ринди бебок, Мансур Ҳаллож эътиқодига имон келтирган, ўзини баркамоллик чўққисида кўрган, руҳан озод киши эди. Унинг завқи, изтироб-кечинмалари, ҳаёлий романтик оламга интилиши махсус ифодалар ва кўп маъноли рамзий иборалар билан тасвирланадиган бўлди.

Сўфиёна адабиётнинг тасвир мавзуи (объекти) тариқат йўли билан покланаётган ва тинмай комиллик сари тараққий этаётган Инсон бўлгани учун ана шу солиқ – йўловчи Инсоннинг дунёқараши, эстетикаси, кечинмалар олами муҳим аҳамият касб этиб келган. Тасаввуфий дабиётнинг барча кўринишлари, жанрларида ана шу солиқ Инсоннинг туйғулари, тушунчаси тасвирга олинадилар, уни тарбиялаш, унга Ҳақни ва ўзлигини тушунтириш, турли ривоят ва ҳикоятлар келтириш, ўғит-насихатлар қилиш билан унинг онги ва қалбига йўл топиш бош масала қилиб олинадилар.

Тасаввуф ўзи буюк бир романтик оламдир. Оламни Мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблаш, Борлиқни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий сурат – тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш – ўзи бир Буюк Поэзия. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи Мутлоқ илоҳ. Қудрат ва куч ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол – Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинадилар. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар – Руҳий азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...

Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали – жами идеаллар идеали Унинг Ўзи. Ҳайрат ҳам Ўшандан, ғайрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Ундан. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст деб билиб, Унга сиғиниш, суяниш, Унга рози дил айтиш – мана сўфий шоирнинг эстетик дунёси, ҳаёт мазмуни!

2. Яссавийлик ва ибодат адабиёти. Покиза илоҳий муҳаббат шавку завқини куйлаш Хожа Аҳмад Яссавий ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Ишқ - руҳни дунёвий ғуборлардан тозалайдиган, қалбга бир олов - нур бўлиб кириб, уни Парвардигор васлига ҳидоят этадиган қудрат, маърифат ва ҳақиқатга ошно этувчи, кишига ўзлигини англаш, инсонийлик моҳиятини кашф этишга ёрдам берувчи куч, мис вужудни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ ҳам дард ва ҳам дармон, ҳам азоб ва ҳам роҳат. Тариқатнинг барча масалалари - ҳол ва фано, ботин ва зоҳир, ҳайрат ва тавҳид, беҳудлик ва девоналик ва ҳоказолар ишқ тушунчаси орқали англашилади ва тушунтирилади. Чунки илоҳий муҳаббат моҳиятини англамаган одам

тасаввуфни ҳам тушунмайди, тасаввуф талаблари, тариқат йўлига кирган кишининг ақида ва ғоялари, ҳолатини идрок этолмайди. Яссавий ижодидаги тарки дунёчили, узлат, садоқат ва шафқат ғоялари айна шу муҳаббат ғояси билан узвий вобаста бўлиб, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, кўнглида ишқи бор одамгина туну кун поклик ва ҳақиқатнинг олий тимсоли бўлган Аллоҳга интилади, нафсга қарши юриш бошлайди, бу йўлдаги не-не азоблар, хорлигу хўрликларга чидайди.

Кейин эса... Кейин руҳий ҳолат лаззатини топади.

Ишқ боғини меҳнат тортиб кўқартмасанг,
Хорлик тортиб, шум нафсингни ўлдирмасанг,
Аллоҳ деб ичга нурни тўлдирмасанг,
Валлоҳ-биллоҳ, сенда ишқнинг нишони йўқ.

Ҳа, ошиқликнинг белгиси - хоксорлик камтаринлик, сидқу садоқат. Ошиқ бўлган одам ўзини барчадан кам деб ҳисоблаши, бошига келган балоларга мардонавор чидаши, манманлик, ғурур ва такаббурни, ҳасад-ҳирс каби салбий хислатларни тарк этиши керак. Бугина эмас, таъма ва манфаат тимсоли бўлмиш дунёни ҳам тарк этиш керак. Чунки то дунёнинг ўзини тарк этмаса, нафс таъмайдан халос бўлолмайди киши. Илоҳ ошиғи тариқат талабларини сўзсиз бажариб, фақр мартабасидан фано сари интилади. Илоҳиёт оламининг чексиз гўзалликлари, абадият қудратидан ҳайратга тушади, руҳи тиникиб, мусаффо ҳолга киради. Аммо бу йўл ғоят оғир ва машаққатли: *"Ошиқ куяр, жондан тўяр, ҳақни суяр"*. Чин ошиқларнинг кўзи гирён, дили бирён-дир, деб ёзади Яссавий. Ҳақ зикрини мағзи жондан қила олган, муҳаббат шавқидан "уч юз олтмиш томирлари" тебранган кишигина чин ошиқдир. Дунё роҳатини афзал билган, молу мулкка, дунёга берилган киши ошиқман деса, унга ишонмаслик керак, у риёкор, "ёлғон ошиқ"дир, деб ёзади Аҳмад Яссавий:

*Ишқ даъвосин менга қилма, ёлғон ошиқ,
Ошиқ бўлсанг, бағринг ичра кўз қони йўқ.
Муҳаббатни шавқи бирлан жон бермаса,
Зоеъ кечар умри ани— ёлғони йўқ!*

Яссавий ошиқларни зоҳид ва обидга қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. Умуман, тасаввуф шоирларида бу анъанага айланган эди. Нега шундай? Ахир, зоҳидлар тасаввуф аҳлига буткул бегона эмаслар-ку? Тасаввуфнинг талабларидан бири ҳам зуҳд ва вараъ парҳездир. Аммо шунга қарамай, зоҳидлар билан ошиқлар бир-бирига зид табиатли кишилардир. Чунки зоҳидлар тақво ва ибодат билан шуғуллансалар-да, бироқ тамаъдан холи эмас эдилар, бунинг устига худони ёниқ ишқ билан севиш, илму ирфон асроридан бохабарлик улар ақидасига сиғмас эди. Шунинг учун тасаввуф аҳли зоҳидлар, инчунин обид ва муллаларни ҳам зоҳирбин кишилар, яъни зоҳирий дунё билан, расму русумлар билан ўралашиб қолган калтафаҳм кишилар деб ҳисоблаганлар. Ошиқ сўфийлар эса, тамаъдан мутлақ холи эдилар, улар учун Аллоҳ дийдори ҳамма нарсадан афзал ҳисобланган ва шунинг учун ботиний оламни ривожлантириш, кўнгили ойнасини поклаш билан маъшук — Илоҳга мушарраф бўлиш иштиёкида ёнганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазрати Муҳаммад алайҳис-саломни, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳалложни чин ошиқ намунаси қилиб тасвирлаган. Муҳаммад пайғамбар бутун вужудлари билан Аллоҳ ошиғи эдилар, ул зотнинг кўкка кўтарилиши, Меъроҷ туни Парвардигор билан мулоқоти, фақрнинг нурли ҳайкалинини кўриши, ерга тушиб, фақр, ғарибларнинг бошини силаши ҳаммаси ошиқликнинг боисидир, дейди Яссавий.

Ул Буроққа боқуб анда ҳайрон қолур,
Ошиқ бўлмай ул Буроққа миниб бўлмас.

Ҳазрати Муҳаммад Яссавий учун буюк идеал, камолот, эзгулик ва хайру эҳсон, имону эътиқод, садоқат ва муҳаббатни жамулжам этолган мукаррам зот. Умуман, Аҳмад Яссавий тариқати - бу шариат ва тасаввуфни ажабтовур омухта этолган, исломий ғояларни сўфиёна таълимотлар қатига сингдириб, туркона руҳ билан қувватлантирган тариқатдир.

Яссавий кўп марта тилга олган ва ҳаяжон билан куйлаган сифатлардан бири ҳазрати Пайғамбарнинг меҳрибонлиги, шафқат кони эканлигидир. Пайғамбар "ғариб, фақир, етимларнинг кўнглин овлашни" ҳаётининг мазмуни деб билган, "кўнгли қаттиқ халойиққан қочган" Яссавий бу ишда ҳам пайғамбарга эргашиганини баён этади:

*Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни меърож чиқиб ҳақни кўрди,
Қайтиб тушиб, ғариб, фақир ҳолин сўрди,
Ғарибларни изини излаб тушдум мано!*

Ҳазрати Муҳаммад бутун умри давомида умматим деб ёндилар, умматнинг ғамини едилар, бағри-дили кон бўлиб, умматлари гуноҳини кечиришни худодан нола қилиб сўрадилар, кечалари тоат-тиловат қилиб чиқдилар. Умматларига қиёмат куни шафеъ бўламан, шафоат келтираман деб ваъда бердилар:

*Яланғочлиқ очликка қаноатлик, Муҳаммад,
Осий, жофий умматга шафоатлик, Муҳаммад,
Тунлар ётиб уюмас, тиловатлик, Муҳаммад,
Йўлдин озгон гумроҳга ҳидоятлик, Муҳаммад.*

Аҳмад Яссавий Аллоҳ ошиғи, аммо унинг Аллоҳга муҳаббати Пайғамбарга бўлган муҳаббат орқали ўтади. Аллоҳнинг ҳабиби Расули акрамни шоир қайноқ қалб билан севиб мадҳ этар экан, Муҳаммад нурида барча ҳақиқатларни мушоҳада этади. Яссавий ақидасига кўра, олам бошида Муҳаммад нури ётади. Тангри таоло аввал шу Нурни ато этиб, кейин ўзга оламларни яратган. Бу Нур олам жамоли ва камолида мужассам. Яссавий ўз руҳини ҳам ана шу Нур билан пайваста деб билади. *"Меърож узра ҳақ Мустафо руҳим кўрди"*, деб ёзади у. Бу Меърож кечаси Пайғамбар кўкда кўрган фақр нурига ишорадир. Шоир айтмоқчики, мен ҳам ўша нурдай покман, ўша нурданман - фақирман, Пайғамбарнинг давомиман, менинг ишқим ўша Расулуллоҳ ишқининг давомидир. Ахир, Яссавийнинг пири бузургвори Арслонбоб тўрт юз йилдан кейин тилининг остида асраб Аҳмадга етказган хурмо ҳазрати Пайғамбарнинг улуши эди, яъни Яссавий Муҳаммад фақрнинг, Муҳаммад суннатининг ва Муҳаммад тариқатининг меросхўри.

Шу боис Аҳмад Яссавий гарчи Арслонбобдан, Хожа Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган бўлса-да, лекин ҳақиқий пири муршид деб Муҳаммад Мустафони тилга олади. Шоир Пайғамбар ғоялари, ҳақиқатини бир маст этувчи шароб деб ва рамзий маънода Пайғамбарнинг ўзларини Пири муғон деб атайти:

*Биҳамдуллоҳ пири муғон май ичурди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.
Пири муғон ҳақ Мустафо бешак билинг,
Қайга борсанг васфин айтиб таъзим қилинг.*

"Девони ҳикмат"да ҳазрати Пайғамбарга бағишланган бир туркум ҳикматлардан ташқари қарийб барча шеърларида пайғамбар номи тилга олинади. Биринчи ҳикматдаёқ улуг шоир ва султонул орифин Расулуллоҳни поклик тимсоли, ибрат ва намуна қилиб кўрсатади. Пайғамбарнинг шахси, доим ҳазрати Пайғамбаримизни "Ҳақ Мустафо" унвони билан тилга олади. Бу билан биринчидан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам пайғамбари барҳақ

эганини таъкидлаш бўлса, иккинчидан, ҳақ васлига етиш, Аллоҳ амрини адо этиш пайғамбар йўлини тутиш, пайғамбар суннатиға садоқат кўрсатиш орқали боришини айтишдир.

Худди шу аснода Аҳмад Яссавий Мансур Ҳалложни ҳам Илоҳ ошиғи, ҳаққа етган улуг инсон сифатида куйлаган. "Девони ҳикмат"да Мансур мадҳига бағишланган алоҳида шеър бор. Маълумки, Мансур Ҳаллож илоҳий ишқ авжида беҳуд бўлиб, "Аналҳақ" (мен Худоман, ҳақман) дегани учун шариат аҳли томонидан қатл этилган эди. Лекин қизиғи шундаки, тариқатни шариатсиз тасаввур этолмаган, Муҳаммад Мустафонинг муҳиби Аҳмад Яссавий Мансурни кофир деб билмайди, мулаларга қўшилиб уни ёмонотлик қилмайди. Аксинча, Мансур ғоялари чин илоҳсеварлик ғояси сифатида талқин этилади. Яссавийнинг фикрича, мулалар Мансурни тушунмадилар, уни ноҳақ қатл этдилар. Аҳмад Яссавийнинг ёзишича, Мансур "ҳақни топган девоналардан" биридир, ундайлар "беҳуш сўзлайди". Аслида Мансур Ҳаллож аршни кўзлаган мақомлари баланд зотлардан бўлиб, маломат юзасидан "халққа ўзин" атайлаб расво қилиб юрар эди. Яссавий бир қизиқ халқона ривоятни келтирган: Мансурни қатл этганларидан сўнг, унинг жасадини куйдирадилар. Олов кўкка чиққанда, малоикалар бўзлаб ҳаққа нола қиладилар, жаннат ҳурлари ё Мансур деб аза тутадилар. Подшоҳ Мансурнинг кулини йиғиб дарёга отишни буюради. Қишда дарё тошиб, халқ чора истаб шоҳ олдиға келадилар. Подшоҳ нима қилишини билмай, Зуннун Мисрийға одам юборади. Зуннун Мисрий Мансурнинг қатл олдидан қилган башоратиға биноан, унинг кулидан бир ҳовуч олиб қолган эди. Зуннун "Ё Мансур" деб шу кулни дарёға ташлаганда, дарё орқасига қайтиб, халқ омон қолади. Подшоҳ Зуннунга катта бойлик туҳфа бермоқчи бўлади, аммо у "зоҳир гадо, ботин ичра ман шаҳаншоҳ" деб мукофотни рад этади. Аҳмад Яссавий бўлса, хулосада ёзади:

*Ботил кўзлар хос валини танимаслар,
Ким яхшидур, ким ёмондур, танимаслар.*

Дарҳақиқат, илоҳ ошиғи бўлган валиуллоҳ зотларнинг амали ва сўзини англаш, уларни таниш осон эмас. Мансурни, Насимийни, Айнулкузотни, Сухравардий ва Машрабни қатл этганлар "кўзлари ботил", қалбсиз ва зоҳирбин кишилар эдилар. Афсуски, бундайлар яқин-яқингача, мавжуд бўлиб келдилар. Илгариги зоҳирбинлар дин номидан тасаввуф аҳлиға тош отган бўлсалар, коммунист ақидапарастлар динға қарши кураш васвасасига берилиб, Яссавий ва унинг маслакдошларини бадном қилишға уриндилар. Золим бойлар, порахўр козилар, нодон-жоҳилларни нафрат билан маҳаммат этган улуг шоирни "феодализм" куйчиси, "диний-мистик шоир" деб, унинг таълимотини халққа зид, ғайриинсоний деб талқин этдилар.

Ҳолбуки, Яссавий энг халқчил, энг инсонпарвар шоирларимиздандир, фақат бу улуг авлиёнинг нияти ва мақсадини тўғри англаб, тўғри тушунтириш керак. Унинг фикр андозаси кенг, қамрови бепоён. Бу андоза бизнинг ўлчовларға тўғри келмайди. Яссавий зулм ва золим ҳақида гапирар экан, бутун инсоният тарихини, дунё ва илоҳни, руҳ ва жисмни назарда тутиб фикр юритади. Одамлар орасига адоват ва қасду қасос уруғини сепган синфий кураш назариясига, албатта, Яссавийнинг нафс ҳақидаги, ўз-ўзини поклаш ва маънавий камолот ҳақидаги, илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари мос келмас эди. Яссавий муҳаббат билан одамларни бирлаштириш, одамлардаги одамийликни ярқиратиш, ҳайвоний сифатларни йўқотиш ҳақида қайғурди. Бу чин гуманизм эмасми, ахир? Яссавий ҳикматларининг халқимиз ичида асрлар давомида яшаб келаётганиға боис шудир балки?

3.Паҳлавон Маҳмуд ижодида кубровийлик тариқати ғояларининг ифодаланиши. Паҳлавон Маҳмуд пурҳикмат рубойлари билан ўзбек адабиёти тарихида алоҳида мавқега эга бўлган атоқли шоирдир. Маълумотларға кўра, унинг ота-онаси Кўҳна Урганждан Хиваға кўчиб кетаётганганларида , 645 (1248) йилда Хива яқинида Маҳмуд таваллуд топган. Шамсуддин Сомийнинг «Қомусул-аълам», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкадаи Озарий», Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг «Мажолисун-ушшоқ» сингари мўътабар манбаларда Паҳлавон Маҳмуд ҳақида нодир маълумотлар келтирилади.

Шаҳар ҳукмдорлари орасидан етишиб чиққан бу зукко шоир ўзининг қатор фазилатлари билан халққа танилган ва кишилар орасида кўплаб ривоятларнинг туғилишига сабабчи бўлган. Паҳлавон Маҳмуд асосан пўстиндўзлик, телпақдўзлик касби билан шуғулланган бўлса-да, жисмонан бақувват ва кураги ерга тегмаган паҳлавонлиги ҳамда бадий жихатдан юксак аҳамият касб этувчи рубоийлари билан шуҳрат қозонади. Шоирнинг асли исми Маҳмуд бўлиб, Хоразмнинг қатор шаҳарлари, ҳатто Ҳиндистонга бориб кураш тушганда доимо ғалаба қозонгани боис у «Паҳлавон Маҳмуд» унвони билан улуғланган. Мазкур улуғ инсон ҳақидаги ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд бир жангда Ҳиндистон шоҳи Рой Рапон Чўнани ўлимдан қутқариб қолади ва бунинг эвазига қачонлардир Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилдиради (Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976 йил, 171-бет). Шоирнинг «Пурёйвалий» деб аталган лақаби ҳам мавжуд бўлиб, бу юксак ном ҳам унинг курашда кўрсатган жасорати ҳамда марифий-маънавий оламини улуғловчи шарафли унвон саналади. Шунингдек, манбаларда эътироф қилинишича, кураш тушувчилардан бирор киши зўрхонага тавоф учун кирмоқчи бўлса, аввал Пурёйвалийнинг қадамига бош қўйиши лозимлиги таъкидланади. Бу жихатдан баъзан «пурёйвалий» сўзи маъжозан «азизу мукаррам» маъносида ҳам қўлланилиши қайд этилган (Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том, Тошкент, 1978, 189-бет). Кўринадики, шоирнинг юксак инсоний хислатлари, мазлумларни ҳурлик қуёшидан баҳраманд бўлишдек юксак бахтга сазовор этиши борасидаги сайъи ҳаракатлари туфайли у халқнинг бекиёс муҳаббатига муносиб кўрилган. Шоир «Қитойий» тахаллуси билан ҳам ижод қилган. «Қитойий» сўзи «бир - бири билан жанг қилмоқ, курашмоқ» маъноларини англатиб, айна тахаллус ҳам шоирнинг жисмонан бақувватлигига ишорадир.

Паҳлавон Маҳмуд 726 (1326) йилда, баъзи манбаларда қайд этилишича, 722 (1322) йилда Хивада вафот этган. Унинг шогирдлари шоирни пўстиндўзлик ишхонаси атрофида дафн этадилар. Кейинчалик Паҳлавоннинг қабри устида мухташам бир мақбара барпо қилинган.

Паҳлавон Маҳмуд қаламига мансуб бир неча рубоийлар унинг адабий меросидан бизгача етиб келган ноёб бадийят дурдоналаридир. Шоир рубоийларининг умумий сони аниқ эмас. Шунингдек, ўша рубоийлардан ташкил топган қадимги қўлёзма китоблар (девонлар) ҳам ҳали фанга маълум бўлганича йўқ. Мавжуд қўлёзмалар эса XIX асрда кўчирилган бўлиб, уларнинг таркибига бошқа шоирларнинг кўплаб форсий рубоийлари ҳам кириб қолган. Булар орасидан Паҳлавон Маҳмудга тегишли ижод намуналарини аниқлаш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Паҳлавон Маҳмуд маънавий меросини ўрганиш борасида баъзи ишлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, адабиётшунос Т.Жалолов 1962 йилда Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Шунингдек, Ё. Исоқовнинг «Паҳлавон Маҳмуд ҳақида мулоҳазалар» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1971 йил, 2-сон, 20-25-бетлар) номли мақоласи эълон қилинди.

Паҳлавон Маҳмуд форс - тожик тилида ижод қилди. Унинг рубоийларини Улфат (Имомиддин Қосимов), Боқир (Омоннулла Валихонов), Муинзода, Шоислом Шомухаммедов, Тўхтасин Жалолов, Васфий, Матназар Абдулҳаким каби олим ва ижодкорлар ўзбек тилига таржима қилишди.

Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлардан ташқари, «Канзул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») номли маснавий ёзганлиги манбаларда қайд этилади. Камолиддин Фаноийнинг «Мажолисун-ушшоқ» тазкирасида мазкур асардан олти байт келтирилган. «Канзул-ҳақойиқ» тасаввуф масалаларига доир шеърӣ муҳокама юритишга бағишланган фалсафӣ маснавийлар жумласидан бўлиб, асарнинг кўп ўринларида муаллиф ўзининг илоҳий-ирфонӣ ўй-мулоҳазаларини кичик ҳикоя ва ривоятлар ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилади. Шу жихатдан мазкур маснавий Жалолиддин Румӣ ва Фаридуддин Атторнинг ижодӣ анъаналари заминида яратилган ўзига хос фалсафӣ-ахлоқӣ дoston ҳисобланади («Ўзбек адабиёти тарихи». 1-китоб, 169-бет).

Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари унинг халқ орасида шоир сифатида шуҳрат қозонишини таъмин этди. Шоир ижодида Хоразмда Нажмиддин Кубро бошлаб берган

жавонмардлик тариқати ҳаётбахш ғояларининг бадиий ифодаси ёрқин кўзга ташланади. Жавонмардлик тариқати мусулмон дунёсида ўзига хос бир инсонпарвар таълимот сифатида кенг тарқалган. Унда ҳалимлик улуғланади, саховат, шафқат, таъмадан йироқ туриш, мухтожлар ғамига шерик бўлиш каби юксак инсоний фазилатларга даъват этилади. Шоир рубоийларида нафс инсоннинг энг катта душмани сифатида талқин қилинади. Инсон нафсдек каттол душманидан доимо ғолиб келишга ҳаракат қилмоғи лозим, дейди шоир рубоийларидан бирида.

Оҳ тортган чоғингда йўлга кўз тиккил,
Йўлда қудуқ бордир эҳтиётинг қил.
Дўст уйида маҳрам бўлган чоғингда,
Қўлингни, кўзингни, дилни тия бил.

Паҳлавон Маҳмуд мазкур рубоийда ниҳоятда муҳим мавзудан баҳс этади. «Оҳ тортган чоғ» деганда шоир киши бошига тушган қулфатларни назарда тутди. Шундай чоғда инсон, табиийки, йўлга кўз тикиб, яқин кишиларидан шу ҳолатдан чиқиб кетиши учун қандайдир мадад кутади, нажотга катта умид қилиб яшайди. Бироқ буни ҳаёт дейдилар, унда турли қудуқлар мавжуд. «Қудуқлар» шоир сатрларида, мажозий маъно ташийдди. Унда инсон мураккаб руҳий изтироблар гирдобидида қолганда, мусибатзада инсоннинг ана ўшандай ҳолатидан қувонадиган нотавонбин, нокас шахслар назарда тутилади. Шоир таъкидича, улардан доимо эҳтиёт бўлмоқ керак. Рубоийнинг кейинги мисраларида эса шоирнинг таянч ғоя, нияти ўз ифодасини топган. Унда дўст уйида меҳмон бўлганда, қўлни, кўзни, дилни тийиб туриш кераклиги таъкидланади. Бу тасаввуф таълимотидаги варъа мақомини бошидан кечириётган солиқнинг олдида турган бурчларига уйғун келади. Айни мақомда қўл варъаси, кўз варъаси ҳамда қалб варъасига қатъий риоя қилмоқ талаб этилади. «Варъа»- арабча сўз бўлиб, «парҳез қилмоқ» маъносини англатади. Зикри ўтган мақомда бўлган солиқнинг қўли нопокликлардан холи бўлиши, кўзи номахрамга қарашдан тийилиши ҳамда солиқ қалбан манъ этилган ишларни қилмаслиги лозим. Қўринадик, шоир рубоийда ўзининг олижаноб ахлоқий-таълимиий моҳият касб этувчи фикрларини бадиийлаштирган. Бундай рубоийларни Паҳлавон Маҳмуд ижодида яна кўплаб учратиш мумкин. Қуйида улардан айрим намуналар келтирилади:

Оташки, аланга мезанад синаи мост,
Дарёки, чу мавж мезанад дидаи мост.
Ин кўзагаронки, кўзаҳо месозанд,
Аз хоки бародарони деринаи мост.

Мазмуни: Гуркираган олов - дилим йўлдоши,
Тўлқин урган дарё - кўзларим ёши.
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза -
Кўҳна дўстлар хоки - қўли ё боши.

Яна: Се сад Кўҳи қофро ба ҳавон судан,
Ба тоқи фалак бо хуни дил андудан,
Сад сол асири банди зиндон будан,
Беҳ з-он ки даме ҳамдами нодон будан.

Мазмуни: Уч юз Кўҳи қофни келида туймоқ,
Дил конидан бермоқ фалакка буёқ.
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ, -
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

Яна: Эй дил, ту биё аз пайи жонона равем,
Лайли талабон ба ҳар хона равем,
Хайём сифат ба хамр мастем мудом.

Ба дўзах агар равем мастона равем.

Мазмуни: Кел, кўнгил, мен ахтарай жононани,
Кўча- кўю ҳар эшик ҳар хонани,
Масту майхўрмиз мудом Хайёмсифат,
Дўзах этгаймиш, қабул мастонани.

Паҳлавон Маҳмуднинг мазкур рубоийлари шоирнинг илм-фан, шариати исломия, бадиий адабиёт ва тасаввуф таълимоти билан жиддий шуғулланганлиги ҳамда форс-тожик шоири Умар Хайёмнинг изидан бориб, рубоий жанри нафислигини оширишда буюк салафидан сўнг донг таратганлигини далиллайди. Шоирнинг абадий уйқуда ётган манзили-мақбарасининг зиёратгоҳга айланиши, халқимизнинг юксак бадиий салоҳият соҳиби бўлган сўз санъаткори, улуғ жамоат арбоби, авлиёсифат ориф шахс ҳамда саховатли инсонпараст Паҳлавон Маҳмудга ҳурматининг рамзий ифодасидир.

9-мавзу: Нақшбанд ва ўзбек мумтоз адабиёти – (маъруза – 2 соат)

Режа:

1. Нақшбанд таълимоти ва бадиий ижод. Саййид Қосимий маснавийлари. Атойи лирикасида мажоз ва ҳақиқат.
2. Бобур ижодида нақшбандийлик. “Мубаййин”да ислом рукнлари.
3. Сўфи Оллоҳёр ғазалларининг тасаввуфий жиҳатлари. “Саботу-л-оғизин”нинг ахлоқий мақомлари.
4. Ҳувайдо ижодида тасаввуфий тимсоллар талқини. “Роҳати дил” достонида сўфий шайхлар.

Адабиётлар:

1. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1992.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
5. Ҳ.Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002.

Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнинг сиёсий, ижтимоий фаолияти, адабий ва илмий мероси таърифу тавсифга муҳтож эмас. Лекин унинг шахси билан алоқадор масалалар ҳам борки, уларни изоҳламай туриб, бу улуғ зот ва унинг маънавий олами, дунёқараши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Бобурнинг ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий концепцияси масаласини ана шундай муаммолар доирасида энг муҳимлари деб ҳисоблаш мумкин, Тўғри, Бобур замонидан ҳозирги даврга қадар унинг шахсини улуғловчи фикрлар баён қилинган. Лекин уларнинг аксарияти Бобур шахсиятига хос сифатларни тавсиф этишдан иборат, Жумладан, "Тухфаи Сомий" (957/1550) муаллифи Бобур подшоҳнинг "саховати ва шужоати овозаси узоқ-узоқларга етиб борган"лигини таъкидласа⁵, баъзи муаллифлар "унинг ғоят катта шуҳрати таърифга муҳтож эмас" дейиш билан чекланади (Саййид Муҳаммад Ҳасанхон, "Шамъи анжуман").

XX аср донишмандларидан Жавоҳарлаъл Неърунинг **"Ҳиндистоннинг кашф этилиши"** номли асаридаги мана бу баҳоси маълум ва машҳур: *"Бобур дилбар шахс, уйғониши даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди"*. Лекин Бобур шахси ҳақидаги энг мухтасар ва адолатли баҳо бизнингча, **"Бобурнома"**ни кўчирган, номаълум котиб ("мусаввиди авроқ") томонидан берилган: *"Маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилигларини айтган билан ва битиган билан тутангай. Лекин мужмал буқим, секкиз*

сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси буким, нажҳати (голиблиқ толеъи баландлик) баланд эрди; иккинчиси — ҳиммати аржуманд эрди; учунчиси — вилоят олмоғ, тўртумчиси — вилоят сахламоғ, бешумчиси — маъмурлуг, олтимчиси — рафоҳийят Тенгри Таоло бандаларига (яъни халқнинг турмуши, аҳволини яхишлаш, фаровон қилиш); еттимчиси — черикнинг кўнглини қўлга олмоқ, секкизимчиси - адолат қилмоқ. Ва фазилат бобида камлиги йўқ эрдиким, назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эрди"⁶.

Бобур шахси ҳақида энг ёрқин тасаввур ҳосил қиладиган манбаъ - бу унинг **"Бобурнома"**си. Унда муаллифнинг шахс сифатидаги киёфаси, илмий салоҳияти, диний, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий эътиқоди, руҳий кечинмалари барча жихатлари билан мукамал намоён бўлади. Бу қомусий асарда бошқа муаллифлар томонидан тилга олинмаган, лекин ҳақиқий жавонмард учун хос бўлган бир қатор муҳим сифатлар ҳам яққол кўзга ташланади. Шу жихатдан **"Бобурнома"** фақат тарихий - мемуар асар эмас, балки муаллифнинг фалсафий, сиёсий-ижтимоий ва ахлоқий дастури сифатида баҳоланиши мумкин.

Бобурнинг юқорида зикр этилган ҳамда унинг асарида кўзга ташланиб турган муҳим сифатларини футувват (жавонмардлик) аҳлининг шартлари ва сифатлари билан киёслагудек бўлса, бу буюк зотнинг шахси ҳақида аниқ хулосага келишимиз муқаррар.

Футувват аҳлининг 71та шартидан 48 таси вужудий бўлиб (ҳар бир жавонмард уларни касб этиши лозим), уларнинг асосийлари қуйидагилар: ислом, имон, ақл, илм, ҳилм (мулоимлик), зуҳд (ношаръий ишлардан эҳтиёт бўлиш), сидқ, қарам, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, таваккул, шижоат, ғайрат, сабр, нафсдан покланиш, олийҳимматлилик раҳм, устозга хизмат, ота-онанинг ҳурматини сақламоқ, мазлумларга ёрдам, инсоф в.х.

Футувват аҳли учун халққа нисбатан инсоф, ўз нафсига қаҳру ғазаб, улуғларга хизмату кичикларга шафқат, мағлуб душманларга кечиримли бўлиш сингари ўнта сифат ҳам зарурий ҳисобланади.

Бизнингча, **"Бобурнома"**дан мазкур шартларга жавоб берадиган ўринларни эмас, балки йўқларни қидирган осонроқ. Шундай бўлса-да, Бобурнинг шужоати, мардлиги, мағлуб душманларга нисбатан муруввати, адолатпарварлиги ҳақида далолат қилувчи воқеалардан баъзиларини эслатиш зарурдек туюлади.

"... Ҳар неча дедиларким, ҳаволға (зорға) боринг, бормадим. Кўнгулға кечтиким, борча эл қорда ва чопқунда, машаққатта, мен бунда уйқу била фароғатда. Мурувватдин йироқ ва ҳамжсиҳатликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар таишии ва машаққат бўлса, кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса, турайин, бир форсий масал бор: "Марг бо ёрон сураст (дўстлар билан бўлган ўлим тўйдир)". («Бобурнома», 257) "Муҳаммад Ҳусайн Мирзоким, мундоқ зишт (хуниқ ёмон) ва шаниъ (ярамас) ҳаракотга иқдом қилди (қаттиқ тиришиди) ва бу навъ шўр ва фитнангиз ва бунёдига эҳтимом айлади, агар пора-пора қилсам, ери бор эди; турлук-турлук азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди, чун орада бир навъ уруғлук азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди, чун орада бир навъ уруғлук бўлуб эди... Бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн Мирзони озод қилдим. Хуросон сари рухсат берилди. Бу бемурувват ва ҳақношунос киши менинг мундоқ яхшилигимниким, жонини бағишладим, билкул унутиб, Шайбонийхон қошида мендин гайбатлар ва шикоятлар қилибтур. Оз фурсат ўгмадиким, Шайбонийхон — ўқ ўлтуруб, жазосига еткўрди:

*Ту бад кунандаи худро ба рўзгор супор,
Ки рўзгор туро чокарест кийнагузор" («Бобурнома», 264).*
(Сенга ёмонлик қилганни турмушга ҳавола қил,
чунки у сен учун ўч олувчи хизматкордир).

Бобур "илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йўқ" Мирзохонни очик юз билан қарши олиб, унинг "дафъи таваҳхумиға (қўрқинчни дафъ этиш учун) шарбатни аввал" ўзи ичиб, сўнгра унга беради ва "бир неча кундан сўнг Хуросон сари рухсат" беради.

"Бурунги қилгонларидин сарафганда (боши эгилган) ва хижил, ул навъ айрилгонларидин шарманда ва мунфаил (ҳижолат) бўл"ган Носир Мирзонинг юзига солмайди ("ҳеч навъ юзига келмадим"), балки "яхши сўруб-истаб инфиол (ҳижолатчилик)дан чиқар"ади. («Бобурнома», 264-265).

Бобурнинг ғайрати, шужоати ва беҳад мурувватидан далолат қилувчи ўнлаб воқеаларни эслатиш мумкин. Лекин биз унинг ҳақиқий адолатпарварлигига далил бўла оладиган бир воқеа тафсилотини келтириш билан чекланамиз: *"Бу юрттин кўчуб, Қорабоғ ёнидаги ўлангига (ўтлоққа) тушулди. Хусравишохнинг эл кунини зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайидим Али Дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёгини тортиб олган учун эшикка келтуруб таёқлатдим, таёқ остида- ўқ жони чикди"* («Бобурнома», 183)

Бобур Хусайн Бойқаро шахсига ҳолис баҳо бериб, унинг адолатига оид бир далилни алоҳида таъкидлайди: *"Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтўрган учун қонлиқларига (хунига) топируб, дорул қазога йиборди"*.

Бобур асарларида футувватга алоқадор кўп масалалар тилга олинади. Лекин у ҳақиқий жавонмардликни амалда намоиш қилди. Бинобарин, унинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан футувват талабларига мувофиқ бўлиб, унинг ўзи жавонмард ҳукмдорнинг ҳаётий тимсоли эди деб ҳукм чиқаришимиз адолатдан бўлади.

Диний мазҳаб масаласида ҳам Бобурнинг эътиқоди аниқ ва устувор эди. У Ҳумоюн ва Комрон учун ҳанафий мазҳабининг фикҳи (дин йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми) масалаларига бағишлаб махсус ёзган *"Мубаййин"* номли маснавийси муқаддимасида уларга шундай хитоб қилади:

*Бебақо дунё иши саҳлудурур,
Дин ишин қилгай улки ақлдурур.
Дину донишда ҳар кун афзун бўл,
Давлату бахт ила Ҳумоюн бўл!"* («Мубаййин». –Т., 2000, 7-бет)

Шу рисолада пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (С.А.В.) суннатларига (қавлию, феълию ҳолига) тўлиқ риоя этишга даъват этиб, уларни бирма-бир кўрсатиб ўтади.

"Мубаййин", "Волидия" номли махсус рисоалари ва айрим маснавийларда Бобурнинг шариат, хусусан, мазҳаб масаласидаги қарашлари бевосита ифодаланган, *"Бобурнома"*да асосан билвосита (шахслар ҳақида маълумот берилганда ҳамда бирор муносабат билан изҳор қилинган мулоҳазалар асносида) намоён бўлади.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Бобур ҳар бир шахснинг тавсифини келтирганда унинг *"ахлоқ ва атвори"*га махсус тўхталади. Бу масала ҳар доим унинг диққат марказида туради. Масалан, отаси Умаршайх ҳақида: *"Ахлоқ ва атвори: ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, аксар тиловат қилур эди. Ҳазрати Хожя Убайдуллога иродати бор эди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрати Хожя ҳам фарзанд деб эрдилар"*. («Бобурнома», 64)

Судтон Маҳмуд Мирзо (Абу Саиднинг учинчи ўғли) *".. ахлоқ ва атвори яхши эди. Намозни тарқ қилмас эди. Тузуки ва заботи бисёр яхши эди. Сиёқ илмини ҳўб билур эди. Вилоётдин бир дирам ва бир динор анинг бевуқуфи сарф бўлмас эди... Зулм ва фисққа кўп машғул эди. Муттасил чоғир ичар эди. Чўҳра қалин саҳлар эди... Зулм ва фисқнинг шоматидин ўғлонлари тамом жувонмарг бўлдилар... Бадъэтиқод киши эди. Ҳазрати Хожя Убайдуллога истихфоф (пастга урмоқ, камситмоқ) қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди"*. («Бобурнома, 82-бет»)

Шунинг ўзидан ҳам Бобурнинг диний эътиқоди ҳақида қатъий бир хулосага келиш мумкин. Лекин унинг мазҳаби, шариат талаблари ва суннатга муносабати ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун яна айрим далилларга мурожаат этамиз:

1. *"Ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ"* отанинг фарзанди бўлмиш Бобурнинг ўзи ҳам ана шундай эътиқод руҳида тарбия топган.

2. Бобур ёшликдан Хожа Мавлоно Қози тарбиясида бўлган. *Қозининг оти Абдуллодир. Бу от била машҳур бўлуб эди. Ота шу боис уни "устод ва пирим" деб эсга олади. "Хожа Мавлоно тарафидан насаби Шайх Бурҳониддин қиличқа мунтаҳи (интиҳо бўлади—тугалланади) бўлур. Она тарафидин Султон Мозига етар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулисом ва қози бўла келгандурлар". («Бобурнома», 112)*

3. Бобур ҳар қандай вазиятда фарз ва суннатларни адо этишга ҳаракат қилган. Бу ҳақда "Бобурнома"да маълумотлар истаганча топилади. У 1526-йил воқеалари баёнида ёзади: *"Бу рамазонни "Ҳашт бихишт" боғида ўтқарилди. Ҳар таровиҳни ҳусн била ўталди. Ўн бир ёшимдан бери икки рамазон ийдин паёнай бир ерда қилгон эмас эдим". («Бобурнома», 400)*

4. Бобур ниҳоятда мураккаб бир вазиятда - Ҳиндистонга ҳарбий юришлари пайтида (928/1521 — 22) ўғиллари учун ҳанафий мазҳабининг фикҳи ва ахлоқи асослари шеърӣ баён қилинган (2 минг байтдан иборат) махсус рисола ("Мубаййин") ёзади.

5. Бобур ("Бобурнома"да) шахсларга таъриф берганда ўзининг ҳанафий мазҳабга содиқлигини ошқора баён этади: *"Сайидим яхши ахлоқ ва атворлиқ киши эди... Айби бу эдиким, гузаро фосиқ ва муғлим эди, мазҳабиди инҳирофи (четга чиқиши, оғиши, ҳанафий мазҳабдан) бор экандур" («Бобурнома» 256). "...Хадичабегим эди... беақл ва пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур" («Бобурнома», 231).*

Мазкур далиллар, шунингдек, бошқа бир қатор маълумотлар асосида унинг мазҳаби ҳақида қатъий ҳулоса чиқариш мумкин. Бу ўринда Бобурнинг отаси ҳақидаги таърифини унинг ўзига нисбатан айнан келтириш ўринли бўлади. У "ҳанафий мазҳаблиқ покиза эътиқодлиқ киши эди" ва бу эътиқодни авлодлари қалбига ҳам жо қилишга интилади.

Бобур дунёқараши билан боғлиқ яна бир муҳим муаммо — бу унинг тасаввуфга муносабати масаласи. Деярли барча манбаъларда унинг шахсига доир муҳим сифатлар ҳақида сўз юритилади, лекин бу мавзу негадир тилга олинмайди. Фақат Ҳасанхожа Нисорийнинг (1566-йилда таълиф этилган) **"Музаккири аҳбоб"** тазкирасида мазкур масалага эътибор берилган. Нисорий Бобурнинг ота-бобоси ва ўзи нақшбандия хонадонига содиқ бўлиб, Хожа Аҳрори Валийга муътакид бўлганликларини таъкидлар экан, Бобур буюк нақшбандий шайх Махдуми Аъзам (Шайх Хожаги)га назр сифатида бир парча олтин жўнатганлигини зикр этади: "Подшоҳнинг нақшбандия олий хонадонига иродат нисбати бор эди, Юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрат Хожа Аҳрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат-икромни соатма-соат оширар ва бирон дақиқа бу ишни қанда қилиб, ғафлатда қолмас эди. Барча дарвишларга лутф эшигини очиб, ниёзмандлик юмушини бажо келтиради. Ҳазрат Махдумий мулло Хожагий Косонийга—сирлари муқаддас бўлсин—бир бўлак олтин қуймасини ниёз тариқасида юбариб, ёнида ўзининг ушбу қитъасини ҳам шохид қилган эди. Қитъа:

*Дар ҳавои нафси гумроҳ умр зоеъ кардаем,
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем.
Як назар афкан ба сўи мо, ки аз роҳи вафо
Хожагийро мондаем, хожагийро бандаем.*

Мазмуни:

Адашган нафсимиз ҳаваси йўлида умрни зоеъ қилдик, дин аҳли олдида бу қилмишимиздан уятлимиз. Биз томонга ҳеч бўлмаса, бир назар сол; вафодорлик ила хожага боғланганмиз, хожага бандамиз.

Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир". («Музаккири аҳбоб», 53-бет)

Бобур ҳаёти билан боғлиқ яна бир қанча маълумотлар унинг нақшбандия сулукига қаттиқ эътиқод қўйганлигидан далолат қилади.

Аввало, Бобурнинг бобоси ва отаси, мазкур тазкира ҳамда **"Бобурнома"** маълумотида кўра, нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб, Хожа Аҳрорга пир сифатида эътиқод қўйишган.

Иккинчидан, Бобур дунёқарашининг шаклланиш даврида (яъни подшоҳлик тахтига ўтиргунча), юқорида эслатганимиздек Хожа Ахрори Валий билан бевосита алоқадор Хожа Мавлонои қози тарбиясини олган. бу зот эса "Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар" («Бобурнома», 64-бет).

Учинчидан, Хожа Ахрори Валийнинг руҳи энг оғир вазиятларда Бобурни қўллаб-қувватлаб турган. Масалан, биринчи каромат 908 (1503) йилда Карнон деган кентда содир бўлади («Бобурнома», 175-бет). Жуда оғир вазиятда Хожа Убайдуллонинг набираси Хожа Яъқубнинг руҳи Бобурнинг кўзига кўринади. Андижондаги беклари тушига эса Ҳазрати Хожанинг ўзлари кириб, душманлар қуршовидаги Бобурни қутқаришга даъват қилади. Бу ғаройиб воқеа тафсилотларини Бобурнинг ўз тилидан эшитган мароқлироқ:

"...Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ наим бўлмас эмиш... Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки рақъат намоз ўқудум. Бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хожас Яъқуб - Хожас Яҳёнинг ўғли, ҳазрати Хожас Убайдуллонинг набиралари — рўбарўйимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожас Ахрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйгонинг.

Ўшал ҳолда хушҳол бўлуб уйгондимким, Юсуф доруга ва ҳамроҳлари бир-бириға маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни мен эшитиб дедимким, сизлар бу йўсунлиқ сўзларсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз? Ушбу сўзнинг устида эдиким, боғнинг деворидин ташиқари қалин отлиқнинг келур овози келди. Юсуф доруга дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илғари борур эди. Ҳоло яна кўп киши йиборибтур, сизни тутғали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборган кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб кўпроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим. Ўшал ҳинда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлгон еридин раҳна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийктим, мен жон тортқон навкарларим ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғай, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оғган ўзларин ташлаб, йирогдин юкунуб, таъзим қилиб, менинг оёғимга йиқилдилар. Ўшал ҳолда манга андоқ ҳолат бўлдиким, гўё манга янги боштин Худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доругани ва бу тургон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ўша мардаклар қоча бериб эдиким, бир ерда бировни тутуб боғлаб келтурдилар.

Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз?

Қутлуқ Муҳаммад Барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқганда сиздин айрила тушганда, Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожас Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур. Бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб бўлуб, улуғ хон, кичик хонга арз

қилдим. Хонларға дедимким, менинг беш-олти ини- ўғлум бор, яна бир неча йигит кўнгач, Карнон тарафидин бориб хабар олайн.

Хонлар дедиларким, бизнинг хотирамизға етадурким, ўшал йўлга боргон бўлғай" («Бобурнома», 174-175-бетлар).

Яна бир каромат 906/1500-йилнинг ноябрида Самарқанд остонасида рўй беради: *«Ўшал фурсатда ажаб туш кўрдим. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожас Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен... ушбу уйнинг долонинда ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким: «Шайх маслаҳат берди». Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим».* («Бобурнома», 149)

Тўртинчидан, Бобур 935-йили (1528-йил ноябрининг 9-11 кунлари) ҳар доим бир ой - қирқ кунлаб азоб берадиган касали кўзиганда "Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб", унинг "Волидия" рисоласини шеърӣ таржима қилади ва эски касалидан мутлақо хориж бўлади.

Бу воқеалар Баҳоуддин Нақшбанднинг Абдуҳолиқ Ғиждувоний руҳи билан учрашувини ва ундан фатво олиши воқеасини эсга солади. Қолаверса, дин билан дунё ишларини бирга олиб боришга қаратилган амалий фаолияти унинг эътиқоди - нақшбандия сулуки билан мувофиқ тушар эди.

Хуллас, Бобур нақшбандия тариқатига мансуб оилада туғилиб, тарбия топган. Унинг биринчи расмий пири Хожа Мавлоно кози, лекин маънавий муршиди Хожа Аҳрори Валий бўлган. Шу жиҳатдан у, Баҳоуддин Нақшбанд сингари, увайсий эди.

Бобур ҳаётининг кейинги даврларини кузатиш унинг дунёқарашида яна бир ғоявий катламнинг шаклланиб етганлигидан далолат қилади. Бобур шахси билан алоқадор бир неча ҳолатни кўз олдимишга келтирайлик:

1. Бобур нафақат ўзга шахслар, балки ўз феъл-атвори, ўз фаолиятига ҳам адолат кўзи билан қараб, ҳолис баҳо беради. Ўзининг хато ва нуқсонларини очик айтишдан тортинмайди. Унинг қалби, руҳияти эшиги барча учун очик; китобхон назаридан яшириб қўйилган сиру асрор йўқ. Бундай йўл нақшбандиянинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган маломатия сулукига тааллуқли. Ҳақиқий маломатий учун таҳсин билан таъна- маломатнинг фарқи йўқ. Мана бу байтнинг ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини татиб кўрган инсоннинг сўнгги ҳулосаси дейиш мумкин:

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур:
Ўзумни чу бу оламда ямон - яхшидин ўткардим.

Асосий принциплари амалиётда ҳам, аҳволда ҳам, илмда ҳам риёга қарши кўраш, нафсга нисбатан жиҳод, тоат-ибодатни кўз-кўз қилмаслик, хоксорлик ва ҳатто душманга нисбатан жавонмардлик қилишдан иборат бўлган бу тасаввуф тариқати XIV — XV асрларга келиб, ўзининг бир қанча вазифаларини бошқа тариқатларга (хусусан, нақшбандийликка) топшириб, муайян шахсларнинг ахлокий дастурларидагина қолган. Масалан, Абдураҳмон Жомий надшбандия сулукига расман кирган, лекин турмушда у маломатий эди.

2. Бобур кўп йиллик машаққатлар эвазига эришган шону шавкатга тўла салтанат, қадрдон тожу тахтдан ўз ихтиёри билан воз кечди. Зотан, ҳазрати Баҳоуддин тили билан айтганда, "бандалиғ хожалиғ била рост" келмайди. Маломат аҳли назарида эса риёкорлик ва тубанликдир.

3. Бобур ўзининг мағлуб душманларига нисбатан ҳам раҳм-шафқатини аямаган. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун Бобурнинг мунофиқ Хусравшоҳ аскарларига нисбатан кўрсатган шафқати («Ҳумоюннома»), шунингдек, "Бобурнома"даги кўп воқеаларни эсга олишнинг ўзи кифоя қилади.

Агар йиқилган душманни турғизиб қўйиш жавонмардлик бўлса, душманларга нисбатан дўстлик қилиш маломат халқ учун хос.

Хуллас, сийратида жавонмардлик сифатлари билан туғилган Бобур нақшбандия сулукининг ҳақиқий солики бўлди ва ниҳоят, маломатия кулоҳини бошга қўйиб, тожу тахт ва умуман, оламнинг ҳою ҳаваслари бандидан озод бўлди. Лекин бу йўл узоқ ва машққатли эди. Бинобарин, унинг тасаввуф талабларига тўлиқ амал қила бошлаган даврини шаробхўрликни бутунлай ташлаб, Хожа Аҳрорнинг **"Волидия"** асари таржимасига кириша бошлагандан кейин тожу тахт (ҳою ҳавас) дан воз кечиш эса сўнгги нуқта бўлди. Лекин у ҳамма вақт расман шоҳу қалбан дарвиш эди. Бинобарин, мана бу рубоийда унинг шахси тўлиқ намоён бўлган дейиш мумкин:

*Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дураст мағўй шоҳий аз дарвеший,
Шоҳем вале бандаи дарвешонем.*

Мазмуни:

Биз гарчи дарвешларга ўхшамасак ҳам, дилу жондан уларга муътақидмиз. Шоҳлик дарвишликдан узоқ дема, Биз гарчи шоҳ бўлсак ҳам, дарвишларнинг қулимиз.

Сўфи Оллоҳёр. XVIII аср ўзбек илмий-ахлоқий шеърятининг энг машҳур намояндаси Сўфи Оллоҳёр ўзбекларнинг ўтарчи уруғига мансуб бўлиб, 1720-йилда Каттакўрғондаги Минглар қишлоғи (сўфий гузари)да Оллоқули (Темирёр) оиласида дунёга келган. Олдин қишлоқ мактаби, сўнгра 15 йил давомида Бухорода таҳсил олади.

Оллоҳёр божхона хизматига кириб, бир неча йил қаттиққўл, шафқатсиз амалдор сифатида фаолият кўрсатади. Бухоронинг машҳур муршидларидан Шайх Ҳабибуллоҳнинг бир муриди ғайриконуний йўл билан Бухорога мол олиб кираётганда, Оллоҳёр томонидан қаттиқ қалтакланганлиги ҳақидаги ривоят жуда машҳур.

Оллоҳёр шайх Ҳабибуллоҳ таъсирида нақшбандия тариқатига кириб, мансаби ва бошқа дунёвий амалларни тарк этади. У ўн икки йил шайх Ҳабибуллоҳ мадрасасида таълим олиб, етук олим ва валий даражасига етишади.

Сўфи Оллоҳёр номи билан машҳур бўлишига унинг илмий, амалий фаолияти боис бўлади. Унинг қалами остидан чиққан **"Сирож ул-муслимин", "Сабот ул-оғизин", "Мурод ул-орифин", "Махзан ул-мутиъин", "Нажот ул-толибин", "Маслак ул-муттақин"** асарлари кенг шуҳрат тутган.

Сўфи Оллоҳёр ҳаётининг кейинги давларини Деновда ўтказган ва ўша ерда дафн этилган.

Сўфи Оллоҳёр асарларининг моҳияти (уларнинг номидан ҳам кўриниб турганидек) ислом ақоиди - шариатнинг фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий асосларини шеърини шаклда шарҳлаб беришдан иборат. Унинг асарларида шариат аҳкоми - устунлари (сунний) ҳанафий мазҳаб нуқтаи назаридан изоҳланади. Муаллиф асарлари муқаддимасида ўзининг ҳанафий мазҳабига мансублигини фахр билан қайта-қайта таъкидлаб, бунинг учун Аллоҳ Таоллога шукр гўзаронлик қилади:

... Шукрки, дигар ба зоти субҳоний; Дод моро тариқи Нўъмоний. (Ҳақ Субҳонаху Таолло зотига яна шунинг учун шукрки, у бизга Нўъмоний (Нўъмон ибни Собит Ҳанафия) тариқатини ато қилди. "Маслак" дебодасидан).

"Шарти имомат баёни"дан:

*Агар чандийки Султон бўлса фосиқ,
Буюрса иш шаритга мувофиқ;
Қилурмиз жону дил бирла итоат,
Ўзи бўлса агарчи беқаноат.
Эмасдур шарт имом, ул бўлса маъсум,
Қилибдур шарт аммо ишъаи шум.*

(Сўфи Оллоҳёр. Сабот ул-оғизин. Т.: «Меҳнат», 1991. 19—бет.)

Сўфи Оллоҳёр йирик форсий асари "Маслак ул-муттақин" (биз истифода қилган тошбосма нусха "маслак" номи билан чоп этилган Ё.И.) дебодасида ўзининг мазҳаби баёнидан сўнг тасаввуфдаги сулуки нақшбандия эканлигини махсус таъкидлаб ўтган:

*Аллоҳга яна шукрки:
Дод моро тариқи марзийя,
Яъни маслуки нақшбандия. («Маслак», Ҳиндистон нашри, 4-бет)
Мазмуни:
(Аллоҳ) бизга мақбул йўл (тариқ),
яъни нақшбандия сулукини берди.*

Қарийб беш юз саҳифага, яъни бу асарнинг турли ўринларида муаллиф ўзининг мазҳаби ва нақшбандия тариқати ҳақида баъзан очик, баъзан у ёки бу масалага боғлиқ мулоҳазалар тарзида ишора қилиб ўтади. Жумладан, Муножоти мусанниф"да нақшбандиядаги "хуш дар дам" умдаси ҳақида сўз бораётганлигини пайқаб олиш қийин эмас:

*Ҳар нафас, ки берун зи инсон аст,
Гар ба ёди Ҳақ аст, ийд он аст.
Гар наҳб шуд беёди Ҳақ ҳар дам,*

*Дам мапиндор — мотам асту гам...
Ҳарки як луқма ба гафлат ҳўрд,
Дарду ҳасрат ба сийнаи худ бўрд.
Ҳар қадам беҳезур мемони,
Мешавад уddaи пушаймоний...
Пой дар машию дил ба сўи Ҳақ,
Ин бувад кори орифи мутлақ... (Ўша асар, 414-415-бетлар)*

Мазмуни: Агар инсоннинг ҳар бир нафаси Ҳақ ёди билан бўлса, бу ҳақиқий ийд-байрамдир. Агар ҳар бир дам Ҳақ ёдисиз торож бўлса, ундай дамни дам дема, у мотам ва гамдир. Кимда ким бир луқмани гафлат билан еса, ўз қалбига дарду ҳасратни олиб киради. Ҳузурсиз босилган ҳар бир қадам пушаймонлик бандидир. Оёқ йўлдаю дил Ҳақ (Аллоҳ) томонга қаратилган бўлса, ҳақиқий (мутлақ) орифнинг иши бўлади.

Сўфи Оллоҳёр "Маслак"ни жуда кўп мўътабар манбаълар асосида (уларга ҳавола қилган ҳолда) мукамал қилиб яратган. Лекин туркийзабон халқларнинг барчаси ҳам ундан фойдалана олмас эди. Шунинг учун ҳам, дўсту ёронлар илтимоси билан, мазкур асарнинг моҳиятини туркий (ўзбек) тилида мухтасар тарзда баён қилади ва унга **"Сабот ул-оҷизин"** деб ном беради:

*Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақидоти фуруъи қурби маҳбуб.
Аним кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар: гар дуо қилса азизлар,
Битилса туркий тил бирла ақийда,
Кўнгуллар бўлса ондин орамийда.
Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр,
Қалам тортай, Худо бўлсун мададкор.
Валекин айлайин сўзларни ижмол,
Манга йўқдур муфассал қилгали ҳол...
Ўзумдек хасталар бўлғайму деб шод,
Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд. («Сабот ул-оҷизин», 9-10-б.)*

Шоир томонидан ақойидга илова қилинган насойиҳ (насиҳатлар) шариат ва тасаввуф ахлоқи билан алоқадор. Бу асардаги пандномалар бидъат ва тақлидий амалларга қарши қаратилган бўлиб, инсон камолоти учун зарур бўлган таваккул, қаноат, сабр, шукр, ҳиммат, ҳилм, ҳаё ва сидқ-вафо сингари юксак ҳислатлар тарғибидан иборат.

Кўп ўринда муаллифнинг панду насихат руҳидаги мулоҳаза ва даъватлари ривоят ва ҳикоялар ёрдамига асосланади.

Сўфи Оллоҳёрнинг ҳиммат, қарам, қаноат, таваккулни улуғлаб, тамаъ, нафс, бухлни қоралаши нақшбандий сўфийлар эътиқодига мувофиқ эканлиги ўз-ўзидан аён. Лекин асар таркибида бевосита мазкур тариқат асосларига ишора тарзидаги очиқ мулоҳазалар ҳам кўзга ташланади.

"Аллоҳ Таолонинг саккиз сифотининг баёни"да муаллифнинг тақдир масаласидаги эътиқоди маълум бўлади: у жабар эмас, балки қадар тарафдори сифатида кўринади. Қуйидаги мисралар унинг бу борадаги нуқтаи назари қатъий эканлигидан далолат қилади:

*Агар чандики қўймас эркимизга,
Берибдур ихтиёри жузъе бизга.
Муносиб иш эрур ё номуносиб,
Ани қилмоққа банда бўлди косиб.
Ўшанча ихтиёри жузъидин боз
Топар банда жазо, кўп қилса ё оз.
Наким ризқеки, бўлса шайбу боло,
Яротибдур ани вожиб Таоло.
Ҳаромидин вале манъ этди бизни,
Берибдур ихтиёри жузъимизни.*

*Худо рози эмас исёнимизга,
Ризосидур анинг эҳсонимизга.
Киши рози деса исён қилурга,
Аимма ҳукмидур кофир бўлурга.
Худо зулм этмади ҳеч бандаларга,
Вале туз йўлни кўрсатти аларга.. (Ўша асар, 28-29-бетлар.)*

Муаллифнинг тақдир борасидаги мулоҳаза-хулосалари унинг таваккул, қаноат, қарам, ҳиммат, жавонмардлик ҳақидаги эътиқоди ўзига хос - нақшбандия тариқатига мувофиқ эканлигидан гувоҳлик беради, Зотан, нақшбандий сўфийлар ҳалол ризқ, ғайрат ва қаноатни, саховат ва мурувватни зарурий сифатлар деб эътироф этар экан, инсонни яхши ё ёмон феъл-атвори учун масъул ҳисоблашар эди.

Бу асарда ҳамд, наътлардан сўнг шариат ақоиди билан боғлиқ ўнлаб масалалар махсус бобларда сунний мазҳаб нуқтаи назаридан шарҳ қилинган. Уларда умуминсоний, исломий ахлоқ-одоб масалаларига кенг ўрин берилган. Ҳақиқий сидқ маҳсули бўлмиш чин эътиқод, чин дил имони улуғланиб, бидъат ва "қуруқ тил бирла" қилинган зоҳирий амаллар кескин қораланади:

*Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин,
Ёнар бидъат билан суннат жамолин.
Баҳойимдек иши ичмақ емакдур,
Тил бирла умматмиз демакдур. (Ўша асар, ўша бетлар)*

"Сабот ул-оғизин"дан муаллифнинг нақшбандия тариқатига мансублигини исботлайдиган айрим мулоҳазаларни муҳтарам китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз, Зеро, мазкур тариқат ҳақида умумий тасаввурга эга ҳар бир киши мазкур сулукнинг қайси жиҳатлари назарда тутилганлигини пайқаб олиши у қадар қийин эмас.

"Мусаннифнинг ожизлик ва шикасталик билан айтган сўзлари" бобидан:

*...Тилингда халқаро тасбиҳу таҳлил,
Ва лекин ботининг тазвирилахил.
Ва гар на сан жаҳон расвосидурсан,
Халойиқ ичра фитна бошидурсан.
Тилингда халқ ичинда вазъиладарс,
Ва лекин ботингда онча йўқ тарс.
Кўрар кўзга ажаб сўфийнамосан.
Ниҳонда нафси итга мубталосан...
Кийибсан халқ аро факрона малбус.
Ва лекин ботинингда нангу номус...
Қаноат маъданига оч кўзинг оч! .
Тамаъ бўйи кўринмай, бўйидин қоч! (Ўша асар, 23-бет)*

"Ҳар бир ишда бир етук устоз истамакнинг баёни"дан (ҳақиқий нақшбандий муршид):

*... Олиб қўлга чароғи илми зоҳир,
Улуми ботинийда бўлса моҳир.
Фано бўлса тану жондин тўлойдin,
Қутилса мосиводin, лутфи Ҳаййдin...
Ўзи айтса фано бўлдum, эмасдур,
Фано бўлгон киши ҳаргиз демасдур. (Ўша асар, 36-бет)*

"Қамтаринлик ҳақида мавъиза"нинг қуйидаги байтлари Хожа Баҳоуддиннинг "Сизнинг силсилангиз қаерга етади?" деган саволга "Киши силсила билан ҳеч ерга етган эмас" (яъни ҳар қанадай мавқега фақат ўз иродаси билангина эришади) деб берган жавобини эсга солади:

*...Тақаббур қилмагил, эй бемаоний,
Фулоний ўғлидурман деб фулоний...
Ишонма отага, қолма Талабдин,
Сўролмасдур қиёматда насабдин...*

*Агар қилсанг сафар дорулҳаёта,
Хўб ота бор дема, тортмиш хўб ота! (Ўша асар, 43-бет)*

"Ёмонлар суҳбатидин қочиб, яхшилар суҳбатинда бўлмоқнинг баёни"да ҳазрат Нақшбанднинг куйидаги сўзларини эслатадиган мисралар мавжуд: *"Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳраттур ва шуҳратда офат, хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафи бўлунгай... Агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракот"*.

*... Олур суҳбатда бир-бирдин киши баҳр:
Агар кўп чашма бир бўлса, бўлур наҳр.
Жамоатдин ўзингни қилма мумтоз.
Чопар кўп тўпдин айрилгон қуша боз...
Юрусанг якка, дев бошингни янчар,
Қароқчи тўпдин айрилгонни санчар...
Худонинг раҳмати бўлса жамоат,
Эрур раҳматдин айрилгон шаноат.*

"Дунёдан тажарруд бўлмоқлик ҳақида" деган бобда XVI асрда афғонистонда Боязид Ансорий (Пири Равшан) томонидан асос солинган диний -иҷтимоий ҳаракат Равшания танқидига катта ўрин берилган. Ҳиндистондаги темурийлар ҳукмронлигига қарши қаратилган бу ҳаракатнинг асосчиси Пири Равшан ўзини Худонинг элчиси деб ҳисоблар ва моддий оламда нажот топишнинг асосий йўли ҳар бир инсоннинг равшаний бўлишида деб даъво қилар эди. Равшанийлар ўз муҳолифларини қатл қилиб, уларнинг молу мулкани ғорат қилишар эди. Равшанийлар ҳаракати дурронийлар давлатининг юзага келишида ғоявий асос ролини ўйнаган. Шу ўринда муаллиф "феъли суннатдин йироқ" бўлган яна бир бидъатчи фирқа ҳақида танқидий сўзлар баён қилади. "Қутби ҳамон" Хожа Аҳмад Яссавий шаънини улардан ҳимоя қилади. Бу фирқа ўзларининг ношаръий русумларини оқлаш учун Аҳмад Яссавийдан нақл қилишар эди.

Сўфи Оллоҳёр уларнинг эътиқоди ва тариқатини кескин танқид қилиб, халқни ҳушёр бўлишга даъват этади:

*... Ғараз: эй бандалар, нозир бўлинглар.
Ёмон йўл фарқига ҳозир бўлинглар...
Баний одамда бордур бир фариқа,
Тутарлар ўзларин аҳли тарийқа.
Алар шаръи набийнинг душманидур,
Аларнинг оти яъни "равшаний"дур.
Алар ўзлорига "ориф" қўюб от,
Ўқурлар омиларга яхши абёт.
Ва лекин айтишур беҳуда маъни,
Ўзини йўлига солмоққа яъни.
Аларда бўлмагай ҳеч яхши нийят,
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамийят...
Аларнинг феълини ким яхши билди.
Бўлиб кофир яна ўтқа йиқилди.
Бўлибдур ҳам тақи бир фирқа пайдо,
Оти мўъмин вале нафсига шайдо.
Йиғарлар пораи бўйни йўгонни,
Солурлар ўртага қизу жувонни.
Агарчи "равшаний" эрмас бу авбош,
Вале бу иш шариаат ҳукмидин тош.
Битибдур Бул Ҳасан ул яхши банда,
Китоби "Танбиҳ уз-золлин" ичинда.
Бу айгон фирқаким золу мўзиллдур,
Шариаат аҳли бу элдин хижиллдур-*

Инонсун деб тақи бир неча беақл,
 Қилурлар Хожса Ахмаддин муни нақл.
 Худони дўсти бўлса Хожса Аҳмад,
 Қилурму ҳеч мунингдек бидъати бад?
 Шариатда эди ул офтобе,
 Қолибдур бизга ул эрдин китобе.
 Ўшал султон битибдур балки анда,
 Чиқар мундоқ фарик охир замонда.
 Анингдек фирқа малъуни Худодур,
 Аларнинг феъли суннатдин йироқдур.
 Бу ишлар бешаку райб, эй мусулмон,
 Ўшал қутби замонга эрди ёлгон.. (Ўша асар, 51-бет)

"Дарвишлик баёнида" бобида тариқат аҳли бўлмиш ҳақиқий дарвиш учун зарур сифатлар (таваккул, хоксорлик, тилни ёмон сўзлардан сақламоқ, тавозеъ, сукут) қаторида луқманинг ҳалоллигига махсус урғу берилади. Нақшбандий дарвишлар сулукида алоҳида ўрин тугган бу хислат бошқа барча сифатлар учун заминдир:

...Кўнгул Ҳақ файзига бўлсин десанг чоқ
 Ки аввал мартаба халқингни қил пок!
 Ема зарра ҳаром оғушта нондин;
 Бўлур чоҳи нажас бир қатра қондин...
 Ариғсиз луқма бирлан қилса тоат,
 Қабул эрмас ўшал қилгон ибодат...
 Агар тарк этса зарра шубҳа.эй ёр,
 Деди, юз Ҳаждин ортиқ, эй накўкор...
 Риёзат бирла ўғкарсанг баҳар кайф,
 Ариғ бўлмаса луқманг, меҳнатинг хайф! (Ўша асар, 61-62-бетлар)

"Кўзни ҳаромдан юммоқнинг баёни" боби нақшбандиядаги "назар бар қадам" асосига қурилган бўлиб, бу талабнинг ҳар бир мўъмин учун шаръий талаб эканлиги таъкидланади ва одам зотидаги (шахватпарастлик в.х.) тубан хислатлар изчил танқид қилинади:

Кел, эй мўъмин, агар тарсанда бўлсанг,
 Кўзингни сақлагил, ҳар қанда бўлсанг.
 Куйи бўлсин ҳамиша нуктаи чаим,
 Мабодо бўлмагай, боло тушуб, хаим.
 Назар қилгунча бад, эй нафси маъюб,
 Тушуб кўз нуқтаси, кўр бўлғони хўб,
 Саодатдур назар бўлса қадамда.
 Тажовуз айлаган бўлса надамда.
 Агар қон чаима бўлса чаима, эй меҳ,
 Хатарлик ерга тушгандин эрур беҳ.
 На хушдур дийдаи тарсанда бўлса,
 Вагарна косасидин канда бўлса.
 Хатардин юм кўзинг, ўғлон, хийфа,
 Нечукким, юмди қурқуб бу Ҳанифа.. (Ўша асар, 65-бет)

"Худонинг неъматларига фикр айламоқ баёни" да нақшбандий солиқ доимо ўз қалбига назар солиб, тафаккур билан банд бўлмоғи, ҳар бир нафас ғафлатдин хориж - Илоҳнинг доимий зикридан ҳузур топиш билан ўтмоқлигининг зарурлиги таъкидланади:

Кел, эй озода, воқиф бўл кўнгулга,
 Кўнгул йўлбоишчидур қурбатли йўлга...
 Тафаккурнинг қушин ҳеч қилма гофил,
 Палагда бўлмагай то байзаи дил...
 Кўнгул дарсини дерлар хуш сабақдур,
 Тамоми маърифатда ишқи Ҳақдур...

*Кўнгул буржинда гафлат иллати пур,
Давом улдур. давом этсам тазаккўр.
Ўшал дами надам дер аҳли маъни,
ОҒҒИЗДИН чиқса гафлат бирла яъни,
Кўнгул анда ҳамиша қўл ҳам иша,
Қачон бўлгай мунингдек яхши неша"*

Охирги байтнинг биринчи мисраси "Дил ба ёру даст бакор (дил ёр билан, қўл эса ишда)" иборасининг айнан ўзи бўлиб, шеъринг тизимда берилган. Кейинги бобларда ҳам ("ишқда харис бўлмоқ", "банданинг миёнаи хавфу ражода бўлмоғи", "умрнинг фонийлиги", ҳиммат ва хирсу тамаъ, "нафси шум", "банданинг аҳдида турмоғи", "яхши ҳамроҳ баёнида", "хавф ва ражо хусусида", ризо ва сабр, "жавонмардлик нишони", эшони Сўфийнинг фарзандлариға насиҳат қилғонлари") шаръий ва тасаввуфий ахлоқнинг бир қатор масалалари қаламга олинган. Уларнинг аксариятига ривоят (Исмоил Алайҳиссалом, Уҳуд жанги, Абдуллоҳ Ансорий, Муҳаммад Мустафо с.а.в.) ҳамда бадий ҳикоялар тамсил сифатида илова қилинган. Хусусан сабр билан қаноат дарвиш учун зарурий сифатлар ичида энг зарурийси, "қаноат барча иллатнинг шифоси" эканлиги алоҳида таъкидланади:

*Балои фоқага сабр этган инсон
Диёнат мулкидадур марди майдон.
Агар чандики бўлсанг бебизоат,
Сулаймонсан, агар қилсанг қаноат.
Қаноатдур кўнгулларнинг сафоси,
Қаноат - барча иллатнинг шифоси.
Қаноатким, табиби ҳар касалдур,
Қаноат аҳлига оғу асалдур.*

Қуйидаги байтларнинг мазмуни "Садди Искандарий" достонидаги Искандар билан гадоликни ихтиёр этган шаҳзода мунозарасини эслатади:

*Бировнинг ҳукми етса шарқдин ғарб,
Бировнинг бошига мўре қилур ҳарб.
Ажал жаллоди кўксин айлагоч чок,
Қилур ҳар иккисин бирдек қаро хок,
Бировнинг нуқраву тиллоси мўл-кўл,
Биров кўргони йўқ умрида бир пул.
Муни муфлис демас тонгла, ани бой,
Бўлур ҳар иккига зеро лаҳад жой.. (Ўша асар, 82-бет)*

"Жавонмардлик нишони» ҳақида сўз юритилган бобга тамсил сифатида иккита ривоят ҳикоя келтирилган. Уларнинг бири пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) (Уҳуд жанги), иккисиси эса Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ.

Иккала ҳикоя ҳам моҳиятан ўхшаш бўлиб, у икки зотга хос жавонмардлик хислатларини таъриф этишга қаратилган. Баҳоуддинга хос ҳиммат, ҳилму ҳол тавсиф берилгач, инсон жафога қанчалик сабрли бўлса, ўрни келганда ҳамиятни унутмаслиги - "ҳамиятда керак чун қаттиқ олмос" бўлиши лозимлиги ҳам таъкидланади. Баҳоуддин унинг бетига қамчин солиб, соқолларини қонга белаган мансабдор - миршабни дуоибад қилмайди, балки Аллоҳга "ғазаб қилма анга, қилғил ҳидоят" деб тазарруъ қилади. Буни кўрган "авон" қилган ишидан пушаймон бўлиб, ҳиммат ҳассасини қўлга олиб, "қўлин топшурди ул ҳимматли йўлга:

*Ёмонларнинг ишидур кина тутмоқ,
Муслмонлик - ёмонлиғни унутмоқ.
Ўзининг нафсини кам айлаган қул
Қилур, қанча жафо келса, таҳаммул.
Ва лекин бу таҳаммул айлаган нос
Ҳамиятда керак чун қаттиқ олмос...*

Китоб хотимаси олдидан каттагина боб - "Эшони Сўфийнинг фарзандлариға насихат қилғонлари" берилган. Панднома руҳидаги бу бобда таваккул, ғайрат, қаноат ва тамаъ, ҳавою ҳавас, тавозеъ ва кибр, риё ва факр, сабр, эҳсон, ихлос ва тақво ҳақида танбеҳ тарзида фикр юритилади.

"**Сабот ул-оғизин**"га илова қилинган ғазалиёти эшон Сўфий Оллоҳёр" таркибида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини эслатадиган байтлар кўзга чалинади. Китоб муаллифнинг ўз нафсига қаратилган шеърий хитоби билан яқунланган. Шунинг ўзи ҳам унинг нақшбандия тариқатида қанчалик собитқадам эканлигидан далолат қилади.

Сўфи Оллоҳёр ўзбек адабиёти тарихида Навоийдан сўнг нақшбандия тариқатини шеърий шаклда энг изчил тарғиб қилган улуғ сўз санъаткори ҳисобланади. Унинг асарлари, гарчанд диний-тасаввуфий ахлоқ ташвиқиға қаратилган ирфоний адабиёт намунаси бўлса ҳам, ўзининг такрорланмас саъаткорона услуби туфайли бадиий шеъриятнинг энг юсак намуналари сифатида эътироф этилган.

Ўзбек тилининг олмос қирралари ёрқин намоён бўлган бу шеърий дурдоналар теран фалсафий, ижтимоий моҳияти ва жозибали услуби билан туркийзабон халқлар орасида энг ўқимишли асар бўлиб қолган. Эски мактабларда савод чикқандан кейин ўқиладиган биринчи китоб "**Сабот ул -оғизин**" бўлганлиги ҳам тасодифий эмас.

Хувайдо.Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо - Бобурдан кейинги давр ўзбек адабиётининг улкан намояндаларидан бири сифатида эътироф этилган.

"Насабда Ўшу мавлуди Чимён" ва аждодлари нақшбандия силсиласига мансуб бўлган бу зот ўзбек ирфоний шеъриятининг ривожига муносиб ҳисса қўшган ва унинг панду насихат руҳи билан суғорилган шеърий дурдоналари, Хожа Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр, Машраб асарлари сингари, омманинг энг сеvimли китоблари қаторидан ўрин олган.

Хувайдо девонидаги маълумотга кўра, унинг аждодлари ватани Ўш бўлса, ўзи Фарғонанинг Чимёнида таваллуд топган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1780-8-йилда вафот этган.

Хувайдонинг отаси Ғойибназар Қашқардаги машҳур руҳоний Офокхўжанинг муриди бўлган. Девонга чевараси Салоҳиддин Соқиб томонидан ёзилган дебочада қайд этилишича, Ғойибназарнинг солиҳ ўғил кўришини мазкур Хўжа каромат қилган, шунинг учун ҳам, унга "Хўжамназар" деб от қўйганлар.

Хуллас, Хувайдо аждодлари нақшбандий хўжалар билан бевосита алоқадор бўлиб, бу анъана унинг шахси ва ижодиётида ҳам давом этган.

Хувайдонинг адабий мероси унинг чевараси - олим ва шоир Салоҳиддин Соқиб томонидан, мулло Мирзо Ҳаким ибн Мирзо Умид Марғилоний ёрдамида девон ҳолиға келтирилган ва машҳур котиб Муҳаммад Шохмурод ибн Шохнеъматуллоҳ Шоший томонидан кўчирилиб, Тошкентда тошбосма усулида чоп этилган³⁶. Девон таркиби қуйидагича: ғазал(370), мустазод(5), мусаддас(1), мусаббаъ(1), мусамман(1), мутассавъ(1), муашшар(1), ҳикмат(1), мураббаъ(4), рубоий(28). Девон хошиясида шоирнинг панднома достони — "Роҳати дил" жойлашган. Дебоча мураттаб Соқиб қаламиға мансуб. Девон охириға бир қатор шоирларнинг шеърлари илова қилинган.

Хувайдо шеърларининг моҳияти нақшбандий шоирлар ижоди билан ҳамоҳанг. Уларда (мажозий пардаға ўралаган ҳақиқий) ишқнинг тенгсиз қудрати ва жозибаси, бу ишққа қадам қўйган солиқнинг масъулияти ва сифатлари, ҳақиқий Ёр висолиға восил бўлишнинг шартлари ва йўллари қайта-қайта таъкидланади.

Навоий шеърларида кўрганимиздек, Хувайдо коинотдаги барча ашёда Ёр жамолининг жилвасини мушоҳада этади. Бироқ Аллоҳ номини узлуксиз зикр этиш билан "кўнгул миръоти (кўзгуси)дин зангор (занг)ни" ювиб ташлаган ошиққина "кўргуси улким тажаллийи Ёрни".

Ҳақиқий ошиқ ўзлик юкини ва мосиволлоҳни (Оллоҳдан бошқа нарсаларни) салб этиш йўли билан ишқ дардини касб этиши мумкин. Бундай ғоя "ишқ" радифли (2 та) ва шу мавзуга дахлдор ўнлаб ғазалларда таъкидлаб борилади:

Бул тариқи ишқ ичинда жумладин дард эътибор,

*Гиряи одат на ҳоҷат - чехраи зард эътибор.
Бир пулидин ўтмаса, билса ўзин ошиқ, ажаб,
Ишиқ йўлида дунёдин қилмоқ дилин сард эътибор...
Дунё меҳрин, толиби дийдор, сан дилдан чиқар:
Кўргали дилбар юзин мирёти бегард эътибор*

*Бир фулус баҳридин ўтмас баъзилар ошиқ, ажаб!
Эй Ҳувайдо, ишиқ аро марди жавонмард қилди ишиқ.
(Ғазал- 106)*

Қуйидаги ғазал Ҳувайдо ишқининг туб моҳияти ҳақида етарли тасаввур пайдо қилади:

*Ҳар нечук зийрак кўнгулга келса, нодон қилди ишиқ;
"Ҳою ҳу" деб сўзлатиб, мажнуни ҳайрон қилди ишиқ.*

*Ишиқ ўтдур, тан ўтундур, ақл эрур монанди дуд;
Тутса ўт хошок аро, дудини паррон қилди ишиқ.*

*Ер била кўк, тоғларни айлабон бир қабзайи,
Қатраи ночизни дарёи Уммон қилди ишиқ.*

*Неча йиллар ўзини билмай йўқатти Боязид,
Сўзламакдин қолдуруб, эл ичра ҳайрон қилди ишиқ,*

*Офтобу моҳни айлаб ҳамиша беқарор,
Шарқдин то Ғарбга чун гўй ғалтон қилди ишиқ.*

*Муртафиъ айлаб булутни йиғлатиб ер, кўк аро,
Бағридин ўтлар чиқиб, барқи дурахшон қилди ишиқ.*

*Тури Сино тоғига бир зарраи партав солиб,
Пора-пора айлабон реги биёбон қилди ишиқ.*

*Эй Ҳувайдо, ишиқ эли дўзах ўтидиндур амон,
Чунки Намруд ўтини боғи гулистон қилди ишиқ. (Ғ-170)*

Ҳувайдо шеъриятида тасаввуфнинг умумий масалаларига бағишланган шеърлар ҳам, шунингдек, нақшбандия руҳи ифодаланган байтлар ҳам кўплаб учрайди.

Биз ўқувчиларнинг нақшбандия таълимоти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлганликларини эътиборга олиб, Ҳувайдо шеърларидан шу тариқатга мувофиқ келадиган байтлардан айрим намуналарни уларнинг эътиборига ҳавола этамиз:

*Анжуман ичра, Ҳувайдо, ўтти умрунг доимо,
Бир шабе хилват ичинда бўлмадинг меҳмони дўст.
(Ғ-57)*

*Хоҳ ўлтур, хоҳ тик тур, бўлмағил бе ёди Ҳақ
Бир оғиз сўз сўзлагунча қолғуча миқдори умр.
(Ғ-97)*

*Бўлай десанг художё, шайху мулло, хожалик қилма;
Ўзунгни, эй Ҳувайдо, хору хас бирла баробар қил!
(Ғ-217)*

*Ҳар дамингни тут ганимат - бандалик қил, бандалик;
Чун махосилдек яқонгдин марг олмасдин бурун.
(Ғ-291)*

*Кечургил ҳарна умрингни, Худони зикрини айтиб,
Қилиб беҳудага сарф, ўлмағил тонгла пушаймоне.*

(F-375)

Тасаввуфий мазмундаги ғазал таркибидан олинган қуйидаги байтда нақшбандий суфийларнинг зикр йўли ("ху") тарғиб қилинган:

Зану, фарзанду молингдин санга ҳаргиз вафо йўқтур:

Бил ўз жонингни қадрини, туну кун зикри "ху" қилгил!

Хувайдо шеърларидаги "факру фано" истилоҳларини нақшбандия нуқтаи назаридан тушунмоқ керак. Шоир шеърларида ҳар бир нафасни ғанимат билиб, уни Аллоҳ ёди ва ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлган ҳолда ҳузур билан ўтказиш ғояси кўп такрорланади. бу эса ҳақиқий нақшбандий дарвишлар йўлидир:

...Тирикликни ғанимат бил, юракда бўлса гар дардинг;

Вагарна ўлганинг хуштур, юрусанг гафлатолуде.

Ишонма кўз юмуб очқунчалик соат бу дунёга;

Бу соат бўлмаса дардинг, ани йўқтур санга суди...

(F-369)

Хувайдонинг "Роҳати дил" достони Фаридиддин Аттор асарлари руҳидаги панднома бўлиб, инсон камолоти учун зарур сифатлар тарғиби ва тубан хислатлар танқиди ҳикматомуз мавъизалар ҳамда тамсилий ҳикоялар воситасида олиб борилади. Масалан; ҳамма ганжга эгалик қилиш умидида бир-бирини пинҳоний қатл этган тамаъгир уч ака-уканинг тақдири ҳақидаги ҳикоя Аттор "Илоҳийнома"сидаги тамаъгир ҳамсафарларнинг аччиқ қисматини эсга солади. Достон композицияси концепция ва унинг исбот-далили тарзида қурилган.

Хуллас, Хувайдо ўзбек адабиёти тарихида нақшбандия тариқатини қабул қилиб, уни бадий ижодиётида кенг тарғиб этган мутафаккир шоирлар қаторида қадрланади. Унинг бир ғазалидан олинган мана бу байтлар бадий фахрия эмас, балки ҳақиқий эътиқод ифодаси десак, тўғрироқ бўлади:

...Фақирлик тахтида шоҳаншаҳи рўи ҳаминдурман:

Шаҳи чин бирла қайсарнигъулому мардикор эттим.

Тамошои жаҳон қилсам, ҳама ўз нафсига ҳайрон;

Уруб ерга бу нафсимни, аёғ остида хор эттим. (F-239)

Хувайдонинг аждодлари нақшбандия сулукининг номдор вакиллари бўлган бўлса, унинг авлодлари ҳам тариқатда, ҳам шеъриятда боболари анъаналарига содиқ қолган.

Набираси Сирожий тақводор арбоб, шоир сифатида машҳур бўлган. Чевараси Салоҳиддин Соқиб эса истеъдодли шоир бўлиш билан бир қаторда, нақшбандия тариқатидаги тасаввуфий истилоҳларни шарҳлаб, асар ёзган (бу қўлёзма ЎзР ФА ШИ да сақланмоқда). Яна бир чевараси шоира Самарбону боболари ва умуман атоқли салафларига ихлоси ва садоқатини шеърий мисраларда ифодалаган:

Илоҳо, саййиди Қул Хожса Аҳмад,

Анингдек яхшилардин бўлса беҳад.

Илоҳо, ҳурмати ул Хожса Ҳофиз,

Манам бўлсам рубоий ичра маҳфуз.

Илоҳо, ҳурмати Амир Алишер,

Ба ҳаққи Сўфи Оллоҳёрдек эр-

Илоҳо, ҳурмати у Шамси Табриз,

Мани бу ерда расво қилмағайсиз.

Илоҳо, роҳати дилдур Хувайдо,

(Бобом нисбатлари қилгайму шайдо!

Тасаддуқ мен бўлай, султони олам,

Чимиён халқига сиздур мукаррам...
(Жалолов Т. Гўзаллик оламида. –Т., 1979, 202-бет)

Кейинги асрларда Нақшбандия тариқати асосан, муршид ва муридлик муносабатлари тарзида омма орасида кенг илдиз отади. Нафақат зиёлилар, балки оддий халқ орасида ҳам пирга қўл бермаган кишилар кам бўлган.

XIX асрда Ҳиндистондан Қўқонга таклиф билан келган Миён Бузруклар XVI асрда «Мужаддиди алифсоний» (иккинчи минг йилликда (исломни) тирилтирувчи) лақабига сазовор бўлган нақшбандий Аҳмад Сирҳиндийнинг авлодларидир. Ҳозирги кунда ҳам Қўқонда нақшбандия сулукига қабул қилиш расм-русуми мавжуд. Лекин ижод аҳли орсиди нақшбандия таълимоти билан бевосита шуғулланган атоқли шоирларни кўрмаймиз. Лекин бундай ҳол бу тариқат адабиёт аҳлидан узоқлашди деган маънони билдирмайди. Агар Ҳазиний бир восита билан ўз тариқатини тилга олган бўлса (Қодирия), кўпчилик ижодкорлар бунга эҳтиёж сезмаган бўлиши мумкин. Чунки, бир томондан, уларнинг сулуки ва пири маълум бўлган. Иккинчи томондан эса, яратган асарларининг ўзи улар эътиқодининг бадиий инъикоси эди. Бинобарин, XIX ва XX аср бошларидаги ўзбек шоирлари ижодида қаноат, таваккул, ғайрат, ҳиммат, саховат каби сифатлар тарғибига бағишланган шеърларнинг вужудга келиши уларнинг кўп асрлик анъаналари билан узвий алоқасини кўрсатади.

Бу давр адабиётида нақшбандия ғояларининг яна бир излари Навоий ижодиёти, хусусан, унинг шайхлар танқидига қаратилган ғазалларига жавобан ёзилган ўнлаб махсус шеърларнинг пайдо бўлганлигида кўринади.

Хоразм адабий муҳитининг атоқли намояндалари (Нишотий, Мунис, Огаҳий) асарларининг моҳиятан нақшбандия таълимоти билан вобасталиги билвосита - улар бадиий меросининг Навоий поэтик анъаналари билан узвий алоқадорлиги, шунингдек, уларнинг ҳар бири Навоийни пир ва устод сифатида қайта-қайта эътироф ва таъкид этганлиги асосида идрок этиш мумкин.

Худди шундай ҳулосани Миёнкол ва Фарғона водийсида яшаб, ижод этган бир қатор шоирлар (Мирӣй, Девона)га нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Хуллас, Нақшбандия тариқати беш аср давомида ўзбек адабиёти турли намояндаларининг маънавий тарбияси ва адабиётда панднома жанрининг ўзига хос йўналиш сифатида таркиб топишида муҳим ғоявий замин бўлиб хизмат қилган.

10-мавзу: Нақшбандия таълимоти ва Алишер Навоий ижодиёти. - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Алишер Навоий шеърлятида нақшбандия тариқатига муносабат ва унинг умумбашарий ғоялари ифодаси.

2. “Насойим ул-муҳаббат”да улуг шайхларга муносабат.

3. “Ситтаи зарурия” – тасаввуфий қасидалар мажмуаси.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-11-томлар. Тошкент: “Фан”, 1988-1993

2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.

4.. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.

5.Х.Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.

6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002.

7.Олим С. Нақшбанд ва Навоий. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

1.Алишер Навоий шеърлятида нақшбандия тариқатига муносабат ва унинг умумбашарий ғоялари ифодаси. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий шеърлятидаги маълумотлар моҳият нуқтаи назаридан икки мақсадга қаратилганлиги кузатилади:

1) Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маълумоти тарихи ҳақида умумий маълумот бериш. Албатта, бундай маълумотлар оддий хабар бўлмай, муаллифнинг шахсий муносабатини ифодалайди:

«Ҳайрат ул-аброр»нинг муқаддима бобларидан бири Хожа Баҳоуддин билан Хожа Аҳрори Валийга бағишланган мадҳдан иборат. Маълумки Навоий «Хамса»да Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги анъанвий наътдан кейин фақат ўзининг «Хамса»навис салафлари ва улуғ замондошлари (Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро)га махсус мадҳиялар бағишлаган. Мазкур икки отга «Хамса» муқаддимасидан жой берилишининг ўзиёқ муаллифнинг нақшбандия тариқатининг асосчиси ва ўз замонидаги буюк намоёнчасига нисбатан катта эътибори ва эътиқодидан далолат қилади.

Мазкур мадҳия 45 байтдан иборат бўлиб, дастлабки 15 байтнинг ҳар бирида «нақш» сўзи ёки шу ўзакдан ясалган (иштиқоқ санъати)сўзлар 31 ўринда ишлатилган. Ана шу байтларнинг айримларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз:

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддису сирруху мадҳидаким, сунъ наққоши ҳиммат била рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарҳ этти ва сурати иршоди ила куфр аҳли кўнгли варакидин хитой ва фарангий нақш кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламхуллоҳға ниёз арзиким, ул ҳазратға халафи мутлақ, балки халафи барҳақдурур.

*Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд.
Айлади авроқ мунаққаш баса,
Нақш рақам айлади дилкаш баса.
Лек анинг нақши каби дилнавоз,
Чекмади то хомасидур нақшсоз.
Собит анинг кўнгли аро нақши жуд.
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.
Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,
Олам ўлуб илгида нақши нигин.
Бўйла нигин нақшига фармонбаре,
Мунча ажаб нақш ила деву пари.
Саъй ила бу гунбади бисёр нақш,
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.
Нақшининг оллида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳаи девор уза.
Мунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас, ғайри Шаҳи Нақшбанд.
Жонга чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини.
Жони чун ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фоний бўлуб.
Турфа буким, нақшига кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.
Лўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр.
Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳаи зарқаи уза.
Чун изининг нақшига суртиб жабин.
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин. («Хамса», 48-49-бетлар)*

Кейинги байтлар Хожа аҳрори Валий мадҳидан иборат. Бунда XV аср иккинчи ярмида кашфу каромат соҳиби сифатида эътироф этилган зотнинг муҳим фазилатлари тавсиф

қилинди. Шунингдек, фақат нақшбандия муршиду соликлар учун тааллуқли баъзи жиҳатларга ҳам ишора қилиб ўтилади:

*Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқаи хазз палос этмайин.
Сухбатида ҳар кеча бешакку райб,
Жилва қилиб шоқиди раънои гайб.
Гўшаи хилват аро тутмай қарор
Ўзини қилмай яшурун, ошкор...
Борча сулук аҳлига роҳбар бўлуб,
Йўл элига тийра тун аҳтар бўлуб...
Гарчи тижорат бўлуб ойинлари.
Бўлмади бир мулкда таскинлари.
Юкларида туҳфа нақди фано,
Ҳар бири ул нақддан истаб гино.
Сиймлари барча фано қонидан,
Дурлари йўқлук суви уммонидан...
Фақр йўлида гани иймонга бой. («Хамса», 49-бет)*

Мазкур байтларнинг ўзи ҳам дунё ва дин ишларини назардан қочирмай, фано мақомига эришган пири комил киёфаси ҳақида муайян тасаввур пайдо қилади. Шу ўринда Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий ва Алишер Навоий шахсиятлари ўртасида ўхшашлик сезилиб туришини таъкидламоқ лозим.

Агар «Хамса»даги бағишлов мадҳдан иборат бўлса, фақат мутасаввифларга бағишланган асар «Насойим ул-муҳаббат»да Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг тариқати ҳақида махсус маълумотлар берилган. Бу маълумотлар Абдурахмон Жомий «Нафоҳат ул-унс»идаги тавсиф билан айнан ўхшаш. Лекин шуни таъкидлаш керакки, бу матн аслида Нақшбанд ҳақидаги маноқиб асосида тузилган.

2) Алишер Навоий асарида учрайдиган нақшбандияга доир мулоҳаза, шарҳлар ва қайдларнинг кўп қисми бевосита тариқат қоида ва талабларига дахлдор. Шу мазмундаги махсус шеър ёки байтларни қитъа, ғазал, таржиябанд каби шеърлар таркибида ҳам, «Лисон ут-тайр», хусусан, «Хамса» дostonларида кўплаб учратамиз.

Бундай мулоҳаза ёки шарҳларнинг ўзини ҳам моҳиятан икки гуруҳга ажратиш мумкин: Тариқатнинг энг асосий умдалари ҳақида (яхлит) фикр юритилган матнлар ҳамда унинг бирор қоидаси шарҳланган шеърлар.

Биринчи гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида Навоийнинг йигитлик даврига мансуб куйидаги қитъасини кўрсатиш мумкин:

«Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.
Десанг шоҳ ўлай, еру кўк басдирур:
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга.
Фано шўъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.
Этар лола бутган қиё куллasi,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас ариғ нуктаю қон ёши,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.
Десангким, хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ул,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни кадамдин йирок солмағил,
Бу йўл азмигар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йирок тутмағил хушни,
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъимаскун аро
Чолинмоқ, не тонг, кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга. » (ФС, 724-бет)

«Садди Искандарий» достонида сафарнинг (тасаввуфий маънода эмас, ўз маъносида) жоиз ва ножоиз жиҳатлари, ватанни, ўз масканини кадрламоқ ва ҳар бир нафасни ғанимат билиб, аҳбоб суҳбатига етишмоқ, ўтгану келмаганнинг эмас, балки нақддан – ҳозирги нафасни эъзозламоқ ғояси эмоционал-публицистик услубда тарғиб қилинади. Яхшиси, ана шу бобдан айрим ибратли танбеҳларни кўздан кечирайлик:

Чу охир бўлурмиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!
Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлағил ўзни маст.
Чу бу дамни чарх ўткарур, ҳам бу дам
Дамодам май ичгил, эрур дам бу дам...
Сафр меҳнати жовидонийдурур,
Нединким, сақардин нишонедурур.
Сафарга недур ҳар дам этмак ҳавас,
Санга ул сафарким бор олдингда, бас.
Эрур бир йўл олдингда беҳад қатик,
Майи ҳажри аҳбобнинг баса ачиқ.
Не ҳамроҳ ул йўлда, не ҳамдаме,
Эрур, Оллоҳ, Оллоҳ, ажаб оламе!..
Чу охир борурсан, шитобинг надур?
Борурдан бурун изтиробинг надур?!
Тараддудни тарк айлаб, ором тут,
Тузуб базм аҳбоб ила, жом тут!..
Эрур ғанимат бори бу замон,
Ки бир-бирга барчангиз меҳмон...
Олинг айшдан умрнинг жомини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини!..

«Садди Искандарий» достонида нақшбандия сулукининг учта ибораси (сафар дар ватан, хуш дар дам, хилват дар анжуман) ишлатилган панду насихатлар мавжуд.

Ўзунгизни меҳнат куни овутинг,
Не ғам келса даврондин, осон тутунг!..
Бурунги кунутонгладин урма дам,
Ки ул бир аламдур бу дағи адам...
Даме нақд агарчи бу маъдум эмас,
Вале этмок окшомға маълум эмас...
Муни дағе ғам бирла қилғон басар,
Хираддин магар топмаишдир асар...
Ва гар сайрга асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг;
Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл.
Тила хилват-у, анжуман ичра бўл!

Сафар азми дўзхқа солидурур,
Ватан хубби иймон нишонадурур...
Чу зотингда иймондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бўлди гулфишон1..

Бу танбехда фақат «тила хилвату анжуман ичра бўл» ибораси ўзининг истилоҳий маъносида ишлатилган. «Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл» мисраси тасаввуфий эмас, балки ҳаётий - оддий маъно (макон)да келади ва сафар иштиёқида ҳар доим ватанни, дўстларни тарк эта бериш одати қораланади. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ватанга меҳр қўймоқ, уни қадрламоқ ҳисси улуғланган «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳадиси муҳим далил сифатида келтирилади («ватан хубби иймон нишонасидур»).

Бу ўринда ватан тасаввуфий тор маъносида эмас, балки кенг ижтимоий маънода келган, деган хулосани тамсил сифатида келтирилган ҳикоят тўлиқ тасдиқлайди. Бир хат ташувчи тез учар каптар фалакнинг зайли билан бир подшо қафасига тушиб қолади. Қафасда каноту қуйруғига анча шикаст етади. Бир кун тасодифан қафасдан халос топиб, ўз диёри томон парвоз қилади. Лекин у қурган уй – ватан замона зулми билан вайрон бўлган эди. У ўз хонадонини қидиришдан тинмайди, илинтириш учун томларга сепилган дону осмонга учирилган каптарларга ҳам эътибор бермайди. Айлана-айлана, ниҳоят, уйининг вайронаси устига қўнади.

Ки маънус эрур, гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.
Эрур кушқа хушроқ, чу боксанг аён,
Мурассаъ қафасдан тикан ошиён.

Бу ҳикоятнинг ғояси ва услуби «Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» дея бошланувчи машҳур рубоийга ҳамоҳанг тушган.

Шундан кейинги бобчада Искандарийнинг Арастудан «нима учун олам табиати ўз ватанида ком ва ўрганган масканида ором олишни истайди», деган саволи ва бунга Арастунинг жавоби келтирилади. Бу савол-жавобда бир нечта ҳикматомуз байтлар фалсафий хулосалар сифатида таассурот қолдиради:

Ангаким бузуқ кулба зиндонча бор,
Қошида анинг боғи ризвонча бор...
Гар истар гадо кунжи вайронини,
Тилар шаҳ дағи қасру айвонини.
Не эркин бирав таъби маълуфидур,
Бу маълуфининг онча машъуфидур.

Ҳар бир нафасни («дами нақд») ғанимат билиб, унинг ҳар бир дақиқасини авайлаш ҳақидаги васиятни ҳам ҳаётий-ижтимоий маъносида тушунмоқ керак.

«Хуш дар дам» умдасининг асосий мазмуни (ҳар бир дам – нафаснинг кириши, чиқиши ва улар оралиғи ғафлатдан холий, огоҳлик ва ҳузур юзидан бўлиб, Оллоҳнинг ёди, уни зикр этишдан холи бўлмаслиги лозим)ни икки хил аспектда – тасаввуфий ва ҳаётий-ижтимоий – талқин қилиш мумкин. Бу ўринда кенг маъноси назарда тутилган. Навоий Оллоҳ берган буюк неъмат – ҳаётнинг ширин, лекин муваққат эканлигини таъкидлаб, инсон учун энг қадрли нарса шу «дам»нинг («эрур дам бу дам») ўзи эканлигини қайта-қайта таъкидлайди, ўтмиш ва келажак нася, бинобарин, нася ҳақида ўйламай, асосий диққатини «бу дам»га қаратиш зарурлигини васият қилади.

Бундай ғоя нақшбандия йўлига зид эмас. Чунки уларнинг барчаси «хуш дар дам» иборасига илоҳий маъногина бермайди, балки тасаввуфий ва мазмунга яхлит бирликда қарайди. Шунингдек, «дам асрамоқ» ибораси сирни фош этмай асрамоқ, тилни эҳтиёт қилмоқ деган маъноларда келади. Алишер Навоий асарларининг бошқа ўринларида биз ана

шундай талқинларга тез-тез дуч келамиз. Лекин «Ҳайрат ул-аббор», «Садди Искандарий», «Махбуб ул-қулуб» асарларидаги умр баҳори – йигитлик (шабоб) айёмига бағишланган махсус боблар Навоий ижодининг том маъносидаги ҳаётпарварлик моҳиятини намойиш этади. Ҳар қандай ҳаётӣ муаммо билан банд бўлган ёки йигитлик баҳоридан нашъа олган пайтларга ҳам Оллоҳ ёди, унинг шукри инсон қалбининг асосий машғулоти («хузури қалб») бўлмоғи кераклиги, барча нақшбандийлар сингари Навоий учун қонун эди.

2. «Насойим ул-муҳаббат»да улуғ шайхларга муносабат. «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодалари»)– халқни Ҳақ ва ҳақиқат сари йўллаш, башариятни илоҳий маърифатга етиштиришдек улкан вазифани ўз зиммасига олган улуғ уламо ва урафо, машойиху авлиёлар ҳақида битилган ноёб манбадир. Ҳижрий 901 (1496) йилда вужудга келган ўзбек насри ва тасаввуф адабиётининг мумтоз намунаси саналган бу асарнинг тўлиқ номини муаллиф «Насойим ул-муҳаббат мин шамоийим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари») дея эътироф этади. Тазкира Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асари асосида вужудга келган, Алишер Навоий унинг ёзилиши тарихини қуйидагича баён этади: «Доим ошуфта хотирға келур эрди ва паришон хаёлға эврилур эрдиким, ул китоб алфози форсийдур, арабийға пайваста ва иборати ишорат аҳли тилига вобаста ва ул тиллар вуқуфидин баҳраварлар ва ул иборату ишоратдин беҳабарлар ул алфоздин ўз қобилиятлари хурдида ва иштиғоллари муқобаласида нафълар топарлар ва файз элтурлар.

Аммо турк улусидин баъзики, кўнгул сидқу сафосига баҳраманддурлар, бу кимё асар сўзлар таъсирига Тенгри иноятидин аруманд, ул алфозға вуқуф қиллатидин ул файздардин маҳрум ва ҳақойикнинг дақойиқи уларга номаълум. Хотирға кечмишким, агар саъй қилсам, бу китобни турк тилига таржима қила олғаймуман ва ул дақойиқу мушкулотни равшанроқ алфоз ва очуқроқ адо била ўтқара олғаймуман? – деб мутааммил эрдим. Ва не бу хаёлу муддаодин ўзумни ўтқара олур эрдим ва не ишнинг азимлиғи ва душворлиғи жиҳатидин шуруъ қила олур эрдим.

То таърих тўккуз юз бирдаки, ул китобнинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди, Тенгри таоло тавфиқи бирла бу улуғ ишға илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум.» (МАТ, 17-том, 12-бет). Аёнлашадики, Алишер Навоий туркий халқларни «бу кимё асар» («Нафоҳат ул-унс» – Р.В., Ҳ.Э.) да номлари келтирилган улуғлар билан яқиндан таништириш мақсадида уни ўзбек тилига таржима қилади. Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс мин ҳазорат ул-қудс» асари 1476-1478 йилларда ёзилган бўлиб, муаллиф тазкиранинг бунёд этилишида Алишер Навоий даъваткор бўлганлигини эътироф этади. Демак, ана шундай асар ёзиш зарурати улуғ ўзбек шоири кўнглида йиллар давомида яшаб келган.

«Насойим ул-муҳаббат» муаллифи шарқона хокисорлик билан «ушбу китобни таржима йўсини ила бунёд эттим»,–дея таъкидлаган бўлса-да, тадқиқотчилар тазкира янги маълумотлар билан бойитилгани, унга жуда кўп ўзгаришлар киритилганини эътироф этишади. Жумладан, «Кириш», «Муқаддима», «Асосий қисм» ва «Хотима»дан таркиб топган асарнинг «Кириш» ва «Муқаддима» қисми бевосита Алишер Навоий қаламига мансуб. Тазкира муаллифи улуғ шайхлар номлари зикр этилган «Насойим ул-муҳаббат»нинг асосий қисмини қуйидагича мукаммаллаштирганини ҳам баён этган: «Ва Ҳазрат шайх Фаридуддин Аттор битиган «Тазкират ул-авлиё»дин баъзи кибор машойихким, «Нафоҳат ул-унс»ға дохил бўлмабдур эрди – ҳар қайсисин муносиб маҳалда дохил қилдим ва Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб , топиб ҳазрат Қутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакарғанж қ.а.дин сўнгги машойихгача илҳоқ қилдим ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, они доғи Ҳазрат шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавийдин бу замонгача улча мумкин бор тилаб топиб, зикрларни ва баъзи ҳолоту сўзларин ўз маҳалида дарж қилдим. Ва Ҳазрат Маҳдумининг оти ва муосиру мусобих машойих зикри дағиким, ул мутабаррак китобда йўқ эрди, мунда қўшдум ва ул китобда дағи авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўзким, замон аҳлиғақўп мухтож ун-илайх эрмас эрди итноб ваҳмидин таркин тутдум ва бу таржимадин ўқсуттум ва чун бу валоят риёзи муҳаббат насимиға муҳиб ва футувват шамимиға сабаб бўлди» (МАТ.

17-том, 12-13-бетлар). Шундай қилиб, Алишер Навоий «Нафоҳат ул-унс»да 618 (584 эркак, 34 аёл) мутасаввиф ҳақида берилган маълумотларни 770 тага етказди, улардан 35 тасини аёл авлиёлар шаънига билдирилган фикрлар ташкил этади. Бунда муаллиф Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» Шайх Фарид Шакарғанжнинг шу йўналишда ёзилган асаридан фойдаланди ҳамда турк машойихлари, шунингдек, Абдурахмон Жомий ва ўзига замондош бўлган улуғлар номларини мангуга муҳрлайди.

«Насойим ул-муҳаббат»нинг муҳим фазилатларидан бири унинг «Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзитидин баъзини зикр қилмоқ» номли муқаддима қисмида авлиё ва машойихларнинг аъмол (ишлари), афъол (феъллари), муомалат (яшаш тарзи) ва риёзат (ирода руҳларини чиниқтириш)лари баён этилади ҳамда тасаввуф аҳлининг тавба, ҳалол, лукма талаби, шариат риояти, намоз, закот, рўза, ҳаж, етук ахлоқ, базли мавжуд (ўзидаги нарсаларни бошқаларга раво кўриш), ҳилм, ризо, сабр, сидқ риёзат каби сифат ва хислатлар шарҳланади. Булардан ташқари, маълум касб-хунар билан ҳалол лукма топиб фаолият кўрсатган Шайх Муҳаммад Саккок (пичокчи), Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод (темирчи), Шайх Абулаббос Омилий (қассоб), Шайх Иброҳим Ожурӣ (хишт авалабдур), Мирчаи Сафолфуруш (дошгар), Адулҳасан Музаййин ва Шайх Баннон (ҳаммол), Шайх Абулҳасан (нажжор), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (кимхо нақшини боғламоққа машҳур) қабилар ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади. Алишер Навоий илоҳий файздан баҳра олишнинг энг олий сифати лукмаи ҳалол эканлигини уқтириб қўйидагиларни баён этади: «Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол лукма касбиға муздурлуқ қилибдурлар, ўтин тошибдурлар ва ҳалол лукма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур» (МАТ.17-том, 15-16-бетлар).

«Насойим ул-муҳаббат» мусулмон минтақа халқлари ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида юксак нуфузга эга бўлган тасаввуф тарихи, унинг тармоқлари ва улуғ машойиху авлиёлари ҳақида маълумот бериши, шунингдек, тасаввуфнинг нозик жиҳатлари билан туркий халқларни таништириш йўлида ёзилган илк тазкира бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Булардан ташқари, бу мўътабар манба Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий сингари ўз даврининг аср ижтимоий пешқадам зиёлилари бўлган улуғ зотлар дунёқарашининг шаклланишида бевосита таъсир этган шахс ва асарлар билан яқиндан танишишга имкон яратади.

3. «Ситтаи зарурия» - тасаввуфий қасидалар мажмуаси «Ситтаи зарурия»даги бадийят намуналари фалсафий, илоҳий-ирфонӣ, ахлоқий-таълимий моҳият касб этиб, улар Анварӣ, Хусрав Дехлавӣ, Ҳоконӣ Шервонӣ, Абдурахмон Жомӣ ва Шарқнинг бошқа буюк шоирларининг қасидаларига татаббуъ сифатида яратилгандир.

«Ситтаи зарурия» таркибидаги учинчи қасида «Тухфат ул-афкор» бўлиб, Амир Хусрав Дехлавӣнинг «Дарёи аброр», Нуриддин Абдурахмон Жомӣнинг «Лужжат ул-асрор» асарлари таъсирида дунёга келган. Алишер Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида мазкур қасиданинг яратилиши тарихига доир қизиқарли лавҳалар келтиради. Хуросон давлатининг вазири аъзами лавозимида фаолият кўрсатаётган улуғ шоир Марвга қилиши лозим бўлган расмӣ сафари олдидан (1476 йилда) Махдуми Нуран зиёратига қиради. Сухбат жараёнида Абдурахмон Жомӣ «Лужжат ул-асрор» қасидасини Алишер Навоӣга беради. Улуғ ўзбек шоирининг ўз таклифи билан Амир Хусрав Дехлавӣ «Дарёи аброр»ига жавобия тарзида ёзилган бу қасида унга (Алишер Навоӣга) фавқулотда таъсир этади ва шу табарруқ даргоҳда ушбу шеърга татаббуъ қилиш нияти туғилади. Ниҳоят, Ҳирот – Марв сафари давомида, от устида тўқсон тўққиз байтдан иборат шоҳ қасида «Тухфат ул-афкор» дунёга келади. Асар чиндан ҳам жўшқин илҳом, улкан эҳтирос ва завқнинг маҳсулидир. Мулоҳазаларимиз муаллақ қолмасин учун ўша дилбар қасиданинг шоҳ байтларидан бирини назардан ўтказайлик:

Бо даҳони хушки чашми-тар қаноат кун аз он-к,

Ҳар ки қонёъ шуд ба хушки тар, шаҳи баҳру бар аст.

Мазкур мисралар мамлакат подшоҳига мурожаат йўсинида ёзилган. Подшоҳи қаноат ва қонёъликни турмуш тарзига айлантирган юрт гул-гул яшнайдӣ. Аммо ҳаёт ҳамиша ҳам

гул тутмайди. Гулни суювчи қалб унинг тикани заҳрига дош бермоғи зарур. Шоҳлик фақат ишрат эмас, салтанат ўз-ўзича турмайди ва шуқуҳ пайдо қилмайди. Унинг зарбалари, қон юттиришлари, изтиробу ташвишлари (оғиз - курук, кўзлар - ёшли) борки, сабру қаноат ила ўшаларга бардош берган фаҳму фаросат билан бартараф эта олганшоҳгина Аллоҳ иноятига муяссар ва катта сарҳаддаги (баҳр – денгиз, бар – самара, тупроқ усти - куруклик) мамлакатнинг соҳибидир. Қонеъ ва қаноатлилик фақат подшоҳнинггина эмас, барчанинг (шоҳу гадонинг) ҳам қулиқ фазилатига айланган юрт нурафшондир...

«Ситтаи зарурия» бағрида келган тўртинчи асар «Қут ул-қулуб» қасидаси бўлиб, шу ҳақда озроқ мулоҳаза юритиш билан чекланамиз. 240 мисрадан иборат манзума Ҳаким Анварийнинг шу йўналишдаги фалсафий-ирфоний қасидаси таврида-татаббуида ратилган. Тавр-татаббуъ Алишер Навоийнинг ўз эътирофидир. Бироқ бундай қайдлар улуғ ўзбек шоири қаламидан келиб чиққан асарларнинг ижодийлигига, оҳорига қилча бўлсин, таъсир кўрсата олмайди. «Қут ул-қулуб» тағдор ишораларга, кўп маъноли мажозу ташбеҳларга, теран тафаккурга ундовчи ибораю истилоҳларга бойлиги билан диққатни жалб қилади.

Ана ўшандай бадиият замирида яширин ғоявий ниятни «фано ва бақо ўртасидаги масофа, олий хилқат – инсоннинг унга муносабати» тарзида умумлаштириш мумкин. Дунёга келиш, туғилиш ҳақ, табиий-илоҳий қонуният экан, унга видо айтиш, фано қаърига сингиб, йўқ бўлиб кетиш, ўлиш ҳам муқаррардир. Бақо – мангулик инсон пешонасига битилмаган. Қуръони каримдаги хабарга қараганда, Лукмони ҳаким минг йил, Нух алайҳис-салом ҳам шунга яқин умр кўришган. Бироқ уларга ҳам дунёнинг устуни бўлиб яшаш насиб этмаган. Ривоят қиладилар, зулмат тубида пинҳон оби ҳаёт – тириклик сувини Искандари Мақдун ва Хизр алайҳис-салом бирга излашган. Искандар қолиб, Хизр пайғамбарга ўша мажозий оби ҳаёт насиб бўлгани учун ҳам ул зоти бобаракот эзгулик туғи остида яхшилик уруғини сочишда давом этаётган эканлар... Алишер Навоий бундай ҳикмату ривоят, ҳикоят ҳақиқатлардан кўпини билган. Ўшалардан қайсигадир ихлос билан қараган, ишонган, баъзиларини шубҳа остига олиб инкор қилган. Шундан бўлса керак, қасиданинг бутун матнини босиқ, сокин ва ўйчан кайфият эгаллаб олган. Унинг ҳар бир сўзидан фалсафий мушоҳада, огоҳликка даъват руҳи анқийди. Улуғ шоир инсонга қарата урғу ила ёзади:

Жаҳонки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,

Дар ў мажўй иқомат, ки роҳи шоҳи гадост.

Ушбу мисраларни қуйидагича ўзбекчалаштириш мумкин: Дунё айвони инсон учун муқим манзил эмас – ўткинчи. У фанога олиб боровчи шоҳ кўчадаги муваққат бекатни эслатади. Бекат эса ҳамиша омонатдир. Унда узоқ туриш ниятида бўлганлар қаттиқ янглишадилар. Негаки, шоҳ йўл четидаги бекат тафовутни билмайди. у шоҳни ҳам, гадони ҳам бирдай қабул қилиб, кузатишга мўлжаллангандир. Дунё айвони – ҳаракатдаги қарвон. Бўйнида кўнғироғи бор нор туялар ҳамиша сафарда. Дафтари аъмолидаги сеҳрли битикка кўра, навбатма –навбат фанодан бақо оламига кетиш давом этади... Алишер Навоийнинг бундай қарашларидан нотўғри хулосага келиш ярамайди, албатта. Қасида муаллифи мўмин-мусулмонларни узлатга, гўшанишинликка даъват этаётгани, ўлишдан бурун ўлимга ҳам ундаётгани йўқ. Ул зоти муқаррам икки жиҳатдан бундай ғояни илгари суролмас эди. Биринчидан, Аллоҳ марҳамати билан Одам Ато зурриётлари учун тақдир қилинган неъматлардан буткул юз ўгириб, гўшага кириш исломий эътиқод аҳкомларига рост келмайдик, улуғ шоирнинг унга хайрихоҳлик қилиши мумкин эмас эди. Иккинчидан, Алишер Навоий нақшбандия тариқатига мансуб бўла туриб, «Дил ба ёру тан ба бозор», «Дил ба ёру даст ба кор» каби солиқнинг ўз лукмаи ҳалолини танти қўл меҳнати билан топишга чорловчи ҳаётсеварлик ғояларини инкор қилолмасди, албатта. «Қут ул-қулуб» кейинги сатрларининг мутолааси муаллифнинг таянч ғоявий ниятини ойдинлаштириб олиш имкониятини ҳозирлайди. Бунинг учун байту сатрларда қўлланган тазод санъати китобхон учун кўмакка келади. Ўша бадиий-тасвирий восита ёрдамида фано ва бақонинг кирралари жуда кўп ҳаётий лавҳалар, табиий, тарихий, илоҳий, адабий, афсонавий истилоҳу далилларни келтириш, юзлантириш орқали очиб берилади.

Наҳанг агарчи бувад қаҳрамони кишвари баҳр,

Ба кирми обие аз худ фузун ҳамеша ғизост.

Наҳанг (акула) денгизу океаннинг энг катта ҳайвони ва ўзи ўша маконнинг эгаси, ягона соҳиби ҳисоблайди. Атрофида ўрмалаб юрувчи кўп сонли сув қуртчаларини назар-писанд ҳам қилмайди. Аммо вақту соати келиб, у ана шу қуртчаларнинг емига айланишини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ташбеҳ учун наҳангнинг танланиши тасодифий эмас. Шундай уриниш негизида катта ҳикмат, ибрат бор. Худди шундай гапни сув қуртига нисбатан ҳам айтиш ўринлидир. Фано оламида ҳамма нарсанинг сарҳаду ўлчови бор. Бу ҳукм жисмоний, руҳий, маънавий, моддий неъматларнинг барча-барчаси учун бирдай тегишлидир. Паҳлавонликнинг ожизлик, ёшликнинг қарилик, зеболикнинг хунуклик, бойликнинг қашшоқлик билан алмашиниши муқаррардир. Наҳангнинг фожеали қисмати бунга ёрқин мисол. Афсуски, бугун ҳамма нарсани ғаламислик билан юрутувчи бу махлуқ эртага ютилиш навбати ўзига етишини унутиб қўяди... Кейинги байтда ганж ва аждаҳо тимсолларига дуч келамиз. Оғзаки ва ёзма бадиий адабиёт намуналарида булар ҳамиша ёнма-ён келади. Ҳазина бор жойда, албатта, аждаҳо пайдо бўлади. Бу махлуқ ҳазинадаги жавоҳиротни ютмайди, аммо баҳра олади. Бироқ тирик экан, уни бировга раво кўрмайди... Улуғ шоир эса унга доир ҳукмини эълон қилади: Ҳирс ҳам фано. Ҳазина силжийди, аждаҳолар эса келиб-кетишда давом этади. Муддао даҳшатли махлуқлар қисматини ёритиш эмас. Улуғ шоирнинг нигоҳу нидоси эса инсонга, уни нафсу ҳирс домидан қутқозиш, ғафлат уйқусидан бедор қилишга қаратилгандир.

Сухан мағў зи анқо, ки ҳар ки қонёъ шуд,

Фарови Қофи қаноат бидон ки анқост.

Қўҳи Қоф, унга анқо уруғининг бўлиши ҳақидаги афсона қадимий. Улуғ шоир эса ўша сайёр ва анъанавий афсонага янги ният билан мурожаат қилган. Ўзи йўқ анқони излашдан мурод ҳосил бўлмайди. Ундан қаноатга зўр бериш маъқул. Наҳангу аждаҳонинг фожеасидан ҳулоса қилмоқ ва ҳирс ўпқонига тушмасликка интилоқ инсонни Қўҳи Қофдан ҳам юксакроққа кўтариб қўяди. Устма-уст табиий мисолларга мурожаат этиш, фожеий қисматларни рўқач қилишдан улуғ шоирнинг кўзлаган муайян мақсадлари ҳам йўқ эмас. Инсоннинг яшаши учун моддий омиллар жуда зарур. Уни инкор қилиш ҳаётни тан олмаслик билан баробардир. Бироқ маънавий-маърифий омилларсиз ҳам инсон ҳаёти қашшоқлашиб қолмайдими? Фикримизча, Алишер Навоийнинг қалби ва тафаккуридан-да шундай саволлар тез-тез ўтиб турганлиги туфайли ўша безовталиқ руҳи унинг барча назмию насрий асарларига кўчган. Шу жиҳатдан «Ситтаи зарурия»нинг хотимавий қасидаси «Насим ул-қайд»даги мана бу мисралар эътиборни тортади:

Чунин гулшан набошад ғайри боғи маърифат, эй дил,

Ки қард ораста аз баҳри қомил сунъи яздонаш.

Чи қомил он ки аз таълимҳои ин муаллим ёфт,

Шараф вайронаи захоир ганжи пинҳонаш.

Дил яйрайдиган, завқу шавққа тўладиган нотақрор гулшан – боғ - маърифат боғидир. Унда ҳамма учун бирдай йўл йўқ. Яздон бу боғни қомил инсонлар гўшаси сифатида зебо оро бериб қўйган. Алишер Навоий талқинича, ҳақиқий қомиллик, донишмандлик илоҳий маърифат орқалигина шаклланиши мумкин. Шу ғоя улуғ шоирнинг (каттаю кичик, насрию назмий, илоҳию дунёвий) барча асарларида кўриниб қолади. «Ситтаи зарурия»да ҳукмрон мавзу даражасига кўтарилади. Ислон рукнлари, шаръий талаблар гўзал бадиий либосда юксак шоирона ифодасини топади. Бундай нотақрор сабоқларнинг муаллифи ҳам нотақрордир. У – Аллоҳ. қасидалар туркумида, кўрганимиз иқтибосда ҳам қомил инсоннинг зоҳирий ва ботиний олами мувозанатига алоҳида эътибор берилади. Зоҳир – дабададан холи, аммо ахлоқий қиёфа – шарафли. Юзадаги соқинлик – ботиндаги маърифий заҳира туфайли. Зеро, у – пинҳон. Қомиллик – соқинлик, ҳар дамда ҳуш билан қадамни назарда тутмоқликдир. Шундай саодатга муяссар фуқаролари бор юртнинг истикболида буюқлик нури порлайди...

11-мавзу: Қаландарийлик адабиёти – (маъруза – 2 соат)

Режа:

1. Қаландарийлик адабиётининг шаклланиши. “Қиссайи Машраб” манқабаси. Қиссада илми ҳол талқини.
2. Машраб шеъриятида қаландарийлик тимсоллари ва рамзлари. Ринд ва соқий тимсоллари.
3. “Мабдаи нур”да Румий анъаналари. Достоннинг таркиби ва рамзийлик олами. Қаландарийлик адабиётининг хорижий манбалари

Адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
3. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
4. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002.

Бобораҳим Машраб ижодида қаландарийлик тариқати ғояларининг ифодаси.

Тасаввуф ғоялари XI асрдан бери Шарқ шоирларини ўзига мафтун этиб келган, биров илоҳий ишқни бевосита куйлаб, завқу шавқини изҳор этса, биров мажозий-дунёвий тимсоллар орқали ҳақиқат асрорини кашф этиш, инсоний кечинмалар тасвиридан илоҳий муҳаббат сари боришни маъқул кўрган, учинчи хил шоирлар бўлса, сўфиёна таълимотни диний қарашлар билан омукталаб, тариқат мақомотини шеърга солиб, шарҳлаб берганлар. Аммо бу силсилада Бобораҳим Машрабнинг ўзгача мавқеи бор. Машраб — илоҳий ишқнинг масту девонаси, мажнун шоир. Унинг ижодида юксак фалсафий-тасаввуфий ғоялар заминий дарду алам, оддий инсонлар, ғарибу бенаволарнинг ночор аҳволидан қайғуриш, зулм-ситамдан портлаган адолат туйғусининг пўртанали исёни ифодаланган. Машраб шеърияти - дунёдан норози кетган, покдил инсонларнинг виждон қичқириғи, нур кидириб, нурга талпинган, Илоҳга мушток интизор юракнинг нола-фиғони. Унинг шеърларининг ҳар бири бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: *"Бошимдан то оёғим тўташиб хирмани оташ"*. Шоирнинг хуш кўрган ташбеҳлари шуъла, самандар, хуноба, чакмоқ, гулхан. Унинг фиғони - оху ноласининг чегараси йўқ, наърасидан олам ларзага келади. Агар маҳшар куни ох урсам, у дунёву бу дунёгина эмас, балки аршу курси, "биҳишти жовидон ҳам ўртар", дейди дардли шоир туғёнли ҳисларининг шиддатини шоён этароқ. У маърифат аҳли кушандаси, солиҳ, ҳалол одамларни хор этган нотанти, кажрафтор фалакнинг "устига ўтлар қўйиб", барбод этмоққа чоғланади. Ўз шеърларини "дарднома", ўз юрагини эса жароҳатхона, ҳасратхона, мотамкада" деб атайди.

*Муҳаббат дардида овора бўлган халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим.
Тани дарду аламдан ёра бўлган халқни кўрдим,
Дили тиги ситамдан пора бўлган халқни кўрдим,
Зулм тугён этибдир — ҳар бириси беҳабар танҳо..*

Хўш, бу дард қанақа дард, ситам кўрган бу "халқ" ким, зулм деганда Машраб нимани назарда тутди? Шоир ижоди ҳақидаги тадқиқотларда унинг шу руҳдаги шеърлари меҳнаткаш халқ ҳаётининг аянчлик тасвири сифатида талқин этилади. Албатга, Машраб бенаво-бечораларни кўрганда, дили эзилган, ноҳақликлардан фиғон чекиб ўтли сатрлар битган. Бироқ, у ўзининг бу туйғуларини очиқ, яланғоч тарзда, аллақандай исён-тўполонларга даъват руҳида ифодалаган эмас. У ҳаётга бир илоҳий ишқ ошиғи, тасаввуф нуридан порлаган қалб нигоҳи билан қарайди ва ҳислари, муҳокамалари ҳам шу асосда ривожланган. Машраб айни мана шундай дардли шеърларида заминий дард - ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизликлардан илоҳиёт дарди, яъни руҳнинг асл манбаига қайтиш учун чекаётган изтироблар, "аршдан ерга инган" инсон кўнглининг моддиондан покланиш дарди қийноқлари билан қўшиб тасвирлайди. Бошқача айтсак, Машраб куйлаган дард нон топиш, мансаб-манфаат учун юз елиб-югураётган одамлар "дарди" эмас, балки илоҳий "муҳаббат

дарди"да ёниб, тунларни бедор ўтказаетган, кўз ёши шашқатор ҳақпараст ва ҳақсевар порсолар дардидир. Машраб шуларга ихлос қўйган, ўзини ҳам шулар зумрасидан деб билади ва уларни чин юракдан севади:

Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим.

Покдил кишиларнинг шоир қалбидан жой олишига яна боис шуким, улар қалбида илоҳсеварлик туйғуси билан инсонсеварлик туйғуси бирга узвийликда яшайди, илоҳиёт дардидан беҳабар одамда меҳр-шафқат, ўзгалар дардини англаш туйғуси ҳам ривожланмаган бўлади. Зулм деганда ҳам шоир "дарди бўлмаган" кишиларнинг дард аҳлига, жисмнинг руҳга, жаҳолатнинг маънавиятга, нафснинг инсонни ўз асли ва ўз-ўзини танишга тўсқинлиги зулмини назарда тутди. Синфий, ижтимоий нобаробарлик ҳасаддан туғилган фитна, уруш-қирғинлар сабабкори нафс инсонни ўз қулига айлантирган. Шунинг учун Машраб камбағаллар, оч-яланғоч халқ тақдирига, етим-ғарибларнинг ночор аҳволига ачиниб қолмай, умуман, инсон зотида ачинади. Шоир маънавият олами томон юқори кўтарилган сари бани башар ожиз-ликлари, ғафлат ва жаҳолат туманида қолган нохушликларни аниқроқ кўра бошлайди. Бу дард энди айрим шахсларнинг, алоҳида кишиларнинг дардидан юз чандон улкан бўлиб туюлади ва Машрабнинг юрак-бағрини баттар эзади. Чунки "халқ" "муҳаббат даштида" овора, яъни ҳаққа етишиш, ҳақиқатни кўриш иштиёқида Мажнун каби сарсон-саргардон, умид кўзлари кўкка тикилган. Шоир демоқчики, фоний дунёнинг зулми беҳад кучайиб, вужудимизни кўринмас тўр билан қоплаб олган. Биз бундан беҳабармиз, ҳар биримиз танҳо изтироб чекамиз ва ўзимизни яна унинг қомига отамиз. Бироқ руҳимиз бу зулмдан кутилиб, эркин бўлишга интилади. Шу залда, инсон руҳ ва жисм талаблари орасида азобда. Бу азобдан қутулиш учун Иброҳим Адҳам каби бор-йўғи, тахту тожини қолдириб, сўфий жандасини киймоқ керак. "Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек". Бу ягона йўл бўлиб "толиби ишқ", яъни илоҳ васлига талабгор одамнинг химмати-мардлигидир, у шу орқали руҳи, сози ва сўзини, виждонининг эркини таъминлашдан ташқари, ситам аҳлига қарши курашиш имконини ҳам яратади.

*Муродингга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.*

*Оғиздан дур сочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.*

Ҳа, Машраб исёни ва тарки дунёчилик фалсафасининг моҳияти ҳам шу нуктада аёнлашади. Чунки у нопоклик оламидан поклик оламига, ҳайвоний ҳирслар қулига айланган нокас одамлар оламидан илоҳиёт оламига чекиниб, қаландарликдан паноҳ изласа-да, аммо у бадбинликка чорлаган шоир эмас эди. Ҳаётга зоҳидона нафрат туйғуси Машраб учун бегона. Дунё зулми муҳаббат ва софликка ошно руҳни эзган, шоир "барини тарки назар этдим", "икки дунёдин юмдим кўзим" деб таъкидлагани билан гўшанишин бўлиб олган эмас. Замон ва замин дардини ўзида сиғдирган Бобораҳим Машраб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, олимларимиз ёзиб келганидай, феодал тузумга ёхуд дин ва худога қарши исён эмас, балки аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, таъмагир кишилар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ўзга "аҳли бадқирдор"га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуқтаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзига, барча нокасликлар, ишқсизлигу илоҳсизликлар жамул-жамига қарши норозилик исёнидир. Шу учун ўз руҳининг аршга кўтарилгани, кайҳоний парвозидан ҳайратланувчи Машраб, айни вақтда фалак зулмидан "бахти қаролар подшоҳига" айлангани, "жафодан монанди дол" бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм шайхлар, ҳаром ва порадан ҳазар қилмайдиган муллоларни ҳажв остига олади, соф "заминий" шеърлар битади:

*Неча мулло илм ўқиб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлик била,
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул.
Куфр айтдинг деб урарлар неча озорлик била.*

Машрабдаги комил этикод, илоҳ ишқи билан чўғланиб, ловиллаб турган виждон ҳақиқатни рўйроғ айтиб, разолат аҳлини фош қилишга қудрат ва журъат берган. Зотан, у оддий қаландар эмас, балки улуғ шоир-қаландар, бир томондан, "девона" авлиё, иккинчи томондан дўсти қадрдон, ҳамдард инсон эди. Шунинг учун унинг шахси ҳам, ашъори ҳам тарихда фавқулотда ҳодисадир. Бу фавқулотда шахс инсон тийнати ва тақдирига хос улуғ бир зиддиятли фожеани теран англаб етди ва бу Дард унинг шеърининг борлиги, моҳиятини белгилади.

Машрабнинг тушунчасига кўра, ушбу дарднинг давоси - илоҳиёт васли, яъни тавҳид ва фано, бу мартабага эса инсонни ишқ олиб бориши мумкин. Шу маънода ишқ барча мушкулотнинг калити, инсоннинг ҳалоскори, вужудни покловчи олов, иксири аъзам. Машраб салафлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар ижодида илоҳиёт билан қўшилиш шодлиги, васл базмининг нашида ва сурури ҳамда ана шу қўшилиш - тавҳиднинг нима эканини таҳлил ва таҳқиқ этиш асносидаги шоирона кашфи бош мақсад бўлса, Машрабда тавҳид масрурлиги, Ёр ҳузур-ҳаловати тасвири шу ҳаловатга етиш йўлидаги қийинчиликлар, яъни ишқ изтироблари, тасаввуфий тил билан айтганда, талаввун ва тафрика, тажрид ва тафрид босқичларидаги азоблар қўшиб тасвирланади. "Талвин" (ёки "талаввун") - хилма-хиллик солиқ кайфиятнинг барқарор бўлмаган, ҳали кўнглидан шубҳа батамом кўтарилмаган пайти. Бу босқичдан эсон-омон ўтса, унинг камолига камол қўшилиб, "тажрид"га киради, яъни руҳ ялонғоч бўлади, жисм қафасидан ажрала бошлайди, у Худодан бошқа нарсани истамай қолади, Худо талабидан бошқа талаби бўлмай, дунёни арзимас кўриб, фикру зикри парвардигор ёди билан бўлишдир. Бу босқичда қалб мосуво Аллоҳдан кутулади, илоҳ учун холи бўлади. Тажрид босқичи қурб (яқинлашиш)га олиб боради, солиқ ғариб ҳолатларни бошдан кечиради. Тажриддан қурбга, қурбдан эса тафридга (яққаланиш) ўтилади. Бу — ҳаққа етиш демак. Руҳ шунда барқарор бўлиши ("тамкин"), ҳузур-ҳаловат оламига етишиши мумкин. Мана ошиқ солиқнинг "талаввун" давридаги ҳолати:

*Кетти қарору сабру ҳуш, қолмади танда тоқатим,
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим,
Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балову ғам— кунда эрур аломатим...*

Аммо Машрабнинг лирик қаҳрамони бу мақомлардан ўтиб, фано ва бақо мартабасига эришган, кўнглида баҳри раҳмат тошиб, илоҳий нурга ғарқ бўлган орифи комилдир.

Бу "тамкин" оламини кашф этган ошиқ солиқ руҳи Эзгулик ва Ҳақиқат салтанатини Мутлақ руҳ уммони билан бирга ҳис этади, шу уммоннинг бир қатраси, гавҳари ("дурри дарёи маоний") деб англайди. У ягоналик шавқи, яъни "ваҳдат майидан" сархуш бўлиб ("машраб" илоҳий шаробдан сархуш дегани), улувият макомида ўзини арши аълода кўради:

*Аршининг кунгирасин устига қўйдум аёғим,
Ломакондан жой олибман, бу маконни на қилай ?*

"Ломакон"нинг маъноси макондан хориж, ҳадду ҳудудсиз демак, яъни макон тушунчаси биз яшаб турган дунё билан боғлиқ, илоҳиёт дунёси макон тушунчасига сиғмайди. Аммо Машраб восил бўлган Мутлақ руҳ нафақат макондан, балки замондан ҳам хориж - у азалий ва абадий; унинг олдида мавжуд моддий дунё бир лаҳзалик қўнимгоҳ:

"Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кетдим".

Энди бу Буюк қудратга қўшилган шоирнинг руҳи ҳам шундай улуғлик касб этадики, ердаги тушунча-тасаввурларга сиғмайдиган, ўн саккиз минг олам, етти фалак ҳамда шамсу қамарни қамраб олувчи баҳри мунавварга айланади:

*Он қадар нурга тўлибман, осмонга сигмадим,
Тоқи аришу кўрсию лавҳу жинонга сигмадим,
Дафтари руҳи қудусдурман, забонга сигмадим...*

Дарҳақиқат, тангри таоло инсон ақлу тушунчаси, тасаввурига сиғмайдиган, барча сифатлар, исмлар, таърифу тавсиф ва ўлчовлардан баланд турадиган зот. Машраб ана шу бетакрон буюкликни назарда тутади ва айни вақтда шу Буюк қудратнинг бир қисмига айланган комил инсонни ҳам англайди. Илоҳий муҳаббат файзи туфайли камолот тахтини

эгаллаган инсон ҳам худди илоҳнинг Ўзи каби замон ва макондан хориж бўлиб, у абадийликка баробардир. Шундай мартабали инсон қалбида ҳақиқату тариқат, шариату маърифат ҳам мужассам:

*Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендадур мавжуд,
Чу султони азалдурманки, ариш-аълога сигмамдур.*

Бундай комил инсон олдида барча динлар баробар, масжиду бутхона, каъбаю калисо орасида фарқ йўқ. Чунки барча динларда ҳам ҳаққа интилиш ва ҳақни севиш - асосий ғоя, яъни ҳақ ҳамма динларнинг туб моҳиятини белгилайди, демак, динлар шу асосда ўзаро бирлашади. Шундай экан, ҳақ динлардан, мазҳаблардан баландда туради, аниқроқ қилиб айтсак, дин ва мазҳаблар - ҳақиқатга олиб борадиган турли йўл, одат ва расм-русумлардир. Жумладан, диний маросим, ҳукмлар ҳисобланмиш тоат, рўза, ҳаж ва бошқалар, сиғиниш даргоҳлари - зоҳирий воситалар. Ҳаққа воситалар орқали ҳам, бевосита ҳам интилиш мумкин. Бевосита интилиш — бу кучли муҳаббат шавқи қанотида (Машрабнинг фикрига кўра, инсон чўлоқ куш, ишқ уни тузатиб, қанот бағишлайди), ўзликдан кечиш. Ўзликдан кечиш индивиддаги ноқисликларни бартараф қилиб бориш, жисмни маҳв эта бориб, ботиндаги интуитив туйғуларни, идрокий шуурни ривожлантириш, сўфийлар айтган важд қобилятини шакллантиришдир. Шунда у суқра ҳолатига киради, ўзини ва раббини англайди. **"Кимки ўзини англаса, раббини ҳам танийди"**, деган қуръоний оят яна шунга ҳидоят этадики, кимки ўзини англаса, у оламни англайди, илоҳий сиру асрор, ғайб ҳикматидан бохабар бўлади ва:

Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёйи ҳол, -

дея олади ўзи-ўзига. Энди бундай зот жаннату дўзахни ҳам назарга олмаслиги мумкин, чунки у мақсадига эришган - Ёр висолига етган. Қолганлар Машраб айтганидай, "суратпараст ўлган фашу дасторига мағрур" шайху киборнинг иши. Ҳатто хонақо ҳам Машраб учун муқаддас жой эмас. Ҳолбуки, хонақо сўфийлар йиғиладиган ва шайх-пир раҳбарлигида мурид-солиқлар тарбияланадиган жой. Лекин Машраб "хонақодан қочиш"ни маслаҳат беради, чунки бу ҳам зоҳирий даргоҳ, чин ошиқ бу ерга ҳам сиғмайди...

Оламни ўзига сиғдириб, оламга сиғмаган бу комил руҳ шоир талқинида гўё барча ошиқлар, шайху ориф, наби ва валиларнинг, ҳақ ва ҳақиқат излаган зотларнинг кўнгил ганжинасини жамулжам этган йиғма тимсол, воҳид бир Жавҳар. Унда малаклик сифати ҳам, Жабраилу Мекоил хислати ҳам мавжуд. Бу ишқ жавҳари, ошиқ руҳ ҳали олам яралмасдан бурун бор эди, Одам Атони беором этган, Рухга имону Мусога эътиқод берган, Иброҳим Халилуллоҳни оловга ташлаб яна олов ичидан омон-эсон олиб чиққан куч шу илоҳий қудратдир. Иброҳим куйган олов - ишқ олови эди, дейди Машраб ва яна бир қизик ташбеҳни қўллайди:

"Юнус ул батни самак ўлгонда мен қармоқ эдим".

"Қиссасул анбиё"ларда ривоят қиладиларким, Юнус пайғамбар Тангрининг иродаси билан денгизда тўфон кўтарилганда кемадагиларни халос этиш учун ўзини сувга отади ва наҳанг балиқ уни ютади. Юнус қирқ кун балиқ қорнида яшайди ва қирқинчи куни балиқ уни қирғоққа чиқариб қўяди. "Юнус балиқ қорнида эканда мен қармоқ эдим" деганда, Машраб, Юнусни балиқ ичига солган ҳам, уни омон сақлаган ҳам ва яна балиқ қорнидан олиб чиққан ҳам Ишқдир, яъни илоҳ муҳаббатидир демоқчи. Қармоқ - ишқ ёки Мутлақ руҳ, шоир бу ўринда бу ҳар икки тушунчани бирга олиб, уни яна ўзи ва комил инсон руҳи билан тенглаштирмоқда.

Шундай қилиб, агар Машраб шеърятини синчиклаб мутолаа қилинса, шундай ҳулосага келиш мумкинки, илоҳнинг ўзи - муҳаббат, унинг учкунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам Ишқ туфайлидир. Ишқ Исони кўкка кўтарди, Мусони Тур тоғига чиқариб, дийдорталаб қилди, исломни жорий этиб, Расулуллоҳни меърож туни Парвардигор ҳузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомиқ, Мажнун, Фарход, Боязид, Шиблий, Шамси Табризий, Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож номлари тилга олинади. Булар бари ишқ сипоҳийлари, илоҳий нур парвоналари сифатида таърифланади. Бари Машраб қавмидан, ажойиб муқаддас силсила!

Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истикболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма вақт навқирон, Ҳақиқат ва Ўзгуликнинг ўзидай абадий. Шунинг учун шоир бемалол:

"Намозу рўзадан кечқил, муҳаббатга бота кўргил" –

деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламову аъламларга кулги бўлган ўз қавми - "девоналар" аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаб ўтади. Мутлақиятга восил бу рух соҳиби бошини Мансур каби дорга тутишга рози:

*Ваҳдат майини пири мугон илкидан ичдим,
Мансур каби бошимни дорга тўта қолдим.*

Воқеан, Мансур ҳақида. Мансур Фаридиддин Аттор идеали бўлганидай, Машрабнинг ҳам сиғинган ғойиб пиридир. Мансур Ҳалложни у ишқ қурбони, ҳақгўйлик тимсоли сифатида улуғлаб, алқайди.

Ҳусайн Мансур Ҳаллож /922 йилда қатл этилган/ — тасаввуфнинг йирик намояндаларидан, Боязид Бистомийнинг шогирди ва маслакдоши. Мансур суқра (беҳудлик) концепциясини ривожлантириб, сўфий руҳи наинки тараққий этиб, покланиб, илоҳиёт оламига яқинлашади, ҳол мақомида, жисмдан фоний ўлароқ, балки Мутлақ рух билан қўшилиб, мутлақиятнинг ўзига айланади, яъни Ҳақни топган ҳам ҳақиқат бўлади деган ғояни тарғиб қилади. Мансурнинг фалсафий аҳкоми, мушоҳадаси, орифлик мартабаси жуда юксак. У фақат бандаларни рўзи маҳшарда жазоловчи, ёққани, таот қилганига неъмату мағфират ато этиб, ёқмагани, итоатсизини дўзах азоби билан жазоловчи худони эмас, балки Олий бир ҳақиқатни, моҳиятлар моҳияти бўлган жавҳар зотни назарда тутар, уни оламнинг асоси ва инсон қалбининг эгаси деб ҳисобларди. У тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулукини босиб ўтиш (талаб, тавба каби) билан кифояланмай, ботиний шуур кучига таянган маънавий камолотнинг авжи илҳомида ваҳдати вужуд таълимотини таҳлил этароқ: модомики инсон Мутлақ руҳнинг бир бўлаги экан, ва у тана жисм билан курашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, демак, ориф инсон билан Илоҳ орасида тўсиқ фарқ қолмайди, улар бирлашади, яъни инсон ҳам худо (ҳақ)дир, деган фикрга келиб, буни элга шоён этади. Мансур ишлатган "Аналҳақ" - мен ҳақман деган иборасининг маъноси шу. Бунинг яна бир маъноси шуки, мен ҳақ гапни айтаяпман, ҳақ битта, дунё ҳақиқат эмас, балки мажоз-ёлғондир. Инсон мажоз олаmidан қутулиб, ҳақни топмоқчи бўлса, ҳаққа қўшилиши керак. Ана шу ақидаси учун зохирбин дин мутаассиблари, қози-муллолар унинг қўл-оёқларини кесиб, дорга осиб ўлдиришга ҳукм этганлар. Бир вақтлар яҳудийлар Исони хочга чормих қилиб, тафаккур ва ҳикматни маҳв этишга ўринганлари каби.

Аммо Мансурнинг ўлдирилиши унинг ғоялари кенгроқ ёйилишига сабаб бўлди, унинг тарафдорлари кўпайди. Мансурнинг фожеали тақдири, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабни қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир қайта-қайта ўзини Мансурга қиёс этади, унга ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-оқибатда Мансурникидай яқунланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

*Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур,
Чарх уруб, йиғлаб турурман ушбу дам дор остида.
Ёки:*

Минг шукр худойимга, Мансурга қўшилдим мен.

Жалолиддин Румий демишларким, Мансур руҳи юз йилдан кейин Аттор руҳига нузул этди. Агар бу фикрни давом эттирадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Мансур руҳи Фаридиддин Аттор орқали олти юз йилдан кейин ўзбек шоири Бобораҳим Машраб жисмига сингган эди. Машрабнинг бетоқат кайҳоний руҳи, шеъриятидаги шуурий қамров шунга шоҳид. Зотан, Машраб назарида Мансур битта эмас, у - минг-минг:

*Минг аналҳақ келаду Мансур осилган дордин,
Ҳар ҳамон лаббайка деб келгай нидо жаббордин.*

Яъни Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, Тангрининг ўзи "лаббайка" - мана мен раббинг, деб нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимийнинг

эт-суяклари ҳам аналҳақ деб фарёд чекади. "Бу ишкнинг фарёди". "Мансурни дорда қилган ишқ" чексиз бўлганидай, Мансурлар, Насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб, Мансур ғояларига биру бор имон келтириб, унинг бағрига талпинади. Соғинчимнинг дарди шундай зўрки, деб ёзади Машраб, дарахтларни хома, дарёларни сиёҳ, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди. "Қуръон"дан иқтибос қилинган бу ташбеҳ нақадар чиройли ва ҳашаматли! "Қуръон"да у Аллоҳнинг қудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса ҳам Аллоҳ қудрати ва ҳам Аллоҳ ишқи қудратини таърифлаб қўллаган бу ташбеҳни.

Машраб Мансур аҳкоми, маслагини қабул қилиб, ғояларини қизгин тарғиб этишдан ташқари, Мансурни қатл этганлар билан очик мунозара бошлайди, уларни айблайди. Бундай муносабат Машраб салафларида йўқ. Аттот, Румий, Ҳофиз гарчи Мансур Ҳаллоҷга катта муҳаббат билан ёндашган бўлсалар-да, аммо унинг қотилларини ёмонотлиқ қилиш, маҳаммат этишга журъат этмаганлар. Машраб бунга журъат этади: "Ул русияҳларким, Мансурни ўлдурғон". Шоир наздида Мансурни ошишга фатво берганлар, гарчи ўзларини мусулмон ҳисобласалар-да, динни ҳимоя қилдик деб жар солсалар-да, лекин улар гуноҳи азимга ботдилар, кофир бўлдилар. Иброҳимни оловга ташлаган Намруд, Мусони таъқиб этган Фиръавн, Исони англамай чормих этган яҳудийлар қанчалик гумроҳ, гуноҳкор бўлсалар, Мансур қотиллари ҳам шунчалик гумроҳдирлар. Шу маънода Халил оташи билан Мансур дори ўхшаш воқеалар. Зеро, Мансур тавҳид - яккахудоликни тарғиб этган набилар мазҳабидир, у тавҳид ғоясини ботиний муҳаббат асосида тараққий эттирди. Мансур қотиллари эса набиларга қарши курашадиган кофирлар, яъни тавҳидни англамаган ғофил ва жоҳил қавм билан ҳаммазҳаб. "Бу десам, аналҳақ деб олам бари ҳақ дер", дейди Машраб, Мансур ҳақлигига олам гувоҳ. Мансур ва Машраб эътиқоди бўйича, чин мусулмон, туну кун Тангри ёдида ёнган, уни севган одамлар, аксинча, дунёпараст киши ҳар қанча ибодат қилган билан, аслида кофирдир. Чунки "куфр" сўзининг маъноси беркитиш, ёпишдир. Дунё кишининг кўзига илоҳиёт дийдорини беркитади, илоҳий файздан узоқлаштиради. Мансурни ўлдирганлар шу маънода ҳам гумроҳдирлар. Шунинг учун камолот рутбасида тўрган вали шоир баралла дейди:

Аммо бу эътиқод Мансурга қандай фожиа олиб келган бўлса, Машрабга ҳам шуни насиб этди: унинг ҳақ сўзидан, оташин шеъри ва тигли ҳажвидан таҳликага тушган шарият "ҳимоячилари" ҳукмрон табақа вақиллари билан қўшилган ҳолда шоирни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирдилар. Тарих яна бир марта қонга беланди, яна бир марта маърифат билан зулмат, эркин тафаккур билан таассуб ва нодонлик тўқнаш келиб, қурбонлик берилди - шоирнинг ўзи бутун инсоният фалокати деган ўша Нафси лаин жоҳил уламолар қиёфасида ҳақиқатдан ўч олди. Бироқ Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини ҳали ҳам ҳар хил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат қилдирувчилар бор. Тушуниб-тушунмай, У ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга ўриниш кузатилмоқда. Соия раҳмат бошига тушган шаҳид шоир огоҳлантирган эди:

Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,

Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик била.

Машрабнинг илоҳий пок шеърятти тадқиқи ҳам пок ният, покиза қалб меҳнатини талаб қилади.

12-мавзу: Туркий бадий адабиётда тасаввуф (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Озарбайжон адабиётида тасаввуфий ғояларнинг ифодаланиши.
2. Махтумқули ижодида тасаввуфий анъаналар.

Адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

2. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
- 3.. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
- 4.Х.Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002

1.Озар адабиётида тасаввуфий ғояларнинг ифодаланиши. XIV-XV асрларда Озарбойжон тилидаги адабиётнинг шаклланиш ва тараққиёт даври бўлди. Имониддан Насимий, Аҳмад Бурхониддин сингари шоирлар ўз асарлари билан Озарбойжон адабиётининг шухратни дунёга таратди.

Маълумки, бу даврда Ҳуруфийлик оқими мавжуд бўлиб, бу ўзига хос тасаввуфнинг бир йўналиши эди. Насимий ана шу ҳуруфийлик оқимининг йирик вакили сифатида эрк ва озодлик ҳақида асарлар яратган. Шу асарлари учун у ҳукмдорлар томонидан даҳшатли жазога дучор бўлиб ўлдирилади.

Маълумки, Насимий (1369-1417) Озарбайжоннинг Шамахи шаҳрида ҳунарманд косиб оиласида туғилган. Мактаб ва мадрасаларда ўқиб, шунингдек, риёзат, фалакиёт каби фанларни ҳам, араб, форс тилларини ҳам мукаммал ўзлаштириб олган. У озарбайжон, форс, араб тилларида ижод қилди. Насимий Озарбайжоннинг атоқли мутафаккир шоири Фазлуллоҳ Наимий (1339-1396) билан дўстлашади, унинг ижодидан ўрганади. У шоир ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси эди. Насимий ҳуруфийлик мазҳабини қабул қилади. Ҳуруфий мазҳабидаги кишилар мавжуд сиёсий тузумга қарши борадилар. Шунинг учун Фазлуллоҳ Наимийни Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ ваҳшиёна тарзда қатл этишга фармон беради. У қамокда «Васиятнома» ёзиб яширин равишда Насимийга етказди. Бу васиятномага биноан Насимий устозининг кичик қизига уйланади. Унинг тариқатини давом эттириш учун Боғдодга кетади. У Туркияда ҳам бир неча йил яшайди. Насимий инсон учун энг зарур бўлган эрк ва озодликни улуғлаб шеърлар ёзади. Риёкорликни, зулмни, адолатсизликни эса ўз шеърларида қаттиқ қоралаб, реакцион руҳонийларнинг тазйиқига учрайди. Кейинчалик Халаб шаҳрида Миср султони Муайиднинг топшириғи билан 1417 йилда ваҳшиёна қатл этилади.

Реакцион руҳонийлар ҳур фикрли Насимийга қарши турли йўллар билан ҳужум қилди. Бир ривоятда келтирилишича, Насимий Антоп вилоятининг ҳукмдори билан яқин муносабатда бўлган. Унинг душманлари буни кўролмай, ҳукмдорга турли йўллар билан Насимийни ёмон кўрсатишга ҳаракат қилган. Улар Ёсин суърасидан бир нусха кўчириб шоир ковушининг чарми орасига яшириб қўйишган. Ҳукмдор олдида Насимийдан Қуръон суърасини оёқ ости қилган қандай жазога лойиқ деб сўрашган. У эса бундай кишининг терисини тириклайин шилиш керак деб жавоб беради. Унда сен ўзинг ҳақингда ўзинг фатво бердинг, деб ковуш орасидаги Қуръон суръасини чиқариб кўрсатибди ва унинг терисини тириклайин шилиб олишибди. Реакцион руҳонийлар шоирни динсиз, кофир деб эълон қилди. Лекин шоирнинг халқ орасида обрўи жуда баланд бўлиб, у бутун Шарқ тарихида мардлик, фидойилик тимсоли сифатида эъзозланади.

Ҳуруфийлар араб алифбосидаги 32 та ҳарфни муқаддас ҳисоблаб, уни дунёнинг бутун сирларининг рамзи ва ифодаси деб билади. Уларнинг фикрига кўра, Худо яширин бир ҳазина бўлиб, ўз борлигини ошкор қилмоқ ва ўзини танитмоқ учун инсонларни яратгандир, ўз борлигини инсонда тажассум этган. Улар наздида худо юксак маънавий фазилатга эга бўлган, адолатли инсон ҳуруфийларнинг раҳбари Фазлуллоҳ Наимий қиёфасида ўз ифодасини топган. Юксак ахлоқ, маънавий гўзаллик, адолат ва муқаддаслик рамзи Фазлуллоҳ йўлидан бориш керак. Шунда зулм, адолатсизлик, риёкорлик барбод бўлиши мумкин, деб ўйлашади.

Насимий ўз шеъриятида адолат ва садоқатни, ҳалоллик ва покизаликни олқишлайди. Инсонларни бир-бирига меҳр-мурувватли бўлишга ундайди. Лекин унинг замонида меҳр-мурувват, саховат йўқлигидан нолийди.

Эй қилон даъваки шоҳам, адлу инсофинг қани?

Чун сафо аҳлиндан ўлдинг, машраби софинг қани?

Ҳаётдаги адолатсизликлар, чексиз алам ва изтироблар, айниқса, амалдорларнинг пасткашлиги, порахўрлиги, иккиюзламачилигидан шоир нафратланади. Бир шеърда шоир пасткаш, риёкор, ўта кетган порахўр одамнинг кўпчилик ичида ўзини фаришта қилиб кўрсатиб, адолат ва ҳалоллик тўғрисида ваъз қилганидан ниҳоятда ғазабга тушади.

Фалак аксга давр айлар, магар охир замон ўлди.

Қафасда тутию қумри, чаманларда ғуроб ўйнар.

Ёки:

Бори меҳнатдир жаҳоннинг, на тиларсан, эй кўнгул,

Лаънат ўлсун бу жаҳонга, ҳам жаҳоннинг бориға.

Шоир шеъриятида ишқий мавзу ҳам кенг ишланган. У мавжуд борлиқнинг, шу дунёнинг гўзалларини ҳамма нарсадан баланд қўяди.

Ҳизр агар зулматга борди, истади оби ҳаёт,

Мен дудоғинг чашмасида оби ҳайвон топмишам.

Шоир шеъриятида бу каби гўзал мисралар жуда кўплаб учрайди.

Насимий шу дунёдаги ҳар бир нарсада худонинг маҳсулини, жамолини кўради. Шунинг учун у инсонни ҳақорат қилиш худони ҳақорат қилиш билан баробардир дейди. Чунки инсон руҳи охир-оқибат худога қўшилиб кетади деган ғоя унинг шеъриятида ҳам етакчи ғоя ҳисобланади. Буни шоирнинг куйидаги иккилик шеъри ҳам исботлайди.

Ҳақ таоло одам ўғли ўзидир...

Жумла олам билки оллоҳ ўзидир.

Озарбойжон адабиётининг ўрта асрдаги тараққиётига Шоҳ Исмоилнинг ҳам катта ҳиссаси бор. У Озарбойжон халқи тарихида катта бурилиш ясаган давлат арбоби бўлиб ҳисобланади. У тарқаб кетган Озарбойжон давлатини бирлаштирди. Озарбойжон тилида давлат ишлари олиб бориш учун фармон чиқарди. Ўз давлатининг пойтахти қилиб Табризни тиклади. Бу даврда Табриз Шарқда маданият, илм-фан марказига айланди. Озарбойжон халқининг миллий ўзлигини англаш ана шу шоҳ Исмоил ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Машҳур мусаввир Комолиддин Бехзод ҳам Шоҳ Исмоил раҳнамолигида бир неча йил ижод қилди. Бу шоҳ «Хатон» таҳаллуси билан шеърлар ёзарди. Унинг кўпгина интим мавзудаги лирик шеърлари ва дostonлари бизгача етиб келган. У шеърларида мардлик, жасорат, ватанпарварлик каби мавзуларни куйлади. Унинг «Насиҳатнома» китоби ўша давр Озарбойжон дидактик поэзиясининг энг гўзал намунаси эди. Шоирнинг яна «Даҳнома» номли достони ҳам машҳурдир. Бу китоблар содда, халқ сўзлашув услубига яқин, шу билан бирга тоза ва ширали тилда ижод қилинган эди.

XVI асрнинг биринчи ярмида ижод қилган шоир Муҳаммад Фузулий Озарбайжон поэзиясининг чўққиси деб ҳисобланади. Фузулий ижоди ўзбек китобхони учун ҳам азалдан таниш. Бу шоир асарлари худди ўзбек шоирлари Навоий, Бобур асарларидек ўрганилган. Фузулийхонликлар ўзбеклар ўртасида доимо бўлиб турган. Фузулий жуда ажойиб ғазаллари, ошиқона ҳис-туйғуларга бой “Лайли ва мажнун” достони, ўз даври ижтимоий воқеаларга муносабат билдириб ёзган “Шикоятнома”, “Бангу бода”, “Анисул қалб”, “Матлаъул эътиқод” каби ўнлаб асарлари билан Шарқ адабиётида катта шухрат қозонди.

Шоир 1498 йили Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилган. Унинг отаси Озарбайжондан Ироққа кўчиб борган. Фузулий ёшлигида яхши билим олди. У Боғдод мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Домлаларидан бирининг қизига уйланиб, бир ўғил кўради. Шоирнинг бу ўғли ҳам Фазлий номи билан ижод қилиб, таниқли шоир бўлган. Фузулий ёшлигидан шеърлар ёзган. У табиат кўринишларини инсон руҳи билан уйғунлаштириб тасвирловчи шоир сифатида машҳурдир.

Унинг “Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шами ёнмасму”, “Шифоий васл кадрина хажр ила бемор ўландан сўр”, “Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмасму санга” каби ўнлаб шеърлари ўзбек халқининг қалбидан чуқур жой олиб, кўшиқлар бўлиб айтилиб келмоқда.

Фузулий ижодига Навоий ва Лутфийларнинг катта таъсири бор. Шоир девонида иккита мухаммаснинг биттаси Лутфийнинг ғазалига битилган. Фузулийнинг ишқ ҳақидаги шеърларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат моҳирона сингдириб юборилган.

Муҳаббат лаззатидин беҳабардир зоҳиду ғофил
Фузулий ишқ завқин ишқ завқи вор ўландин сўр.

Фузулийда тасаввуфона шеърлар ҳам анчагинадир. У илоҳий ишқ ҳақида оташнафас шеърлар ёзади, фавқулудда гўзал ташбеҳлар топади.

Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат учун,
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор воиз?

ёки:

Маҳшар куни курам дерам ул сарви қомати,
Гар анда ҳам кўринмаса, кел қур қиёмати.

Шоир ўз жамиятидан нарозилик кайфиятларини айниқса, “Лайли ва Мажнун” достонида кўпроқ намоён қилади. Бу асар ҳақида машҳур танқидчи олим Т.Жалилов шундай ёзади: “Мен “Лайли ва Мажнун”ларни қайта-қайта ўқидим. Шунда Низомий даҳосига қойил қолдим. Х.Дехлавийнинг булбулдек сайрашига офарин дедим; Навоийнинг Мажнунига мотам тутиб йиғладим; Фузулийга келганда ҳайрат майидан маст бўлдим. Инсоф билан айтганда, Фузулий “Лайли ва Мажнун”и барча “Лайли ва Мажнун”ларнинг гултожидир”.

Ўзбек шоирлари Фузулийдан кўп ўрганди. Унга эргашиб шеърлар ёзди. Масалан, Машрабнинг қуйидаги ғазали бунга мисол бўла олади.

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмозму?
Ки банд этдинг оёқларни, яна бандлар ёзилмазмму?

Фузулий ижодидан ҳозирги замон ўзбек шеърятининг вакиллари ҳам ижодий фойдаланмоқда.

2.Махтумқули ижодида тасаввуфий анъаналар. Туркман классик адабиётининг асосчиси Озодийнинг ўғли Махтумқули мамлакатда Эрон шоҳлари ҳукмронлик қилган даврда яшади. У Хивада Шерғозихон мадрасасида таълим олди. Эрон кўшинлари билан бўлган жангларда асир тушиб, бир неча вақт Эронда ҳам бўлган. Махтумқулининг ижоди туркман классик адабиётининг чўққиси ҳисобланади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган шоир, кўп сафарларда бўлди. Катта ҳаёт тажрибаси, ўзбек ва тожик адабиётини яхши ўзлаштиргани сабабли, у халққа манзур бўлган кўплаб ғазаллар, рубоийлар, китъаларни Фироғий таҳаллуси билан яратди. Шоир ижоди жуда машҳур бўлганлигининг сабабларидан бири, унда тасаввуф шеърятининг анъаналари мавжудлигида эди. Чунки шоир шеърларида тасаввуф фалсафаси ғоялари тарғиб қилинди. У халқ дилига яқин бўлган озодлик ва эрк ҳақида шеърлар ёзди. Масалан, “Бахт куши”, “Чақирик” номли шеърлари туркман халқини бирлашишга, уларни Эрон босқинчиларига қарши курашга чорлайди. Шоирнинг кўпгина мисралари ҳикмат даражасига кўтарилди. У меҳнаткаш халқнинг норозилигини ифодалаган “Замонлар”, “Ахтаради”, “Кўпнинг ҳаёти” каби асарлар яратди. Махтумқули шеърятининг шуҳрати ўзбек китобхонлари орасида ҳам кенг тарқалган. Унинг кўпгина шеърлари кўшиқ қилиб айтилади. Танланган асарлари бир неча марта нашр қилинган.

Махтумқули фақат туркман адабиётининг эмас, балки барча туркий халқлар адабиётининг фаҳри ҳисобланади. Унинг шеърлари Туркменистонда қандай эъзозланса, Ўзбекистонда ҳам худди шундай қадрлидир. Шоир шеърларида тасаввуф фалсафаси маънавияти куйланади. Айниқса, нақшбандийлик тариқати ғоялари Махтумқулининг ҳар бир шеърида учрайди. Ўрта Осиё туркий халқларининг руҳига мос оҳанглар, унинг шеърятини жуда машҳур қилиб юборган. Шоирнинг «Кўринг», «Райгон айлади», «Бўлмас», «Наъмасан»,

«Ўтиб борадир» каби шеърларидаги панд-насиҳат ўқувчига жуда таъсирли қилиб берилган. Бу шеърлардаги айтилган фикрлар «Қуръон» ва «Ҳадис»даги ҳикматларнинг акс-садосидай жаранглайди.

Кимлар тожу тахтда фармонлар битиб,
Кимлар саман миниб, йўлларни ўтиб,
Кимлар падарини, элин хор этиб,
Гуноҳ зиндонига ботиб борадир...

Махтумкули, кимса даштларда сарсон,
Кимса айлар бўлди золимдек фармон,
Кимлар бу дунёда чекади армон,
Кимлар хандон бўлиб ўтиб борадир.

Кўриниб турибдики, бу мисраларда давр ва шахс ўртасидаги зиддиятлар орқали ҳукмдорларни, золимларни инсофга чақирмоқда. Шоирнинг ижодида бундай мазмундаги шеърлар анчагина бўлиб, уларда оддий туркман халқининг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, келажак ҳақидаги ширин хотиралари ўз аксини топади. Ватанпарвар шоир ижоди эл-юрт дарди билан Ҳамоҳанг бўлди. Адолатли ҳукмдорлар, инсофли бошлиқлар юртни ҳимоя қилади, элни турли ғаламисларга талатгани қўймайди. Агар бошлиқлар ноинсоф бўлиб, улар фақат ўз манфаатини ўйласалар, иши-дарди пора олиб, халқни хонавайрон қилсалар қиёмат дегани шу бўлади.

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,
Бир пул учун муфти берар ривоят,
Бил, бу ишлар нишонини қиёмат,
Золимлар бетавба ўта бошлади.

Махтумкулидан сал олдинроқ яшаб ўтган машҳур ўзбек шоири Турди Фароғий ўзбеклар юртидаги бош-бошдоқчилик, парокандалик, ўзаро келишмовчиликларни қаттиқ қоралаб:

Тор кўнгуллик беклар ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бари ўзбек юртидур, тенглик қилинг,
деб халқни бирлашишга, иноқ, иттифоқ бўлиб яшашга чақиради.

Бундан сал кейинроқ яшаган Туркман шоири Махтумкули Фироғий эса ўзининг «Туркман биноси» шеърида худди Турди шеърига Ҳамоҳанг шеър ёзиб туркман уруғларини бирлашишга чақиради.

Така, ёвмут, язир, гўкланг, аҳал эли бир бўлиб,
Гар қилса бир жойга юриш, очилар гуллоласи.

Бундан шу нарса маълум бўладики, бу даврда Марказий Осиёда яшаётган туркий миллатларда ўз-ўзини англаш, тушкунлик давридан ўзини ўнглаб олишга интилишга ҳаракат кучая борган.

13-мавзу: Рум ва Ҳиндистон адабиётида тасаввуф (маъруза-2 соат)

3. Жалолиддин Румий – улуғ мутасаввиф шоир.

4. Бедил шеъриятидаги маънолар кўлами.

Адабиётлар:

1. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. 1-6-китоб. Тошкент, 1999-2005
2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: “MOVAROUNNAHR” – “O’ZBEKISTON”, 2009.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
5. Ҳ. Кароматов Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: “Фан”, 1993.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент: “Фан”, 2002

1. Жалолоиддин Румий – улуғ мутасаввиғ шоир. Туркларнинг ҳам дастлабки ёзма адабиёти араб ва форс тилларида яратилган. Чунки XI-XIV асрларда Туркияда салжуклар салтанати даврида араб тили дин ва фан тили, форс тили эса сарой поэзияси тили ролини ўйнар эди. Кейинчалик турк тилида илк бадиий асарлар яратила бошлади. Энг биринчи турк ёзувчиларидан бири сифатида Жалолоиддин Румийни (1207 - 1273) кўрсатиш мумкин.

Ота-боболари асли Хоразмлик туркий қабилалардан бўлган Жалолоиддин Румий Шарк классик адабиётининг улуғ сиймоларидан биридир. Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк зотлар Жалолоиддин Румийга эътиқод қилганлар ва ўзларига устоз деб билганлар. Шоир 1207 йилда Балх шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Баҳоуддин Валад ўз даврининг машҳур сўфиси, ваъзхони бўлган. Қандайдир сабаблар билан у Балхдан Бағдодга кўчиб кетади, кейин эса Туркиянинг бир қанча шаҳарларида яшайди. Шу даврдаги Турк султони Алоуддин Кайкубод Жалолоиддиннинг отасини Кунё шаҳрига таклиф қилади. Салжук султонларининг бош шаҳри Кунёда илм-маърифат аҳллари тўпланган эди. Баҳоуддин Валад шу ерда мадрасаларда дарс берди, ваъзлар ўқиди. У жуда машҳур бўлиб кетди, унинг ўқиган ваъзларига ҳатто Султон Кайкубоднинг ўзи ҳам кўпинча иштирок этарди 1231 йили Баҳоуддин Валад вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Жалолоиддин бош мударрис этиб тайинланди.

Жалолоиддин отасидан ўрганган билимларини ишга солиб, унинг ишларини давом эттирди. Отасининг машҳур шогирди Бурхониддин Термиздан Кунёга келади. Унинг маслаҳати билан Жалолоиддин Румий 1233 йилда ўз билимларини янада такомиллаштириш учун Халабга боради ва ўз замонасининг машҳур олими Муҳиддин Ибн ал-Арабий билан танишади. Бу ерда у тўрт йилча тасаввуф ва фикр илмидан сабоқлар олади. У Кунёга қайтиб келиб, яна бош мударрис вазифасида ишлади. Унинг шуҳрати бутун мусулмон оламига ёйилиб борди. 1244 йил Жалолоиддин Румий ҳаётида катта воқеа юз берди. Кунёга Шамсиддин Табризий деган дарвиш келди. Бу инсон ўз замонасининг машҳур сўфийларидан бўлиб, тасаввуф илми сирларини жуда чуқур тушунган. Жалолоиддин шу киши билан танишиб, у билан умрбод яқин дўст ва маслакдош бўлиб қолди.

У Шамс Табризий билан танишгач, унинг илҳом булоғининг кўзи очилди. У энди дилидаги фикрларини шеърый йўлда изҳор қила бошлади. 54 минг мисрадан иборат «Девони кабир» тўпламини яратди. Жалолоиддин Румий ўз шогирдларига руҳоний тушунчаларни мусиқа ва рақс воситасида эгаллаш йўлини ўргатди. Шоир яшаган даврдан то бугунги кунларгача Туркияда Жалолоиддин Румийнинг «ракси самоъ»си ибодат усулларида бири сифатида давом этиб келмоқда.

Жалолоиддин Румий олти жилдлик «Маснавий» китобини Фаридиддин Атторнинг «Мантқиқут тайр» китобидан илҳомланиб ёзган. Бу китоб 25700 байтдан иборат бўлиб, халқ орасида «Форс тилидаги Қуръон» деб жуда юқори баҳоланади.

Маълумки, Аҳмад Яссавий «Ҳикмат» девонига кирган шеърларининг кўпчилиги «Қуръон» ва «Ҳадис»лардаги илоҳий маъноларни содда ва тушунарли қилиб туркий тилда баён этган бўлса, иккинчи бир турк Жалолоиддин Румийнинг «Маснавий»си ана шу вазифани форсий тилда бажарди. «Маснавий» асари кўплаб ривоятлар асосида ёзилган, ҳар бир ривоятда бирон-бир ибратли воқеа ҳикоя қилинади ва бу ривоятлар ўқувчининг онгига таъсир қиладиган, узоқ вақтлар сақланиб қоладиган хусусиятларга эга. «Подшо ва канизак ҳақидаги ривоят», «Баққол ва унинг тўтиси ҳақидаги ривоят», «Халифа ва Лайли ҳақида ҳикоят», «Уч йўловчи ҳақида ҳикоя», «Эшак ва дарвишлар ҳақида ривоят» лар юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Булардан ташқари, Мавлоно Жалолоиддин яна кўплаб рубоийлар ёзган. Унинг рубоийлари ҳам ниҳоятда юқори маҳорат ва катта илҳом мевасининг маҳсули эканлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг «Фих-мофих», «Макотиб», «Маъжолиси саъба» сингари асарлари ҳам бор. Ж.Румийнинг қабри Кунё шаҳрида бўлиб, бу ер бутун мусулмонларнинг зиёратгоҳидир.

Жалолоиддин Румий ижодида тасаввуф руҳида ёзилган маснавийлар катта қисмни ташкил этади. Булар форс тилида ёзилган бўлса-да, турк тасаввуф адабиётининг

шаклланишига асос бўлди. Шоирнинг турк тилида ёзилган турли мавзудаги шеърлари ҳам анчагинадир. Жалолиддин Румий бошлаб берган анъаналарни унинг ўғли Султон Валид давом эттирди. 1301 йилда унинг турк тилида ёзган биринчи шеърлар тўплами чоп этилди. Кейинчалик Юнус Эмро ва Ошиқ Пошоларнинг тасаввуф руҳида ёзилган шеърлари пайдо бўлди. Айниқса, Ошиқ Пошонинг «Дарвешнома» асари турк адабиётининг ривожланишига катта таъсир қилди.

2. Бедил шеъриятида маънолар кўлами. Улуғ сиймоларга бой бўлган Шарк адабиёти тарихида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644-1721) алоҳида мавқеи бор. Инсон ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фалсафий-ирфоний ғояларни оташин ва сермаъно сатрларда тасвирлаган бу шоир "Абулмаоний", яъни маънолар отаси деган лақабга мушарраф бўлади. У асрлар давомида форс-тожик адабиётида куйлаб келинган тасаввуф маъноларини ривожлантириб, уни ҳаёт муаммолари, теран башарий ғоялар билан омукта этди, янги адабий-тасвирий услуб яратди ва бу билан Ҳиндистон, Афғонистон ва Марказий Осиё халқлари адабиётига кучли таъсир ўтказиб келди.

"Абулмаоний" Мирзо Абдулқодир Бедил ҳижрий 1065 (мелодий 1644) йилда Ҳиндистондаги Патна вилоятининг Азимобод шаҳарида туғилади. Отаси Абдулҳолиқ шох Аврангзеб кўшинида сипоҳийлик қилар ва тасаввуф ва футувватга қаттиқ кўнгил қўйган одам бўлиб, қодирия тариқати шайхларидан Шайх Камолнинг муриди ҳисобланарди. Аммо Бедилнинг тоғаси Мирзо Зариф ва амакиси Мирзо Қаландар ҳам Шайх Камолнинг муридлари эдилар. Бедил беш яшарлигида отадан жудо бўлади, бир йилдан кейин эса онаси ҳам вафот этиб, амакиси Мирзо Қаландар қўлида қолади. Мирзо Қаландар ёш Абдулқодирни жуда севар ва унинг камолоти учун тинимсиз ғамхўрлик қиларди. Абдулқодир беш-олти яшарлик даврида ёзиш ва ўқишни ўрганиб, бир йилда Қуръонни туширади. Кейин араб тилининг сарфу наҳвини ҳам ўзлаштириб, шеъриятга кўнгил боғлади, форсий адабиёт уммони уни ўзига мафтун эта бошлади. Айтишларича, Мирзо Бедилнинг биринчи рубойиси ўн яшарлигида яратилган ва адаб аҳлини ўзига жалб этган. Мирзо Қаландар бола-нинг истеъдодини кўриб уни мадрасадан олиб кетади, чунки мадрасадаги таълимнинг шавқсизлиги, куруқ баҳсу мунозаралардан ташқари чиқмасдан талабаларнинг вақти беҳуда ўтаётгани Мирзо Қаландарга ёқмайди. Мирзо Қаландар ўзи ҳам шеър ёзиб турган ва қалби нозик мард ва саховатли инсон бўлган экан. У жияни Абдулқодирни икки хил илмни эгаллашга йўналтирди ва ўзи устозлик қила бошлади. Бу илмларнинг бири адабиёт бўлса, иккинчиси тасаввуф эди. Бедил тасаввуфга оид рисоаларни мустақил ўқиб, мазмунини қайд этар, кейин уларни амакисига сўзлаб бериб, тушунмаган жойларини аниқлаб оларди. Шу каби Румий, Аттор, Жомий асарларини ҳам берилиб мутолаа қиларди. Бундан ташқари, Мирзо Қаландар, Мирзо Зариф, Шох Қосим Хуваллоҳий, Шох Мулк мажзуб кабиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ирфоний илмнинг ҳақиқий моҳиятини идрок этишга эришади. Шоирнинг ўзи "Чор унсур" асарида қайд этишича, ушбу суҳбатлар унга ҳақиқий мадраса ўрнини босган. Бедил ўн олти яшарлигидан бошлаб, кўп сафар қилади, баъзан отуловда, баъзан пиёда ва ҳатто ялангоёқ мажзуб қаландарлар равишини қабул қилиб, Ҳиндистоннинг шаҳар-қишлоқларини кезиб чиқади. У бу сафарларида одамлар ҳаётини яқиндан ўрганади, машҳур сўфийлар, факих ва муҳаддислар, атоқли тафсиршунос олимлар билан учрашиб, илмини чуқурлаштиради, фал-сафий мушоҳадлари сатҳи ва саҳнини кенгайтиради. Айниқса, мажзуб дарвеш Шох Кобулий билан учрашув Бедилда унутилмас таассурот қолдиради. Бу мулоқот шоирнинг йигирма икки яшарлигида Дехлида юз беради. Шох Кобулий Бедилни Дехлининг узок бир чеккасига олиб чиқиб, куйидаги байтни ўқийди:

Аз мо бо маст ҳар чи гўем,

Мо ҳамчу туюм дигар чи гўем?

(Не нарсақим десак биздан бизгадир, сенга ўхшашмиз, яна нима дейлик?)

Шундан кейин қаҳқаҳа уриб кулади. Чунки бу байтни Бедил анча олдин Авриса шаҳарида эканлигида айтган эди. Иккаласи Дехли чеккасидаги вайронада бутун тунни бедор ўтказиб, суҳбат қиладилар. Бедил бир зум уйкуга кетиб, кўзини очса, Шох Кобулий йўқ эди. У бўзлаб йўлга тушади, аммо ёрини тополмайди, яна сафарга чиқиб, икки йил Шох

Кобулийни излайди, унинг ёдида юздан ортиқ туғёнли ғазаллар ва "Тилсими хайрат" ("Хайрат тилсими") номли дostonни яратди. Шох Кобулий Бедил назарида Хўжа Хизр, балки ундан ортиқ комил бир валий инсон эди. Унинг дийдорида ҳақ жилосини кўрган, суҳбатини қалб малҳами ҳисоблаган Бедил бутун сўфиёна фикру қарашларини шу инсон ёдидаги нафис ва нозик ҳисларга ўраб тараннум этади.

(Бу воқеа Жалолиддин Румий билан Шамс Табризий, Нажмиддин Кубро билан Бобо Фараж, Фаридиддин Аттор билан мажзуб дарвеш учрашувларини эсга солади).

Бедил уйланиб, ота касби сипоҳийликни қабул қилади. Бироқ тўрт йил хизматдан кейин сипоҳийликни ташлаб, яна сайёҳ қаландарликни давом эттириб, охири қирқ ёшлардан ошганда Деҳлида турғун бўлиб қолади, Шукруллоҳ деган амалдор дўсти сотиб олиб берган ҳовлига оиласини кўчириб келади. Деҳлида шоир осойишта ижодий ҳаётни бошлаб, кўплаб асарлар ёзди, дўстлар орттирди. Уни неча марта саройга таклиф қилган бўлсалар-да, аммо розилик бермади. Деҳлидаги илму адаб аҳли, юрагида илоҳий ишқ ва ҳақиқат учкунлари шуълаланган кишилар Мирзо Бедил атрофига жамъ бўлиб, ирфон ва назокат мажлисларини безатар эдилар. Мирзо Бедил 1721 йилда 78 ёшида оламдан кўз юмди. Уни ўзи ўн йил олдин қаздириб қўйган қабрга дафн этидилар ва мақбараси одамларнинг зиёратгоҳига айланади.

Мирзо Бедилдан катта адабий мерос қолган. У мумтоз шеърятнинг қарийб ҳамма жанрларида ижод қилган дарё мисол бир ижодкор эди. Кўп сонли ғазал, рубоий, қитъа, маснавийлардан ташқари, **"Ирфон"**, **"Тури маърифат"**, **"Муҳити аъҳам"**, **"Тилсими хайрат"** номли дostonлар, **"Чор унсур"** номли насрий эсдаликлар асарини ёзгандир. Адибнинг мактублари, **"Нукот"**, **"Ишорат ва ҳикоят"** номли асарлари ҳам бор. Бедил ижоди - бу файласуф сўфий шоирнинг тафаккури ва кечинмалари, ҳаётга, илоҳга, инсонга муносабати, анъанавий ҳикматларни янги замон талаблари билан мувофиқлаштириб, халқнинг дарду ҳасрати, турмуш чигалликлари ва олий ҳақиқатларни ифодалаган ўзига хос бир мураккаб ва жозибали бадиий оламдир. Турган гап, шоир барча нарсага илоҳий-сўфиёна назар билан қарайди, инсон улуғворлиги ва ожизлигини, қазову қадар қўлида жонсарақ ўйинчоқ бўлган ва ўз-ўзини зулму ситам тиғи-ла абгор этувчи кишиларнинг аччиқ қисматини ҳам, илоҳ ошиғи бўлмиш қаландар солиқнинг мажзубона жунуни, хайрат ва ҳаловатини ҳам қаламга олади. Аммо Мирзо Бедил ("Бедил" дегани "дилини йўқотган" деган маънодадир, яъни кўнгли маъшуқа - илоҳ қўлида) шунинг учун ҳам маънолар отасики, унинг асарларида инсон руҳияти, қалби, турмуши ҳақида, оддий ҳаётнинг масалалар ҳақида чуқур фикрлар мавжуд. У инсонни ҳар тарафдан ўрганишга, унга унинг ўзини ўзига кўзгу қилиб кўрсатишга интилади. Умуман, Бедил ижоди - бу инсонномадир. Шоир комил инсоннинг хислатларини ердаги одамлардан излайди, инсонни ўзини танишга, буюклигини англашга даъват этади. Унинг тасвирига кўра, "инсонда икки дунёнинг асрори мужассам, балки у икки дунёдан улуғроқдир". Бедил ваҳдати вужуд фалсафасига эътиқод қўйгани кўриниб турибди, яъни оламнинг Ягона руҳ тажаллийси орқали бошқарилиши, ҳар бир заррада шу Ягона Мутлақ жавҳарнинг зуҳури борлиги таъкидланади. **"Муҳити аъҳам"** (Буюк укёнус) номли асарида оламнинг яратилишини майнинг кўпириши билан қиёслади - май бу ўринда илоҳий тажаллий - нури Мутлақ бўлиб, оламнинг ҳаракати, жамоли шундан, дейди у. Одамларнинг тиниб-тинчимас ҳаёти, орзу-армонлари, фикр-ижодлари ҳам шу майдандир. Бу май гўё бир олов, у кишини ҳамиша маст этиб, ўз асли - раббига тортаверади. Бутун олам - Ягона руҳнинг ижоди. Ўша туфайли мавжуд ва Ўшанга қайтади. Инсон руҳи ҳам оловдир, у жисмни ёндириб кул қилмагунча тинчимади:

Зи по нанишаст оташ то нашуд хокистор ажзояи,

Ба саъйи нести ҳам ғайрати кор инчунин бояд.

(Ёт вужуди кул бўлмагунча тинчимади, йўқлик сари интилиш сураъти шунақа).

Аммо Бедилнинг бошқа сўфий шоирлардан фарқи шундаки, у илоҳдан инсонга қараб эмас, балки инсондан илоҳга қараб боради. Бошқача айтганда, шоир фано ва бақо ғояларини қуруқ тасвирловчи эмас, илоҳий муҳаббат ҳам мавҳум ва предметсиз нарса эмас. Бедилда тасаввуф ғоялари инсон кечинмалари орқали боради. Инсон - тилсимотлар ва сеҳру санъат кони, айна вақтда, изтироб ва покляниш, тинимсиз камолот ҳам инсонга хос.

У ёзади:

*Чист одам?— тажаллийи идрок
Яъни он фаҳми маънии "лавлок".
Аҳадият— бинойи маҳками у,
Алиф афтод иллати дами у.
Доли у мағзи аввалу анжом,
Ки дор у ҳадди ваҳдатаст тамом.
Мими он хотами хилқати олам
Ин бувад нукта— маънии одам.
Кулзуми коиноту ҳар чи дар ўст,
Жўши бетоби ҳақиқат ҳам ўст.
Зоҳиру ботинаш ҳудусу қидам,
Сурату маънияш вуҷуди одам.*

(Одам нимадир? — идрок тажаллийси. Яъни у — "лавлок" маънисининг тушунилиши. Унинг мустаҳкам биноси - аҳадиятдир, "алиф"- бирлик унинг руҳига сабаб. Бу сўзнинг "доли" (араб ёзувида одам сўзи "алиф", "дол" ва "мим"дан иборат) аввал ва охирнинг мағзи-моҳияти, унда ваҳдат чегараси батамом акс этган. "Мим" ҳарфи олам - дарднинг қайдидир. Одамнинг маъноси шу. Одам - коинот денгизи ва денгиздаги бор нарсалар унда мавжуд. Ҳақиқатнинг бетоқат қайнаши ҳам удир. Одамнинг зоҳири ва ботинида илоҳ ва дунё, азалийлик ва фонийлик - ҳодисалар акс этган, унинг сурати ва маъносида борлиқ ва йўқлик мужассам.)

Шоир инсонда бутун оламлар хусусияти ва моҳиятини кўради. Бугина эмас, олам инсон туфайли яратилган: "лавлок" сўзи "Лавлака лимо халакту лафлок" деган ҳадиси шарифнинг бош сўзи бўлиб, ушбу ҳадиснинг маъноси "Агар сен бўлмасанг, осмон-фалакларни яратмаган бўлар эдим"дир. Бу - парвардигорнинг ўз ҳабиби Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васалламга юборган ваҳийларидан бўлиб, Бедил оламнинг Муҳаммад нури туфайли яратилгани ва ҳазрати Мустафо комилларнинг комили - комил инсон тимсоли эканига ҳам ишора этади. Яъни одам шунчалик шарафлики, Худойи таоло барча мавжудотни унинг учун яратиб, малакларни сажда қилдирди, барча ҳикмат ва илмларни қалбига жо этди.

Инсон ана шу улуғворлигини англаши - ўз-ўзини таниши керак. Бунинг йўли тариқатга кириш, мақомот зиналаридан кўтарилиш, дунё ҳирсу ҳавасидан кўнгил ўзишдир. Жисмнинг озукиси овқат бўлса, руҳнинг озукиси илм ва ирфондир, дейди Бедил. Одамлар ҳақни излайдилар, аммо ҳақ ўзларида эканидан беҳабар:

*Ту ҳақ межсуйию аз ҳеи гофил,
Зиҳи бетухмию уммед ҳосил,
Мабош аз жустужуйи ҳеи навмид
Ҳамин нур аст раҳбар ниго ба хуришд.*

(Сен ҳақни излайсан, аммо ўзингдан беҳабарсан. Уруғни кўрмай, ҳосилдан умидворсан. Ўз-ўзингни излашда умидсиз бўлма, қуёшгача шу нур сенга раҳбардир).

Ёки мана бу мисрага диққат қилинг:

Ёр дар оғўшу номашро намедонем, ки чист ?!

(Ёр қучоғимизда, аммо номи нима эканини билмаймиз). Бедил Ёр деганда Ҳақ таолони назарда тўтади.

Куёш - нур манбаи, аммо унга олиб борадиган нур ҳам инсоннинг ботини нуридир. Инсон учун қайғурган шоир кўнгил сўзини зикр этишни севади. Чунки инсон - бу кўнгил. Аллоҳ таоло нури кўнгилда акс этади.

*Ҳар сў гузари, дилест афтода ба хоқ
Оҳиста хиром, обила зери қадам аст.*

(Қайси томонга юрсанг, тупрокқа тушган бир кўнгилни кўрасан, оҳиста юргин, қадамларнинг кафи ярадир). Демак, кўнгил ўлмайди, чунки кўнгил - рух, кўнгил - хотира, абадийлик Аммо кўнгил - бу илоҳ ошиғининг кўнгли, афтодалиқ шунинг учун, у то киёмат маъшуқасининг дийдорига талабгор. Яна бир ғазалнинг матлаби:

*Муддао дил буд агор найранги имкон рехтанд,
Баҳри ин як қатра хун сад рангу тўфон рехтанд.*

(Имкон олами - моддий оламини хилма-хил сурат ва ҳаракатда яратган эканлар, мақсад кўнгил эди. Шу бир қатра қон учун минг рангу тўфон яратдилар).

Ҳислар тўфони, фикрлар тўфони, орзулар тўфони, муҳаббат тўфони ҳам кўнгилда, шу бир қатра қонда. Илоҳ ато этган жами ажзу шуқуҳни шу Кўнгил кўтаради, асрайди.

Шундай қилиб, инсонда ҳам илоҳий ва ҳам дунёвий ҳақиқат акс этган. Демак, инсонни таниш орқали Аллоҳни таниш мумкин:

*Аз нақши мо ҳақиқати офоқ хонданист,
Чун мавҷи корнома дарё навиштаем.*

(Бизнинг суратимиздан офоқ-осмон ҳақиқатини ўқиса бўлади, биз илоҳий ижод дарёсининг мавжи — хатимиз).

Инсон — илоҳий хилқат. У шунга яраша умр ўтказиши лозим, яъни эзгулик ишлар билан шуғулланиб, дунёнинг қайдларидан озод бўлиб, ҳар хил расм-русумлар, беҳуда зоҳирий илмларга банд бўлмаслиги керак Шунда у эътиқодлар, мазҳаб ва динларнинг моҳияти ҳам бир эканлигини англайди. Дарҳақиқат, одамлар турли динларга сиғинадилар, лекин ҳақ ва ҳақиқат бирдир, дейди Бедил. Шу боис тортишувлар, бир динни иккинчисидан устин қўйиш беҳуда. **"Муҳити аъҳам"** достонида келтирилади:

*Яке куфрро ғайри ислом дид, Яке ҳар дуру нақши авҳом дид. Яке дид мағзу яке хонд
пўст, Яке гуфт олам, яке гуфт "Ўст".*

(Бири куфрни исломга зид деб билди, бошқаси иккаласини ҳам ҳаёл меваси ҳисоблади. Бири мағзини кўрди, иккинчиси уни пўчоқ деди, бири олам деди, иккинчиси уни "У", яъни Худо деб айтди).

Ҳиндистонни кезиб, браҳманлар билан субҳатлар кўрган, комил мусулмон бўлиш баробарида, бошқа динларни ҳам ҳурмат қилган Бедил умуминсоний ғояларни, башарий ягоналикни афзал кўрар, бу ғояни тасаввуф таълимоти асосида қизгин қўллаб-қувватларди.

Кўрамизки, Мирзо Бедил бу борада буюк салафи Жалолиддин Румий маслагини тўла қувватлаган ва мазҳабпарастлик ақидапарастликни ноқис ва номукамал кишиларнинг иши деб ҳисоблаган.

Бедил зулм ва истибдоднинг ашаддий душмани эди. Унинг асарларида зулмга қарши фикрлар жуда кўп, у золим амирлар, хасис бойлар, нодон ва ришвахўр руҳонийларни чинданда нафрат билан танқид қилади. Аммо худди Аҳмад Яссавийда бўлганидай, золимнинг жазосини худо беради, зулм жазоланмай қолмайди, деган ақидани баён этади. Яъни заифлар оҳи кучлиларни енгади, чунки заифлик — рух, зулм — жисм. Рух албатта жисмни енгиши керак:

*Мо софдилон саршикани табъи дуруштем,
Бар санг тараҳҳум набувад шишагаронро.*

(Биз соф диллар дағал табълилар — золимларнинг бошини ёрувчилармиз, шиша ясовчиларнинг тошга раҳмлари келмайди). Шиша — софлик рамзи ва нозиклик ҳам, тош — дағаллик Аммо шиша тошни енгади, дейди шоир.

Мирзо Бедил маънолар қони. Унинг ахлоқий-ижтимоий қарашлари, сўфиёна ҳаёллари беҳудуд. Бу денгизга шўнғиган одам албатта гавҳар доналарини олиб чиқади.

Бедилнинг фавкулотда иборасизлиги, теран маънолар, тахайюлга бой шеърляти XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиё шоирларининг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бедил халқимизнинг тафаккурини банд этиб келди. Унинг асарлари мактаб ва мадрасаларимизда кенг ўқитилган, бедилхонлик ва бедилдонлик катта бир анъанага айланган эди. Зотан, Мирзо Бедилнинг аждодлари асли Ўрта Осиёдан бўлиб, Ҳиндистонга кўчиб борганлар ва бобурийлар хизматида тўрганлар. Шу боис шоирнинг руҳи ва сўзи бизда катта қадр топди. Амирий, Нодира, Ҳазиний, Фазлий, Шоҳин, Ҳайрат, Акмал, Ҳозик, Шавқий Каттақўрғоний, Мирий ва бошқа Кўкон, Бухоро, Самарқанднинг тожик ва ўзбек тилида ижод қилган шоирлари Бедилга эргашиб, латиф ғазаллар ёзганлар, муҳаммаслар боғлаганлар. XX асрнинг олтинчи йилларидан бошлаб, Бедил асарларидан намуналарни Ғ. Ғулом, Ш. Шомухамедов, А. Матназаров таржима қилганлар. Академик И. Мўминов Бедил дунёқарашини ўрганиб, катта монография нашр эттирди.

Хуллас, улуғ файласуф шоирнинг ижоди қалб кўзини очиш, дунё ғафлати босган дийдаларни бедор этишга кўмаклашадиган маърифат чироғидирким, у ҳеч қачон сўниш билмайди.

Шу боис бу улуғ сўфий шоирнинг ирфоний маъноларини тадқиқ этиб, ўқувчиларга етказиш олдинда турган муҳим вазифамиздир.

14-мавзу: Мумтоз адабиётда бадий сўз табиати. (маъруза – 2 соат)

Режа:

1. Мумтоз адабиётда СЎЗнинг маъновий қатламлари. Руҳоний ва бадий сўз имконлари.

2. Сўзнинг санъатга айланиш жараёни. Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва низомий Арузи Самарқандийнинг шеър сифати ва шоирлик шахси ҳақидаги қарашлари.

3. Сўз Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий талқинида.

4. Абдурауф Фитратнинг шоирлик борасидаги мулоҳазалари.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент, 2006, 2008.

2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 7-том. Тошкент: «Фан», 1991.

3. Воҳидов Р. Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. Тошкент: “Маънавият”, 1999

1. Мумтоз адабиётда СЎЗнинг маъновий қатламлари. Руҳоний ва бадий сўз имкониятлари. Инсон кўзи билан кўрилган, ақлий ва ҳиссий идроки билан анланган борлиқ дунёнинг буюк соҳиби Аллоҳнинг яратувчанлик қудрати маҳсулидир ва шунинг учун ҳам Тангри таоло ҳукмидадир. Инсон жамики жамод (жонсиз нарсалар) ва маҳлуқотлардан устун қилиб яратилган экан, унинг «шарифлиғи» тили, қалби ва ақли биландир. Мўъжиза ва ҳикматларнинг манбаи бўлган Қуръони каримда Яратгanning ўзи шундай марҳамат қилади: *«Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Ҳақ сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир!»* (39:18). Бу ўринда СЎЗ – Каломуллоҳ маъносида кечса ҳам, унинг энг гўзали – Ҳақ сўзга эргашадиган зотларнинг Аллоҳ ҳидоят қилган кишилар сифатида улуғланиши, ушбу СЎЗ билан мукаррам бўлган инсон сифатининг яна бир бор ортиши СЎЗ билан эканидадир. Эҳтимол, шу илоҳий сўз қудратидан *«Иқро бисми роббика!»* - *«Аллоҳнинг номи билан бошлаб, ўқинг!»* (Қуръони карим. Ўзбекча изҳли таржима. – Т.: 1992.-Б.513) унга буюк истеъдод ато қилинганидир. Ҳазрат пайғамбарга юборилган СЎЗ (Қуръони карим) нозил бўлиши учун яна бир Аллоҳнинг номини улуғловчи калима (бисми роббика!) керак бўлди ва ўшандагина унга юборилган сўзни таниш, ўқиш истеъдоди инсонга насиб қилди (икро!).

Сўз хусусида сўз кетганда, Жалолиддин Румийнинг «Сўз Ҳақнинг сояси... инсонни соя ўзига тортар экан, унда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Ҳар анрсанинг асли – сўз... ўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан тугилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «бўл!»-дейиши билан бўлди... Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир» (Жалолиддин Румий. Фихи ма фихи./ Ислом тасаввуфи манбалари – Е.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 186-191) каби куръоний каломлар Сўзнинг нафақат муқаддас китоб ёки инсон шарифлигининг боиси, балки амалий ҳаёт меваси экани маълум бўлади. Жалолиддин Румийнинг ўз устозлар ҳақида сўз кетганда, «*Аттор руҳ буд... мо бад аз Аттор омадим*» («Аттор руҳ эди... биз Аттордан кейин келдик») сўзларини эслаб, буюк мутасаввифнинг руҳи бўлган Фаридиддин Атторга сўз берамиз: «*Икки оламнинг асоси сўздир, чунки сўз Ҳақдин мужда бўлиб келди. Ахир ариш аълода битилган «Лавҳ-л-маҳзуф» ҳам сўздир. Ҳамма нарса Сўзда ижод этилган ва Сўзга қайтди...*» (Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома: Ёзувчи, 1994. –Б.11) Ушбу иқрорнома Сўз ҳақидаги қарашларимизни бир оз бўлсин-датеранлаштириб, азал ва охират китоби «Лаиҳ-ал-маҳзуф» ҳам сўз билан ижод этилганини эслатади. Нафақат исломий манбаларда, балки жумла жаҳон китобларида нозил бўлган муқаддас битикларда сўзнинг мартабаси улуғ экани яқдил ифодаланган. Янги Аҳд китоби (Инжил)даги Юҳаннонинг биринчи мактубида шундай ёзув бор: «*Коинотнинг Тангриси Ўз неъматларида ягона эмас эди. унинг ёнида ниятларини тушунадиган, бутун яралмиш махлуқларга бахт ато этишида Унинг қувончидан баҳраманд бўлган Зот бор эди*» (Юҳ. 1, 1.2) «*У Ўз қудратли каломи ила коинотни асрайди*» (Ибр. 1,3) (Уайт Е. Улуғ оталар ва пайғамбарлар. Printed in Russia. –Б. 9) Демак, сўзни дунёнинг ибтидою интиҳоси деб билиш фақатгина мусулмон оламига хос бир руҳоний ҳолат эмас, балки барча яралмишлар томонидан фитрат этилган (яратилган) неъматларда улуғ калом сифатида акс этган. Мумтоз адабиётшуносликда сўз ҳақидаги қарашлар қадимги мажусийларнинг «Авесто» китобида, Ўрхун-Энасой обидалари таркибида ҳам бор. Лекин бевосита адабиёт оламига дохил фикрлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарининг муқаддимасидан бошланганини, сўнгра эса «Қўтадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарлари таркибида ҳам бадиий сўз ҳақидаги қарашлар акс этганини мумтоз адабиётнинг бу ўлмас дурдоналари орқали сезгир кузатамиз.

2.Сўзнинг санъатга айланиш жараёни. Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва Низомий Арузий Самарқандийнинг шеър сифати ва шоирлик шахси ҳақидаги қарашлари. Турк тилидаги илк бадиий дoston «Қўтадғу билиг»да сўзни санъат сифатида улуғловчи шундай жумлалар бор:

*Сўз ерга яшил кўкдан тушиди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.
Ўлганлардан тирикларга мерос сўздир,
Мерос сўзки, нафи юздир.
Сўзи яхши бўлса, кишининг юзи сувлидир (оқ бўлади)
(Юсуф Хос Ҳожиб Қўтадғу билиг. Т.: Фан, 1971. –Б.101.)*

Сўзнинг Аллоҳ томонидан нозил қилингани ва яшил кўкдан ерга тушиб, инсоннинг юзи бўлгани, инсон шарифлигининг боиси сўз экани, у тилга эътибор бериб, ўз нутқини гўзал сўзлар билан зийнатлаши лозимлиги Юсуф Хос Ҳожиб томонидан тил одоби ва нутқ гўзаллиги зикрида баён қилинади. Ҳазрат Алишер навой қалб кўзи очик шоир сифатида тавсиф берган Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «сўз дурларини терган», «*таҳсинга лойиқ сўзларни қадрлаган*» ижодкорлар ҳақида фикр юритилади.

Араб тилида сўз санъатига бағишланган асарлар қадимдан, ҳатто жоҳилия даври олимлари ишларида қайд этилган бўлса-да, бевосита уни Сўз санъати , яъни бадиийлик маъносида қўллаш Форобийнинг машҳур «Китоб уш-шеър» асарида кузатилади. Абу Наср Форобий бадиий сўз табиати ҳақида

"Калам уш-шеър вал қавофи" ("Шеър ва қофиялари ҳақида сўз"), "Китоб ул-хитоба" ("Риторика ҳақида китоб"), "Китоб ул-луғат", "Китобун фи синоъатил-китоб" ("Хаттотлик ҳақида китоб") асарларида ўз мулоҳазаларини билдирган. Юқорида тилга олинган "Китоб уш-шеър" асарида Арасту ҳақимнинг "Фи синоъатиш-шеър" ("Поэтика") асарида айтилган фикр-мулоҳазаларни шарҳлаб, юнон шеъриятига тааллуқли бўлган назарий муаммолар баён қилинади: "Бу санъатда шоирликнинг танланиши одамда жуда ҳам улкан бойлик саналади. Бу худди ҳозирги замондаги баъзи шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Агар бир сўзни шеърда бошқа сўзга қофиядай қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни ярата олса, у ҳолда одамда хузурбахш ҳолат пайдо бўлади. Бу санъат аҳли билан рассом санъатида қандайдир муносабат бор. Ўша иккала яратилган нарсада - уларнинг шаклларида ва мазмунларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик ҳамда фарқ бор. Аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир мақсадга, тақлид қилишга йўналтирилган бўлади" — деб изоҳлайди аллома Арасту ҳақимнинг мимесис назариясини. (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - Б. 119.*) Бу ўринда муаллими соний сўз санъати талқинида ўзига устози аввал санаган Арасту ҳақим сўзларини изоҳ қилиш билан чекланмайди, балки уни имкон қадар санъатнинг бошқа турлари, хусусан, рассомлик санъати билан уйғун ва фарқли жиҳатларини таъкидлаш орқали сўз санъатининг хос хусусиятларини ўз асарида кўрсатиб улгуради.

Унсур ул-Маъолий Кайковус машхур "Қобуснома" номли насихатномасининг алоҳида бир бобини шеър ва шоирлик таърифига бағишлаган: "Шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеър халқ учун ёзилади, ўзи учун эмас. Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагил, тартибсиз шеър айтмагил. Ғазални гўзал ва равшан ёзгил, мадҳда бақувват ва баландҳиммат бўлгил, ҳар бир одамга лойиқ сўз айтгил ва ҳар бир кишининг қадрига қараб шеър битгил". (*Кайковус. Қобуснома. — Т.: 1982. — Б. 98.*) Бу донишманд бир маликнинг ўз фуқароларига ёки аллома отанинг фарзандларига берган ўғитигина эмас, балки сўз санъатининг жозиб талаб ва эҳтиёжларидан бохабар бўлган мутахассис олимнинг эътирофи сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин.

Низомий Арузий Самарқандий "Чаҳор маҳола" (ўзбек тилига "Нодир ҳикоятлар" номи билан таржима қилинган) асарининг "Шеър илмининг моҳияти ҳақида"ги бобида: *"Шоирлик шундай санъатки, бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчалар ҳосил қилинади ва таъсирчан ўхшатишларни бир-бирига боглайди. У шундай йўлда кичик маънони каттага, каттани кичikka айлантиради. Чиройли(к)ни хунук либосда кўрсатади, хунукни чиройли сурадда жилвагар қилади*»- деб ёзади. (*Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. — Т.: 1986. — Б. 47.*) Табиийки, бу ерда фикр сўзнинг бадийлик табиатига кўчади, шоирлик касб эмас, балки уста санъаткорлик эканини, хунукни жозиб бир тарзда жилвагар қилиш, кези келганда, гўзални хунук либосда тасвирлай билиш маҳорати унда ҳунар каби мавжуд бўлиши лозимлигини уктиради.

3. СЎЗ Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий талқинида. Сайфи Саройининг "Гулистони бит-туркий" асари таркибида "Шоирлар талқинида" деган махсус боб берилган бўлса, улуғ форс шоири Абдурахмон Жомий "Силсилат уз-заҳаб" ("Тариқат силсиласи") достонида шеър санъати ҳақида: "Дунёда қанчадан-қанча тилсим бўлса, сўз унинг калити», «сўз сайқалигина дил зангини ювади" дейиш билан сўзнинг ҳиссий қудратинигина эмас, балки санъатнинг бир тури сифатидаги салоҳиятини таъкидлайди. (*Абдурахмон Жомий. Танланган асарлар. - Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Шомухамедов). - Б. 174.*) Навоийга қадар айтилган бу мулоҳазалар мумтоз адабиётшуносликда сўз қадрининг баланд бўлганлигини, бадий сўз санъат сифатида ҳам кадрланганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий асарларидаги фикр теранлиги, озод рух, мустаҳкам иймон, туйғулар нафосати ва ниҳоят, мукаррам ва улуғвор турк (ўзбек) сўзининг қудратини англамай туриб, маънавий йўлимиз қанчалик ёруғ ва равшан бўлмасин ундан дадилроқ

одимлаш мумкин эмас. Улуғ адиб ўзигача мавжуд барча илоҳий-фалсафий- адабий илмларни изчил ўрганиб, уларни ўз асарларида мукамал бир суратда тартиблай олган эдики, зеро Навоий сўзлари бағридаги ҳикматни, дарду хасрат ва санъатни англаш ҳамда ўша буюк руҳий дунё ичига кириш учун унинг бадиий сўз ҳақидаги қарашларини ўрганишимиз керак бўлади.

Ҳазрат Навоий "Ҳамса" муқаддимасида ва "Ҳайрат ул-аброр" достонида сўз таърифига айрича боб бағишлаган. Унда сўзнинг барча маънолари, яъни Лавҳ ул-махфуз, Каломуллоҳ, инсон шарифлиги ва бадиий сўз жиҳатларини қамраб олади. Навоий таърифида сўзнинг "башар вужудининг сипеҳри (юлдузи), инсон зотининг жавҳари" эканлиги уқтирилади ҳамда назм таркиби ва наср тартиби сўз билан изоҳ қилиниши айтилади.

Мумтоз адабиётда сўзнинг муқаддас саналиши ва унинг асосида мукаррам бир санъат вужудга келиши сўзга Яратганнинг буюк мўъжизаси деган муносабатдадир. Чунки сўзга дунёнинг ибтидоси деб қаралиши сўз санъаткорлари ўйлаб топган ҳикмат эмас, балки Яратганнинг ҳукми билан эканини Навоийнинг талкини орқали аниқроқ илғаймиз:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.

Жаҳонга аввал сўз келгани, ҳали жаҳон бор булмай туриб, борлиқ ва маконга сўз келгани Қуръони карим оятларида ҳам мавжуд эди. Яралмиш дунё вужудга келишидан аввал "кун - ярал!" деган илоҳий сўз Яратганнинг қудратини руёбга чиқарди:

Чунки мавжуд бўлса нуктаи "кун",
Бўлди мавжуд тоза, йукса куҳун.

Дунёнинг янгидан мавжудлиги, туғрироғи, таваллудига "кун-ярал!" сўзи сабаб булдики, йукса "куҳун" шаклидаги борлиқ дунёга айланармиди?!

Алишер Навоий эстетикасининг дастурига айланган «Инсоннинг гуҳари шарифлиги», яъни яралмиш зотлар ичида мукаррам ва улуғлиги сўз билан («Сўз айладики, инсонни жудо ҳайвондин...») дейилишининг асоси шундаки, Сўз билан зийнатланган гўзал ва мукамал тарзда яратилган Инсон ўзининг энг гўзал сўзини, энг самимий ва табиий туйғуларини Яратганга бағишлайди, унга ҳамду муножотлар айтади, Холиқ билан юзма-юз мулоқотдагина (Ҳадиси шарифга кўра «Намоз — мўъминнинг меърожи») юзага чиқариши табиий бир ҳолдир.

Аллоҳ сўзини танишдай истеъдод соҳиби қилиб яратилган шоир ўзининг гўзал ва улуғворлиги сўз билан эканлигини қайсидир маънода, қайсидир даражада англагани учун ҳам уни халқ қилган Холиқига сўз билан мурожаат қилади, ўзининг энг олий фикрлари, инсоний туйғулари ва илоҳий кайфиятларини ўша сўзда ифода қилади. Яратган уни сўзга ошно қилганлигининг боиси учун ҳам Ҳазрат Навоий ёзади:

Ки сўз зодаи табъи фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Сўз табъ (истеъдод)нинг фарзанди бўлгандагина у жонга пайванд бўлади. Табъли фарзанд эса зода, яъни яралмишлар ичида эътиборлисидир. Шунинг учун ҳам ўзининг бутун истеъдоди сўз билан эканлигини англаган шоир ёзадики:

Сўзни гар туз дедим ва оздим,
Неки такдир айладинг ёздим...
Кими ўлурда варақни нигор менга
Қайда бор эди ихтиёр менга.
Ҳар не қилким вараққа ёзди бу кун,

Қилки тақдир ёзмиш эрди бурун.

Демак, шоирлик Хазрат Навоий талқинича, тақдир экан, у сўзнинг тузуклари - қоидаларини билиши, "кўз" оркали атрофга, дунёнинг боши ва охирига разм солиши ҳам зарурдир. Чунки сўз фақат ибтидо эмас, балки интиҳо ҳамдир, ҳатто интиҳогина эмас, бу икки қутб ўртасидаги мавжудлик белгисидир:

Ҳар киши даҳр аро ҳаёт топиб,
Сўнгра дам сўз ила нажот топиб.
Англа у сўзни нуктаи тавҳид,
Ваҳдат аҳлида йўқ мунча тардид.
Бас, сени аввал ул қилиб зоҳир,
Сенга ҳам аввал ўлди ҳам охир.
Аввалу охиригга солғил кўз,
Бил ҳам аввал сўзу охир сўз.

(Алишер Навоий. *Ҳайрат ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами (МАТ)*. 7-жилд. - Т.: Фан, 1991. - Б. 60.)

Демак, Хазрат Навоийнинг СЎЗ ҳақида айтилган фикрларининг йириндиси сифатида Сўз — азал-абад китоби (Лавҳу-л-махфуз), Сўз — дунёнинг ибтидоси (кун — ярал!), Сўз - Куръони карим («Сўзга қулоқ тутиб...»), Сўз — инсонни инсонлантирувчи шарифлик белгиси («...гуҳари шарифроқ йўқ ондин») каби қарашлар силсиласидан фақат бадиий сўз — нафис адабиётга дахлдор маъноларинигина ажратиб олиб, уни ушбу мажмуа доирасида ўрганишга бурчлимиз.

Турк тилидаги адабиётшуносликка оид манбалар орасида сўз санъати ва унинг хусусиятларига доир нисбатан йирик манба Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асаридир. Рисола беш қисмдан иборат бўлиб, адабий тур ва жанрлар, аруз илми, қофия, шеър санъатлари ва муаммо илмига бағишланган. XV асрнинг биринчи ярмида яратилган бу манба мумтоз адабиёт- шуносликнинг мавжуд кўпгина соҳаларини ўз ичига олгани учун ҳам бу мўътабар асарга нафақат бадиийлик табиати, балки мумтоз адабиётшуносликнинг юқорида номлари зикр қилинган бўлимларини ўрганиш баробарида мурожаат қиламиз.

Бундан ташқари Фузулий, Амирий, Нодира, Огаҳий девонларининг дебочаларида сўз санъати ва унинг улуғвор хусусиятлари васф қилинган. Айрим ижодкорлар бадиий асарлар ёки уларнинг дебочалари таркибида СЎЗ ҳақида сўз айтиш билан кифояланмай, бу борада алоҳида илмий-маърифий рисола битиб (шеъринг йўлда) ўз мулоҳазаларини англатганлар. Зокиржон Фуркат "Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида" асарида шеърнинг "қилу қоли", яъни сўзнинг таъриф ва тавсифи, наср ва назм билан зийнатланган шакл- шамойили ҳақида фикр юритилган.

Абдурауф Фитратнинг шоирлик борасидаги мулоҳазалари. XX аср бошларига келиб дунёнинг барча борлик нарсаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаргани каби сўз санъатига нисбатан ҳам қарашлар ўзгарди. Энди уни табиатга тақлид (Арасту), объектив борлиқнинг субъектив ифодаси (Ҳегел), кишилар ўртасидаги туйғу етказиш воситаси (Л.Толстой) деб билишлик билан чекланмай сўзнинг коммуникатив имкониятларини биринчи навбатга олиб чиқишлар бўлди. Гарчи ўзбек шоирлари тилни "воситаи робитаи олам миёндир" (Аваз) деб атаган бўлса-да, Ғарбдаги мавжуд қарашлар ўзбек назарий тафаккури тарзига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қуймади. "Танглайи мумтоз адабиёт анъаналари асосида кўтарилган" профессор Абдурауф Фитрат ҳам дастлабки асарларида сўз санъатининг қимматини унинг миссий хувватидан излаган бўлса, 20-йилларнинг ўрталарига келиб ўз қарашларини оврупача андозаларга сола бошлади. Шеърни "каломи мавзуни муқаффа" (ваззли, қо- фияли гап) дея таъриф қилган сўнгги араб шоирларидан фарқли равишда "вазн" ва "қофия"си бўлган турли маънисиз сўзлар» йиғиндиси шеър бўлолмаслигини, шеърда "кишиларнинг қонини қайнатғучи, сингирларини ўйнатғучи,

миясини титраткучи, сезгусини қўзғатғучи маънавий бир куч" бўлиши зарурлигини уқтирди. (*Фитрат. Шеър ва шоирлик // Иштирокиюн. — 1919. — 24 июль*) Шундай бир маънавий куч-қудратга эга бўлмаган сўз шеър бўла олмаслигини, унинг қадри вазн ва қофия билан безалишида эмас, балки миссий таъсир қувватида эканини англатди. 1926 йилда тартиб берган "Адабиёт қоидалари" номли муаллимлар ва адабиёт ҳаваслилари учун ёзилган қўлланмасида бадиий адабиётга шундай таъриф берди: "адабиёт - фикр, туйғуларимиздаги тўл- қунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир". (*Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма. Наирга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев*). — Т.: Ўқитувчи, 1995. — Б. 19.) Бу таъриф бирмунча соддароқ бўлиб кўрингани билан Шарқ мумтоз поэтикасидаги бадиийлик хусусиятига доир фикрларни ҳам, Ғарб фалсафасидаги комп- ративистик (мавжудлик белгилари асосида) қарашларни ҳам умумлаштиришга эришган қоидалардан бири сифатида кўринди. Фитратнинг замондоши Шарқ фалсафий тафаккури тарихи ва назарий қарашларни ундан бир неча йил олдин "марксча установка"га солишга улғурган Абдурахмон Саъдий "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" қўлланмасида дастлаб "Адабиёт сўзи араб тилидан олинган бир сўз бўлиб, «адаб» моддасидандир. Адаб сўзи эса тарбиялилик нозиклик гўзал қилиқ, бошқалар билан яхши, кўркем муносабатда, яхши муомилада бўлмоқ маъноларини ўз ичига олади" дейиш билан унинг "одои куллиёт" сифатидаги белгиларини ҳам, "литература (литера — ёзмок) маъносидаги хусусиятини ҳам беришни унутмади: «адабиёт деган сўздан бир тартибга солиниб сўйлаган ёки ёзилган ҳамма фикр ва тушунчаларни, туйғу ва ҳаёлларни англаймиз". Бунинг натижасида "мана шу «адабиёт» сўзи бизга ҳам шу маънолари ила кўчиб, бизда ҳам ҳикоя, рўмон, дoston ва масалларга ўхшаш кишилиқ ижодларига айтиладир" деган хулосага келди. (*Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. — Т.: 1923. — Б. 32.*)

XX асрнинг 30-йилларидан эса собиқ шўролар тазйиқи кучли худудларда Шарқ мумтоз поэтикасидаги гўзал таърифлар ҳам, Ғарб фалсафасидаги қарашлар ҳам эскилик сарқити ёки буржуа идеологияси сифатида йўқсиллар зўравонлиги (пролетариат диктатураси) қаърига кириб, синфийлик ва партиявийлик деган кушандаларга дучор бўлди. Шарқ мумтоз адабиётининг зукко билимдони, зариф навоийшунос ва Фитратдай улуғ алломанинг шо- гирди Иззат Султон ҳам "Адабиёт назарияси" китобларида (илк нашри 1939, кейинги нашри 1980) бу маънавий буйинтурувдан халос бўла олмади.

Шарқ адабий-назарий тафаккурининг қарийб минг йилдан улуғроқ тарихига назар ташлаганда, бизга маълум бўлган назарий ҳодисалар, адабий қарашлар ва гўзал таърифларни бир мажмуага йиғишдан мақсад келгусида бу фикрият дурдоналаридан адабий хулосалар, назарий умумлашмалар яратиш орқали шу вақтга қадар ўзаро қарама-қаршилиқда тушунтирилган дунёнинг икки қутби Шарқу Ғарбдаги адабий-назарий тафаккур дурдоналарини йиғиб, изчил бир тизимга солиш ва бунинг натижасида яхлит бир адабиёт назарияси яратмоқдан иборатдир. Шу ниятда ҳаракат қилаётган илм аҳлларида Аллоҳ таоло сабру барокот ато этсин!

15-мавзу: Сурат (шакл) ва маъни бирлиги (маъруза – 2 соат)

Режа:

1. Мумтоз адабиётшунослиқда шакл ва мазмун муносабати. Рух (жон)ва жисм талқини. Аттoр фалсафасида мутлақ рух.
2. Инсоний хилқат сурати. Ҳақ (кулл) сифати. Сурат (юз) *ишқ* нури, ишқсиз у кийматдан маҳрум. Сурат маъно нури эканлиги.
3. Мазмуннинг шаклга қуйилиши ва шаклнинг мазмунга айланиши. Сурат ва маъни ҳақида Алишер Навоий таълимоти.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент, 2006, 2008.

2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 7-том. Тошкент: «Фан», 1991.
3. Воҳидов Р. Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. Тошкент: “Маънавият”, 1999

Мумтоз адабиётшуносликда шакл ва мазмун муносабати. Мумтоз адабиётшуносликда шакл ва маъно муносабати диний-тасаввуфий талқинда ҳам, адабий-истилоҳий йўналишда ҳам алоҳида мазмун касб этади. Ушбу мазмун мумтоз адабиётшуносликнинг асосий илмий муаммоларидан саналади ҳамда замонавий адабиётшуносликдаги шакл ва мундарижа муносабатларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафада маълуму машҳур бўлган шакл ва мазмун муносабати мумтоз адабиётшуносликда сурат ва маъно бирлигида мужассам топади. Бу бирлик барча фалсафий қарашларда, руҳоний ҳолатларда, туйғулар муносабатида акс этган бўлиб, у ҳам тасаввуф фалсафасининг, ҳам мумтоз поэтиканинг пойдевори саналади. Ислом алломалари сурат ва маъно нисбатини Қуръони каримдаги жузъ ва кулл тафсиридан келиб чиқиб шарҳлайдилар. Бунинг энг ёрқин ифодаси Фаридиддин Атторнинг Тавҳид асрори талқинида ёзилган "Жавҳар уз-зот" асарида кўринади. (*Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир. Амалга оширувчи Н. Комилов - Т.: Ёзувчи, 1994. - Б.74.*) Фаридиддин Аттор жавҳар сифатида мутлақ руҳнинг сирини белгилайди. Мутлақ рух, яъни Ҳақ (Кулл) инсоний, махлуқий ёки нарсалар суратида зоҳирдир. Нур орқали жузъ, яъни яралмишнинг барча сифатлари намоён бўлади. Лекин нур Куллнинг барча сифатларини кўрсатиб беролмайди. Шундан келиб чиқиб, рух Яратганнинг измидадир. Яралмишларнинг ҳаёти эса мана шу Куллнинг зоҳири, ташқи кўриниши бўлиб, у сурат шаклида жилваланади.

Жалолиддин Румий фалсафасида маъно ишқ талқинида аниқланади, сурат эса ишқ нуридир. У ишқсиз қийматдан маҳрум. Ишқ маъно, моҳият касб этар экан, у мазмунни ифода қилади. Мазмун, маъно нури эса сурат бўлиб жилваланади. Ишқ бўлмаса, нур ҳам бўлмайди. Ишқнинг ўзи нурсиз, суратсиз бизга етиб келмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, маъно суратга — шаклга нур бўлиб куйилиши, шакл — сурат эса, мазмунга айланиб маънони ифода қилиши мумкин. Румийнинг бундай фалсафий қарашлари "Маснавийи маънавий" асарида умумий тарзда, турли ривоят ва ҳикоятлар мазмунида берилади. "Фиҳи ма фиҳи" ("Нимаики Ундадир - Ундандир»), яъни ўзбек тилига "Ичиндаги ичиндадир" тарзида ўгирилган асарда (*Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. Туркчадан Улугбек Абдуваҳоб таржимаси. — Т.: Ёзувчи, 1997.*) бу нисбатий тушунчалар сурат ва маъно фалсафаси сифатида англатилади: Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жараён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки сурат бошида хуш ва латиф туюлади, бироқ у билан қанчалик кўп бирга бўлганинг сари ундан шунчалик тез совуб борасан. Қуръоннинг сурати қайдаю маъноси қайда! Худди шундай инсонга боқ! Агар инсон суратидан маъноси кетса, жасади қолади. Жасадни эса ҳеч ким ушлаб турмайди". (*Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. -Б.79.*) Бошқа бир ўринда Румий ҳазратлари сурат ва маъно нисбатида мағиз ва данакни мисол қилади. Данакни қўлга олишдан мақсад унинг ичидаги мағизга эришиш. Мағизга эришиш учун сурат (данак)ни синдирасан. Гуёки данак керак эмасдай, ортиқча қобикдай туюлади. Бироқ мағизни уруғ сифатида экмоқчи (ерга) бўлсанг, уни қобиксиз эка олмайсан. Қобиксиз экилган мағиз кўкармайди, ҳосил бермайди. Демак, сурат бизга номухимдай кўринса ҳам уни маънодан ажратиб кўриш маънисизликдир.

Румий фалсафаси тез орада Ғарб мутахассисларининг эътиборини тортгани, Ҳёте асарларида гўзал, изчил талқин қилингани, ниҳоят, олмон мумтоз фалсафасининг чўққиси саналган Ҳегел таълимотида ўзининг тугал исботини топгани фанга маълум. Ҳегелнинг "инкорни инкор" қонунининг моҳияти Румий фалсафасининг мағзида бор. Бугдой (дон) ўз шаклини ўзгартириб (тараккий эттириб), Ҳегелча айтганда, инкор қилиб, бошоқ бўлди. Бошоқ ўз шаклини инкор этиши билан таракқиёт уни яна бугдойга айлантирди. Демак,

диалектик тараққиёт инкорни инкор асосига кўрилгани билан, шакл ва моҳият ўз борлигини йўқотмайди. Фақат шакл мазмунга кўйилади, мазмун эса ўз шаклини ўзгартиради. Ўзини Ҳегелнинг иқтидорли шогирдларидан санаб, янги эстетик тизим яратмоқчи бўлган рус мунаққиди В.Белинский ҳам юқоридаги тафсилларни бадиий асарга нисбатан қўллаб, агар мазмунни шаклдан ажратмоқчи бўлсанг, уни шакл билан баравар ўлдирасан. Ёки шаклни алоҳида ўзини олмоқчи бўлсанг, у ҳолда мазмун билан бирга шаклни ҳам ўлдирган бўласан каби тушунтиришни тавсия этгани сир эмас. Бу каби талқинлар айрим юзаки тамсиллардаги шакл — идиш, маъно эса ичидаги суюқлик ёки шакл қон томири бўлса, маъно унда жўш уриб оқаётган қон каби тушунишлар чекли эканини англатади. Чунки идишдаги суюқликни тўкиш мумкин бўлганидай, қонни томирдан ажратиш мумкин. Лекин бу билан ҳар иккаласига ёки уларнинг бирортасига ҳам ҳаёт бағишлаб бўлмайди, улар ўзаро мавжудликдагина яшашда ва тараққиётда бўладилар.

Араб мумтоз поэтикасининг асосий унсурларидан саналган маъно ва лафз моҳият ҳамда унинг сўз қолипи маъносида қўлланилган, анъанавий мазмуннинг индивидуал муаллиф талқинидаги ифодаси сифатида қабул қилинган. Араб поэтикасининг асоси саналган маъно истилоҳи машҳур Ғарб арабшунос олимлари томонидан "фикр, ғоя" (Голдқиер, 1896; Крачковский, 1927), "поэтик мотив" (Грюнебаум, 1944; Риттер, 1954), "фикр, моҳият, образ" (Шидфар, 1974) деб таржима қилинган бўлса, лафз (кўплиги — алфоз) — "ифода" (Гольдциер, 1896), "сўз, ифода" (Грюнебаум, 1944), "ифода, товушлар бирикмаси" (Крачковский, 1927), "сўзлар, товуш ифодаси" (Киктев, 1969; Риттер, 1974) тарзида русчага ўгирилган. (*Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII- XI век). - М.: Наука, 1983. - С.57.*) Ушбу таржималардан маълум бўлишича, маъно мазмун, ғоя ва моҳиятни англатган бўлса, лафз унинг материал жиҳати, яъни товуш, сўз орқали ифодаланишини билдирган. Шундан келиб чиққан ҳолда маъно замонавий истилоҳ билан айтганда, поэтик мотив; лафз эса ифода воситаси (сўз билан) деб қабул қилинган. Машҳур араб олимларидан Ибн Қўтайба "Шеър ва шоирлар китоби" (850-870) асарида бадиий матнларни маъно ва лафзга кўра қуйидаги туркумларга ажратган: 1) яхши лафз ва маъноли асарлар; 2) лафзи яхши ва маъноси ёмон асарлар; 3) лафзи ёмон ва маъноси яхши асарлар; 4) лафзи ёмон ва маъноси ҳам ёмон асарлар. (*Ибн Қўтайба. Аш-Шиър ва аш-шуъараъ. Жидд. 1-2. - Байрут, 1969. - Б.12-15.*) Бундай таснифга келишда муаллиф лафз ва маънони бириктирувчи нисбат (эътилоф) сифатида уларнинг ўзаро тенг келиши (мусават)ни назарда тутди. Ибн Қўтайба талқинида, агар маъно лафзга тўла мос келса, у бадиият (балоға)га эришган бўлади. (*Ўша асар. - Б. 84-85.*) Қудамма ибн Жаъфар (в. 922/948) эса "Накд уш-шеър" асарида "тугал маънога лафз қўшимча қилмаса ёки маънони бузувчи унсурни лафзга қўшмаса" асар етук бўлишини таъкидлаган. Бу жараёнда олим "вазн талаби билан кераксиз сўз (маънога хизмат қилмайдиган – Ҳ.Б.) ҳисобига байтни тўлдириш (ҳашв)ни шеърдаги жиддий нуқсон" деб белгиллаган. (*Қудамма ибн Жаъфар. Китаб накд аш-шиър. - Лейден, 1956. - Б. 136.*) Кўринадики, ўрта асрлар араб поэтикасида ҳам маъно ва шакл бирлиги адабиётнинг асосий қонунларидан саналиб, уларнинг ўзаро меъёр ва мувофиқ келиши бадиий матннинг етуқлигини англатувчи балоғат белгиси ҳисобланган. Араб мумтоз поэтикасида маъно ва лафз муносабати ҳақида ўнлаб рисоалар яратилган. Биз кейинги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин деган умид билан уларнинг айримларини санаш билан чекланамиз: Муфаддал Дабби (в. 780/787) "Китаб маъани аш-шиър", айни шу номдаги Абу Сарван ал-Укли (VIII асрнинг 2-ярми), Ибн Кунас (в. 823-825), Асмаий (в. 825-832), Сайд ибн Масада ал-Ахфаш (в. 830), Ибн Арабий (в. 846), Абул Амайсал (в. 854), Ибн Қўтайба (в. 889), Бухтурий (в. 897), Салаб (в. 904), Наххас (в. 950), Ибн Абдус (в. 859-860) сингари олимларнинг асарларини ва "Китаб ул-маъани" номли, Муарриж Садусий (в. 819), Надр ибн Шумайл (в. 818- 820), Али Райҳоний (в. 834) кабиларнинг асарларини келтириш мумкин. Ушбу мавзуда номаълум муаллифнинг "Мажмуат ул-маъни" номли тўплами бизгача етиб келган ва 1884 йили Лейденда нашр қилинган. (*Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd 2. Poesie bis ca.430. Leiden, 1975.-pp. 58-60.*) Ҳатто Аскарый

"Девон ул-маъни" номли асарлар каталогини тузиб, бу йуналишдаги 100 дан ортик рисоаларга тавсиф бергани арабшунослик илмига маълум. (*Ал-Аскарӣ. Диван ал-маоний. Т. 1-2. - Қоҳира, 1933. Ушбу каталогнинг русча таржимаси қуйидаги манбага илова қилинган: Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VII-XI век). — М.: Наука, 1983.-С. 231-243.*) Араб мумтоз поэтикасидаги ушбу фундаментал қарашлар асосида ажамда ҳам маъно ва лафз ҳақидаги қарашлар кенгайганини форс ва турк тилидаги рисоалар талқинидан ҳам билиш мумкин.

Абдураҳмон Жомийнинг "Силсилат уз-заҳаб" асарида сўзга таъриф бериш баробарида уни "маъно дарёсининг гавҳари" деб тушунтиради: "Сўзнинг бутунлиги, маъзи, моҳияти маъно биландир, чунки маъно кўрки лафз биландир". (*Абдураҳмон Жомий. Силсилат уз-заҳаб / Танланган асарлар Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш. Шомухамедов. - Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.*) Лафз (тил) маънонинг зоҳиридир, маънони сўз, тилсиз ифода қилиб бўлмайди. Чуқур маъно бериш учун эса кўркли лафз керак. Маъно лафз билан кўркли бўлгани каби лафз ҳам маъно гўзаллиги билан кўркли бўлади. Бу буюк иккиликни бутун ва гўзал ҳолда кўриш учун уларни доимий яхлитликда билиш ва қабул қилиш лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жоне дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурурким, жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли ғазоф ноин софлигига мунсиф бўлмоқ, балки ўз ғазофига инсоф бериб, аларнинг узрин қил- моқ» (*Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аброр. / МАТ. 7-жидд. - Т.: Фан, 1991. - Б. 62.*) деган талқин билан махсус мақолат ёзади. Маъно ҳақида сўз юритганда, у сўз қолипнинг жонидир, жонни қолипдан ажратиб булмайди, шундай экан, маъно ва сурат ажралмас бир моҳиятдир. Уни назмда кўрмоқчи бўлганлар, уларни бир бутунликда тушуниб, вазн ва баҳр каби зоҳирий сифатларни, шеърнинг жонидан ажратмаслиги, аксинча, қолип жонга муносиб келган- дагина жозиб бўлади. Туёқ баҳрини англамаган киши, қўшиқни туёқдан фарқлай олмайди. Лафзи бемаза, таркиби суст асарда маъни ҳам норасо ва унинг хулосаси нодуруст бўлади:

Англамайин сўзда туёқ баҳрини,
Қайси туёқ, балки қўшуқ баҳрини.
Лафзалари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.
Борчасига даъвийи маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос.

Демак, сурат ва маъно муносабати бири иккинчисини тақозо қилган, фақат ўзаро мавжудликдагина ҳаракатга келиши мумкин бўлган жон ва жасаддир. Диний тушунчага кўра жон, жасад тарзида намоён бўлган бу талқин тасаввуфда янада чуқурлашиб, руҳ-жон-нафс тарбияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётшунослик илмида ҳам шакл мазмунга етказувчи воситадир. Мазмун эса шакл воситасида етказилаётган моҳият, ифода қилинаётган нарса. Ҳар бир нарса ёки ҳолат шакл ва мазмуний жиҳатни ўзида камраб олади ё акс эттиради. Демак, шакл ва мазмун муносабати мумтоз адабиётшуносликда анча мукаммал ишланган поэтик ҳодиса сифатида тушунилади. Шакл ва мазмунни ўзаро қарама-қарши нисбатда эмас, балки бири иккинчисини тўлдирувчи ва тақозо қилувчи тушунчалар сифатида ўрганилади. Бундай талқин замонавий адабиётшуносликдаги шакл ва мундарижа муносабати учун пойдевор саналган. Рус шаклшунослик мактаби (формальная школа) вакиллари ҳам бадий адабиётнинг ўзаги саналган бу муҳим илмий муаммони ҳал этишда Шарқ мумтоз поэтикаси асосларига таянганлар. В. Шкловский, Б. Жирмунский ва Е.Поливанов каби олимлар аввал Шарқ поэтика мактаби сирларини ОПОЯз (Общество поэтического языка — Бадий тил жамияти) воситасида обдон ўрганганларидан кейингина ўзларининг шакл назариясига доир ишларини амалга оширганлар. (*Жирмунский В. М. Теория литературы.*

Поэтика. Стилистика. — Л.: Наука, 1977. - 408 с.; Томашевский Б. В. Теория литературы. Поэтика. — М-Л: Гос. изд. худ. лит., 1931. - 264 с.; Шкловский Б. В. О теории прозы. — М.: Советский писатель, 1983. - 384 с.; Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. — Л.: Художественная литература, 1986. - 456 с.)

XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослигини шакллантиришда янги назарий талқинлар излаган олимлардан бири Абдурауф Фитрат бу муносабатлар силси-ласини ўзининг Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Бобораҳим Машраб асарлари талқини жараёнида амалий фаолиятда қўллаган бўлса, илк назарий қўлланма саналган «Адабиёт қоидалари»да шакл ва мундарижани ташкиллаштирувчи адабий унсурлар ҳақида тўхталади. Уларни мавзу, мундарижа каби истилоҳлар билан талқин қилиш давомида ижодкорнинг лабораториясидан келиб чиқиб, шакл унсурлари ёки мазмун жиҳатлари деб эмас, балки «ёзиш қоидалари» деб атаган. Замонавий адабиётшуносликдаги собит қоидаларга кўра мазмуннинг таркибий жиҳатига мавзу, ғоя ва муаммо киради. Шуни унутмаган Фитрат мавзу ва мундарижа (ғоя ва муаммони ўзаро бириктирган ҳолда) каби тушунчаларга адабий шарҳлар ёзди. Шакл унсурлари сифатида образ, сюжет, композиция ва бадий нутқ асарни бутунликда тутиб турувчи компонентлар эканини англатиб тимсол (образ), тартиб (сюжет), таркиб (композиция) ва бадий нутққа дохил бўлган тасвир воситалари ҳақида маълумот беришни ўзининг вазифаси деб билди. (*Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ва ҳавасчилари учун қўлланма. Наирга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Болтабоев. -Т: Ёзувчи, 1995. — Б.21-23.*) Шуни ҳам унутмаслик керакки, ушбу тасниф қабул қилингунга қадар мумтоз адабиётдаги образлар тизими қисман тасаввуф адабиётининг назарий, манбаларида, қисман поэтика, айниқса, илми бадий таркибида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Бадий тимсолнинг сифати, вазифаси, маъно-дорлиги, ундаги кўчим табиати ҳақида таҳлил ва талқинлар мавжудки, уларни ўз ўрнида, тасаввуфий тимсоллар, бадий санъатлар билан боғлиқ ҳолда ўрганганимиз учун ҳам бундай намуналар айти боб таркибида эмас, балки илми бадийга дохил қисмда англатилди. Замонавий адабиётшуносликда бадий нутқ таркибида қараладиган поэтик лексика, фонетика ва поэтик синтаксисга доир мулоҳазалар мумтоз поэтика таркибида алоҳида илм сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам уларни ўрни билан бадий санъатлар ҳамда бадий нутқ ва услуб боблари воситасида тавсия қилинди.

Демак, замонавий адабиёт назариясининг асосий концептуал масаласи ҳисобланган шакл ва мундарижа ҳамда уларнинг диалектик бирлиги ҳақидаги қарашлар фақат XX аср фалсафасида ёки Ғарб адабиётшунослигида ёки изчил эстетика шаклланишига тўртки берган Ҳегел қарашлари доирасида яратилмаган, балки минг йиллардан бери мусулмон шарқида мавжуд бўлган, ўзининг ибтидосини барча мўъжизотларнинг шарҳи ҳисобланган Қуръони каримдан олган ва исломий-тасаввуфий фалсафа тараққиёти ҳамда бадий тафаккур тадрижи билан бу муносабат тараққий этиб, жорий мушаккал бир илмий тизимга айланган.

16-мавзу: Мумтоз шеър тузилиши ва аруз илми - (маъруза-2 соат)

Режа:

- 1.Мумтоз шеър тузилиши ва аруз илмининг вужудга келиши тарихи хусусида.**
- 2. Форсий аруздаги ўзгаришлар.**
- 3. Туркий арузнинг назарий асослари. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари.**
- 4. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг арузшунослик тараққиётидаги ҳиссаси.**
- 5.Фитратнинг “Аруз ҳақида” қўлланмасида арузнинг замонавий шакл ва усуллар орқали талқин этилиши.**

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талкинида. Тошкент, 2006, 2008.
2. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. Тошкент, 1972.
3. Ҳасанов С. Бобурнинг “Рисолайи аруз” асари. 1986.
4. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. Тошкент, 1972.
5. Ҳасанов С. Бобурнинг “Рисолайи аруз” асари. Тошкент, 1986.
6. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. Тошкент, 1998.

1. Мумтоз шеър тузилиши ва араб арузининг вужудга келиши тарихи. Шеър тузилиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тили, тафаккури, шуури, сажияси билан боғлиқдир. Қадимги турк шеърийинг тузилиши ҳақида гапирганда, кўпроқ олимлар тўртлик шаклидаги халқ кўшиқларини ва сил- лабик (ҳижо) вазнда яратилган назм парчаларини келтирадилар. Турк олими Рашид Раҳмати Арат кўҳна турк шеъри намуналарини келтириш билан бирга уларнинг ритмик асоси ҳижо асносида қурилганини қайд этган. (*Rasit Rahmati Arat. Eski Turk Siiri. - Istanbul: 1980. - S. 11.*) Қадимги ўзбек шеърияти араб шеър тизимига киргандан кейин унинг мавзу жиҳатлари ҳам ўзгарди. У энди силлабик тизимдан силлабо-тоник ва метрик шеър тизимига ўта бошлади. Бунга асос бўлиб бўғин ёки бўғин- товуш уйғунлиги эмас, балки ҳижоларнинг "кайфияти", яъни бўғинларнинг сифати ҳал қилувчи моҳият касб эта бошлади.

Арабларда вазн тушунчаси жоҳилийя даврида ҳам мавжуд бўлган, хатто баҳр деб аталган вазн турлари мавжудлиги манбаларда қайд этилган. Бироқ араб халқ шеъри ва жоҳилийя даври шоирлари ижод намуналарини ҳам, саодат асри ва хулафои рошидинлар даври назм намуналарини ҳам изчил илмий тизимга солган, унинг қатъий кўринишларига қонуний тус берган, арузшунос- ликни фан сифатида шакллантирган олим Халил ибн Аҳмад ҳисобланади. Буни Алишер Навоий ҳам «Мезон ул-авзон» асарида «Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возеъидир» деб таъкидлаб ўтган. (*Алишер Навоий. Мезону-л-авзон. Асарлар. Ўн беш томлик Т. 14. — Т.: Фан, 1967.-Б. 137.*)

Низомий Арузий Самарқандийнинг ёзишича, "ҳар кимнинг шеър таъби мустаҳкам тортиб, унинг сўзлари ва фикри равонлашгач, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади". Худди шу каби исломий фан ва маданиятнинг юксак даври аббосийлар халифалигининг етук филолог олими Халил ибн Аҳмад Фараҳидий ул-Аздий ул-Басрий (715/719-786) Басра шаҳрида Абу Амр ибн Аъла (в. 771-776) ва Исо Сақафийдан таълим олгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Олимнинг «Айн китоби», «Мўъжам фи илм ул-арузи» («Аруз билими қомуси») каби асарлар битгани, араб филологиясининг мавжуд илмлари билан машғул бўлгани ва мусиқа назарияси (оҳанг ва ритм масалалари)га оид рисоалар битгани айтилади. Бироқ у асарларнинг бирортаси ҳам бизгача тўла шаклда етиб келмаган. Халил ибн Аҳмаднинг сарф ва наҳвга доир асарларининг баёнини унинг шогирди Сибавайх (в. 796) «ал-Китаб» асарида, «Айн китоби»ни эса Лайс ибн Музаффар ва арузга доир ишларини араб арузидаги 16-баҳр ихтироҳчиси Абул Ҳасан ибн Саъид Ахфаш (в. 830) илмга маълум қилган. IX асрда Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмаий, Али Райҳоний, Қосим Салом, Аҳмад Бахийлий, Абул Умайсал, Ибн Сиккит, Ибн Қутайба, Бухтурий, X асрда Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний каби олимлар шеър илмига доир асарлари таркибида аруз масалаларини ёритгани, Ибн Саррож (в. 920)нинг «Меъёр фи авзон уш-шеър» («Шеър вазнларининг меъёри») асари билан кейинги давр арузшунослиги давом этгани қайд этилган. (*Талабов Э. Араб арузи. — Т.: 1977.*) Мумтоз араб поэтикасининг тадқиқотчиси А. Б. Куделин Ҳасан ибн Рашиқ (в. 1070)нинг «Таянч» ва Абу Хилол Аскарӣ (в. 1005)нинг «Китаб ул-санъатайн» асарларини ушбу йўналишдаги муҳим манбалар сифатида санайди.

Жоҳилийя даврида шеър поэтикаси ҳақида алоҳида асар яратилмаган бўлса ҳам хижрий I-II асрларда Қуръони карим ва ҳадислардаги шеърий намуналарга муносабат масаласида назарий қарашлар шакллана бошлади. Араб, форс ва турк шеърлари мана шу тилларнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда метрик тизимда ўрганила

бошланган. Бу шеърий тизимнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, мисралардаги бўғинлар сони эмас, балки сифати, хусусияти бирламчи моҳият касб этадиган бўлди. Араб арузшунослигининг асосий хизмати шундаки, асрлар давомида илмий тизимга солинмаган бадавий (сахройи) шеърлар қатъий интизом асосида тартибланди. Шеърдаги ритмик бирликлар сифатида ҳижо, рукн ва байт олинди. Байтдаги рукнлар сони ва рукндаги ҳижола сифати асосида арузнинг хусусиятлари белгиланди ва булар асосида дастлаб 11, сўнгра 16 баҳр ишлаб чиқилди.

Марказий Осиёда яшаган ва араб тилида яратган асарлари билан кейинчалик ислом оламининг буюк алломалари сифатида тан олинган Абу Наср Форобийнинг «Китоб уш-шеър», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотух ул-улум» («Илмларнинг калитлари»), Абу Али ибн Синонинг «Маҳориж ул-ҳуруф. Ҳикмати аруз» («Ҳарфларнинг маҳражлари. Аруз ҳикмати»), Маҳмуд Замахшарийнинг «Қустос ул-аруз» («Арузий зеҳи тарозуси»), Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум» («Илмларнинг калити») асарлари таркибида ҳам шеърий вазн муаммолари, араб, юнон ва ҳинд метрикасидаги умумий ва хусусий жиҳатлар қайд этилган.

Форобийнинг «Китоб уш-шеър» асари араб ва юнон шеър тизимининг ўзаро қиёсланиши жиҳатидан эътиборли. Форобий масалага анча кенг қараган ва шеърий асарнинг икки жиҳати тақлиду ташбиҳ, яъни маъно жиҳати билан унинг вазн жиҳати шеърнинг асоси бўлиши кераклигини уқтирган: «Шеърий сўзлар» маълум вазнга туширилиб, шеърий бўлақларга бўлинсагина айtilган сўзлар шеър бўла олади. Қадимги шоирлар наздида шеър тузилиши ва унинг жавҳар - асоси ана шулардан иборат бўлган. Шеър бирор нарсага тақлид қилинган сўзлардан ташкил топиши керак. Шеър маълум бўлақларга бўлинган бўлиб, бу бўлақлар (олдинма-кетин) баб-баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър тузилишида қутилмаган мана шу икки хил йўл фақат тақлид-ташбиҳ бўлишинигина эмас, балки улар орқали тақлид қилиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам билишни тақозо қилади. Бундай қонун-қоидаларга риоя қилишнинг энг кичиги вазн масаласидир». (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Арабчадан таржима. Изоҳ ва муқаддима муаллифи А Ирисов. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.*) Шеър тузилишида ритм тушунчаси (Абу Наср Форобий асарида "зарб" деб тушунтирилган) одатда бир хил оҳангга уйғун келган товушлар йиғиндисининг маълум бир муддат (вақт бирлиги) ичидаги такроридан иборат деб талқин этилди. Нутқда (шеърий нутқда ҳам) товушлар бирикмаси ўзаро бирор тизимга солиниб, ритмик бирлик ҳосил қилинади. Товуш ва товушлар бирикмаси бўғин (арузий истилоҳга кўра, ҳижо – Ҳ. Б)ни, бўғинлар ўзаро бирикиб рукн ёки туюқни, буларнинг тизимли йиғиндисидан эса, байт ва мисра каби ритмик бирликлар ҳосил қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда муайян бир тилнинг фонетик хусусиятларига мос келувчи ритмик бирликлардан ҳосил қилинадиган шеър тизимини қўллаш одат тусига кирган.

Берунийнинг «Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баёни» асарида эса қадимий ҳинд шеър тизими унинг араб ва ажам шеърига муносабати туфайли ўрганилган. «Бу илм (яъни наҳв илми – Ҳ.Б.)дан кейин чанда деган илм келади. Чанда аруз илмига муқобил турадиган шеър вазнларидан иборатдир. Ҳиндлар чандага жуда муҳтожлар, чунки уларнинг китобларида назм билан тузишни мақсад қилиб олганлар. Чанда, яъни шеър вазн санъатини дастлаб Пингалу ва Чалиту юзага чиқарган. Бу бобда ишланган китоблар кўп. Уларнинг энг машҳури «Гайситу» китоби бўлиб, тузувчисининг исми билан айtilган, ҳатто аруз ҳам шу исм билан аталган... Улар Халил ибн Аҳмад ва арузчиларимиз белгилаганидек ҳарфларни санашда сукунли (ҳаракатсиз) ва ҳаракатли ҳарфларни мана шу икки белги / < билан тасвирлайдилар. Буларнинг биринчиси, яъни сўл томондагиси (чунки улар сўл томондан ёзадилар) лағху деб аталади. Бу енгил демакдир. Иккинчиси, яъни ўнг томондагиси гуру деб аталади. Бу оғир демакдир. Оғир вазннинг миқдори аввалгининг (яъни енгилнинг), икки баробари бўлиб, икки енгил бир оғир ўрнида туради...» (Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2-жилд. — Т.: Фан, 1965,- Б. 121.) Айни ҳолат араб арузида ҳафиф (енгил) ва сақил (оғир) сабаб сифатида юритилганини

унутмаслик керак. Форобий ва Беруний асарларида юнон, араб ва ҳинд шеър назарияси учун асос бўлган ритмик бирликлар ишлаб чиқилган. Бундай бирлик сифатида юнонларда "метр", арабларда "рукн" ва ҳиндларда "шлока" олиниб, уларнинг ўзаро муносабати изчил тартибда ўрганилган. Араб арузи нафақат араб тилли мамлакатларда, балки Туронзаминда ҳам изчил суратда ўрганилган. Аруз вазни ҳақида араб тилида қатор тадқиқотлар яратилгани бунинг далилидир. Қомусий луғат тарзида яратилган Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотух ул-улум» асарида ўша давр фанларининг муҳим соҳаларига оид атамаларнинг маънолари очиқ берилган. Асарнинг адабиётшунослик атамалари талқинига бағишланган жилди икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимнинг 5-боби илми аруз, қофия ва саноеъга оид истилоҳларни ёритишга бағишланган. Боб ўз навбатида беш қисмдан иборат: 1-қисм мазкур фаннинг таркиби, аруз тизимидаги атамалар; 2-қисм аруз вариантлари ва иллатларнинг номлари; 3-қисм қофия ва унинг таркиби; 4-қисм мазкур атамаларнинг келиб чиқиши ва улардан фойдаланиш усуллари, 5-қисм шеърият танкиди ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида. Ўз қомусини бундай фундаментал асосга кўриш билан баробарида муаллиф ўз давригача яратилган арузшунослик илмини тизимли суратда ёритди, аруз тизимидаги барча истилоҳларни алифбо тарзида изоҳлаш билан чекланмай, уларнинг қатъий қоидалари, бу фаннинг таркиби, вазн ва баҳр муносабатлари, ҳар бир баҳрнинг турлари ва вариантларини ишлаб чиқди. Маълумки, араб арузи квалитатив (лотинча «сифат») шеър тизимига кирса-да, (*Адабиёт назарияси. II том: Адабий-тарихий жараён. -Т.: Фан, 1979.-Б. 349-355.*) у бўғин (ҳижо) асосига эмас, балки ҳарфлар асосига қурилган. «Бунда уларнинг ўзига хос ҳаракатлари, талаффузига алоҳида эътибор берилади. Сўзнинг бутун таркиби «ҳаракатланган ҳарф» ва «ҳаракатланмаган ҳарф» терминлари ёрдамида белгиланади». (*Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотуху-л-улум» асарида поэтика. - Т.: 2001. - Б. 82.*) Абу Абдуллоҳ Хоразмий асарида араб арузининг мана шу ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб арузий истилоҳларнинг шарҳланганини кузатиш мумкин. Бу асар гарчи изоҳли луғат тарзида тузилган эса-да, кейинроқ Марказий Осиёда яратилажак Маҳмуд Замахшарий, Абу Ҳафс Насафий, Юсуф Саккокий ва бошқа алломаларнинг арузий тадқиқотлари учун муҳим аҳамият касб этди.

2. Форсий аруздаги ўзгаришлар. Форс арузшунослиги, асосан, араб арузи йўлида шаклланган бўлса ҳам унинг тараққиёти нафақат мумтоз форс шеърининг, балки форс арузийларининг кашфиётлари билан боғлиқ. Бу борада проф. Фитрат ёзади: "Эронлилар араблардан нима олган бўлса, айнан олмади, ўзгартиб, унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди... араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишига қарамасдан форси(й) шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади, Шундай қилиб, айрим бир форси(й) аруз майдонга қўйўлди". (*Фитрат. Аруз ҳақида. Наирга тайёрловчи, сўзбоши ва изолар муаллифи Ҳ.Болтабоев. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - Б. 25-26.*) Тил хусусиятларига кўра метрик тизимга яқин бўлгани учун ажам халқлари орасида дастлаб арузни форслар қабул қилдилар. Араблардаги тақтиъ усуллари, асосан, қабул қилинди. Форс арузининг бундай бир тизимли ҳолга келишида Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-Мўъжам фи маъойир ашъор ул-ажам" («Ажам шеърлари меъёрлари жамлангани»), Носириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" ("Шеърлар меъёри"), Шамс Фахрийнинг "Меъёр ул-нусрати" ва "Меъёр ул-жамоли", Водид Табризийнинг "Жамъи мухтасар", Юсуф Азизийнинг "Аруз", Абдурахмон Жомийнинг "Рисолайи аруз" ва Сайфи Бухорийнинг "Арузи Сайфий" сингари асарлари ўз хизматини қилди. Буларнинг барчасига ушбу сўзбоши доирасида кенг тўхталишнинг имконияти бўлмаса-да, ўзбек китобхонига илк бор тақдим қилинаётган Шамси Қайс Розийнинг "Ал-Муъжам..." асарининг таълиф тартиби ҳақида қисқача баён бермоқчимиз. Муаллифнинг ёзишича, бу илм "манзум сўз мезони" бўлиши билан бирга "Шеър жинслари ва вазнларини билиш учун бу фаннинг аҳамияти катта ва у ҳақиқий шеърни ноҳақиқийдан ажратишда яхши меъёр ҳисобланади". (*Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам. Муаллифи сарсухани тавзеҳот ва ҳозирқунандаи чоп У. Тоиров. - Душанбе: Адиб, 1991. - Б.33.*) Асарда дастлаб арузнинг

луғавий ва истилоҳий маъноси тушунтирилади, сўнгра рукнларга ва бу илм доирасидаги фаол истилоҳларга шарҳ берилади. Иккинчи бобда аруз рукнларининг таркибидан ҳосил бўлган жузвлар ва вазнлар зикр этилади. Учинчи боб жузвларнинг афойил рукн тармоқларининг ўзгаришига бағишланган бўлиб, тўртинчи бобда қадимги ва янги баҳрларнинг яратилиши, арузий доиралар вазифалари ҳамда тақтиъ қоидалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган қонуниятлар борасида фикрлар айтилган.

Шуни ҳолислик юзасидан қайд этиш лозимки, форс арузи фақат XX асргача тараққиётда бўлиб, ундан кейинги даврларда унинг ўрганилиши тўхтаб қолмаган. Мумтоз форс арузи илми XX асрда собиқ иттифоқ ҳудудида форс-тожик арузшунослиги шаклида давом этди ва бу фаннинг тараққиётига Б.Сирус, М.Шарифов, Н.Мирзахўжаев каби тожик олимлари (*Сирус Б. Арузи тоҷики. Таахқиқи интиҳоди. — Душанбе: Нашириёти Давлатии Тоҷикистон, 1963; Шарифов М. Шамс-и Кайс-и Рази и его литературно-критические взгляды. АКД. — Душанбе: 1985; Мирзахочаев Н. Илми аруз ва баъзи масъалаҳои назарияи он. / Масъалаҳои назария ва таърихи адабиёти тоҷику узбек Нов. сер. № 262. — Самарканд, 1975.*), Ш. Шомухамедов, А. Рустамов, Г. Туйчиева сингари ўзбек олимлари (*Шомухамедов Ш. Форс-тожик арузи. — Т.: ТошДУ, 1970; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. — Т.: 1971; Туйчиева Г. Аруз в контексте газелей Амира Хосрава Дехлави. — Т.: 2005.*) ўз улушларини қўшдилар.

3. Туркий арузнинг назарий асослари. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асари. Араб арузи бағрида ўзига хос форс арузи вужудга келгани каби туркий аруз ҳам араб-форс арузи билан ўзаро муносабатда яшади ва қарийб минг йил давомида мумтоз шеърятга зийнат бағишлаб келди. Турк арузшунослиги ривожига Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фуркат, Абдурауф Фитрат каби миллат фидойилари тер тўқдилар. Натижада "Фунун ул-балоға", "Мезон ул-авзон", "Мухтасар", «Аруз ҳақида» каби фундаментал тадқиқотлар юзага келди.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий (XV аср) ҳақидаги дастлабки маълумот Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарида учрайди. Бобуршоҳ баҳри тавилнинг ражазга оид намунаси сифатида Шайх Аҳмад байтини келтирганди. Олимнинг «Фунун ул-балоға» («Балоғат илмлари») асарида «Арузи Қустос», «Арузи Андалусий» ва «Меъёр ул-ашъор» каби рисоалар тилга олинади, булар Маҳмуд Замахшарий, Ибн Ҳожиб ва Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар бўлиб, Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарини яратишда бу асарларга маълум маънода таянган: "Билгилким, араб уламосининг иттифоқи бирла баҳр ўн олти келибтур. Ажам уламоси сўнгра орий туруб, йигирма тўрт килибтурлар. Фааммо, бу заиф тиладиким, ул азизларнинг пайдо қилган баҳрларини қаламға келтурса ва туркий иборат бирла баён айлаб, ҳар вазнға туркий байттин мисол келтурса». (*Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. — Т.: Ҳазина, 1996.*) Ана шу мақсадда кўп китобларни мутолаа қилиб, аруз денгизида ғаввослик қилган олими мутакаддимлар, яъни 16 баҳрни ихтиро қилган араб уламоси ва мутааххирлар, яъни унга форсий кўрк бағишлаб баҳрлар сонини 19 га етказган форс арузийлари меҳнати қадрланади. Аллома аруз баҳрлари сони мутааххирлар (сўнгги арузшунослар — Х.Б.) томонидан 34 тага етказилгани айтади: «мутақориб, мўтадорик ҳазаж, рамал, ражаз, вофир, комил, сақил, муқорин, мувофик, муталойим, мутаносиф, жадид, мадид, муҳит, басит, музореъ, мушоқил, саҳиҳ, сарих, ҳафиф, мужаннас, ажиб, ғариб, мунтахаб, муқтазаб, музҳар, музмар, мунсариж, мундариж, сариъ, бадий, қариб, салиб». Сўнгра аллома рукн сифатини ўрганиш учун 6 усул (усули ситта) тавсия қилади. Шу олти асосни пайдо қилган жузвлар: сабаб, ватад ва фосила келтирилади. Ва олти асосдан ҳосил бўлган саккиз рукн таҳлил қилинади. Бунини олим ажзойи афойил деб атади. Шу билан бирга баҳр ўзгаришлари, яъни зиҳофлар ҳақида маълумот беради.

4. Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг арузшунослик тараққиётидаги ҳиссаси. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарида араб ва форс арузи хусусиятларини

тушунтирар экан, шу билан бирга туркий аруз асосига қўйиладиган лисоний сифатларни ҳам белгилайди. Навоий асарида биринчи марта аруздан бошқа вазн тилга олинади: «Яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтиптурлар ва баъзи бу ҳамонда назм топибдур ва ҳеч арузга дохили бўлмайдур» (*Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Критик текстни нашрга тайёрловчи И.Султонов. - Т.: 1949. - Б. 90-91.*) ва унга мисол келтирилади. Иккинчидан, Ҳазрат Навоий аруз назариясига жами тўққизта доирани бирлаштирган «доираи мужтамиа»ни яратди ва уни назарий жихатдан асослаб берди. (*Мирзаев С. Навоий арузи. НДА. - Т.: 1946.*) Навоийдаги фикрлар Бобурнинг «Аруз рисоласи» (нашрда «Мухтасар») асарида давом эттирилган. Бобур тўққиз доирани асослаш баробарида «доираи мужталибаи музахафа», «доираи мужталибаи мухтариъа» орқали баҳрлардаги ўзгаришли рукнлар, яъни зиҳофлар билан бирга киритади. Тавил доирасига кирувчи Ариз ва Амиқ баҳрларини алоҳида ҳисоблайди. (*Бабур Захириддин Муҳаммад. Трактат об арузе. Факсимиле рукописи, вступительная статья и указатели И. В. Стеблевой. — М.: Наука, 1972. - С.11.*) Бобур асарини юртимизда илк бор нашр эттирган Саидбек Ҳасанов унинг арузшуносликдаги ўрнини белгилаб, «классик поэзиямизда қўлланилиб келинган 289 вазн ва уларнинг шакллари таъриф қилиб, умумаруз илмини 248 янги, ўзи ихтиро қилган вазн билаи бойитиб, умумаруз илмига бениҳоя катта ҳисса қўшган»ини эътироф этади. (*Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. — Т.: Фан, 1981. — Б. 94.*) Бобур асарининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, аллома ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб арузни асослашга аҳамият берган ва «лафз вазни» юзасидан икки тоифа ўртасидаги баҳсни кузатиб, «алфоз вазнидин икки тоифа баҳс қилурлар. Бири сарфийлар, яна бири арузийлар» деб ёзганди. Бу билаи аруз вазнини нафаҳат адабиётшунослик нуқтаи назаридан, балки тил жиҳатидан ҳам ўрганиш натижасида поэтик нутқдаги рангин гўзалликларни инкишоф этиш мумкиилигини аниқлаганди.

Манбаларда Фурқат аруз илмига доир рисола битгани қайд этилади (*Юсунов Ш. Фурқат дастхатлари. // Адабий мерос. - 1983. 4-сон.*) ва бу «Илми ашъорнинг қоидаи авзони» номли рисола орқали ҳар бир вазнга ўзига мос тамсиллар бериб, уни имкон қадар ихчам шарҳлашга ҳаракат қилгани мутахассисларга маълум. Фурқатнинг ушбу рисоласи шундай бошланади: «Аммо билгилким аруз фани назм авзонини(нг) мезонидур, шариф фандур... шеър илмининг рутбаси бағоят буюк мартабадур... Андоқки Ҳақ субҳанаҳу таъолонинг Каломи мажидида кўп ерда назм воқе булубдур». Фурқат илми шеърнинг қоида авзонини бераркан, уни кўпгина эътиборли тамсиллар орқали баён қилиш йўлидан борган.

5. Фитратнинг «Аруз ҳақида» қўлланмасида арузнинг замонавий шакл ва усуллар орқали талқин этилиши. Фитратнинг "Аруз ҳақида"ги рисоласи нафақат аруз тарихи ва техникаси, балки, умуман, вазн назарияси ва унинг қўлланилиш тарихидан ҳам сабоқ берувчи назарий-методик қўлланма ҳисобланади. Чунки олим ўз асарида вазн масаласига бир бутунликдаги шеъринг асарнинг энг муҳим узв (аъзо)ларидан бири сифатида қараган: "Қоидага мувофиқ суратда ўлчанган ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида билан кетма-кет тизилиши десак ҳар ҳолда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаймиз». (*Фитрат. Аруз ҳақида Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. — Т.: Ўқитувчи, 1997. — Б. 16.*) Ушбу таърифни тугалроқ тушуниш мақсадида шеър назарияси соҳасидаги илк илмий рисоалардан бири Абу Наср Форобийнинг "Китоб уш-шеър" асаридаги "қоида"га мурожаат қиламиз: "Шеърнинг ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлаклари тартибининг муайян чегараси бўлади. Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидан ва тартиби билан бошқа қисмидаги тартиб ҳамоҳанг булмоғи керак". Мана шу ҳамоҳанглик Фитрат таърифидаги "шеър билан ёзилган маълум бир асарнинг вазни воҳид киёси бўлиб такрорланган нарс" гапнинг маълум бир ўлчовидир. Фитратнинг таъбирича, шеър вазни орқали маълум бир қоида (ритмик тартиб) бўйича гап ва сўз билан ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳижолар билан бўлади. Фитратнинг аруз рисоласида арузнинг вужудга келиш манбалари, тарихий ўсиши, араб, форс ва турк

арузининг хос хусусиятлари ва ўзгаришлари таҳлил қилинади. Дастлаб олим вазн тузилиши қоидаларига эътибор қаратади.

ВАЗН БЎЛАКЛАРИ. Ушбу истилоҳ Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида (Навоийгача ўтган форс "арузий"ларида ҳам) рукн деб таништирилган, Бобур рисоласида эса, "жузв"лар деб аталган ритмик бирликлар (сабаб, ватад, фосила) назарда тутилган.

Халил Ибн Аҳмад тизимида айtilган саккизта аслий рукнлар ва уларнинг қискартирилиши-ортирилишидан ҳосил бўлган 27 фаръий рукн, ҳаммаси 35 та рукн бўлади: «Бу 35 хил ҳижо тўпламини "фаулун"мафойилун" қолиблари орқали ёдда сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи, албатта, енгил эмас». Шунинг учун рисолада бармоқ вазни тизимидаги каби соддароқ йўл тутилиб, "ҳар бир рукндаги тўлиқ ва қисқа ҳижоларнинг сифати"га асосланиб, унинг ҳар байтдаги микдорий жиҳатларини ҳам ҳисобга олгани ҳолда улар ўн икки туркумга ажралган. "Байт" ва "мисраъ" истилоҳлари айнан сақлаган ҳолда ҳар бир мисрада бир ёки икки тuroқ белгиланган; улар учун ишорат қўйилган ва "ист" исми берилган. Бир мисранинг "ист" билан бўлинган парчалари "бўлим" деб аталган. Бир мисраъда такрорланган ҳижо тўдаларига "тўплам" (русча истилоҳ билан айтганда "стопа") исми берилган. Бундан ташқари, рус ва жаҳон шеършунослигидаги мавжуд чўзиқ (-) ва қисқа (у) бўғинлар учун жорий қилинган шартли белгилар ҳам аруз тарихида илк бор аруз вазни бўлакларини ифода қилишга йуналтирилган. Шу тариқа аруз қонуниятлари бизга ҳижо (бармоқ) вазнининг шакл қурилишидан таниш бўлган истилоҳлар асосида ("турoқ", "тўплам", "бўлим" каби) вазн шакллари вужудга келган. Ҳар бир "туркум" ўз шакли (схемаси) билан кўрсатилиб, шеърятимиздаги мавжуд баҳрлар ўзига хос "туркум"ларга ажратилади.

БАҲРЛАР ВА ВАЗНЛАР. Фитрат бу каби истилоҳларни айнан сақлагани ҳолда анъанавий аруз қонуниятларини тушунтиришда истифода этган. Мумтоз шеърятда мавжуд 19 баҳрни (Бобур ўз рисоласида бу баҳрлар қаторида "Яна икки баҳрким, Арид била Амиқдур, Тавил доирасидан ҳосил бўлур, ул ғайри машҳурдир, бу баҳрлар била жамъи бухур йигирма бир булғай" деб ёзган) анъанавий тартибда эмас, балки тарихийлик тамойилини сақлаган ҳолда аввал шеърятда қўлланган беш баҳрни, сўнг араб ва форс шеърятда баробар истеъмолда бўлган ўн баҳрни, ундан сўнгра эса "форс арузийлари" томонидан қушилган уч баҳрни келтиради.

Фитрат бу шакл орқали анъанавий аруз баҳрларини тарихийлик нуктаи назаридан кузатиб, улар ҳақида маълумот берган бўлишга қарамай, унинг "ўз йўли" бу баҳрлар орқали кечмайди. Бу 19 баҳр асосида "олтилик, саккизлик, тўққизлик, ўнбирлик.. йигирмаликдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айтганда 12 баҳр) чиқади. Бу ўн икки баҳрнинг ҳар биридан қисқа, тўлиқ ҳижоларнинг жой ўзгаришлари билан айрим, айрим вазнлар йиғилгани кўринди. Мана шу тариқа 80 га яқин вазн тартибга олинди".

ТАҚТИЪ ҚОИДАЛАРИ. Аруз илмида мисраларни алоҳида ритмик бўлакларга ажратиб, уларни ўлчаш одат қилинган бўлиб, бу усул тақтиъ (кесиш) деб юритилган. Бобур рисоласида ёзгандек: «Тақтиъ арузийлар истилоҳида байтнинг таҳлилидур, ул навъким байттин бир микдор вазнда баробар бўлғай, ул баҳрнинг афойилу тафойийли билаким, бу байт ул баҳрдадур». Шу билан бирга муаллиф ўз рисоласида туркий алфоз (сўзлар)нинг айрим товуш жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтган. Бироқ Фитрат бу каби араб ёзувида акс этиши қийин бўлган барча ҳодисотларни шакллarga кўчиради ва замонавий шеършуносликда белгиланган белги ва шакллардан фойдаланади. Шу усул билан "араб, эрон тилларидаги ҳижо қурилишини текшириб", уларнинг олти турини аниқлаган.

Фитрат, аввало, "фаулунчилик зиҳофотчилик каби чатоқ схоластик қоидалардан қутулмоқ" мақсадида аруз вазнини "чирманда усули"га кўчириш тажрибасини қўллаган, бу усул "аруз тарихида биринчи тажрибадир. Камчиликлари бўлиши мумкин. Масаланинг муҳим жиҳати шуки, эски схоластик ва чатоқ қоидалар билан арузни ўрганиш қийин. Ёш шоирларимизни аруз билан яхшилаб таништирамоқ учун махсус схоластик қоидалар рамкасида арузни чиқариш лозим. Менинг "чирманда усули"ни олишдан мақсадим шу. Шу мақсадни адо қилиш учун бундаги «чирманда усули»дан бошқачарoқ ва қулайроқ бир

йўл топилиб қолса, албатта, хурсандчилик билан қабул қиламан". Олимнинг қайта-қайта таъкидлашича, мақсад араб ёки форс арузи назарияси билан тушунтириш эмас, балки ўзбек арузи ва унинг амалда қўлланишидир.

Аруз илми Фитратга қадар мавжуд бўлганидек, унинг қатлидан сўнг ҳам бу соҳа давом эттирилди. Айниқса, 60- 70-йиллар адабиётшунослигида форс-тожик арузини ўрганиш билан бир қаторда, туркий тиллардаги арузнинг табиатига дохил бир неча илмий тадқиқотлар яратилди. (Ҳамраев М. *Очерки теории тюркского стиха*. — Алма-ата: 1969; Джафар А *Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз*. — Баку: Маариф, 1977; Усманов Х. К. *Древние истоки тюркского стиха*. — Казань: 1984) Ўзбек олимларининг бу соҳадаги изланишларининг самараси сифатида А. Рустамов, У. Туйчиев, А. Ҳожиаҳмедов ва бошқа олимларнинг рисола ва қўлланмалари (Рустамов А *Аруз ҳақида суҳбатлар*. — Т.: 1972; Тўйчиев У. *Ўзбек поэзиясида аруз системаси*. — Т.: Фан, 1985; Ҳожиаҳмедов А. *Мактабда аруз вазнини ўрганиш*. — Т.: Ўқитувчи, 1995; Ҳожиаҳмедов А. *Ўзбек арузи лугати*. - Т.: Шарқ НМК 1998; Олимов М. *Рисолаи аруз*. - Т.: Ёзувчи, 2002.) чоп қилинди. Кейинги амалий қўлланмалар воситасида ўзбек арузи методикаси ҳам шаклланиш даврига кирмоқда.

17-мавзу: Мумтоз адабиётда адабий турлар ва шеър навълари - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Мумтоз шеър араб ва ажам алломалари талқинида.
2. Шайх Аҳмад Тарозий ва Алишер Навоий талқинида адабий тур ва жанрлар.
3. Тур ва жанрлар назариясининг кейинги такомилли.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент, 2006, 2008.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, 1999.
3. Рустамов А. Қофия нима? Тошкент, 1976

1.Мумтоз шеър араб ва ажам алломалари талқинида. Мумтоз адабиётда адабий тур тушунчаси ўзига хос ифода шаклларига эга. У кўпроқ адабий тур нуқтаи назаридан эмас, балки жанрларга муносабат ҳамда ифода шакллари нуқтаи назаридан ривож топган. Арасту ҳақимнинг мимесис назарияси асосига қурилган адабий турлар ҳақидаги таълимоти Форобий орқали Шарқ адабиётига кириб келган бўлса ҳам, мусулмон шарқда, асосан, адабий турлар таснифи жиҳатидан эмас, ифода шакллари йўлидан борилган. Фитратнинг юқорида келтирилган «Шеър ва шоирлиқ» мақоласидаги "Турклар мусулмонликдан бурун ҳам буюк маданий донғли бир кун кечирганлар". Мана бу сўзни қабул қилдикми, "Туркларнинг мусулмонликдан бурун ҳам шеърлари, шоирлари, адабиётлари бор эди" демакдан ўз бошимизни қутқара олмаймиз» (*Фитрат. Шеър ва шоирлиқ. // Иштирокиюн. — 1919. — 24 октябрь.*)-деган сўзлари нафақат бадиий адабиёт тараққиётига, балки адабий-назарий тафаккур тадрижига ҳам тааллуқлидир. Демак, мумтоз адабиётни адабий тур ва жанрлар нуқтаи назаридан ўрганганда исломдан бурунги давр адабий ёдгорликларининг жанр хусусиятларини ҳам унутмаслик керакки, бу йўналишда биз учун муҳим манба Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридир. «Мен бу китобни ҳикматлар, сажъ, мақол, кўшиқ, ражас ва наср деб аталган нарсалар билан безадим» деб ёзганида буюк аллома девондаги адабий парчаларнинг жанр хусусиятларини ҳам назарда тутган бўлиши керак. Айни мана шу сўзлардан келиб чикдан проф. Р. Орзибеков «Туркий адабиётлардаги тур ва жанрлар генеологиясини ўрганишга доир икки муҳим манба»нинг дастлабки сифатида Махмуд Кошғарий асарини кўради. «Девону луғатит турк»даги этуқ откунч, сав каби насрий ва қушуғ, кўнуг, йир сингари шеърый жанрларнинг илк изоҳини ҳам мана шу манба орқали тушунтиради. (*Орзибеков Р.*

Адабий меросимиз сеҳри. — Самарқанд: 2006. — Б. 4.) Самарқандлик бошқа бир олим А.Абдурахмонов «Туркий адабиётнинг қадимги даври» қўлланмасида юқоридагилардан ташқари қадимги туркий адабиётда мавжуд бўлган билиг, утлук, табзуг, сандруч, йиғи-йўқлов, тўртлик, туйук, олқиш, қарғаш, кўг, ирк битиги, тангрикла каби жанрларга маълумот бериш баробарида уларнинг намуналарини исломгача бўлган адабий манбалардан келтиради. (Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. - T.: Yangi asr avlodi, 2005. - B. 324-354.) Таассуфки, қадимги туркий адабиётнинг жанрлар олами ҳақида тасаввур берувчи бирламчи назарий манбалар яхлит ҳолда мавжуд бўлмагани учун ҳам биз ушбу қўлланмада улардан намуналар бера олмадик. Бироқ Фитрат домланинг юқорида тилга олинган мақоласида «Адабиётимизнинг иккинчи бўлими мусулмонликдан бошланадир. Адабиётимизнинг бу бўлими учун керак бўлган негизлар ва тамалларни бизга Эрон орқали араблар юборганлар» деган фикрларига асосланиб (*Фитрат. Шеър ва шоирлик. // Мулоқот. —1996.4 -сон. - Б. 36.*), араб ва форс манбаларидаги адабий тур ва жанрларга оид фикрларни келтиришни ўз вазифамиз деб билдик. Бу ўринда кўхна юнон адабиёти хусусиятларини араб тилида англатган Абу Наср Форобийнинг «Китоб уш-шеър» рисоласидаги ушбу фикрларни келтириш билан чекланамиз: «Улар (юнон адабиётидаги жанрлар — Х.,Б.) куйидагилардир: (трагўзиё) трагедия, (дисирамби) дифирамби, (кумузия) комедия, ёмб (ёмбу), драма (дамото), эйнӣ, диаграмма (диаграмма), сатира (сатуро), поэма, эпос, риторика (риторий), эфифоносоус ва акустика». (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Арабчадан таржима. Изоҳ ва мукаддималар муаллифи А. Ирисов. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 123.*)

Исломий адабий манбаларда адабий тур ва жанрлар таснифига оид қарашлар наср ва назмни ифода шакли сифатида фарқлашдан, уларнинг хос хусусиятларини аниқлаб, насрий ва шеърий асарлар таҳлилида мана шуларга амал қилишни тавсия қилишдан бошланади. Бу жиҳатда машҳур араб олими Қудаман ибн Жаъфарнинг «Накд уш-шеър» ва «Накд ун-наسر» асарлари эътиборлидир. Минг йиллар оша бизнинг давримизгача тўлиқ етиб келган икки асар ҳам Фарб олимларининг эътиборида бўлган. «Китоб ул-баён» ҳам деб аталган «Накд ун-наسر»да муаллиф нафақат поэтика мавзулари, балки насрдаги адабий масалалар: тил, баён, иншо, ёзувчиликка ва илми бадиъга ҳамда нутқ маданиятига алоқадор барча масалалар ҳақида фикр юритган. Оврупада «Риторика» номи билан машҳур бўлган «Навд ун-наسر» асарини факсимиле тарзида нашр этган ва рус тилига таржима қилган олим И.Ю.Крачковский бу асар муаллифини юнон манбаларига мунозарали қараган, уларга қарши ўлароқ араб тили хусусиятларидан келиб чиқиб араб поэтикасига асос солган ва унга асосий шакл берган олим сифатида қадрлайди. (*Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т.2. — М.-Л.: ИАН, 1956. — С. 373-374.*)

Араб тилида «наسر» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларини излаганда дастлаб Қуръони каримдаги «Ан-наسر» сураси ёдга келади: «Қачонки Аллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса...» ояти каримасидаги бу сўз «ёрдам, иноят» (1) маъноларида қўлланилган. Бундан ташқари «наسر» сўзининг «ғалаба келтириш» (2), «ҳимояланиш» (3) каби маънолари ҳам қайд этилган. (*Баранов Х.К Арабско-русский словарь. —М.: 1985. — С. 806.*) «Ғиёс ул-луғот»да бу сўзнинг «ёрдам берувчилар жамъи» (4) маъноси ҳам келтирилади. (*Ғиёс ул-луғот. Жилди дуввум. —Душанбе: Адиб,1988. — Саҳ. 344.*) Илк ислом даври алломаларидан Абдул Ҳамид Котиб «наسر»ни «хитобалар мажмуаси» (5) тарзида талқин этса, Абу Бакр Хоразмий «Қуръони карим шарҳларининг йи-гиндиси» (6), яъни тафсир маъносида қўллаган. Бадиуззамон Ҳамадонийнинг «Мақома»ларида мусовий анъаналар билан исломий ақидалар ўртасидаги баҳсу мунозаралар ҳам «наسر» (7) истилоҳи билан англатилган. (*М.Fuad Koprulu. Turk Edebiyati Tarihi. -Istanbul: Oteken, 1980. - S. 108-109.*) Бироқ юқоридаги маъноларнинг ҳеч бири адабий истилоҳ сифатида қабул қилинган «наسر»га тўла мос келмайди. Чунки адабий истилоҳ сифатида бизга таниш бўлган «наسر»нинг араб тили луғатларининг сўнгги нашридаги маъноси «сочилмоқ,

тарқалмоқ» сўзига тўғри келади. (Ан-Найм. *Арабча-ўзбеча лугат.* –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. –Б.806.)

2. Шайх Аҳмад Тарозий ва Алишер Навоий талқинида адабий тур ва жанрлар.

Алишер Навоий асарларида бўлса, бу сўзлар нафақат адабий истилоҳ маъносида қўлланилган, балки уларнинг маъно ва ифодавий мазмунлари ҳам англашилган. Ҳазрат Навоийнинг «наср қора ерга сочилмоқлиғи» мисрасида «наср» сўзининг адабий истилоҳ сифатидаги маъноси ҳам «сочмоқ»дан олинганига ишора бор. Дарҳақиқат, айтилган сўз араб тили луғатларида юқоридаги маънолардан (улар «сод» ва «син» билан ёзилган эди) фаркланиб, (биз кутган маънодаги наср «се» билан ёзилади), «сочилган» маъносини англатади. Демак, адабий истилоҳ сифатидаги маъно сўзнинг луғавий маъносига мос келиши Навоий томонидан эслатилгани учун ҳам 20-йиллар адабиётшунослигида Фитрат ва Абдурахмон Саъдий арабча «наср» ёки оврўпача (русча ҳам) проза (лотин тилида «фақат олға юривчи, ортга қайтмайдиган» (*Введение в литературоведение. Под ред. Г.Н.Поспелова.* –М.: Высшая школа, 1988. –с.353.) ўрнига «сочим» , «сочма» адабий истилоҳини қўллагани Ҳазрат Навоийнинг талқинини давом эттирганидан даракдир.

Навоий ҳазратлари насрнинг хос хусусиятларини шарҳлаш орқали айтилмоқчи бўлган фикрнинг янги, инжа қирраларини очиб беришни ҳам лозим билади:

Наср андаги, анжом ила оғоз эрди,
Ҳар лафзи анинг мойи эъжоз эрди.

Агар (ёзганинг) чин моҳият , яъни оқибат натижани ифода қилса, ўшанда наср тугал бўлади. Бундай зоҳирий маънодан ташқари «анжоз ила оғоз» жиҳати, яъни «нужум била бошламоқ»ни ҳам назарда тутадиган бўлсак, Навоийнинг насрий асарларга бўлган талаби назмниқидан кам эмас, балки ундан зиёдалигини уқиш мумкин. «Лайли ваМажнун»да шундай қиёсий таъриф мавжуд:

Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дилошуб.

Навоий агар назминг (шеърларинг) насрдек яхши тушунарли бўлса, насринг ҳам назмдек дилдан, эҳтиросли қабул этилса, деб адабий ният қилган эдики, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг насрий ва услубий тажрибаси бу ниятга эришганлигини тасдиқлайди.

Наср ва назм баҳсида Навоийнинг назмга устувор хослик тилаганини ҳам унутиб бўлмайди. Албатта, бу «назмнинг ҳар синфини рақам қилган» улуғ санъаткор учун насрнинг мураккаб ифода усуллари оғир келганини кўрсатмайди, балки турк лафзи оғир ва залворли эди, уни назмга солганлар ҳам мана шу оғирликни дилдан туйган ва унга муносиб шакл ва вазнлар топа билгани мумтоз адабиётга ошно бўлганлар учун тушунарли ҳол.

3.Тур ва жанрлар назариясининг кейинги такомил. 20-йиллар адабиётшунослиги биргина Фитратнинг «сочим, тизим» истилоҳлари билан чекланиб қолмаган, моҳиятга муносиб туркча истилоҳни излашда давом этган. Хусусан, А.Саъдий ишларида эса «юракчилик ва кучирик» атамаларини тавсия этганини унутмаслик керак. (Саъдий А. *Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари.* — Т.: Ўрта Осиё Давлат нашриёти, 1924.- Б. 168-171.) Бироқ олим тавсия этган юқоридаги истилоҳлар, бизнингча, «назм, наср» ўрнига эмас, «лирика ва эпос» сингари адабий турларга нисбатан қўлланилганда мақсадга яқинроқ келинган бўлар эди. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, шу кун адабиётшунослигида ҳам баъзан «лирика ва эпос» ўрнига «назм ва наср» атамаларини қўллаш ҳоллари ҳам учрамоқдаки, бундай қўлланиш назарий жиҳатдан жиддий хатога йўлиқиш билан баробардир. Чунки адабий тажрибанинг кўрсатишича, «лирика» ҳар доим ҳам «назм» билан, «эпос» эса ҳар доим ҳам «наср» билан ифодаланмаган. Насрий йўлда ифодаланиши мумкин бўлган лирик турдаги асарлар (масалан, мансуралар) ва шеърый йўл

билан баён қилинган эпик асарлар (шеърӣй роман ёки қисса)нинг ҳам мавжудлиги бундай қўлланиш фақат назарӣй жиҳатдан ҳам хато эканлигини англатиб турибди.

«Наср ва назм» истилоҳларини оврўпача «проза ва поэзия»нинг ҳам айни маъно жиҳатдан муқобили сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки «адабиёт-литература» тушунчалари ўртасига ҳар доим тенглик аломатини қўйиб бўлмаганлиги адабиётшуносларга аён. Оврўпа назарӣётчилари адабиётни «литература - ёзмок» сўзи билан боғлаб англатадилар. Шарқда, айниқса, мусулмон Шарқда эса «Адабиёт – одоби куллиёт» сифатида шарҳлангани учун ҳам кўпроқ назарӣй манбаларда «адаба» яъни ҳикматлар йиғиндиси сифатида талқин қилинган. Ушбу талқиндан келиб чиқиб, илк наср намуналари сифатида муқаддас китоблардаги ривоятлар, тошбитиклардаги лавҳа ва ёзувлар, исломӣй адабиётдаги хитоба, мақомот ва манқабалар, тарихӣй йилнома, ва умуман, насрий номалар мисол сифатида келтирилади.

Мумтоз адабиётшуносликнинг нодир намунаси саналган Шайх Аҳмад Тарозӣйнинг «Фунун ул-балоға» асарида «наср ва назм» истилоҳларини фарқлаб, уларга адабий навълар унвони берилади. Наср адабий навъ (тур) сифатида талқин этилар экан, табиӣйки, унга мансуб жанрлар хусусида фикр юритганда, хитоба, ваъз, тафсир, манқаб, мақомот, никра, мунозара, масал, адаба каби насрий жанрлар шу давр алломалари томонидан келтирилгани, манбаларда қайд этилганини эслаш лозим. (*Бу ҳақда қаранг: Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. –Т.: Адолат, 2004.-Б.22-23.*)

Араб адабиётшунослари шеърни «каломи мавзуну муқаффа» (вазн ва қофияли гап) тушунтирганлари ҳолда шеър насрдан вазн ва қофияси билан фарқ қилинишини назарда тутганлар. Айни шу таърифдан келиб чиқиб, шеърӣй жанрлар масаласига муносабат билдирилган, яъни жанрни ҳосил қилувчи омиллар сифатида ҳам вазн ва қофия юзага чиққан. Шунинг учун ҳам араб ва унинг таъсиридаги форс адабиётшунослиги адабий тур ва жанрлар масаласига алоҳида илм тури сифатида ёндошмаган. Шеърдаги жанрий ўзгаришлар асосида вазн ётгани учун аруз вазнидаги шеър шакллари илми аруз таркибида, қофия таркибида вужудга келиши мумкин бўлган жанрий ўзгаришлар илми қофия таркибида ўрганилган. Бу нисбатга бўлган асосли муносабатни Кўтайба ибн Жаъфарнинг «Нақд уш-шеър» асарида кузатамиз. Муаллиф шеър танқиди билан боғлиқ барча жиҳатлар ҳақида гапирганда, вазн, қофия, бадий санъатлар, нутқ гўзалликлари баробарида шеърӣй шакллар масаласига ҳам тўхталади. (*Кудам, ибн Жаъфар. Китоб нақд уш-шеър. Ал-табъи аввали. Қистантания, 1303 (араб тилида)* Ундан кейинги араб олимлари Ал-Жоҳиз (уккиқўз) номи билан машҳур бўлган, басралик, асл исми Абу Усмон Амр ибн Баҳр (780-869) ҳамда андалусиялик Ибн Халдун асарларида ҳам шеърӣй шакллар мана шу тартибда ўрганилган. (*Бу ҳақда қаранг: И.Ю.Красковский. Арабская поэтика IX века./ избранные сочинения.Т.2. –М.Л.:ИАН, 1956. –С.361-372*) Бироқ турк адабиётшунослигининг мумтоз намунаси саналган Шайх Аҳмад Тарозӣй асарида адабий тур ва жанрлар масаласига аруз, қофия, санъатлар ва муаммо илмидан аввал тўхтанилгани ҳолда ўзининг Шарқ мумтоз поэтикаси назариясига доир асарини шеърӣй шакллар таснифи билан бошлаган. «Фунун ул-балоға»да «Ақсом уш-шеър» (Шеър тақсими) рукни остида қуйидаги 10 та шеър навъи тасниф қилинган: қасида, ғазал, китъа, рубоӣй, маснавий, таржиъ, мусаммат, мустазод, мўтавалл ва фард. (*Шайх аҳмад Тарозӣй. Фунун ул-балоға.-Тю: Хазина, 1996. –Б.4.*) Олим ушбу тасниф билан чекланмасдан ҳар бир шеърӣй жанрнинг моҳияти, ўзгариши, тамсиллари ва бошқа жиҳатларини жиддий таҳлилдан ўтказган.

Алишер Навоӣй ҳам адабий турлар масаласига ифода шакллари нуқтаи назаридан қараган ва буни адабий навълар деб атагани ҳолда шеърӣй жанрларни синф истилоҳи билан берган: *назмнинг ҳар синфини қилдим рақам*. Шеърӣй шаклларнинг жанрий хусусиятлари Навоӣй талқинларида уларнинг арузий хусусиятлари билан боғлаб тушунтирилган. Шунинг учун ҳам биз қуйида улуғ шоир ва алломанинг адабий тур ва жанрларга оид қарашлари тарзида «Хамса» таркибидаги айрим фикрлари ва «Мезон ул-авзон»дан келтирилган мулоҳазаларидан намуналар бериш билан чекландик.

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз лирика жанрлари буйича жиддий машғул бўлган олим Р.Орзибеков тадқиқотларида лирик жанрлар таснифи уч йуналишда амалга оширилган: 1) мазмун жиҳатидан лириканинг жанрлари; 2) шакл жиҳатидан ва 3) мисралар сони ва банд тузилишига кўра. Дастлабки жиҳатга ҳасби ҳол, марсия, чистон, қасида, муаммо, васф, ёр-ёр, бағишлов, дебоcha, назира, фахрия ва васият шеърлари киритилгани ҳолда шакл жиҳатидан лириканинг жанрлари сифатида мустазод, мувашшах, мушоара, ширу шакар, қитъа, ғазал, туюқ, рубоий, маснавий, фард, таркиббанд ва таржибанд келтирилади. Ниҳоят, мисралар сони ва банд тузилишига кўра эса мусамматлар ва уларнинг шакллари назарда тутилади. Олим ушбу таснифни дастлабки тадқиқотларида амалга оширган бўлса ҳам сўнгги монографиясида ҳам яна мана шу тасниф асосида иш кўради. (*Orzibekov R. O'zbek lirik she'riyati janrlari. -T.: Fan. 2006. - B. 9-10.*) Бизнингча, ушбу таснифдаги биринчи ва иккинчи жиҳатлар ўзларини моҳиятан тўла оқламайди. Чунки олим мазмунни асос қилиб олган жанрлар шакл жиҳатдан ҳам маълум хусусиятларга эга ва шакл асносига қурилган деб аталган қитъа, ғазал, рубоий, маснавий, фард ва бошқалар қофия ва бандлар миқдорини (учинчи тасниф) ҳам ўзида акс эттирганлар. Маълумки, мумтоз поэтикада бандшунослик (Ғарб истилоҳи билан айтганда строфика) алоҳида илм сифатида қаралмаган. Улар, кўпинча, қофия илми таркибида баён қилинган. Шундай экан, бизнингча, шеърини жанрларни моҳиятан кескин фарқ қилмайдиган бундай жиҳатлар буйича қайта тасниф қилиш ўрнига уларга асос бўлган арузий ва қофия омилларини ўрганиш мақсадга яқинроқ натижа бериши мумкин. Бу ҳолатни мажмуада келтирилган намуналар ҳам, араб поэтикаси тарихига бағишланган фундаментал тадқиқотлар ҳам тасдиқлаши мумкин. (*Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). - М Наука, 1983.*) Бу жиҳатдан шеърини жанрлар ҳақида махсус рисоалар битмаган бўлса-да, турк илми ривожини учун Алишер Навоий ва Ғузулий қарашлари эътиборли. Улар шоирларнинг айрим мумтоз жанрлар ҳақидаги қарашларини бериш баробарида шеърини жанрлар нафақат алломалар томонидан, балки бевосита бадиий ижод билан шуғулланган шоирлар томонидан ҳам уларнинг хос ва инжа жиҳатлари ўринли қайд этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда XX аср бошларида Оврупа типидagi адабиёт назарияларини шакллантириш борасида Шарқ поэтика мактабига қайта-қайта мурожаат қилиб, ундаги омил ва жозиб сифатларни ўрганган олим Фитратнинг шеърини жанрлар шарҳига бағишланган қарашларини ҳам келтиришни лозим топдик. Зеро, «Адабиёт қоидалари» мумтоз поэтика билан замонавий адабиёт назариясини туташтирувчи ўзига хос кўприк вазифасини ўтагани учун ҳам бундай беназир воситага таянган ҳолда ўтмиш шеърини назар ташлаш ҳам мумкин эканини олимнинг назарий қарашлари асослайди. Шу билан бирга Фитрат домла «Форс шоири Умар Хайём» асарида нафақат улуғ риёзиёт олимини дунёга шоир сифатида танитган рубоий жанри ҳақида, балки салжуклилар сарой адабиётида урф бўлган қатор шеърини жанрлар ҳақида ҳам маълумот берганки, улардан ҳам баҳраманд бўлишни ўқувчиларимизга лозим топдик.

Табиийки, барча илмлар каби адабиёт илми ҳам доимо тараққиётда, ҳар бир янги ёзилган гениал ва оригинал асар унинг жанрий жиҳатларини янгилаши мумкин. Шундай экан, юкорида тавсия этилган қарашлар мумтоз шеърини намуналарини ўрганишда шу кун китобхонларига дастуруламал бўлгани ҳолда адабий тур ва жанрлар борасидаги мумтоз адабиётдаги қарашлар келтириладиган манбалардаги қарашлар фақат шулардангина иборат деб билмаслик керак Зеро, биз кўрмаган ва кўрсак-да, ушбу мажмуага киритилиш имкониятини топмаган ҳам қанчадан-қанча илмий рисоалар борлигини унутмаслик лозим.

18-мавзу: Мумтоз адабиётшуносликда қофия илми. - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Араб ва форс тилли адабиётшуносликда қофия илми.

2. Туркий адабиётшуносликда қофия илми
3. *Ҳарора* (қофиясиз) шеърлар. Қофия устуни. Ҳарфи равий, ридф в.б. талқини. Насрдаги қофия (сажъ). Навоий ва Бобур мумтоз қофия ҳақида.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент, 2006, 2008.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, 1999.
3. Рустамов А. Қофия нима? Тошкент, 1976.

1. Араб ва форс тилли адабиётшуносликда қофия илми. Шеърият қанчалар қадимий бўлса, қофия ва у ҳақидаги қарашлар ҳам у қадар қадимийроқдир. Турк шеърининг илк даври билан шуғулланган олимлар унинг қофия жиҳатларини вазн ва бадиий санъатларга нисбатан ҳам аввалроқ пайқаганлар, у ҳақида муайян илмий қарашлар баён қилинган. (*Стеблева И. В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. / Тюркологический сборник — М.: 1966. — С. 246-254.*) Араб олимлари эса жоҳилий давридаёқ шеърнинг қофия томонини англаувчи айрим фикрларни баён қилганлар. Исломи даврида эса Ибн Қўтайба (828-889)нинг «Шеър ва шуаро» (*Оганесян Д. А. «Книга поэзии и поэтов» Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической арабской поэзии. АКД. — М.: 1980.*), Қудам ибн Жаъфарнинг «Навд уш-шеър», Асмаийнинг «Китоби фухулат уш-шуаро», Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарларида ҳам қофия назариясига доир фикрлар борлиги мутахассислар томонидан тан олинган. (*Бациева С. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима». - М.: 1965.*) Қудам ибн Жаъфарнинг юқорида эслатилган асарида шеърият таҳлили беш жиҳат орқали амалга оширилиши лозимлиги уқтирилган: улар вазн, қофия, луғат таркиби, сюжет (тартиб) ва танқид. «Навд уш-шеър», асосан, танқидга бағишлангани учун ҳам аввалги тўрт жиҳат бошқа муаллифлар томонидан амалга оширилган ишларда акс этган. Шунга қарамай, Қудам ибн Жаъфар шеъриятнинг барча олимлар томонидан барабар қабул қилинган тўрт унсурини фарқлайди. Булар: товуш, сюжет, вазн ва қофия. Олимнинг фикрича, бу таркибий унсурларнинг турли хил амалиётлар асосидаги қўшилувидан шеър ҳосил бўлади. Товуш, асосан, вазн ва қофия билан ўлчанади. Қофия эса мазмун билан мутлақ боғланган унсур ҳи- собланади. (*Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX в. / Избранные произведения. Т.2. - М.-Л: 1956. - С. 360-372.*) Шунинг учун уни мазмундан ажратиб ўрганиб ёки таҳлилга тортиб бўлмайди. Шу жиҳатдан қадимги юнон ва ҳинд шеър тизимини ўрганган буюк алломалар Абу Наср Форобий ва Беруний ишларида ҳам қофия билан боғлиқ фикрлар бор.

Ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Хоразмий қофияга «шеърдаги мисранинг охириги сўзи» деб тушунтириш бериш билан чекланмай байт ичидаги қофия (ички қофия)га алоҳида аҳамият кўрсатган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг қофия ҳақидаги қарашларини тадқиқ этган олима М. Зиёвуддинова, «бунда содир бўлиши мумкин бўлган уч вариантни, яъни фақат битта байт доирасида иккита мисра қофияланиши (1); бир неча байт доирасида мисранинг охирлари қофияланиши (2) ва битта байт доирасида нафақат иккита мисранинг охири қофияланиши, балки қофияланаётган сўзлар гоҳида қофияланмайдиган сўзлар билан (кетма-кет) галма-галдан такрорланиб келиши»ни (3) фарқлайди. Шунингдек, олиманинг фикрича, гоҳида иккала мисрада ички қофия келиши мумкин. (*Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида поэтика. - Т.: 2001. — Б. 35.*)

Хоразмий ички қофиянинг тасриъ (биринчи мисрадаги ички қофия), тарсиъ (тулик бўлмаган ички қофия), тасмит (тўлиқ такрорланувчи ички қофия) каби турларига изоҳ беради. М. Зиёвуддинованинг ёзишича, Хоразмий бу жиҳатдан араб олими Қудам ибн Жаъфарнинг қарашларига асосланган. Шеърий нуқсонлар ҳақида гапираркан, бунга сабаб бўлган тўрт қофия айблари (икво, ийто, синад ва икфо) содир бўлиши мумкинлигини ҳам англади. Икво ҳақида Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум», Даманхурийнинг «Ал-

хошия ул-кабири али матнул-кофий фи илм ул-аруз вал қавофий» ва Қиноийнинг «Мезон уз-заҳаб фи синоат шеър ул-араб» асарларида, ийто ва синад Қудамма ибн Жаъфар асарида, икфо эса Юнус ибн Ҳабиб, Абу Амр ибн Ала (VIII аср), Муфаддал ва Мубаррад (IX аср) асарларида учраши олимлар томонидан тилга олинади. (Freitag A. *Darstellung der Arabischen Verkunst*. - Bonn, 1830.) Кейинги давр араб олимларининг ишларида мумтоз қофия илмига тегишли қарашлар давом эттирилган.

Форс тилида бевосита қофия илми хусусида яратилган ишлардан Шамсиддин Қайс Розий, Абдурахмон Жомий ва Воҳид Табризий (Воҳид Табризи. *Джамъи мухтасар. Критический текст, пер. и примеч. А.Е.Бертельса*. - М.: Наука, 1959.)нинг рисолаларини ҳамда Носириддин Тусий (1201-1272) (*Носир ад-Дин Туси. Миъяр ал-ашъор*. - Техрон, 1325.), Шамси Фахрий Исфажоний, Юсуф Азизий ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг поэтика илмига доир асарларида бу фан сирлари баён қилинган. Бу ҳақда Б. Сирус, А. Азар, В. Котетишвили ва Р. Мусулмонқулов (*Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии; А. Азер. Рифма персидского стиха / Проблемы восточного стихосложения*. - М.: Наука, 1973; *Котетишвили В. В. Структура персидской классической рифмы. АДД. — Тбилиси, 1975; Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв.* - М.: Наука, 1989. - С. 95-116.) каби олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Низомий Арузий Самарқандий аруз ва қофияга доир мақбул рисолалар сифатида Абулҳасан Али Сараҳсий Баҳромий (в. 1106)нинг «Ғоят ул-арузайн» ва «Канз ул-қофия» («Қхофия ҳазинаси») рисолаларини келтирадики (*Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар*. - Т.: 1986. - Б. 21.), қофия ҳақидаги иккинчи асари кейинчалик Шамсиддин Қайс Розий «Ал- Мўъжам...» китобининг яратилишига ўз таъсирини кўрсатган. Муаллиф «Ал-Мўъжам...» асарининг иккинчи қисмини қофия илмига бағишлар экан, уни қуйидаги беш бобда кўрсатади:

«Аввалги боб: шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқати ва имкониятлари хусусида.

Икинчи боб: қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг асоси ҳақида.

Учинчи боб: қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг номланиши ҳақида.

Тўртинчи боб: қофия ҳудуди ва синфлари хусусида.

Бешинчи боб: манзум каломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъқул сифатлар ҳақида» (*Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам фи маъойири ашъору-л-ажам*. - Душанбе: Адиб, 1991. - Саҳ. 161.)

Олим шеър ва қофия маъноларининг зикрида шеърга шундай таъриф беради: «Билгилки, шеър асли луғатда «билим»дир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураттаби (тартибга солинган) маъновийи мавзун (ваззли), мутақаррир (такрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охириги ҳарфлари бир-бирига монанд келувчи суҳандир». Шеърнинг бу умумий таърифидан қофияга тегишли маънони ажратади ва уни шундай таъриф қилади: «Ва қофия, билгилки, байт охиридаги сўзлар бўлиб, мазкур сўзлар сураатда ва маънода байт охиридаги сўзлар билан такрор бўлмасин. Агар такрор бўлса, уни радиф ўқийдилар ва қофия ундан аввал келгай...» (*Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам фи маъойири ашъору-л-ажам*. - Саҳ 165.)

Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи қофия» асари 1465 йилда Шамсиддин Қайс Розийнинг «Ал-Мўъжам...» асарига асосланиб ёзилган. Асар Муқаддима ва Хотимадан ташқари «Ҳуруфи қофия» (1), «Ҳаракоти қофия» (2), «Мутародифу мутавотир ва мутадорику мурақориб ва мутаковис» (3), «Муқаййади мутлаку мужаррад» (4), «Уйуби қофия (иктову икфо ва синоду йито)» (5) каби қисмлардан иборат. Жомий ёзади: «Билгилки, қофия аҷам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви бўлсин. Баъзилар жумланинг охирини қофия дерлар, баъзилар эса равий ҳарфини қофия деб атарлар». (*Абдурахмони Чомий. Осор. Чилди ҳаштум*. - Душанбе: Адиб, 1990. - Саҳ, 141-142.) Сўнгра радифга таъриф беради: «Радиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин». Жомий қофия

харфлари хусусида тўхталаркан, уларни бир байтга тизади, бу эса ёдда сақлашни енгиллаштиради:

Равиву ридфу дигар қайду баъд аз он таъсис
Дахилу васлу хуружу мазиду ноира дон
(Мазмуни:
Равийу ридфу яна қайд сўнгра таъсис
Дахилу васлу хуружу мазиду ноирадир бил).

Жомийдан сўнг ушбу йўналишда форс тилида Нуриддин Аҳмад ибн Аблужалилнинг «Қофия», Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг «Рисолаи дар қаво- йиди илми қавофи» («Қофия илми қоидалари ҳақида рисола») каби илмий асарлари тартиб берилган.

2. Туркий адабиётшуносликда қофия илми. Турк дунёсида Шайх Аҳмад Тарозийнинг назарий қарашлари барча араб ва форс олимларининг қофия ҳақидаги фикрларининг мужассамидир: «Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли таъба қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки, таъбнинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тариқа шеър булурким, они харора дерлар, анда қофия бўлмас. Ва зурафо байтни хаймага нисбат қилибтурлар ва қофияни стунга. Яъни стун бирла барпойдур». (*Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балога. — Т.: Ҳазина, 1996.*) Бунда аллома шеърнинг асл моҳиятини белгилловчи унсур сифатида қофияни қайд этади ва байт - уй, яъни деворлардан иборат бўлса, қофия унинг устунидир деган қатъий қарашни ифода қилади. Қофиянинг араб мумтоз адабиётшунослиги белгиллаган беш тури мутавотир, мутародиф, мутарокиб, мутадорик, мутаковисни келтиради. «Ва аҷам фузалосининг машҳури яна уч қисм зиёда қилибтурлар» иловаси билан мутасови, мутарожиҳ, мутазойид кабиларни илова қилади. (*Ўша манба.*) Ҳар бирига назарий талқин ва амалий мисоллар беради.

XX аср бошларида илк назарий қарашлар шаклланиши даврида Фитрат ва Абдурахмон Саъдий ишларида қофияга шеър тузилишининг муҳим узви сифатида қаралгани маълум. «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»да арабча қофия истилоҳи ўрнига А. Саъдий битим атамасини тавсия қиларкан, унга қуйидагича англатма берган: «Тизмаларнинг муҳим шарти битимдир. Мисраларнинг сўнгларида бир турли ёки бир- бирига яқин бўлган овозли ҳижоларнинг келтирилиши битим бўладир». (*Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. — Т.: 1923. — Б. 123.*) Бу таърифда қофия ҳақидаги Шарқда машҳур қарашлар билан бирга айрим Фарб олимларининг фикрлари (яъни овозли ҳижо — ударные слоги) ҳам унинг қатига сингдирилган. Олим ўз қўлланмасида қофияга «Битимларда оҳанг» номли илова бериб, бунда қофия тизимида оҳангнинг бузилиши билан боғлиқ нуқсонлар, мумтоз қофия наза- рияси исми билан айтганда, қофия айбларига тўхталади ҳамда бу жиҳатдан Ғулом Зафарий, Элбек шеърларидаги нуқсонларни кўрсатиб ўтади.

Фитрат эса «Адабиёт қоидалари»да қофияга «мисраларнинг охирида товушлари бир хил бўлган сўз бўғим(н)ларига қофия дейиладир» деган таъриф билан Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ асарларидан мисоллар келтиради. Бу билан чекланмай ҳар бир жанр (ғазал, маснавий, халқ кўшиқ ва дostonлари ҳамда замонавий шеър)да қофиянинг ўрни ва вазифасини англатмоқчи бўлади. Олим XX аср ўзбек шеърятини қофия назарияларини амалга татбиқ қилишда ва шеърнинг қофия жиҳатини устувор қилишда халқ оғзаки ижоди намуналари, Фитратча айтганда, «эл адабиёти йўли билан бормоқдадир» деган хулосага келади. (*Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма. Наирга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 17.*)

Рус шарқшунослари П.А.Гринцер, И.Ю.Крачковский, В. М. Жирмунский, А.Б.Куделин ва бошқалар араб-форс-турк қофия илмини чуқур ўрганганларидан сўнггина

бу борада умумлаштирувчи назарий тадқиқотлар яратдилар. Бу жиҳатдан В.М.Жирмунскийнинг «Қофия, унинг тарихи ва назарияси» тадқиқоти (*Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория / Теория стиха. - Л.: 1975.*) муҳим аҳамиятга эга. Атоқли рус шеършуноси М.Л.Гаспаров В.Жирмунский таълимотига асосланган ҳолда Д.Самойлов китобидаги (Самойлов Д. Книга о русской рифме. - М.: 1982.) ҳисоб-китоблар умумлаштирилмаганини эслатиш орқали «Рус қофияси эволюцияси» номли мунозарали ишида рус шеъридаги қофия тараққиётини кузатади. Олим, аввало, статистик маълумотни асос қилиб олган ҳолда Кантемир (1829)дан Б.Ахмадуллина (1968)га қадар ўтган рус шоирлари ижодидаги қофиялар сонининг жадвалини тузиб, ундаги қофия турлари (рус тилида «мужская, женская ва дактилическая рифмы»)ни аниқлайди. Шу билан бирга рус тилининг қофиядош сўзлар захираси, қофия уялари, шоирлар ижодларида қофия репертуарининг бойлиги ва ранг-баранглиги, аниқ ва тахминий қофиялар (В.М.Жирмунский истилоҳи, М.Л.Гаспаров талқинича, ноаниқ қофия), уларнинг товуш жиҳати, таянч товушлар, қофия тараққиётидаги кризислар ва ҳозирги (1980 йилга нисбатан –Ҳ.Б.) ҳолат ҳақида назарий умумлашмалар қилади. (*Гаспаров М. Л. Эволюция русской рифмы. / Проблемы теории стиха. - Л.: Наука, 1984. - С. 3-36.*)

А.Рустамовнинг «Қофия нима?» рисоласида (*Рустамов А. Қофия нима? — Т.: Фан, 1976; Рустамов А. Қофия структурасига оид бир назария ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1976.3- сон.*) ва бу соҳага доир мақолаларида қатор шарқ манбалари асосида қофиянинг назарий жиҳатлари XX аср ўзбек адабиётшунослигида нисбатан биринчилардан бўлиб умумлаштирилган ва алоҳида китобча ҳолига келтирилган. Юқорида тилга олинган манбаларни ўрганиш натижасида Иззат Султон қофияга шундай таъриф берган: «Ритмик жиҳатдап уюшган нутқда сўзларнинг оҳангдош бўлиб тизилиб келиши қофия деб аталади. Қофия (арабча) эргашувчи маъносига бўлиб, бир-бирига оҳангдош сўзларнинг бирин-кетин тизилиб келишини ифода этади» (*Иззат Султон. Адабиёт назарияси. — Т.: Ўқитувчи, 1980. — Б. 332.*) ва қофиянинг бош қонуни сифатида унинг «мазмунга тобелиги»ни англатиб, унинг турлари сифатида тўқ қофия, оч қофия ва қўш қофияни келтиради.

«Адабиёт назарияси» мавзуидаги жамоа тадқиқотида юқоридаги манбалар умумлаштирилган ҳолда «Қофия вазифаларининг биринчиси ва энг муҳими мазмун билан боғлиқ» деган тушунтириш берилади. (*Тўйчиев У. Қофия ва унинг назариясига оид / Адабиёт назарияси. II том. - Т.: Фан, 1979. - Б. 368-385.*) Қофия табиатига доир назарий фикрлар баён қилиниш билан бирга «Қофия элементлари ҳақидаги назарияни ўзбек қофиясига рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувида татбиқ этиш»га интилиб, ўзак ва қўшимчалардаги унсулар (равий, кайд, ридф, таъсис, дахилу ҳазв, тавжиқ — ўзакдаги унсулар бўлса; васл, хуруж, мазид, нойира, мажро, нафоз - қўшимчалардаги унсулар) аниқланади. Тожик олими Б. Сируснинг кўрсатмасига асосан 24 қофиянинг 25 тури (шундан 5 таси ўзакдаги ва 20 таси қўшимчадаги турлар) аниқланиб, уларга ўзбек мумтоз адабиёти ва ҳозирги адабиётдан мисоллар келтирилган. Қофия айблари тўғрисида мазкур «адабиёт назарияси»да тўхталинмаган.

А. Хожиаҳмедовнинг «Мумтоз қофия малоҳати» қўлланмасида эса биз юқорида кўрган манбалар асосидаги фикрлар назарий жиҳатдан умумлаштирилган ва ҳозирги ўзбек китобхонига тушунарли тилда изоҳлаб берилган.

Демак, шарқ мумтоз поэтикасида муҳим ўрин тутган қофия илми ҳозирга қадар мана шу йуналишларда ўрганилган, унинг назарий жиҳатлари ва амалий имкониятларини чамалашга ҳаракат қилинган. Ушбу илмнинг келажакдаги тараққиёти бу соҳага қўл ўрган иқтидорли ёшларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

19-мавзу: Илми бадеъ ва шеърый санъатлар талқини - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Бадиий санъатлар ҳақидаги илмнинг шаклланиши ва тараққиёти.

2. Араб ва форс поэтикасида бадиий санъатлар.
3. Туркий мумтоз поэтикада бадиий санъатлар.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент, 2006, 2008.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, 1999.
3. Рустамов А. Қофия нима? Тошкент, 1976.

1. Бадиий санъатлар ҳақидаги илмнинг шаклланиши ва тараққиёти. Минг йиллар давомида шаклланиб, санъат номини олган бадиийлик воситалари фақатгина шеър беазаги эмас, балки шоир ниятини ўқувчига етказувчи восита, муаллифнинг рангин туйғулар олами ҳақида тасаввур берувчи манба ёки шоир кўнглини китобхон диди ва завқи билан боғловчи маънавий ришта ҳамдир. Ана шу маънода шеърӣ санъатлар мумтоз адабиётшуносликда илми бадиъ унвони билан шарафланган ва унга илми адаб таркибига кирувчи мустақил илм турларидан бири деб қаралган. Бадиий санъатлар ҳақидаги дастлабки илмӣ рисоалар жоҳилийя даврида ёки илк ислом халифалари замонида шаклланишига қарамай, бу санъатлар халқ заковати ва бадиий балоғатининг белгиси сифатида қадимдан мавжуд бўлган. "Авесто" таркибидаги мифлардан тортиб Ўрхун-Энасой обидаларига қадар кечган ҳеч бир бадиият намунаси йўқки, уларда кейинчалик санъат номини олган бадиий тафаккур мевалари учрамаган бўлсин. Ёки "Девону луғатит турк" таркибига кирган мансур ёки манзум парчаларнинг ҳам бадиийлигини текширганда, улар қайсидир маънода у ёки бу санъатга дохил бўлиб чиқиши шубҳасиз.

Инсоният маънавияти тарихида янги эътиқодий даврни бошлаб берган муслмонликнинг вужудга келиши ва тарқалиши муносабати билан саодат асридан XX асрнинг сўнггига қадар кечган исломӣ манбаларни ўрганганда ҳам унда ўткир дид ва чуқур санъаткорлик билан айтилган шеърӣят ва наср намуналарини учратамиз. Улар таркибидаги маънавий ёки лафзӣ санъатларнинг қайсидир кўринишлари мавжуд бўлганини ички бир шуур билан англаймиз. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётшунослигимизнинг шаклланишига сабаб бўлган рисоаларда, зукко алломалар поэтикага доир ишларида бадиий санъатларнинг юксак намуналарининг Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда кузатилганлигини далилловчи фикрлар талайгина.

Араб мумтоз поэтикасининг пойдевори саналган Абдуллоҳ ибн Муътазнинг "Китоб ул-бадиъ" асарининг муқаддимасида "мазкур китобда биз кейинги давр (уламолари) «бадиъ» деб атаган илмнинг боб ва фаслларида Қуръон тилида, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларида, саҳобалар ва тобеъинларнинг сўзлашув тилида, мутақаддим (қадимги – Ҳ.Б.) шоирларнинг шеърларида учрайдиган бадиий ифодаларни таснифлаб чиқдик" дейиш баробарида истиора санъатига мисол келтирилар экан, аввал "Аллоҳ таоло каломидagi бадиъ сўзларидан: Иннаҳу уммул китаби ли-динал-алиул-ҳаким... (Бу албатта, Китоблар онаси (уммул китоб)дир ва у олий ва донишмандона (аълиул-ҳаким)дир)» каби иқибослар тилга олинади. Сўнгра «Ҳадислардаги бадиият» рукни билан «Сизни ҳам аввалгиларнинг касаллиги енгибди бухл (бахиллик) ва ҳасад устараси бўғзингизга тегибди» сўзлари келтирилади. (Абдуллоҳ ибн Муътаз. *Китоб ал-бадиъ* / И.Ю.Крачковский. *Избранные сочинения. Т. VI. — С. 179-257.*) Кейин «Али (р.а.) айтди: «Билим қулфдир, савол калитдир» ҳикматидан сўнггина «Мутааххир (охирги – Ҳ. Б.) шоирларнинг сўзларидаги бадиият намуналаридан Молик ибн Динор айтади: «Фикрсиз кўнгил вайронадир». Бу ва бунга ўхшаш мисоллар шуни далиллайдики, шеърӣ санъатларда истиора ҳақида фикр юритиларкан, унинг мисоли сифатида аввал «китобларнинг онаси» деб таърифланган Каломulloҳ, яъни Қуръони каримдан, сўнгра ҳадиси шарифдан ёки Пайғамбар сўзларидан, кейин эса хулафои рошидин ва саҳобалар, тобеъинлар ва ана ундан сўнггина эски ва янги шоирларнинг шеърларида намуналар бериш илмӣ маданият саналган. Араб мумтоз поэтикаси асосчилари Наср бинни Ҳасаннинг «Маҳосин ул-калом» («Гўзал сўзлар»), Қудама ибн Жаъфарнинг «Накд уш-шеър» («Шеър танқиди»), Жоҳиз ва Ибн Халдун асарларида ҳам мана шу жиҳат устувор

ҳисобланган. Ҳатто Х асрда араб олими Руммоний (909-916) фақат Қуръони каримдаги бадий санъат намуналарини тўплаб, шарҳлашга махсус китоб бағишлаган. (*Ар-Руммани. Ан-Нуқат фи Иъджал ал-Куран. – Салас расаил фи иъджаз ал-Куран. – Қоҳира, 1331.*) Бундай Қуръоний асос билан бадий санъатларга ёндашиш Абу Ҳилол Аскарӣй (в.1004)нинг «Китаб ус-синаъ атайин» («Санъатлар китоби»), Ибн Рашиқ (999-1064)нинг «Ал-Умда», Бақиллоний (в.1013)нинг «Иъжаз ул-Қуръон» асарларида ҳам акс этган бўлиб, сўнгра адабий-илмий анъанага айланган. (*Бу ҳақда қаранг: Чалисова Н.Ю. Рашид ад-дин Ватват иего трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии»./ Рашид ад-дин Ватват. Хада'ик ас-сеҳр фи дақа'иқ аш-ши'р. Перевод с персидского и факсимиле. – М.: Наука, 1985. – С.16-17.*)

Аввал араб (мамлакатлари)да бошланган бу интизом сўнгра аҷам (форс ва турк)га кўчган. Бизнинг ватандошларимизнинг араб тилида ёзилган асарларида ҳам, жумладан, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг машҳур луғати «Мафотуҳ ул-улум» («Илмларнинг калитлари»)да ёки Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум» («Илмларнинг калити») сингари асарларида ҳам шу тартиб иш берган.

Абдул Қаҳир Журжонийнинг ўнлаб рисолаларида поэтика масалалари акс этган бўлса-да, унинг ушбу мавзудаги «Китоби асрор ул-балоғ» («Балоғат сирлари китоби») асарида бадий санъатлар муаммоси изчил ва анча кенг баён қилинган бўлиб (*Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. –С.150*), бу соҳада қалам тебратган кўпгина форс шоирлари ҳам унинг асарига мурожаат қиладилар.

Форс тилидаги илми бадийнинг ибтидоси Умар Родуёнийнинг «Таржумон ул-балоғ» («Балоғат таржимони») асари ҳисобланади. Муаллиф ҳақида деярли маълумот учрамагани ҳолда бизгача етиб келган бирдан бир асари «Таржумон ул-балоғ» орқали унинг тахминан ХI асрнинг иккинчи ярмида яшаганини аниқлаш мумкин. Умар Родуёний номи Рашидиддин Ватвот, Ёкут Ҳамавий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳожи Халифа, Лутф Алибек Озар, Ризоқулихон Ҳидоят асарларида ҳурмат билан тилга олинган. «Таржумон ул-балоғ» ҳақида турк олими Аҳмад Оташ «Ориенс» мажалласи (1948)да маълумот берган ва орадан бир йил ўтгач, асарни нашр қилдирган (*Mehmet Umar Roduyani. Tarjumanī baloga/ Hazirlayan Ahmat Ayes/ - Istanbul, 1949*). Ушбу асар 1961 йили эса Эронда чоп этилган. (*Муҳаммад ибн Умарар-Родуёний.Таржумон ул-балога. Бо таснифи муқаддима ва зйлу ҳавоши ва тарожиш аълom ба хомai қавим. –Техрон, 1339*) Асарнинг ҳар икки наشري (Истанбул ва Техрон) асосида тожик олими Худой Шарипов ушбу асардан намуналар танлаб олиб, «Мунтахаби «Таржумон ул-балоғ» номи билан 1987 йили Душанбеда нашр қилдирган. (*Мунтахаби «Таржумон ул-балога». Таҳияи матн, муқаддима ва тавзеҳоти Худой Шарипов. – Душанбе: Дониш, 1987.*) Муҳаммад Умар Родуёний муқаддимада форс тилида бундай асар йўқлиги туфайли уни ёзишга киришганини, саноеъ илми ҳақида араб тилида ёзилган Имом Наср ибн Ҳасан Марғиноний «Маҳосин ул-калом» («Сўз гўзалликлари») асарига суянганини баён қилади.

Ўзига Наср ибн Ҳасаннинг «Маҳосин ул-калом»и ва Муҳаммад ибн Умар Родуёнийнинг «Таржумон ул-балоғ» асарларини ўрнак билан хоразмшоҳий-ларнинг сарой шоири Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадоийқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър» («Шеър назокатидан яратилган сеҳрли боғлар») номли эллик беш бобдан иборат бўлган асарининг ҳар бир боби бир поэтик санъатга бағишланган ва иловада яна 8 та санъат ҳақида тўхталади. Шундай қилиб, олим араб ва форс шеъриятидаги 63 санъатнинг табиатини ўрганади ва уларга дастлаб Қуръони карим, ҳадиси шарифлардан, сўнгра эса араб ва форс шоирлари ижодларидан намуналар (араб адибларидан 305, форслардан 209) келтиради. Маълумки, илми бадий илми адаб тизимидаги аруз ва қофия илмлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ватвот асарининг дастлабки қисмида аруз ва қофия илми билан боғланмаган тўққиз, сўнгра қасида ва рубоийларда фаол қўлланган уч санъат тури ҳақида тўхталади. Айрим санъатларнинг турли кўринишлари, масалан, тажниснинг етти хил кўриниши, мақлубнинг тўрт хили ҳақида ҳам алоҳида тушунтириш беради. Асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у фақатгина шеърӣй жанрларни камраб олмаган, балки

насрий асарлардан ҳам намуналар келтиради. «Таржумон ул-балоға» ва «Ҳадоийк ус-сеҳр» асарлари гарчи бир тилда яратилган бўлса-да, айрим санъатларнинг номланишида тафовутлар бор. «Таржумон ул-балоға»да *муқтадоб, мутобақа, мужаррад, иънат-ал-қарина* деб номланган санъат турлари «Ҳадоийк ус-сеҳр»да *иштиқоқ, рад-ал-аъжуз, ҳазиф, тазмин ул-муздавиж* деб юритилади. Тажнис ва ташбиҳнинг кўринишлари ҳам турлича изоҳотлар билан келади. Масалан, *тажниси мутлақ – тажниси томм, тажниси мураддат – тажниси мукаррар; таибиҳи макний – таибиҳи киноят, таибиҳи муздавиж – таибиҳи тасвиййат* каби. Бироқ бу асарларда ҳали бадий саръатларни маънавий ва лафзий санъат турларига ажратиш урф бўлмаган эди. (*Рашидаддин Ватват. Ҳадаиқ ас-сеҳр фи дақайқ аш-ишър. Перевод с персидского и факсимиле. – М.: Наука, 1985. – С.161-172.*) Бундан ташқари, форс тилида бадий санъатлар таснифига бағишланган Хусайн Воиз Кошифий, Шамс Фаҳрий, Тож Халавий ва Шараф Рамийнинг рисолалари ҳам ёзилган эди. Бироқ тожик олими Р.Мусулмонкуловнинг кузатишига кўра, улар илмий янгилик жихатидан у қадар аҳамиятли бўлмаган. (*Мусулмонкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X-XV вв. – М.: 1989. – С.14*)

Форсий «махосин»ларнинг етук намунасини яратган Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Бадойеъ ус-саноеъ» («Санъат янгиликлари») асарида 220 дан ортиқ санъат турларини фарқлаш билан бирга уларни *лафзий санъатлар, маънавий санъатлар ҳамда лафзю маънавий санъатлар* каби уч йўналишда тақсим қилади. Атоуллоҳ Муҳаммад Хусайний Алишер Навоийнинг баҳосига кўра, «*Бовужуди донишмандлик, шеър муаммау саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди...Аммо саноеъда китобе тасниф қилибтур «Бадойеъ-и-Атойи»га мавсумдур. Бовужуди ихтисор, мақлуби мустави санъатиндаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хоссо байтидурким:*

*Шакар дахано ғаме надорид,
Дайро данийи муғона даркаш.*

Анинг табъи диққатига бу байт далили бастур». (Алишер Навоий. Мажолис ур-рафоис. Илмий-танқидий матнини ашрға тайёрловчи С.Ғаниева. –Т.:Фан, 1961. –Б.141-142.)

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзларининг исботини нафақат бир байтда, балки форсий тилда яратилган илми бадийга доир асарларнинг энг комили экани орқали ҳам ўз исботини топади. Муаллиф ўзи ҳақида кўп ҳам камтарликка бормай: «*Умримнинг бошларида, фироғат ёшларида бу каминада дилрабо назму санъаткорона нутққа табиатан комил бир майл бор эрди ва имкон борича ушбу фан била машғул бўлур эрдим. Тангрига ҳамду шукрим, ул асарлардин ҳар неким, замона саҳифасида зоҳир бўлса, улуғу кичик қошида манзуру мақбул бўлди*»-деб ёзади. Яна муаллифнинг ниятича, балоғат ёшида бадиият илмига доир мукаммал бир китоб ёзмокчи эканини ҳам эслатади: «*Агар каромат соҳиби карам айласа, «Такмил ус-синоат» («Мукаммал санъатлар» китоби ёзилгай ва анда шеърнинг жамиъ фунуни муфассалу мукаммал баён этилгай».*(Атоуллоҳ Хусайний. *Бадойеъ ус-санойеъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –Б.8-9.*)

2.Туркий мумтоз поэтикада бадий санъатлар. Туркий тилдаги поэтикага оид XV асрнинг нодир намунаси Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» («Балоғат фанлари») асарида форсий «илми бадий»лар тажрибаси умумлаштирилган, асарда таҳлилга тортилган санъатлар сонининг ортиши билан шеърий намуналарининг бадиияти ҳам чуқурлашиб, мавзу ва жанр доираси кенгайиб борган. Муаллифнинг ёзишича, «*ҳар ақсоми синоат ва анвоъи балогатким, фусаҳо ва булаго аросинда мўтабардур, мажмуъни жамъ қилиб, ҳар бир санътқа туркий лафз бирла мисол келтеруб ва кечган зурафо ва шуаронинг бу синоат бирла тазйин қилган арабий ва форсий назм ва наср сўзларинда назр келтурдук. Ва баъзи ерда «Коломи мажид»тин ва Расул алайҳис-салом ҳадисидин нақл қилдуқ».* Демак, балоғат навълари ва санъат тақсимларига доир барча фикрларни жамъ

қилган аллома араб ва форс тилларидаги наср ва назм намуналарини терган ва қуйидаги бадий санъатларга таъриф ва мисоллар келтирган: «*Ва мажмуи санойеъким, балогат аҳли эътибор қилурлар, бу турур: тарсиъ, тарсиъ маат-тажнис, тажниси том, тажнису-с-зойит, тажнису-н-ноқис, тажнису-л-мураккаб тажнису-л-мукаррар, тажнису-л-мутарраф, тажнису-л-хат, тасҳиф, ташибҳи мутлақ, тажбиҳу-л-маирут, ташибҳу-л-киноят, ташибҳу-т-тасвият, ташибҳу-л-акс, ташибҳу-л-измор, ташибҳу-т-тафзил, тафсириу-л-жало, тафсиру-л-хафо, тазмин, тазмину-л-муздаваж, тансиқу-с-сифот, таъкиду-л-мадиҳ, бимо йушибҳуззам, таржима, таажжуб, тажжоху-л-ориф, хаёл, ийҳом ва ийҳому-т-том, ашкол, эънот, ибдоъ, ирсолу-л-масал, ирсолу-л-масалайн, игроқ фи-с-сифат, иштиқоқ, иштифот, интибоҳ, иқтибос, истифҳом, истидлол, истидрок, истиора, мақлубу-л-баъз, мақлубу-л-кулл, мақлубу-л-мужанаҳ, мақлабу-л-муставий, мутазод, мурут-н-назир, мутаносиб, мутародифи матлун, мусаллас, мутазалзал, мухаммилус, зи-д-дайн, муважжжаҳ, мукаррар, малиҳ, мукаррари қабих, мақтаъ, мавсил, мушажжар, мураббаъ, муламмаъ, мужаррад, мувашишаҳ, муаммо, мағлата, лугз, рақто, хайфо, бароати истиқлол, раду-л-матлаъ, раду-л-фажр, ала-с-садр, лаффу наири муруттаб, лаффи наири мушавваш, тард-ул-акс, хашву-л-малиҳ, хашв-л-қабих, хави-л-мутаваассит, сажъу-л-мувозана, сажъу-л-мутаборий, сажу-л-мутарраф, сеҳри ҳилол, сиёқу-л-эътод, саволу жавоб, жамъу-л-муфрад, ташибҳу-л-муфрад, жамъу-н-маат-тафриқ ват-тақсим, калому-л-мужомеъ, ҳусну-л-матлаъ, ҳусну-л-тахаллус, ҳусну-т-таълил, ҳусни талаб ҳусну-л-мақтаъ, ат-тарзиҳ».* (Шайх Аҳмад Тарозий. *Фунуну-л-балогат*. –Т.: Ҳазина, 1996)

Шайх Тарозий домланинг улкан хизматларидан яна бири шундаки, у ўз асарини туркий тилда ёзиш билан чекланмай, бу тилда ижод қилган элликдан ортиқ шоир ва носирларнинг сара асарларидан намуналар берган. Айрим ўринларда мисоли учрамаган ўринларда ўз ижодидан намуналар келтириб, талкиндаги санъат турини ўзбек китобхонига тўла етиб боришига ҳаракат қилган.

Нихоят, XX асрнинг бошларида яратилган адабиётшуносликка доир илк назарий қўлланмалар саналган Абдурахмон Саъдийнинг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари», Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» асарлари мафкуравий тайзиқ остидаги давр меваси бўлгани учун ҳам энди уларда Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардаги илоҳий калималар, Расулulloҳ сўзлари, ҳулофои рошидон ва саҳобалар нутқиға мурожаат қилишлар ўз-ўзидан тушиб қолган. Ҳар бир санъат ҳақида маълумот бериларкан, унинг қисқа таърифи билан мисол келтириш ва айрим ўринлардагина бу мисолларни шарҳлаш урф бўлган. XX аср ўзбек навоийшунослари Ойбек ва Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон ва Алибек Рустамовнинг рисола ва мақолаларида Навоий «ижодхонасида»ги гўзал адабий унсурлар сифатида шеърий санъатларға мурожаат қилинган. Бу йўналишда бир неча ўнлаб мақолалар яратган, «Навоий поэтикаси»ни жиддий ўрганган ва ўз кузтишларини қарийб эллик йилдан бери ўзбек китобхонларига етказиб келаётган олим Ёқубжон Исҳоқовнинг биргина «бадий санъатлар» талқинига доир ишлари билан чекланадиган бўлсак ҳам олимнинг мумтоз адабиётимизнинг билимдонларидан бири сифатида адабиётшунослик тарихига қиришиға шубҳа йўқ. Хорижий олимларимиз томонидан «стилистические фигуры» деб талқин қилинган адабий ҳодисаларға назарий жавоб сифатида тайёрланган «Сўз санъати сўзлиги» (Исҳоқов Ё. *Сўз санъати сўзлиги*. –Т., 2006) асари шеършуносликда барча шеърий санъатлар [ҳолислик учун Анвар Ҳожиаҳмедов (*Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия*. –Т., 1998) ва Ваҳоб раҳмонов (*Шеърий санъатлар*. –Т., 2004)нинг қатор рисолаларини эслаш баробарида] ҳақидаги рисоалардан тубдан фарқ қилади. Боиси бу илмий рисола алифбо тартибда шакллантирилгани, бизни қизиқтирган санъат тури ва намунасини осон топилишидагина эмас, балки уларға берилган таъриф ва изоҳлар аниқлиги, бугунги ўзбек китобхони диди ва малакасиға мувофиқлиги учун ҳам ушбу сўзлик ҳар бир адабиёт муаллими, талаба ва иқтидорли ўқувчиларнинг столдан доимий ўрин олишға арзийди.

Демак, мумтоз адабиётшуносликда энг қадимги илм турлаидан бири саналган илми бадий, яъни бадий санъатлар ҳақидаги илм доимо янгиланишда ва тараққиётда эканини унутмаслик керак бўлади.

20-мавзу: Мумтоз адабиётда тил одоби, бадий нутқ ва услуб масалалари - (маъруза-2 соат)

Режа:

1. Мумтоз адабиётда тилга эътибор. Тилнинг шарифлиги ҳақида улуғ адиблар. Юсуф Хос Хожиб ва Адиб Аҳмад Югнакий асарларида тил одоби ва нутқ масалалари.
2. Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн”ида бадий нутқ муаммолари. Навоий иншо санъати ва нутқ маданияти хусусида.
3. Мумтоз адабиётшуносликда услуб зикри. Навоий ва Бобур бадий услуб ҳақида.

Адабиётлар:

1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талкинида. Тошкент, 2006, 2008.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийят малоҳати. Тошкент, 1999.
3. Рустамов А. Қофия нима? Тошкент, 1976.

1.Бадий нутқ ва услуб ҳақидаги дастлабки адабий қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёти. Тил инсониятни махлуқотдан устун қиладиган бирламчи унсур экан, бадий нутқ ва услуб масалалари ҳам адабиётнинг борлигини таъминлайдиган, унга миллий ва умуминсоний моҳият бағишлайдиган адабий ҳодисалардан саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бадий адабиётнинг бирламчи унсури тилдир, деган қоида мумтоз адабиётшуносликда ҳам, XX аср адабиёт илми ва ҳозирги адабиётшуносликда ҳам ўз қимматини йўқотмаган таълимот саналади. Араб адабиётшунослигида луғат, сарф, наҳв, калом илми, иншо санъати ва баён қоидалари ҳам бадий адабиётнинг тил жихатини ўрганувчи илмлар сирасига киради. Юқорида кўрганимиздек, агар назм аруз билан ўлчанса, насрнинг ўлчови наҳв (синтаксис) деган қоида Шарқдаги адаб (филология) илмининг устувор қонуниятларидан саналади. Шунинг учун ҳам бадий тил, услуб ва унинг ёзувдаги ифодаси бўлган иншо масалалари қадимги араб олимларининг илмий тадқиқотлари йўналишини белгилаган.

Бадий асар табиати, бадий нутқ хусусияти каби масалаларга умумий тарзда биринчилардан бўлиб эътибор қаратган олимлардан бири Бишр ибн Муътамирдир. Хорун ар-Рашиднинг замондоши бўлган Бишр ибн Муътамир муътазила («кетиш, узоқлашиш» сўзидан олинган) оқимининг вакили бўлган. Бу қараш тарафдорлари Восил ибн Аътанинг "Фит-тавҳид вал-адл" ("Аллоҳнинг бирлиги ва адолат") китоби орқали ҳам тарқалган. Басралик Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саййар ан-Низом (ваф. 845) томонидан давом эттирилган. Бишр ал-Муътамир (ваф. 840) эса уни кенгайтирганлар сафида эъзозланади. *(Бу ҳақда қаранг: Болтабоев. Аввал Қуръони карим, суннатда тасаввуф. / Ислоҳ тасаввуфи манбалари. — Т.: Ўқитувчи, 2005. — Б. 11 -22.)*

И. Ю. Крачковскийнинг «Бадий ижод ҳақида VII асрга доир муътазила руҳидаги рисола» мақоласида ёзилишича, бу асарнинг асл кулёзма нусхаси сақланиб қолмаган бўлса-да, IX ва XI асрларда яшаб ижод қилган тўрт машҳур муаллиф Жоҳизнинг «Китоб ус-синоатайн» («Икки санъат китоби»), Ибн Рашиқнинг «Ал-Умда» («Асослар») ва Зубайр ибн Баккорнинг «Самиъат» («Тингловчилар») асарларида Бишр ибн Муътамирнинг бадий ижод назариясига оид асарининг матни тўлиқ ҳолда келтирилган. *(Крачковский И.Ю. Муътазилитский трактат VIII в. о литературном творчестве / Избранные произведения. Т.2. - М.-Л: 1956.- С. 221-222.)* Булардан ташқари, атоқли араб адиби, Мустафо Манфалутийнинг «Мухторот ул-Манфалутий» («Сайланма асарлар» тўплами)да Ибн Муътамир асарини «Синоат ул-иншоъ» деб номланган. Асарда ёзилишича, юксак фикрлаш ва тафаккур даражасининг ўзи ҳали адиблик мавқеъини белгиламайди. Бишрнинг фикрича, «ким ноёб фикрни топса, унга муносиб нафис, тароватли сўзларни топсин, чунки юксак фикрга юксак сўзлар, иборалар муносибдир, агар шу иккиси сенга

насиб этса, уларда сакталик ва равонлик бузилса, сен аввал топган обрў, шуҳратингдан ҳам айрилсан, кўнглингда бу юксак, фикр ва нафис иборалар туғилмасдан аввалги ҳолингдан ҳам пастлашиб кетасан.

Доимо мазкур уч даража манзилидан бирида бўлгин: аввало, лафзинг - сўзларинг равон, шарафли, маънолари зоҳиран макшуф (кашф этилган), маъруф (маърифатга асосланган), аммо хослар ва омма учун ҳам яқину тушунарли бўлсин. (Бадий) фикр хосларга аталгани учунгина юксак ёки оммага аталгани учунгина тубан бўлиб қолмайди. Фикр эзгулиги унинг ҳаққонийлигида ва ҳар қандай ҳолатларда, ҳар қандай жойларда муносиб, хосларга ҳам, оммага ҳам савобли, манфаатли маънолар жарангидадир. Бу талаб оммабоп сўзларга ҳам, фақат хослар учун аталган сўзларга ҳам бирдай тааллуқлидир. Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баёнинг етуқ, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм-фаросатинг нозик бўлса, хослар учун ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун ғализ, қўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, том маънода истеъдод соҳибидирсан». (*Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т.2. - М. -Л.: ИАН, 1956. - С.224.*) Бу талаблар ҳар бир ижодкорга тааллуқли бўлиб, у хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда бўлсин адабий тил меъёларига риоя қиладиган, бадий асарнинг руҳига уйғун равишда ифода ва баён тарзига эга бўлиши лозимлигини англатади.

Араб олимлари бадий нутқ масаласига худди бадий матннинг ўзига бўлгани каби холис ва жиддий қараганлар. Буюк ватандошимиз Юсуф Саккокийнинг ёзишича, араб алломалари бадий нутқ масаласини ал-улуमुл-хамса, яъни сарф, нахв, маъно, баён ва бадий билан боғлиқликда ўрганганлар. (*Китоб Мифтоҳ ул-улум Юсуф ибн Али ас-Саккокий. Табъ ун-наسر. ЎзРФАШИ Қўлёзмалар фонди, № 9161.*) Араб олимларининг шеърга берган таърифларида (калому-л-мавзуну-л-муқаффа - вазн ва қофияли сўз) ҳам дастлаб калом (фикр ва унинг нутқдаги ифодаси) ҳақидаги қарашлар акс этган. Шеър тушунчаси ҳам дастлаб билим маъносида ишлатилган, кейинроқ эса фикрнинг назмий ифода турларидан бири деб қаралган. Араб поэтикасига оид қарашлар нисбатан тизимли суратда Жоҳиз, Ибн Муътазз ва Кудамма ибн Жаъфар таълимотида акс этган экан (*Крачковский И.Ю. Поэзия по определению арабских критиков / Избранные сочинения. Т.2. -М.-Л.: ИАН, 1956. - С. 52-62.*), бадий нутқ ва унинг поэтик вазифасига доир дастлабки илмий фикрлар ҳам шу алломаларнинг илмий ижодига тегишлидир. Жоҳизнинг «Китаб ул-баён» ва «Китаб ул-хайвон» («Жонзодлар китоби») асарларида турли тарихий, жуғрофий, тиббиёт масалалари орасида нутқ маданияти, нотиклик санъати ва бадий асардаги муаллиф нутқи кабиларга доир фикрлар ҳам кенг баён этилган.

Ўрта асрлар араб шеърияти ва насри поэтикасида илми бадий доирасида нафақат бадий санъатлар ўрганилган, балки илми бадий - поэтиканинг назарий жиҳатларини кенг ва чуқур ўрганувчи фан сифатида кўзга ташланади. Ибн Муътаз поэтикасида бадий санъатлар ўз-ўзидан берилмайди. Нутқнинг гўзал ва таъсирли бўлишини таъминловчи омиллар сифатида бадий санъатларга мурожаат қилинади ва уларнинг матн таркибидаги ўрни ва хислати англатилади.

Кудамма ибн Жаъфар бу жиҳатдан ўз замондошларидан анча илгари кетиб, бадий нутқнинг икки шакли наср (сочилган) ва назм (тизимга солинган)ни моҳоят эътибори билан фикрнинг ифода шакли сифатида ўзаро фарқлаган ҳолда ўз таълимотини мана шу икки йўналиш талқинига қаратди. Аллома икки муҳим асар («Нақд уш-шеър» ва «Нақд ун-наسر») яратиб, уларнинг ҳар бирида бу ифода шакллариининг нафақат моҳиятини англатди, балки наср ва назм йўсинида яратилган асарларни таҳлил қилиш учун муайян мезон ва меъёрларни белгилашга ҳаракат қилди. «Нақд ун-наسر»да айтилишича, мантикий фикрлашнинг уч йўли бор: киёс, хабар ва фараз. Қиёс ўз навбатида уч хил йўл билан ташбих, васф ва исм воситасида қиёсланади ва уни туққиз хил аниқловчи воситасида баён қилиш мумкин: ҳол, миқдор, макон, замон, изофа, яқинлик, нисбат, ҳаракатлантирувчи ва ҳаракатланувчи. Хабар ҳам ўз навбатида икки хил — яқин (ишончли) ва тасдиқли. Яқин (ишончли) хабарнинг уч тури — асосли (Қуръони карим

асосида), Расулulloҳнинг айтганлари ва хослар учун етказилган хабар. Бу ўринда хабар ҳадис маъносига яқин келади. Иккинчи хабар эса, воқеан тасдиқланган хабардан иборатдир. «Агар (мантикий фикр –Ҳ.Б.) қиёс билан ҳам, хабар (ҳадис) билан ҳам бўлмаса, ибратли фикрлашнинг учинчи йўли: фараз қилишдир». (*Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т.2. - С. 373.*)

Ибратли фикрлаш, юқорида айтилганидек, шеърӣй ва насрий йўл билан баён қилинади, шеър зоҳирий жиҳатдан тўрт қисмга бўлинади: қасида, ражаз, масаммаъ, миздивож (ҳамжинс байтлар). Шоирлар амал қиладиган бу қоидалар қаторида олим мазмун жиҳатидан шеърнинг тўрт турини тавсия қиладӣ: мадҳия, ҳажвия, ҳикмат ва ҳазил. Барча шеърлар мазмунан шу тўрт хилга яқин келганликлари учун мадҳия қаторига ифтихор, шукрона ва лутфни ҳикмат сифатига эга бўлган маъвиза (насиҳат) ҳамд ҳазил қаторида мутойиба ва май васфини ҳам келтириб ўтади. Олимнинг фикрича, шоир маҳорат ҳосил қилиш учун саккиз талабга бўйсунishi ва нутқ сўзланаётган вазият (бадий асар хусусияти)ни ҳамда унинг ҳолатга мувофиқлиги (яъни тингловчи ва китобхонларга тушунарли бўлиши)ни ҳисобга олиши керак.

Ибратли фикрлашнинг иккинчи йўли – наср санъати тўрт навъдан иборат: нутқ, расоил (мактублар), мақсад қаратилган мавзудаги асарлар (вужуҳи мавзу) ва ҳикоят-ривоятлар. Носир бу тўрт навън ўзлаштириши билан бирга уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хос хусусиятларни ҳам билиши, бу соҳада дуч келиши мумкин бўлган айрим камчиликларни (улар асарда нома-ном келтирилади) ўзини тийиши ҳам керак бўлади. Шу билан бирга нотикликда баҳс-мунозара одобига ҳам риоя қилиши, мақтов ва танқид маданиятидан ҳам хабардор бўлиш керак. Бу нутқ жараёнида ихтилоф ва зиддиятлар ҳам келиб чиқиши мумкинки, муаллиф улардан сакланиш йўллариини ҳам эслатишни лозим кўради. Шу каби Қудам ибн Жаъфар бадий нутқда учрайдиган барча сифатларни ва айбларни кенг тушунтиради ҳамда уларни таҳлил қилиб беради. Шуниси эътиборлики, таҳлил ва талқин жараёни куруқ кечмаган. Муаллиф ўзига замондош ва ўтмишда ўтган машҳур араб адибларининг асарларидан мисоллар келтириш орқали ўз назарий қарашларини доимо амалиётга мос келишини таъминлаб борган.

Араб тилида яратилган бадий нутқ ва услубга доир ўнлаб манбалар қаторида Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум» ва Ибн Халдуннинг «Мукддима» сингари асарларини ҳам унутмаслик лозим (таассуфки, бу улуғ асарларнинг ўзбекча таржималари ҳали амалга оширилмаганлиги учун улардан намуналар бериш имкони бўлмади).

2.Мумтоз адиблар ижодида тил одоби ва нутқ масалалари. Туркий адабиётда бадий нутқ ва услубга доир қарашнинг мумтоз намуналари илк туркий дoston «Қутадғу билиг»да, Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида ва турк дунёси адабиётининг бу соҳадаги шоҳ асари «Муҳокамат ул-луғатайн»да акс этган.

XX аср бошларида адабий асар тилига бирламчи моҳият сифатида қараш урф бўлди, бу таълимотдан келиб чиққан ҳолда янги тартиб берилаётган адабиёт назариялари «Тил адабиётнинг биринчи унсури сифатида» сарлавҳаси билан очилди. Рус адабиётшунослигадаги бу қарашлар (*Шалыгин А. Теория словесности. - Санкт-Петербург, 1910; Фриче. Проблемы искусствovedения. - М.: 1919.*) илк адабий-назарий қўлланма саналган «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»да ҳам акс этди. Муаллиф ўз асарининг бошланғичида тилга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади, тилда ифоданинг икки йўсинини ўзаро фарқлайди: тўғри англатиш ва суратли англатиш. Тўғри англатиш илмий адабиётнинг тил жиҳатида тааллуқли бўлса, суратли англатиш бадий нутқ жараёнига тегишлидир. Чунки у «шеърӣй (бадий маъносида – Ҳ.Б.) адабиётнинг биринчи омилидир». Суратли англатиш маъно кўчиши ҳисобига бўлади. Шунинг учун ҳам адиб сўзнинг ўз маъносидан танқари кўчма маъноларига мурожаат қиладӣ ва бу жиҳатдан турли хил кўчим турларини аниқлайди. А. Саъдий шу ўринда ўнлаб бадий санъатларни англатгандан сўнг «Услуб масалалари» мавзусида янги боб келтиради. Чунончи, олимни услубга берган таърифи характерлидир: «Бир тилда сўзлашгучи шоир ва муҳар-рирларнинг сўз хазиналари ҳаммаси учун бир турли ва ўрtoқ бир хазина бўлса-да, яъни

ҳаммаси ўртоқ бир тилдан сармоя олсалар-да, шул ўртоқ хазинадан сўз сайлашлари, жумла яшашлари, фикр ва ҳисларин тартибландиришлари бир турли йўл билан бора олмайди. Бу тўғрида турли муҳаррир турли йўл тутадир. Мана шул равишча, бу тўғрида туғилган йўл ва муҳаррирнинг сайлаган англатиш равиши «услуг» деб аталадир. Шул ҳолда услубни маълум бир тартибда ишлаган, белгили бир йўл олган англатиш равиши деб таъриф қилсак, дуруст англатган бўлармиз. Услуг икки турлидир: 1) англатиш равиши; 2) сўз услуби». (*Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. - Т.: 1923. -Б. 39-40.*) Англашимизча, муаллиф бу ўрнида идрок этиш ва ифода этиш услубларини ўзаро фарклаган ҳолда иш юритади. Бизнингча, адабий жараёнда услуб истилоҳи қуйидаги маъноларда қўлланилади: 1) бадиий асар услуби: «Зарбулмасал» услуби, «Ўткан кунлар» романи услуби; 2) адиб услуби: Навоий услуби, Бобур услуби; 3) бадиий оқим услуби: романтик услуб, реалистик услуб; 4) давр услуби Навоий даври услуби, 20-йиллар услуби. Бундан ташқари, «миллий услуб», «замонавий услуб» каби тушунчалар ҳам таомилга кириб қолганки, улар англатаётган маъноларнинг фарқини билиб олмай туриб, услубий таҳлилга киришилганда кўпинча хато ёки бир ёклама фикрлаш содир бўлади. (*Бу ҳақда қаранг: Болтабоев. Наср ва услуб. Услуг муаммосига назарий нигоҳ. -Т.: Фан, 1992.*) Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, услуб тушунчасини «умуман» (барча юқоридаги маъноларни бирлаштирган ҳолда) ўрганиб бўлмайди, «услуг» сўзини қўллашдан аввал у бадиий асарга нисбатан айтиляптими ёки ёзувчининг ижодий ўзига хослиги назарда тутиляптими ва ёхуд бошқа маъноларда келяптими фарқлаб олиш зарур. Демак, услуб тушунчасини дастлабки икки маънодан бирида қўллаётган (адиб услуби) ижодкор истеъдодининг бетакрор табиати, ижодий қиёфаси (манераси) ва ўзига хослигини назарда тутмоқ, услуб сўзини маълум бир асарга нисбатан ишлатаётганда ўша асар жанр ва шакл хусусиятларини ҳам инобатга олмақ лозим бўлади.

3.Навоий ва Бобурнинг бадиий услуб ҳақидаги адабий қарашлари. Бадиий асар услуби ҳақида фикр юритганда XV асрда Алишер Навоий томонидан айтилган

Ани назм этки, тарҳи тоза бўлғай,
Улусқа майл, беандоза бўлғай,-

таърифи ўз кучини ҳали йўқотмаганини унутмаслик керак. Шунинг ёдда тутган Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» китобида анча изчил тушинтириш бор: «Услугнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкиндиру уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга уқита олган куч услубдир. Эски адабиётимизда «Лайли, Мажнун» достони бор. Бунинг форс шоирлари неча дафъалар ёзганлардир. Ҳаммасида ҳикоя бирдир, воқеа бир турлидир. Бироқ форсча-туркча билган бир киши Низомийни, ондан кейин Жомийни ўқийдир. Хисравга келгач, Навоийни албатта уларга таржиъ қилади. Фузулийни кўрган, Навоийнинг «Лайли, Мажнун»ини тоқчага қўйиб, Фузулийни ўқишга мажбур бўладир. Мана булар услубнинг ишидир». (*Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллифлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1995.- Б. 21.*) Бу тушинтиришда бадиий асар услубини яхлит - бадиий бутунлик сифатида талқин қилиш ва уни бошқа асарлардан фарқловчи «унсур» деб билиш акс этган. Шундай ҳулоса қилишга асос туғиладики, бадиий асар услуби асарни ташкил этадиган барча унсурлар тизими (йиғиндиси) эмас, балки ўша «элементлар системасини бир-бирига туташтирадиган бадиий қонуният - муаллифнинг ўзига хос принципи» (*Соколов А. Н. Теория стиля. М.: Искусство, 1968. - С. 42.*)дир. Бироқ муаллиф бу туташтириш жараёнида адиб шундай ўзига хос нуқта ва чизгилардан топа билиши керакки, у бошқа ёзувчиларда учрамасин, «ўша ёзувчининг ўзи шундай кўрсин, шундай ўйласин, шундай ҳис этсин ва бошқача ҳис этиши мумкин бўлмасин». (*Чичерин А. В. Идеи и стиль. М.: Советский писатель. 1968. - С. 287.*) Кўринадики, дастлабки тушунча бадиий

асар услуби заминиди иккинчи истилоҳ - «адиб услуби» туғилади, бу икки истилоҳ ўртасидаги нозик айирмани фарқламай туриб, услубий таҳлилга киришиш номувофик бўлгани каби, ҳар икки тушунчани бирдай қабул қилиш ҳам услубий таҳлилда кўп ноқулайликларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам кўп олимлар иккинчи тушунчага нисбатан ижодкор шахс, ижодий индивидуаллик (ўзига хослик) каби сўз бирикмаларини қўллашни маъқул кўрадилар. (*Поспелов Г.Н. Проблемы литературного стиля. - М.: Изд. МГУ, 1970. - С.40. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. - М.: Сов. писатель, 1975. - С.93; Сидоров Е. Ю. Время, писатель, стиль. - М.: Сов. писатель, 1979. - С. 7.*)

Ҳар бир ёзувчининг дунёни ижодий ўзлаштириш давомида орттирган ҳиссиётлари тажрибаси, оламни ўзига хос кўриш, идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш йўли бўлади. Ёзувчининг маҳорати, тасвирлаш санъати, ровийлик даражаси ҳақида гап кетганда ҳам, асосан, шу белгилар бадиийлик мезони сифатида қаралади. Адиб услуби ўзбек адабиётшунослигида назарий объект сифатида чуқур ўрганилмаган бўлса-да, маълум бир адиб ижоди билан боғлиқ ҳолда ўша адибнинг поэтик маҳорати, услуби ва тасвирлаш санъатига бағишланган анчагина ишлар эътиборга молик. Булардан Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» (1979), М. Қўшжоновнинг «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1978), С.Мамажоновнинг «Услуб жилолари» (1972), М.Султоновнинг «Ёзувчи услубига доир» (1969) каби асарларини эслаш мумкин. Баъзан адабиётшунос ва танқидчилар бир мақола доирасида ҳам муайян адиб услубининг ўзига хос томонларини тушунтира билганлар. О.Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» портрети, У.Норматовнинг «Ўзига хослик сирлари» (Ш. Холмирзаев ҳақида), И.Ғафуровнинг «Ўрток шоир» (М. Шайхзода ҳақида) мақолаларини бу ўринда эсламаслик мумкин эмас.

Бироқ давр услуби истилоҳи юқоридаги тушунчаларни, айниқса, бадиий асар услуби ва адиб услубини, уларнинг қатида ётган бетақдор ўзига хослик маъноларини инкор қилади. Шу билан бирга адабиётшуносликда бу истилоҳ маъно жиҳатидан кенгайтирилиб, кейинги йиллар адабиётига нисбатан (тадқиқ этилаётган даврдан келиб чиқиб) «замонавий услуб» шаклида қўлланилгани ҳам маълум.

«Миллий услуб» тушунчасига етарли эътибор қаратилмагани туфайли 30-йиллардан кейин нашр этилган адабиёт назарияларида унинг таърифини учратмаймиз. Шунингдек, услуб назариясига бағишланган қатор асосий тадқиқотлар ҳам («Адабий услублар назарияси» туркумида эълон этилган беш коллектив тадқиқот назарда тутиляпти) (*Теория литературных стилей: Типология стилевого развития нового времени. - М.: Наука, 1976; Теория литературных стилей: Типология стилевого развития XIX века. - М.: Наука, 1977; Теория литературных стилей: Многообразие стилей советской литературы. Вопросы типологии. - М.: Наука, 1978 ва бошқалар.*) бу ҳақда «индамаслик»ни лозим кўради. Бу тушунча асримизнинг 20-йилларида Фитрат томонидан аниқ сифатлар билан таърифланган эди. Унинг «Адабиёт қоидалари» китобида ўқиймиз: «Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига махсус услуби бордир... Алишер Навоий ўзининг «Мажолис...» китобида баъзи шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзгандан (кейин) «туркона» ёзди, «туркона шеърлари бор» деб кўрсатадирким, бу «турк услубида ёзди» демакдан бошқа нарса эмас».

Миллий адабиётнинг ривожланиш тарихи, асрлар давомида орттирган адабий тажрибаси ва анъаналари бизнинг истагимиздан қатъий назар ўша миллатга тааллуқли ҳар бир адибга «юққан» бўлади. Ёзувчи услуби қанчалик ёрқин ва ўзига хос бўлса, унинг миллий ўзаги ҳам шунчалар чуқур ва ўша халқ маданияти учун аҳамиятли бўлади. Демак, услубнинг шаклланиши жараёнида ёки шаклланган услубнинг зоҳир бўлишида ўз миллий адабиёти тажрибаси, халқ ижоди анъаналари, урф-одатлар, тил хусусиятлари, маҳаллий руҳ каби кўп жиҳатларга эътибор қилишга тўғри келадики, буларнинг барчаси «миллий услуб» тушунчаси «давр услуби»га нисбатан анча ёрқин, ўзига хос сифатлари билан ажралиб турадиган ҳодиса эканини, уни услубшуносликда илмий муомалага киритиш, ҳар

давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда унинг бойиб бориш тадрижини кузатиш ва бу борада назарий умумлашмаларга келиш ўзбек услубшунослиги зиммасидаги вазифалардан биридир деган умумлашма қилишга асос беради. *(Бу борада батафсил маълумот учун қаранг: Ҳ.Болтабоев. Наср ва услуб. Услуб муаммосига назарий нитоҳ. — Т.: Фан, 1992.)*

Бадий нутқ, адабий асарнинг тил жиҳатлари, услуб қаби муаммолар талқинида араб ва форс тилларида яратилган ўнлаб рисоалар қанчалик асқотарли бўлмасин, бу борада илк туркий дoston «Қутадғу билиг»дан тортиб Фитратгача яратилган ўзбек тилидаги адабий манбалар ҳам масалани ҳар томонлама кенг, чуқур ва холис ўрганишда аҳамиятлидир.